


95
581

Р. БОЙТУЛЛАЕВ, Г. ОСТОНОВА



Турфан

МОЗИЙ

ошгар Ния

ДЛЯ ФЛАГИДАН

САХИФАЛЛАР



РАШИД БОЙТУЛЛАЕВ,
ГУЛСАРА ОСТОНОВА

МОЗИЙ
ДЛФТАРИДАН
САХИФАЛАР

*Aхборотлар, тадқиқотлар,
мақолалар*

ТОШКЕНТ–«О'ZBEKISTON»–2010

Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи

Махмуд Сатторов

Тақризчилар:

Сайди Умиров, публицист

Обод Жўрақулов,
тариҳ фанлари доктори, профессор.

Бойтуллаев, Рашид

Мозий дафтаридан саҳифалар: ахборотлар, тадқиқотлар, мақолалар / Р. Бойтуллаев, Г. Остонова; масъул муҳаррир М. Сатторов. — Т.: O'zbekiston, 2010. — 232 б.

I. Остонова, Гулсара.

Тарихшунос Рашид Бойтуллаев ва шарқшунос олима Гулсара Остоноваларнинг "Мозий дафтаридан саҳифалар" публицистик китобида пойтахт Тошкент ҳамда қадимий ва навқирон шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон, Шаҳрисабз ҳаби она диёримиз манзилларининг узоқ-яқин ўтмиш тарихи, авлод-ажодларимизнинг илм-фан, маърифат-маънавият, қурилиш-архитектура, касб-хунар ва санъат соҳасида эришган улкан ютуқлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади.

Истибоддод йилларида ҳам ўзбек онаси истеъоддли фарзандлар туғиб-тарбиялаб, дунёга бўйлатгани тўпламга кирган ахборот, тадқиқот, мақолалар мазмун-моҳиятини ташкил этиб, этишиб келаётган баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

ББК 65.049(5Ў)

ISBN 978-9943-01-560-9

© «O'zbekiston» НМИУ, 2010

ЎТМИШ ТАРИХИМИЗ ЖОНКУЯРИ

Рашид Бойтуллаев исми-шарифи қулогига кирмаган, кўзига тушмаган одам Ўзбекистонда топилмаса керак. Унинг ўтмиш тарихимиз ҳақидаги мақола ва суҳбатлари республикамизниң барча газета ва журналларида мунтазам босилар, Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси каналларида овози жаранглаб туар эди. Мамлакат Миллий кутубхонасининг абадий "ўқувчиси" бу қалин қорақошли, истараси иссиқ одам илм ва ижод билан машғул бўлган кейинги 4—5 авлоднинг таниши, дўсти, устози эди.

Мен Рашид акани Китоб туманидан биламан. У асли Кримда таваллуд топган қардошларимиздан бўлиб, 5—6 ёшларида Сталиннинг қаттол сиёсати туфайли ватангандоликка маҳкум этилган жафокаш қавмларимиздан эди. Ёш Решат Китобдаги болалар уйида ўсиб-улғайди. Армия сафида хизмат қилди. Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини имтиёзли диплом билан тугаллади. Китобдаги Нодира номли ўрта мактабда тарих муаллими бўлиб юргита танилди. Самарқандлик курсдоши Гулсара Остонова билан турмуш қуриб, 1966 йили Тошкентга келиб, илм олишни давом эттиридилар. Ўзининг ярим асрлик ижодий фаoliyati давомида кўплаб муҳим аҳамиятга эга бўлган нодир ижод намуналарини кенг халқ оммасига тақдим этган бу азиз инсон 2008 йил 71 ёшида вафот этди.

У қўним топган шахри Тошкентни севарди. Шаҳарнинг ҳар бир кўчаси, биноси, маданият ўчоқларини кўз қорачи-ғидек авайларди. Тошкентда яшаб, ижод қилаётганидан фахрланарди.

Мушфик рафиқаси Гулсара Остонова ҳам тарихчи олима, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик инс-

ти тути катта илмий ходими. Улар икки фарзанднинг отонаси, олти невараванинг бобою бувиси бўлиш баҳтига мусасар бўлдилар. Янга ҳам том маънода жуфти ҳалолининг ҳаётда, ижодда, илмий фаолиятида доимий ҳамроҳи. Кўпроқ тарихимизнинг таназзул даври — уч хонлик босқичини чукур ўрганиб, илмий-оммабоп тадқиқотлар олиб боради.

Бу оила ўз фарзандлари ҳамда жамиятда таълим-тарбия иши билан фаол шуғулланиб, кўплаб ёшларга сабоқ берган, улар тарбиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этиш билан бирга биз каби кўплаб ижодкор, ношир, ёзувчи, журналистларни бевосита "боқиб" тарбиялаган, ота ўрнидаги устозлиги сабаб бу зот руҳи поки олдида биз умрбод қарздор, бурчдормиз.

Ўзи етимлиқда ўсган Рашид ака камбағалу истеъдодли ёшларни қидириб топиб, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиб, ҳаётга, илмга, адабиётга, журналистикага кириб келишида елка тутарди. Биз бир гуруҳ ижодкорлар 70-йиллардан эътиборан Рашид Бойтуллаев ҳаёт ва ижод мактабида ўқиб, камол топган, бу беминнат хонадоннинг тузини ичғанлармиз: ФуломFaфуров, Суннат Аҳмедов, Ботир Норбоев, Нормўмин Очилов, Бобохон Шарипов, Истам Усмонов, Мурод Абдуллаев, кейинроқ Юсуф Ҳамдамов, Чори Латиф, Азамат Суюнов... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин, бевосита Рашид Бойтуллаев мактаби ўқувчилари ҳисобланамиз.

Олимнинг Ўзбекистон тарих илмида қандай ҳиссаси бор? Бу саволга жавоб топиш учун зиёлимизнинг ўзигагина хос бўлган фидойи ватанпарварлиги, миллатпарварлик хусусиятидан келиб чиқмоқ керак. У ўзининг ва ўзи каби минглаб мусоғирларнинг бошини силаган ўзбек ҳалқи, бу ҳалқнинг юксак заковати олдида мудом таъзимда эди. Жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса кўшган, олий маданият соҳиби бўлган элнинг 130 йил давомида колониал тузум қурбони сифатида мутелик ва хор-зорликда яшагани жонкуяр тарихчининг иззат-нафсини қўзғаганлиги боис, айнан шу — Россия империяси зуғумини тотиб келган ҳалқимиз тарихи, шу қарамалик даври Рашид Бойтуллаев илмий-ижодий изланишларининг бош манбай ва мавзуи бўлди.

Ўша қора кунлар, зулмат ичида ўтган ҳаёт, истибдод йилларида ҳам — ўзбек онаси алломаларни туғиб-тарбиялагани, фарзандлар ҳунару меҳнатни санъат даражасига кўтариб, ҳалқаро нуфузли кўргазмаларда олтин медаллар олгани, ҳарифлари бу қавмни ёппасига саводсиз оломон сана-ғанларида ҳам ўша инқироз йилларида мадрасаларда олий тоифали илм-ижод, диний маърифат вакилларини етиштириб, авлодлар қонида маданий руҳоний эътиқод унсурларини ташиб ўтгани ўзбекпарат тарихчи олимнинг ахборот, тадқиқот, мақолалари мағзини ташкил этарди.

Мен шахсан Рашид акани яқиндан билган одам сифатида яхши қўриб, юксак ҳурмат қилғанлигимнинг сабаби, аслида жафокаш қрим-татар ҳалқига бўлган катта ҳурматим нишонаси эди. Тарих қонуниятининг шафқатсизлигини қарангки, ота-боболари, улуғ аждодларидан ота макон, ер-сув, бой тил, маданият, урф-одат, олийжаноб анъаналар, бебаҳо қадриятлар мерос бўлиб қолган ўзбек ҳалқи ўз ватанида туриб, бу миллий бойликларини босқичма-босқич киши билмас йўқотиб, ягона тилли "совет ҳалқига" айланиб бораётган эди.

Шу тарихий жараёнда ўз ватанидан мосуво қилиниб, Марказий Осиёга сочиб юборилган бир чанглгина қрим-татар ҳалқи ўз тили, урф-одатлари, тўю ўлим маросимлари, миллий менталитетини йўқотмай, аксинча, сургун шароитида бўлса ҳам уни бойитиб, айни пайтда ўз миллий мустақиллиги, она-Ватани учун курашиб, ҳар йили 18 октябрни — Ватанидан кўчирилган қора кунини — нишонлаб, озодлик юришлари ўтказарди. Кайвонилари Марказий Осиёда туғилиб-ўсган кейинги авлодларини маҳаллий ҳалқнинг миллий анъаналарига катта ҳурмат сақлаб, ўрганиб-ўзлаштирган ҳолда бир дақиқа бўлса-да, ўз миллий мустақиллигини унутмасликка чақирав, "аралаш оиласлар" денгизида қрим-татар ҳалқининг йўқ бўлиб, чўкиб кетишидан хавотирда яшашарди...

Катта ва орқайин ҳалқ, биз ўзбекларга европача комфорт шароитли уй-жой қуриш, уни ҳашамлаб, эмин-эркин истиқомат қилиш, помидору булфор қалампирининг қўчат ниҳолидан тортиб, сербарака ҳосилигача мунтазам етиштириш орқали ҳалол даромад топиб, фаровон турмуш кечириш сирини ўзи ибрат бўлиб ўргатган ҳам шу ўзбеклашган

қрим-татар халқи эди. Қрим болалар қайсики чекка туман мактабларида таҳсил кўришмасин, ўз синфининг билим-дон-аълочи ўқувчилари эдилар. Катталари халқ хўжалигининг қай бир соҳасида фаолият кўрсатмасин, ўз ишининг устаси, ишбилармон, тадбиркори бўлдилар...

Рашид Бойтулаев мана шу оға-ини икки халқнинг фарзанди эди. Мен сабабини билмайман, босқинчи, зўравон давлатнинг расмий ҳужжатига эгалик қилишни ўзига ор билдими, шўнча илму заковатига қарамай, бир академикнинг интеллектуал юкини кўтариб юрса-да, бу одам фан доктори ҳам, ҳатто номзоди ҳам бўлмади. Одми тарих муаллимилигича ўтиб кетди. Бўлмасам, Совет даврида босилган Ўзбек Совет энциклопедиясида мамлакатимиз тарихи бўйича Рашид Бойтулаевнинг 200 дан ортиқ илмий мақоласи бор. Мустақиллигимизнинг дастлабки 10 йиллигида ёқ яратилган Миллий Энциклопедиямизда эса олимнинг 100 дан ортиқ мақоласи чоп этилган. Қайси доктор, академигимизда шўнча илмий маҳсулот бор?!

Рашид ака олий тоифали ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси, кўп бора таклиф қилинганига қарамай, тарихдан олий ўқув юртлари, мактаблар дарсликларига муаллифликни қабул қилмади. Умуман умрида бирор китоб ёзиб, чоп эттирмади. Ушбу тўплам муаллифнинг рафиқаси Гулсара Остонова ташаббуси билан чоп этилаётган илк китобидир. Энди мулоҳаза қилиб кўрсам, Совет даврида дарслик ёзадиган муаллиф албатта ёлғон гапириши, тарихни бузиб кўрсатиши талаб қилинарди. Бир умр ўзини таникли тарихчи олим Ҳамид Зиёевнинг шогирди, "аспиранти" санаб ўтган Рашид Бойтулаев соҳтакорлик, қалбакиликни ҳазм қилолмасди. Ёлғон гапира олмасди, инчунин, ёза олмасди.


Мұхтарам замондош! Рашид Бойтулаев ва умр йўлдоши Гулсара Остоноваларнинг ўzlари каби камтарин, аслида фидойи қалби акс этиб турган ушбу китобни ўқиб, жонкуяр тарихчиларимизнинг мамлакатимиз қора ўтмишида ҳам нурли саҳифалар ёритилган мақолаларидан баҳраманд бўлинг. Улар аждодларимиз руҳи покларини шод қилганлари каби Сиз ҳам бу зиёли оила ҳақларига дуолар қилинг...

*Махмуд САТТОРОВ,
публицист.*

Бириңчи қисм

Рашид Бойтуллаев

**АХБОРОТЛАР,
ТАДҚИҚОТЛАР,
МАҚОЛАЛАР**



Биринчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАДИМИЙ ШАҲАР ВА ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИ

ХОРАЗМ ҚАЛЪАСИ

Хоразм воҳаси Марказий Осиёдаги энг қадимги маданият ўчоқларидан ҳисобланади. X аср араб сайёҳи ва географ олими ал-Муқаддасий Хоразмни таърифлаб: "Бу жуда кўп шаҳарларга эга бўлган, ёппасига обод, кенг ва муҳташам бир ўлқадир..., одамлари зукко-зийрак, билимдон, истеъодли ва маърифатлидирлар" деб ёзган эди.

Ҳа, Хоразм — маданият ўчоғи, меъморчилик ривожланган бир макондир. Бу ерда ўтмишнинг турли даврларида қурилган меъморий бинолар, тарихий обидалар кўп. Воҳанинг Бургутқалъя, Жонбосқалъя, Аёзқалъя, Қизқалъя, Тупроққалъя каби ўнлаб қалъалари қаторида машхур Кўйқирилганқалъаси ҳам ўзининг бой ўтмиши, қурилиш услуби тарихи, биноларининг тузилиши ҳамда бу ердан топилган турли хил тарихий осори атиқалари жиҳатидан ажралиб турди. Бу қалъя милоддан аввалги IV аср ҳамда милодимизнинг IV асрларига доир ёдгорлик бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳридан 22 километр шимоли-шарқда жойлашган. Бу қалъя шаҳарчаси ва ундаги бинолар Хоразмнинг моҳир бинокор усталари томонидан қурилган.

Кўйқирилганқалъанинг атрофлари баланд ва мустаҳкам пахса девор ҳамда кенг ва чуқур хандақ билан ўралган. Ўз даврида бу баланд деворнинг айланасида бир-биридан чамаси 18—26 метр масофада 9 та минораси бўлган. Қалъя ичида шаҳарча жойлашган бўлиб, унда кўплаб бинолар, тураржойлар ва бошқа мақсадларда фойдаланилган катта-кичик бинолар тартиб билан қурилган. Умумий кўриниши ҳалқасимон бўлган бу шаҳарчанинг марказий қисмини ду-малоқ шаклдаги саҳн ташкил этган. Унинг атрофида диаметри 31 метр бўлган, Арк деб тахмин қилинган айланана

тарзидаги иморат жойлашган. Аркнинг ташқи девори эса хом фиштдан курилган бўлиб, диаметри 40 метрга яқин мунтазам 16 бурчакдан иборат. Кўрғон, яъни ҳукмдорнинг саройи, айлана доирасининг қоқ ўртасида, ташқи девордан тахминан 15 метрча ичкарида қад кўтарган.

Ушбу доиранинг диаметри 44,5 метр, деворининг баландлиги 9,5 метр келади. Ташқи мудофаа деворининг қалинлиги эса бир метрни ташкил этган. Ташқи девор билан ички девор орасидаги 2 метру 8 см. кенгликдаги кўндаланг деворлар ёнида кўргонни қўриқлаб турувчилик ҳамда маҳсус лашкарлар учун жой ажратилган. Хуллас, Қўйқирилган-қалъанинг атрофи икки қатор мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинган. Девор учун лой олинган жой кейинчалик қалъя атрофини ўраб турган мудофаа иншооти — хандаққа айлантирилиб, сув билан тўлдирилган. Хандақнинг эни 15 метр, чукурлиги 3 метрни ташкил этган. Қалъанинг шарқий қисмида соқчилар назорат қилиб турадиган мустаҳкам ва баланд дарвоза жойлашган.

Қўйқирилган-қалъанинг қурилиш услуби, тузилишига келсак, умумий кўриниши ҳалқасимон айлана бўлган бу шаҳарнинг марказий қисмини думалоқ шаклдаги саҳн ташкил этади. Қалъя хом фишт ва пахсадан тикланган бўлиб, унинг қалинлиги бир метрдан ошироқ ва баландлиги 7 метрга яқин бўлган. Қўйқирилган-қалъя ўзининг 18 қиррали айлана девори билан ажралиб турган. Қалъанинг қуёшга ўхшатиб доира шаклида қурилиши қадимги хоразмликларнинг қуёшга сифиниб келганликларидан гувоҳлик беради. Қўйқирилган-қалъадаги 6—7 метрли деворлар орасидан кўкка қараб қия тарзда қурилган деразалар бинонинг биринчи қаватидан туриб осмон гумбазининг фақат маълум йўналишидаги ёритгичларини маҳсус кузатишга мўлжалланганлигини қадимшунос олимлар аниқлаганлар. Астроном олимларнинг фикрига кўра, Қўйқирилган-қалъя "улкан расадхона" вазифасини ҳам бажарган. Бу ердан туриб юлдуз ва сайёralар ҳаракати кузатилган.

Хулоса қилиб айтганда, қадимий Қўйқирилган-қалъя Хоразм давлатининг милоддан аввалги IV аср ва милодий IV асрга доир обод ва маданияти гуллаган, ҳунар ва савдо ривожланган шаҳарчаларидан бири бўлган. Қўйқирилган-қалъя

шаҳарчаси харобалари кўпдан бери тарихчи, қадимшунос, элшунос ва санъатшунос олимларнинг дикқатини ўзига тортиб келмоқда. Қадимшунос олим, профессор Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография илмий экспедицияси 1938 йили бу тарихий жойни биринчи марта рўйхатга олган эди. Хоразм воҳасининг ўтмиш тарихидан ҳикоя қилувчи бу қалья асосан XX асрнинг 30—40-йилларидан бошлаб ўрганишга киришилди. Кўйқирилганқалъани ўрганишда Москва ва Петербург олимларидан ташқари, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих, археология ва санъатшунослик институтининг олимлари ҳам қатнашдилар.

Кўйқирилганқалъя харобаларининг олимларимиз томонидан қазиб ўрганилиши натижасида бинонинг девор қолдиқлари, унинг пахса лойдан қурилганлиги, хоналар ва улар тузилиши ҳамда бошқа қурилмаларни аниқлашга эришилди. Шунингдек, бу ердан айланга шаклида қурилган мустаҳкам ибодатхона қолдиқлари ҳам топилган. Кўйқирилганқалъадан олимларимиз милоддан аввалги IV—III асрларга мансуб баъзи бир ёзув намуналарини ҳам топғанлар. Жумладан, оромий хатига асосланган Хоразм ёзуви топилган. Қазиш вақтида топилган сопол тобутлар қўйқирилганқалъаликларнинг дағн қилиш урфодатлари қандай бўлганлигидан гувоҳлик беради. Кўйқирилганқалъани қазиш ва ўрганиш натижасида хона деворларидағи рангли нақшлар, хона ичидаги сопол тобутлар, меҳнат ва ов қуроллари, кундалик уй-рўзгор буюмлари, эркак ва аёлнинг сопол ҳайкалчалари, турли хил расмлар солинган ёғидишлиари, нақшинкор сувдонлар, дастаси фил ёки от бошига ўхшатиб ясалган хум ва кўзалар, бадиий жиҳатдан қимматли бўлган ёзувли ва нақшли сопол парчалари ва бошқа тарихий осори атиқалар кўплаб топилган.

Топилмалар орасида от, тия ва шу сингари ҳайвон ҳамда күшларни тасвирловчи расмлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Қадимшунос олимларимиз қалья атрофидан сугориш иншоотлари, сопол сув қувурлари, меҳнат қуролларини ҳам топишган. Бу ноёб топилмалар эрамиздан аввалги IV асрга тегишли бўлиб, булар қалья аҳолиси ҳўжалик ва маданий ҳаёти тарзини тасвирлашга имкон яратади. Сополдаги ёзувлар эса қадимий хоразмликларнинг тили ва ёзуви ҳақида қимматли маълумотлар беради.

ТОШКЕНТНИНГ ЎН ИККИ ДАРВОЗАСИ

Президентимиз пойтахтимизнинг Гавҳар ва ал-Хоразмий кўчаларини ўзаро боғловчи кўприкнинг очилиши маросимида қатнашиб, нуроний отахонларга қадимда мавжуд бўлган Тошкентнинг ўн икки дарвозасини рамзий маънода бўлса-да тиклаш зарурлигини, бу нарса келажак авлодларимиз учун эсдалик бўлиб қолишини алоҳида таъкидлайдилар. Бинобарин, Мустақиллик шарофати билан пойтахтимиз дарвозаларини тиклаш борасида хайрли қадамлар қўйилди: Самарқанд дарвоза кўчасида Самарқанд дарвозасининг шарқона арки бунёд этилди. Бу борадаги ишларни яна давом эттириш зарурлигини Юртбошимиз уқтирганликларида ҳам катта маъно борлигини ҳаммамиз ҳис қилиб турибмиз.

Тошкент Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўрта Осиёning қадимий сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий марказларидан бири бўлган. Унинг тарихи узоқ ўтмишдан бошланади. Археологик текширишлар шундан гувоҳлик беради. Асрлар давомида шаҳар кўчманчи қабилалар хужуми, қўзғолонлар, ўзаро урушлар ва босқинчилик хужумлари натижасида бир неча бор вайрон бўлган ва қайта тикланган. Шаҳар муҳим географик ўринда — Шарқ ва Фарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ йўлида жойлашганлиги туфайли бу ерга ҳар йили юзлаб-минглаб савдо карvonлари келиб турган. Бу эса Тошкентнинг етти иқлим туташган масканга айланishiга сабаб бўлган.

Ана шундай бир пайтда шаҳар худудини кенгайтириш, ободончилик ишларини амалга ошириш, шаҳарда тинчлик, осойишталик ўрнатиш ҳамда ташқи хавф-хатардан аҳолини ҳимоя қилиш учун шаҳар мудофаасига катта эътибор берилган. Шу мақсадда Тошкент атрофи баланд ва қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

Ўтган асрда шаҳар деворининг умумий айланаси 14 километрга етган. Деворнинг орқасида чукур хандақ қазилган. Хуллас, Тошкент ўша вақтда чинакам қалъя шаҳарга айланган. Шундай қилиб, қадимдан Ўрта Осиёдаги бутун воҳалар, шаҳарлар қалин ва баланд мудофаа девори билан ўраб олинган бўлиб, уларнинг катта йўлларга туташ жойларида

дарвозалар бўлган. Ҳар бир катта шаҳарнинг бир нечтадан дарвозаси бўлган.

Дарҳақиқат, шаҳар, қалъа дарвозалари замона зайдига, ҳоким ва хонлар майлига қараб қурилган, ўзгартирилган.

Қадимдан ҳалқимизда бир нақл бор — "Шаҳар бедарвоза эмас". Ҳа, худди шундай, юртимиздаги қадимий шаҳарларнинг ҳар бирининг маълум миқдорда ўз дарвозаси бўлган. Тошкентда ҳам дарвоза — шаҳарга кириш ва чиқиш учун ҳамда душман ҳужумидан мудофаа қилиш мақсадида шаҳар қалъа деворининг муайян жойларида қурилган.

Тошкентда дарвозалар X асрда шаҳар кенгайиши билан карvon йўллари ўтаетган жойларда курила бошлаган. Шаҳар худуди кенгайган сари деворлари ҳам сурилиб, дарвозалар сони ҳам орта борган. Шаҳар X, XV, XVI асрларда ўз худудини кенгайтира борган. Демак, дарвозалар сони вақт ўтиши билан ўзгариб турган.

Тошкентлик XIX аср тарихчисининг "Тошкентнинг янги тарихи" ("Тарихи жадидайи Тошканд") асарида шаҳарнинг 12 та дарвозаси борлиги ва бу дарвозалар XIV аср охири ва XV аср бошларида ҳам мавжудлиги айтилган. Шундай қилиб, XIX асрнинг ўрталарида ҳам Тошкентнинг 12 та дарвозаси бўлиб, улар Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чифатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўймас, Кўқон; Қашқар деб номланган ҳамда улар орқали ташқаридан шаҳарга қурилган ва чиқилган. Ҳар бир дарвозадан жинкўчалар тармоқланиб кеттан. Шаҳар дарвозалари номлари йўналишларга кўра қўйилган. Масалан, Самарқанд йўналишидаги дарвоза Самарқанд дарвоза деб юритилган.

Ўша вақтда ҳар бир дарвоза мудофааси шу дарвозага яқин маҳаллада яшовчи аҳоли зиммасига юклатилган, маҳалла, ўз навбатида, унда яшовчи қабила ёки уруф номи билан аталган. Масалан, Қўймас дарвозасини Қўймас уруфи, Кўқон дарвозасини Қиёт уруfiga мансуб кишилар, Қорасарой дарвозасини Қорасарой уруfiga мансуб кишилар мудофаа қилишлари зарур деб ҳисобланган.

Шаҳар дарвозаси ҳар куни қоронғи тушиши билан ёпилган, эрталаб тонг сахарда очилган. Ёпиқ дарвозани ҳеч ким очишига ҳаққи бўлмаган, фақатгина фавқулодда ҳодиса бўлиб

қолса, ўшанда ҳокимнинг маҳсус фармойиши билан очишга рухсат берилган. Дарвозалар устида маҳсус қоровулхоналар, йўлакларда эса қатор хужралар, емакхона ва ётоқхоналар қурилган. Дарвозалар улкан ва қаттиқ арча ёғочларидан ясалиб, устига металл қопланиб, турли нақшлар билан бе-затилган. Дарвозаларнинг юқори қисми панжарали бўлиб, бу ердан атрофни кузатиб турганлар. Дарвозалардан от ва туялар, юк ортилган аравалар, бутун бошли карвонлар кириб чиққан. Ҳар бир дарвоза ёнида шаҳарга кирувчи ва чиқувчи от-арава ва юк ортилган туяли кишиларни қайд қилиб турувчи закотчи бўлиб, закот олиб турган, яъни божхона бўлган.

Дарвозалар олдида йирик амалдорларни кутиб олиш ма-росимлари ҳам ўтказилган. Тошкент дарвозаларидан ташқари яна бир яширин йўл бўлиб, у Тешикқопқа дейилган. Тешикқопқа ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб, дарвоза ўрнига девор тусидаги катта намат ёпиб қўйилган. Ёв босгандা шу ердан отлиқ аскарлар қўққисдан чиқиб бориб, душманга кутилмаганда зарба берган.

Тошкент шаҳри чоризм қўшинлари томонидан (1865 йил июнь) истило қилинганидан кейин, янги шаҳарни қуриш баҳонаси билан унинг қадимий мудофаа деворлари ва дарвозалари "фойдасиз" деб бузиб ташланган. Тошкентнинг ўтмиш тарихи, жумладан, девор ва дарвозаларини ўргангандекашунос олим А.И. Добросмислов: "Эски Тошкентнинг девор ва дарвозаларининг кўп қисми нураб бўлган, қолганлари ҳам бузилиб тамом бўлмоқда", — деб ёзган эди XX аср бошида ўзининг "Тошкент ўтмишда ва ҳозирда" номли китобида.

Шундай қилиб, XIX асрнинг 90-йилларига келиб, шаҳар ҳудуди кенгайтирилиши билан унинг узоқ аждодлари миздан мерос бўлган, даврдан-даврга ўтиб келаётган қадимиий мудофаа деворлари ва дарвозалари "кераксиз" деб вайрон қилинди, дарвозаларнинг номигина қолди, холос.

Дарвозалар калитсиз бўлмаган, албатта. Ҳар бир дарвозанинг ўз номи ва ясалган йили ёзилган калити ва бир жуфт темир ҳалқаси бўлган. 1865 йилнинг июнида чоризм қўшинлари томонидан Тошкент истило қилинганидан кейин, подшо хукуматига тобелик рамзи сифатида 12 та рам-

зий олтин калитлар тошкентлик заргар Абдураҳмон томонидан шошилинч ясалиб, подшо маъмурларига топширилган ва Петербургта олиб кетилиб, ҳарбий музейда узоқ вақт сақланган.

Бу олтин калитлар ҳақиқий темир калитлардан анча кичик бўлиб, унинг узунлиги 16 сантиметр, оғирлиги эса 165—167 граммни ташкил этган.

1933 йилнинг 14 июнида бу калитлар Тошкент тарихини ёритувчи қимматли ёдгорлик сифатида ўз эгаси Ўзбекистонга қайтариб берилди. Ҳозирги вақтда Тошкент ўтмишининг гувоҳи бўлган тарихий олтин калитларнинг ўн биттаси Мустақил Ўзбекистонимиз давлат банкида, биттаси эса Ўзбекистон тарихи музейи фондида эҳтиёткорлик билан сақлаб келинмоқда.

Тошкентимизнинг ўтмиш тарихини эсласак, кўз ўнгимизда унинг баланд ва мустаҳкам мудофаа деворларию жарангдор олтин калитли дарвозалари намоён бўлади. Афсуски, энди буларнинг биз учун фақатгина номи сақланиб қолган, холос. Уларни қайта тиклаш имкониятлари қидирилаётгани, республиканизнинг айрим вилоят ва туман худудларига кириб боришда улкан ва гўзал рамзий дарвозаларнинг қурилганлиги кишини қувонтиради, албатта. Бу мустақиллигимизнинг улуғвор нишонасиdir.

ОБОД МАНЗИЛГОҲ ЁКИ ҚАДИМИЙ ВАРАХША ШАҲРИ ТАРИХИ ХУСУСИДА

"У Бухоро шаҳридан қадимиyroқdir, у подшоҳлар турадиган жой бўлиб, мустаҳкам ҳисорга эга бўлган. Чунки подшоҳлар уни бир неча марта мустаҳкамлаганлар. Унинг Бухоро шаҳрининг девори сингари девори ҳам бўлган. Варахшанинг ўн иккита ариғи бор. Бу қишлоқ Бухоро деворининг ичкарисида жойлашган. Унда обод бир қаср бўлган, шундайки, гўзалликда уни намуна қилиб кўрсатар эдилар. Уни Бухорхудот бино қилган бўлиб, қурилганига минг йилдан ортикроқ вақт ўтган".

(Наршахийнинг "Бухоро тарихи" китобидан).

Буюк ипак йўлида жойлашган, бир замонлар маданият ва санъат, меъморчилик, хунармандчилик ва савдо ривожла-

ниб, гуллаб-яшнаган қадимий Варахша шаҳри кейинчалик инқирозга учраб, харобага айланган. Бугунги кунда қадимий Варахша шаҳри харобаси Бухородан 40 километр шимолигарбда, Даши Урганжи қўлининг қадимги Ражфандун воҳасида жойлашган. Варахша вайроналари жойлашган худуд 9 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, баландлиги 10—20 метрлик улкан тепалик шаклида бизгача сақланиб қолган.

Варахша милоддан аввалги II асрда бир-бирига туташган бир нечта истеҳкомли қишлоқлар тарзида қад кўтарган. Ўша вақтларда шаҳар ва унинг атрофлари баланд ва мустаҳкам девор билан ўраб олинган.

Девор йирик хом гиштдан тикланган ва баландлиги 2 метр атрофида бўлган. Унинг девори ва буржларида нишон туйнуклари бўлган. Варахшада Бухоро ҳокимлари — бухорхудотларнинг ёзги муҳташам саройи бўлган. Шунингдек, бу ерда кўплаб тураржой бинолари ҳам жойлашган. Милоддан аввалги II—I асрларда ва милодий I—II асрларда Варахша ва унинг атрофларида маданий ҳаёт гуллаб-яшнаган.

Баъзи сабаблар, хусусан, сувсизлик туфайли III—IV асрларга келиб Варахша шаҳри таназзулга учраган. V аср охири — VI аср бошларида суғориш тармоқлари қайта тикланиб, Варахша ва унинг атрофлари яна обод бўлади, гуллаб-яшнайди. Бу даврга келиб, шаҳар атрофи қайтадан мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинади, унинг жанубий қисмида эса Арки аъло ва қасрлар бунёд қилинган. Ана шу даврдан бошлаб Варахша Бухоронинг феодал ҳокимлари — бухорхудотларнинг асосий қароргоҳига айланган. Шунингдек, Варахша шаҳри ва унинг атрофларида янги тураржойлар, боғу роғлар, суғориш иншоотлари, экинзорлар барпо этилиб, янада ободонлаштирилган. Бухоронинг X аср тарихчиси Абу Бакр Мұҳаммад ибн Жаъфар Наршахий Варахша қишлоғидаги қадимги ободончиликни тасвирлар экан, ҳудуднинг 12 та канал орқали суғорилганлиги тўғрисида ёzáди.

Шундай қилиб, XI—XII асрларда Варахша шаҳрининг ҳудуди анча кенгайиб, энига 6 километрни ташкил этган. Бухоро ва Хоразм оралиғидаги Буюк савдо карvon йўли Варахша орқали ўтганлиги боис ҳар йили бу ерга юзлаб, минглаб савдо карvonлари келиб турган.

Ўрта аср араб географ олимлари, сайёҳлари ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқаллар ҳамда бухоролик тарихчи Наршахий-нинг маълумотларига қўра, ҳар 15 кунда Варахшада бир кунлик бозор сайли — Наврўзи Кашоварзон, яъни дехқонлар янги йили ўтказилган.

Афсуски, XII асрда Варахша воҳасидаги ҳаёт тўсатдан номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолган. Вайронага айланган Варахша тарихи асрлар давомида ўрганилмай қолиб кетган.

XX асрнинг 30-йилларига келиб, хусусан, 1937—1939 ҳамда 1947—1954 йилларда қадимшунос В.А. Шишкин, 1975—1977 йилларда А.Муҳаммаджонов, 1977—1979 йилларда О.Б. Оболченко, 1987—1990 йилларда қадимшунос олима Г.В. Шишкиналар Варахша шаҳри ва унинг атрофларини илмий асосда текшириб ўргандилар.

Аркнинг шарқий қисмида томи равоқсимон гумбаз тарзida ёпилган узун йўлаксимон хоналар — навкархона ва дарвозахона мавжуд бўлган. Аркнинг марказида жанубий томони мудофаа деворига ёндашган Варахша ҳукмдорининг муҳташам саройи жойлашган. У шарқий ва гарбий меҳмонхона ҳамда Қизилхона залларидан иборат бўлган. Сарой гарб томонидан уч равоқли ганчкор устунлар ўрнатилган ҳашаматли пешайвон билан ўралган. Айвон равоқларининг устунлари ва тоқилари ганчкор қабартма тасвиirlар ҳамда турли хил гириҳлар, яъни мураккаб геометрик щаклларнинг такрорланишидан иборат нақшлар билан безатилган.

Саройнинг Қизилхона ва шарқий меҳмонхона деворлари майдо сомонли лой сувоқ устидан юпқа ганч сувоқ қилиниб, деворий расмлар қизил, сариқ, кулранг, қора, зангори, пушти ва жигарранг бўёқлар билан бўялган. Уларда турли хил манзаралар, фил минган шаҳзода ва чокарларнинг олд ва ортдан човут солган қоплонлар билан олишуви, қайрилиб нишонга камондан ўқ узаётган от устидаги чавандоз, қанотли тия шаклидаги олтин таҳтда ўтирган ҳукмдор тасвиirlанган. Шарқий меҳмонхона деворида тиз чўкиб қўлида қадаҳ тутган малика, белида шамшир, бир қўлида қисқич ушлаган подшоҳ, ўртада вазасимон оташгоҳда ёниб турган муқаддас олов, оташгоҳдан ўнгда белига ханжар тақилган шаҳзоданинг тиз чўкиб ибодат қилаётган тасвири

ёки совут ва дубулға кийган, қўлларида найза, қалқон ушлаган суворийларнинг жанг қилаётгани, шунингдек, бутазор, тўқай ичидаги ов манзараси акс этган.

Қазиб ўрганиш вақтида ушбу манзилгоҳдан бой ва ўрта ҳол кишиларнинг уй-жойлари қолдиқлари топилди ва улардаги ганч ва ўйма безаклар, бўёқлар чукур ўрганилди. Қазиш вақтида ганчдан жуда моҳирлик билан ясалган аёл қалласи, архар расми, шунингдек, бино деворларидан оқ фил минган, найза, шамшир ва арқонлар билан куролланган аскарлар тасвири ва уларнинг ҳайвонлар ҳамда қанотли аждаҳолар билан жанг қилишлари, филлар, белигача яланғоч аскарлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган ҳар хил безаклар ва бошқа тарихий буюмлар топилган.

Қолаверса, бу ердан турли даврларда зарб этилган тангалар ҳам топилган. Эътиборлиси шундаки, биз юқорида тасвиrlаган расмлар ажойиб тасвирий ёдгорликлар бўлиб, Ўрта Осиё ҳалқлари қадимий юксак маданиятининг ёрқин намуналаридан ҳисобланади.

ЕТТИ ИҚЛИМ ТУТАШГАН МАНЗИЛ

Бухоро ўзининг кўп асрлик тарихи давомида Ўрта Осиё минтақасининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган. Шу билан бирга Бухоро қадимдан йирик ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири ҳисобланиб келади. Ўзининг турли нафис ва пишиқ ҳунармандчилик маҳсулотлари билан азалдан Шарқ ва Фарбда маълум ва машҳур. Бухоро ҳунармандлари тайёрлаган ип-газлама, шойи ва жундан тўқилган гўзал буюмлари, зардўзлик ва заргарлик зеб-зийнат буюмлари Шарқда қадрли ҳисобланниб, унинг харидорлари кўп бўлган.

Бухорода айниқса, ўрта асрларда гиламлар, шолчалар, дарпардалар, ёстиқ жиллари, жигарранг жойнамозлар ва устки кийимлар кўплаб тикилган. IX—X асрларга келиб, Бухорода кулолчилик, тўқувчилик, заргарлик, кўнчилик, бўёқчилик ва бошқа ҳунармандчилик соҳалари ривож топади.

Тўқимачилик фақат шаҳарда эмас, балки қишлоқларда ҳам яхши йўлга қўйилган. "Бухоро тарихи" китобининг муал-

лифи Наршахийнинг ёзишича, Бухоронинг Зандана қишлоғида аъло сифатли бўз тўқувчилар бисёр эди. Улар тўқиган матоларнинг Бағдод, Хурросон, Сурия, Византия, Миср каби мамлакатларда харидорлари кўп бўлган. Бу матоларнинг сифати ҳам шу қадар аъло бўлганки, Наршахийнинг ёзишича, "Бир пардалик матонинг қиймати Бухородаги ерларнинг ҳаммасидан келадиган солиқقا тенг бўлган". Х аср сайёҳи ал-Муқаддасий Бухоро ҳақида маълумот берар экан: "Шаҳар фоят даражада обод, бозорларида қимматбаҳо моллар сотилади, равотдан ўнг тарафга йўл кетади... Ушбу иқлимда бунчалик гавжум ва обод шаҳар йўқдир...", — деб таърифлайди. Яна унинг ёзишича (Х аср), "Бухородан бошқа жойларга майин матолар, жойнамозлар, гилам ва гиламчалар, меҳмонхоналарга ёйиб қўйиладиган матолар, ип ва жундан тўқилган матолар, оху териси, ҳайвонлар мойи, мис чироқдон, от жабдуқлари келтирилган".

Наршахийнинг ёзишича: "Пойкенд аҳолиси ҳаммаси савдогар бўлган, улар Хитой билан ва дengиз орқали бориладиган мамлакатлар билан савдо қилганлар ва фоят бой бўлганлар". Бухоро Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Хитой ва Ҳиндистон билан боғлаган машҳур "Буюк Ипак йўли" устида жойлашган бўлиб, аҳолисининг кўпчилик қисми савдогарлик билан шуғулланган, қадим даврдан бу карvon йўли орқали бўладиган ҳалқаро савдода фаол қатнашиб, шуҳрат қозониб келганлар. Шу боис Бухорои шариф азалдан "Мадинат ут-тужжор", яъни тижоратнинг марказларидан бири сифатида дунёга довруғ таратган. Айниқса, Бухоро ҳукмдори Абдуллаҳон даврида ҳунармандчилик ва савдо ишлари яхши ривожланади.

Абдуллаҳон Бухорода тижорат ишлари ривожи учун барча шароитларни яратиб берган. Карvon йўллари таъмирланиб, савдогарларни талончилардан ҳимоя қилиш учун қўриқчи аскарлар қўйилган, йўл ёқаларида карвонсаройлар, работлар ва сардобалар бунёд эттирган. Айни бир вақтда ҳунармандчиликнинг ривожланишига ва унинг соҳаларини кенгайтиришга ҳам имкониятлар яратиб берган. Ички бозорлар, савдо расталари, усти ёпиқ бўзорлар, яъни тимларни кўпайтириб, ҳар бир ҳунар ва ҳар бир маҳсулотни сотиш учун жой ажратди ва уларнинг сонини кўпайтирди. XVI

асрда Ўрта Осиёга келиб кетган инглиз сайёхи Женкинсон "Бу ерда (Бухорода) ҳар бир ҳунар ўзининг алоҳида ўрнига ва ўз бозорига эга эканлигини ва ҳиндлар Бухородан ипак газлама... Рус савдогарлари эса ипдан тўқилган буюмлар, ҳар хил навли шойи ва газламалар" олиб кетишини ёзади.

XVI—XVII асрларда тўкувчилик, тикувчилик, бўёқчилик, читгарчилик, кулолчилик, заргарлик, зардўзлик, мисгарлик, пўстиндўзлик, этикдўзлик, маҳсидўзлик, темирчилик, қофоз ишлаб чиқариш, ёғоч ва тош ўймакорлиги, наққошлиқ, меъморчилик ва бошқа ҳунар соҳиблари Бухорода машхур эдилар. Айниқса, Бухоронинг талантли заргарлари ясаган олтин ва кумушдан лаъл, ёқут, феруза кўзли нақшинкор узук ва билагузуклари, камарлари, аёллар зебзийнатлари ва бошқа кўплаб бир-биридан гўзал буюмларнинг харидорлари кўп эди ва улар Ўрта Осиё хонликларига ва қўшни Шарқ мамлакатларига чиқарилган.

Бухоро савдогарлари XVI—XVII асрларда савдо-сотиқ алоқаларини олиб бориб, Ҳиндистон, Кашмир ва Қашқарга ипак ва ипак матолари, эчки тивити, чарм, зотли отлар, куруқ ва хўл мевалар олиб борганлар. XVII—XVIII асрларда Шарқ мамлакатларини кезган европалик сайёҳлар Ўрта Осиё, айниқса, Бухорода ипакдан тўқилиб кенг истеъмол қилинган ва четга чиқарилган сифатли, нафис молларни кўриб ўта ҳайратланганлар ва буни ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Жумладан, XVIII асрнинг етмишинчи йилларида Бухорога келган рус сайёхи Ф. Ефремов ўзининг "Ўн йиллик сафар" номли хотиралар китобида, — "Бу ерда зарбоф ва кумуш безакли йўл-йўл атлас, духоба, майсалар тасвири туширилган йўл-йўл нимшойи газлама ва бошқа хилма-хил газламалар тўқийдилар", — деб ёзган эди.

Абдуллахон тими 300 йилдан ортиқроқ давр мобайнида ипак ва ипак буюмлар бозори сифатида Шарқда шуҳрат қозонган. Шундай қилиб, Бухоро XVI—XIX асрларда ички ва ташқи савдонинг йирик марказларидан бири ҳамда Шарқу-Фарбни боғловчи алоқа маркази эди. Бухоро савдогарлари хорижий мамлакатларга пахта, ипак, қоракўл терилари, жун ва жундан тўқилган буюмлар, гилам ва шолчалар, заргарлик ва зардўзлик буюмлари, шунингдек, хўл ва куруқ мевалар элтиб сотганлар. Ана шу тариқа ўрта асрларда Бухо-

ро Шарқ ва Жануб, Шимол ва Фарб билан савдо-сотиқни ривожлантириб, дунё савдогарлари, яъни етти иқлим мамлакатлари туташган, тўпланган бир манзилга айланган.

1795 йилда Бухорода икки қаватли карвонсаройлар бўлғанлиги ва бу ерда савдогарлар учун ҳамма қулайлик мавжудлиги, карвонсаройларда кўп савдогарлар доимий истиқомат қилиб турганликлари ва шу ердан туриб турли товарлар билан савдо қылғанликларини сайёҳлар ёзиб қолдиргандар. Тарихий маълумотларга кўра, 1848 йилда Бухорода 38 та карвонсарой, 9 та тим (усти ёпиқ бозор), шаҳарнинг ўзида 45 та ва унинг атрофларида 22 та бозор бўлган.

Бухоро шаҳрига ҳар йили Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳамда қўшни хонликлардан 10—15 минг савдо карвонлари келиб турган. 1815 йилда Бухородан Оренбургга 5838 туюлик 12 та карвон, 1916 йилда 17488 туюлик 32 та карвон ва 1817 йили Троицк, Илецк, Оренбург божхоналарига хивалик ва бухоролик савдогарлар моллари ортилган 3844 туюлик карвон келгани ҳақидаги маълумотлар, юртимизда, хусусан Бухорода савдонинг қанчалик катта ҳаждада бўлғанлигидан далолат беради.

XIX асрнинг бошларида Бухоро Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Кашмир, Қашқар ҳамда Ўрта Осиё хонликлари билан савдо-сотиқ ишларини давом эттирган. Айни бир вақтда Бухоро Ўрта Осиёдаги барча ўлкалар учун ўзига хос бир савдо эшиги ҳам эди. Мана шу имкониятларни ҳисобга олиб, Бухоро ҳукумати савдони янада ривожлантириш ва ундан катта фойда олиш мақсадида карвон йўлларида қулайликларга эга бўлган карвонсаройлар, работ, усти ёпиқ қудуқ ва сардобалар қурдириб, уларнинг ёнида божхоналар очганлар. Бунинг натижасида Бухоро Ўрта Осиёдаги энг йирик ва бой бозорлардан бирита айланган.

Бухоро орқали ҳар йили Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Ҳўжанд, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарлари савдогарларининг 10—16 минг туюда 200—250 минг пудлик турли хил товарлари қўшни мамлакатларга ўтиб турган.

1800 йилда Бухородан Россияга 484 минг сўмлик калава ип, 42 минг сўмлик ип-газлама келтирилиб сотилган. 1801 йилда 20 минг сўмлик пахта, 102 минг сўмлик ошланмаган

(хом) тери, 46 минг сүмлик қоракўл тери, 51 минг сүмлик ип-газлама матолари, 410 минг сүмлик ипак ва шойи буёumlари, 518 минг сүмлик қуруқ майиз ва бошқа маҳсулотларни Россия бозорларига чиқарилганлиги тарихий манбаларда қайд қилинган. Е.К. Мейиндорфнинг маълумотига кўра (1820 й.), Бухоро — Россия савдоси яхши ривожланган бўлиб, Бухородан Россияга ҳар йили 3 минг туяда 10—15 миллион сүмлик ипак ва ипак кимхоблар, зарбоф, зардўзлик буюмлари, атласлар, духобалар, майда гулли читлар, шунингдек, қоракўл терилари олиб бориб сотилган.

1850—1860 йиллар давомида Бухородан Оренбург орқали Россияга 1 миллион сүмлик ип ва ип-газлама буюмлари, ипак, шойи материаллари: турли рангли читлар, гилам ва шолчалар, жундан тўқилган буюмлар чиқарилган ва сотилган. Ўша пайтларда Бухородан Россияга энг кўп жўнатилган хом ашё ва маҳсулотлар асосан пахта, ип-газлама, ипак, қоракўл терилари, қуруқ мева ва майиз бўлган. Агар манбалардаги рақамларга мурожаат қиласидиган бўлсақ, унда 1862—1866 йиллар давомида Бухородан Россияга 1862 йилда 1801697 сүмлик, 1863 йили 2908212 сүмлик, 1864 йили 6105241 сүмлик, 1865 йилда 3231922 сүмлик, 1866 йилда эса 3138945 сүмлик пахта толаси, 1862 йилда 346 минг сүмлик пахта толасидан тайёрланган ип-газлама калавалири, 1863 йилда 458233 сүмлик, 1864 йилда 245433 сүмлик, 1865 йилда 187219 сүмлик, 1866 йилда 38112 сүмлик ип-газлама, шу йиллар ичida 3 миллион 419 минг сүмлик тери ва чарм буюмлари, 777413 сүмлик ипак ва шойи буюмлари, жун ва қуруқ мева ҳамда майиз жўнатилган. 1868—1869 йилларда Россия шаҳарларига 2 миллион 300 минг сүмлик пахта толаси ва ип-газлама, 1 миллион 150 минг сүмлик ипак ва шойи буюмлари, 690 минг сүмлик чарм, пўстин ва мўйна чиқарилган. XIX асрнинг 70—80 йилларига келиб, Бухородан Шарқ мамлакатларига 1,5 миллион дона қоракўл терилари, шойи буюмлари, гилам ва шолчалар чиқарилган. 1871 йили Россияга 127648 сүмлик чит чиқарилган. 1882 йили Бухоро хонлигига қарашли вилоятлардан 1573169 сүмлик, 792477 пуд турли товарлар Россияга чиқарилган. Шулардан энг муҳими ва зарури 755302 сүмлик тозаланган гуруч, 235396 сүмлик шойи, 19128 сүмлик намат, 11425

сүмлик канаус, 29821 сүмлик адрес, 6778 сүмлик сандиқлар бўлган. Булардан ташқари кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган ётик, бош кийимлари, рўмол, тери, мис ва чинни идишлар, чўян қозон ва бошқалар бўлган.

1885 йилда Россияга Бухородан 100 минг парча, турли хил газлама чиқарилган. Бундан ташқари шу йилнинг ўзида Россиянинг турли шаҳрида 603 минг сүмлик ипак, 478 минг сүмлик пахта, 540 минг сүмлик қоракўл териси ва мўйна, 12 минг сүмлик куруқ мева, 62600 сүмлик қўй ичаги, 112700 сүмлик бошқа харидорбоп моллар — жами 1808300 сүмлик товарлар чиқарилган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлирида Бухоронинг пахта толаси, ипаги, қоракўл териси, жун, ип-газламаси, гилам, шолча ва қуруқ меваларига ички ва ташқи бозорларда эҳтиёж орта боради. Жумладан, 1903 йилда 2103878 пуд, 1905 йилда 1492485 пуд, 1906 йилда 1436233, 1907 йилда 1839264 пуд пахта толаси Бухородан ташқи бозорга чиқарилган.

Тарих фанлари номзоди Э. Исматовнинг маълумотларига кўра, Бухородан Ирбит ярмаркасига — 1900 йилда 37 минг сүмлик, 1902 йилда 25 минг сүмлик, 1903 йилда 30 минг сүмлик, жами 1900 йилдан 1916 йилгача, яъни 15 йил мобайнида 2 миллион 700 минг сүмлик қоракўл терилари чиқариб турилган. Бухоронинг Шарқ мамлакатлари билан савдоси йилига 60 миллион сўмни ташкил этган. XIX асрнинг кейинги йилларида Бухоро Ҳинди斯顿га 6 миллион 720 минг сүмлик ипак чиқарган. Агар Бухоро 1850—1860 йилларда четга 50 минг пуд пахта толаси чиқарган бўлса, 1915 йилга келиб унинг миқдори 2 миллион пудга етган. XIX асрнинг 70—80-йилларида ҳар йили Бухоро четга 30—40 минг дона қоракўл териларини чиқарган бўлса, 1911—1914 йилларга келиб, 1,5—2 миллион донага кўпайган.

Бухороликлар ўзининг 2500 йиллик тарихида бадиий ва амалий санъатнинг ноёб асарларини яратганлар. Бу асарлар ҳозирга қадар ўзининг юксак бадиий услуби, гўзаллиги, шакларининг нафислиги, хунармандларнинг талантли санъаткор бўлганлигидан гувоҳлик беради. Энг диққатга сазовор жойи — Бухоро хунар аҳлиниң нозик ва нафис буюмлари фақат сотиш учунгина тайёрланган эмас, балки жаҳон кўргазмаларида намойиш этилиб, юксак тақдирланганли-

гидадир. Жумладан, 1889, 1900-йилларда Париж, 1893 йилда Чикаго, 1906 йилда Милан, 1907 йилда Бордо, 1914 йилда Берлин ва Лондон кўргазмаларида бухоролик усталар, хунармандлар тайёrlаган маҳсулотларга олтин, кумуш, бронза нишонлар, ёрлиқ ва дипломлар берилганлиги уларнинг маҳсулотларига юксак баҳо эди.

Кейинги йилларда Бухоро хунармандлари тайёrlаган зебзийнатлар, заргарлик, зардўзлик, гилам ва шолчалари, кулолчилик буюмлари 1972 йили АҚШнинг Нью-Йорк, Вашингтон, Лос-Анжелес, Чикаго ва Бостон шаҳарларида, 1986 йили Эрон, Ҳиндистон, Туркия ва Японияда ташкил этилган жаҳон кўргазмаларида юксак баҳоланди.

Мустақиллик йилларида Бухорода ҳалқ хунармандчилиги қайта тикланиб, янги мазмун ва шакл кашф этиб, юқори даражада ривожланмоқда. Бухоро хунармандлари ижод қилган нафис санъат асарларига бўлган қизиқиш Франция, Германия, Канада, Эрон, Япония, Ҳиндистон, Туркия, Америка, Арабистон мамлакатларида, айниқса, йил сайин ортмоқда.

Бугунги кунда Бухоро хунармандчилиги маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда кўплаб сотилиши билан бирга жаҳоннинг йирик музейлари залларини ҳам безаб турибди.

— "Ўзбек хунармандларининг бажарган ишларини кўриб ҳайратга тушдим. Зардўзлар, наққошлар, кулоллар, заргарлар санъати мени лол этди. Шу боис ўзбек хунармандчилик санъатини ўзимча кашф қилдим, десам янглишмайман. Келгусида Ўзбекистонга бориб хунармандлар ижодини ўрганиш, уларнинг санъатини Америкада тарғиб этиш ниятим бор", — дейди АҚШдаги хунармандларга ёрдам бериш ташкилоти директори Клея Брет Смит.

Бухоро қоракўл териларининг довруғи қадимдан Шарқ ва Farbda машҳур бўлган. Бугунги кунда ҳам жаҳон бозорида унинг харидорлари кўп. Улар Америка, Франция, Италия, Греция, Германия давлатларицир.

Бухородаги "Омега-Фуре" билан Қоракўл туманидаги "Саховат" савдо ва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятлари ҳамкорлигида "Омега-Қоракўл" қўшма корхонаси қоракўл терисидан тайёrlаб чиқараётган чиройли, ихчам пальто ва пўстинларни жаҳон бозорларида харидорлари йил сайин кўпайиб бормоқда.

САВДОГАРЛАР ШАҲРИ

"Пойкенд машхур шаҳар. Пойкенд аҳолисининг ҳаммаси савдогар бўлган, улар Хитой билан ва денгиз орқали бориладиган мамлакатлар билан савдо қилганлар ва ғоят бой бўлганлар".

Наршахий

Тарихий манбаларда ёзилишича, бу шаҳар қадимда Пойкенд номи билан шухрат топган. X асрда яшаган бухоролик тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" номли китобида "Пойкенд Бухородан қадимийроқдир" деб ёzáди.

Қадимшунос олимларимиз Яҳё Фуломов, Аҳмадали Асқаров, Абдулаҳад Муҳаммаджонов ва бошқа олимлар томонидан қарийб 20 гектарлик қадимий Пойкенд харобаларида 1960—1970 йиллар давомида археологик қазиш ишлари олиб борилиб, топилмаларнинг қадимииси милодгача бўлган IV аср охирига ва III асрга тегишли эканлиги аниқланган.

Дастлаб Пойкенд милоддан аввалги IV асрда машхур Сўғд мамлакатининг Қизилқум билан туташиб кетган гарбий чегараси бўйлаб барпо этилган қўпдан-кўп истеҳкомлардан бири сифатида қад кўтарган. Кейинчалик эса шаҳарга айланаб, то IX асрнинг ўрталаригача, яъни ўн беш аср давомида гуллаб-яшнаган.

Ёзма манбаларда Пойкенд "Жездан бино қилинган қалъа", "Мустаҳкам девор билан ўралган шаҳар" номлари билан тилга олинади. IX аср тарихчиси Яқубий "Пойкенд машхур шаҳар, унда хилма-хил одамлар (халқлар) бор" деб ёzáди. X аср араб тарихчилари Ибн ал-Фақиҳ ва Абу Жаъфар Муҳаммад Жобир ат-Табарий асарларида Пойкенд "савдогарлар шаҳри" дейилган.

Пойкендда подшоҳлар қароргоҳи бўлган. "Бу вилоятда бўлган ҳар бир подшоҳ ўзи учун Пойкендан тураржой қиласи эди. Арслонхоннинг Муҳаммад ибн Сулаймон ўз даврида Пойкендни қайта куришга буюрган. Шаҳар атрофидан одамлар бу ерга йиғилишиб, чиройли иморатлар бунёд этганлар. Арслонхон ўзи ҳам жуда ҳашаматли сарой курдирган", — деб ёzáди тарихчи Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" китобида. Пойкендда катта жоме масжиди ва олий иморатлар,

туаржойлар кўп бўлган. Милодий 854 йилга қадар Пойкенд дарвозаси атрофларида работлар ва савдо расталари бўлган.

Пойкенд илк Ўрта асрларда Бухоро воҳасидаги энг обод ва йирик шаҳарлардан ҳисобланган. Ўзининг қулай географик ўрни туфайли Пойкенд Самарқанд билан Бухорони Ўрта ва Яқин Шарқ шаҳарлари билан боғлаган. Шарқий Туркистондан чиқиб Самарқанд, Бухоро, Омул, Мавр орқали Рай ва Боғдодга йўналган қадимги Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи Пойкенд шахри орқали ўтган. Шунинг учун ҳам Пойкенд илк ўрта асрлардаёқ Мовароуннаҳрнинг жанубий дарвозасига айланган. Тарихий манбалар ҳамда географ олимлар ва сайёҳларнинг гувоҳлик беришича, Пойкенда ҳар бир Бухоро қишлоғининг ўз работи бўлган. Ўша замон одамлари, шаҳарда бўлган сайёҳ ва меҳмонлар Пойкенди "Бойкенд", яъни "Бой жой" деб таърифлаганлар. Демак, бу даврда Пойкенд Бухоро воҳасида ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, меъморчилик ва маданий ҳаёт ривожланган марказлардан, обод ва бой шаҳарлардан бири бўлган.

Айни бир вақтда Пойкенд ва унинг атрофларида тайёрланган ҳунармандчилик буюмларининг бошқа мамлакат ва вилоятларда харидорлари кўп бўлган.

Пойкенд шахри ва унинг атрофларига ташқи босқинчилик хужумлари тез-тез содир бўлиб турган ва бунинг натижасида шаҳар бир неча бор талон-торож қилиниб, вайрон этилган. Биринчи бор 674 йили араб лашкарбошиси Убайдулла ибн Зиёд Пойкенди босиб олган ва талон-торож қилган. Тарихчи Табарий Пойкенд шахрини 706 йилда Кутайба ибн Муслим босиб олганligини ва у шаҳардан жуда кўп ўлжани кўлга киритганлигини қайд этади.

Араблар хужуми оқибатида талон-торож қилинган ва вайронага айланган Пойкенд шахри ва атрофлари қаровсиз қолган, унинг қадимги Қизариқ сугориш иншооти бутунлай ишдан чиқкан. Бўшаб қолган Пойкенд бирмунча вақтдан сўнг қайта тикланиб, Зарафшон дарёсидан унга янгидан сув чиқарилиб, шаҳарда ҳаёт яна жонланган. Шаҳар ва унинг атрофларида янгидан саройлар, туаржойлар, савдо иншоотлари, дўконлар, расталар; карвонсаройлар ва бошқа бинолар курилган. Пойкенд шахри ҳар томонлама, айниқ-

са, савдо-сотиқ соҳасида тез ривожлана борган. Бироқ сув етишмаслиги ҳамда ташқи ҳужумлар туфайли бир замонлар гуллаб-ящнаган Пойкенд шаҳри XII асрнинг иккинчи ярмига келиб яна инқирозга учраб, вайронага айланган.

Пойкенд шаҳри қолдиқлари, харобалари асрлар давомида ўрганилмай, олимлар назаридан четда қолиб келди. Факат XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб айрим ҳаваскор ўлкашунослар ҳамда "хазина топаман" деб юрганлар томонидан режасиз, пала-партиш равишда ковланиб, қисман ўрганилган. Топилган тарихий ашёлар, осори атиқалар ҳамда турли даврларда зарб этилган тангалар, заргарлик буюмларигалон-торож этилган.

Дастлаб қадими Пойкенд шаҳри харобалари тўғрисида 1896 йили ўлкашунос Ситняковский қимматли маълумотлар берган. Кейинроқ, 1903 йили Помпелли, 1913—14-йилларда Зимин, 1939 йилда Якубовский, 1940 йилда Кесати, Шишкин, Яҳё Фуломов, кейинроқ А. Асқаров, А. Муҳаммаджонов, Б. Турғунов, Ў. Исломов ва бошқалар томонидан қадими Пойкенд шаҳри ва унинг атрофлари илмий асосда чукур ўрганилди, шаҳарнинг ўтмиш тарихи, қурилиш услуби, тузилиши ҳақида янги ва қимматли маълумотлар тўпланди. Қадимшунос олимларимиз томонидан Пойкенд шаҳри вайроналаридан топилган кўплаб тангалар, сопол буюмлар, кўза ва кўзачалар синиклари, қўл тегирмон тошлари, турли ҳажмдаги ва шаклдаги дори-дармон тайёрланадиган шиша идишлар, шунингдек, VIII асрда аҳолига дори-дармон тайёрлаб берган лаборатория-дориҳона қолдиқлари ва бошқа буюмлар топилди. Улар мутахассис олимларимиз томонидан пухта ўрганилди.

ЯССАВИЙ ВАСИЯТИНИ БАЖО АЙЛАГАН СОҲИБҚИРОН

Бу васиятга кўра Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасидан аввал Зангиота мақбараси бунёд этилган.

Зангиота меъморий ёдгорлигидан Тошкент вилояти Зангиота тумани Зангиота қишлоғида жойлашган. Тошкент — Самарқанд шаҳарлари ўртасидаги қадимги карвон йўли бўйидаги бу тарихий обида Зангиота номи билан машҳур бўлган

сўфийлик тарғиботчиси Шайх Ойхўжа ибн Тошхўжа шара-
фига шундай деб аталган.

Зангиота ҳозирги кунда унинг номи билан юритилади-
ган қишлоқда туғилган ва шу ерда подачилик қилиб, кун
кечирган. У Хожа Аҳмад Яссавийнинг устози — Арслонбоб
Эшоннинг авлодларидан бўлган. Зангиота ўз даврида дин
арбоби, сўфийлик таълимотининг тарғиботчиларидан бири
ва "подачилар пири" ҳисобланган. Унинг пири Ҳаким ота,
асли исми Сулаймон Боқирғоний ўз замонасининг таникли
сўфийси ва шоири сифатида машҳур бўлган. Зангиота 1258
йили вафот этиб, ўзи туғилган қишлоғида дағн қилинган.
Вафотидан сўнг ушбу қишлоқ унинг номи билан "Занги-
ота" деб атала бошланган.

Ўша даврда ҳозирги қишлоқ ўрни ва атрофида боғу роф-
лар, ўрикзорлару теракзорларнинг кенг майдонлари ҳамда
яйловлар бўлган. Бошқа ҳудудлардан аҳоли кўчиб келиши
натижасида қишлоқ йилдан-йилга кенгайиб борган.

Буюк аждодимиз Соҳибқирон Амир Темур Зангиота
руҳини юнодишиш мақсадида унинг қабри устига мақбара
тиклашга фармойиш беради. Халқ орасида мақбаранинг бун-
ёд этилиши билан боғлиқ ривоят тилдан-тилга ўтиб кела-
ди. Бу ривоят филология фанлари доктори, профессор Пирмат
Шермуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар ака-
демияси "Фан" нашриётида чоп этилган "Мирзо Улугбек-
нинг қизи ёхуд Робия Султонбегим қиссаси" номли кито-
бидаги кўйидагича талқин этилган:

"...ривоят қилишларича, сафарларининг бирида Соҳиб-
қирон Хожа Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилатуриб, бу
ерга вақти келиб мақбара курдиришни ният қилади. Самар-
қанддан гиштлар олиб келиниб, қисқа вақт ичидан бино-
нинг пойдевори тикланади. Кун бўйи оғир меҳнат қилган
қурувчилар донг қотиб ухлаб қолишади. Улар эрталаб туриб
қарашса, кечаги қад тиклаган пойдевордан ном-нишон йўқ.
Бу ҳол бир неча бор такрорланади. Ва ниҳоят, бу ҳақда
Амир Темурга хабар қилишади. Салтанат ҳукмдори "пойде-
ворни туни билан қўриқлаш" ҳақида фармон беради.

Соқчилар туни билан мижжা қоқмай пойдеворни қўриқ-
лашади. Тонг саҳарда бир ҳўқиз келиб, янги тикланган пой-
деворни шохлари билан бузиб ташлайди. Ҳўқизнинг

кўрқинчли важоҳатини кўрган соқчилар нима қилишлари-ни билмай қотиб қолишади.

Бу ҳақда яна Амир Темурга хабар қилишади.

Ҳуқмдор ўша хабарни эшитган кечаси фалати туш кўра-ди.

Тушида унинг олдига бошига оқ салла ўраб, эгнига оқ яктак кийган бир мўйсафид келиб, шундай дейди:

— Эй, Амир, мақбарани аввал Зангиота учун бунёд қил, сўнгра Хожа Аҳмад Яссавийга навбат келади. Ана шунда сен қурган мақбара бузилмайди. Билгинки, Зангиотани чақалоқлиғида Хожа Аҳмад Яссавийга олиб келиб кўрсатишган ва ундан суюнчи сўрашган. Чақалоқни кўрган Хожа Аҳмад Яссавий шундай деган:

— Суюнчи шулки, мендан олдин мана шу гўдакка мақбара қуринглар. Оқ соқолли чол ҳикоясини давом эттириб, яна бундай дейди:

— Зангиотанинг вафот қилган жойини топиш қийин эмас. Бунинг учун бир оқ тияни олиб, орқасидан кузатиб боринглар. У қаерга чўкса, ўша ер Зангиотанинг қабри бўлади.

Уйқудан уйғонган Амир Темур оқ тия топтириб, унинг орқасидан уч-тўрт мулозимни кузатувчи қилиб юборади. Тия Шош вилоятининг бир қишлоғига етиб келиб тўхтайди ва юз қадамча сурилиб, бошини қибла томонга қаратади-да, наъра тортиб, жон таслим қилади.

Ушбу воқеа туфайли Зангиота мақбараси қурилиши бошлаб юборилган. Сўнгра Соҳибқирон фармони билан орифлар сultonи шарафига ҳам ҳашаматли бино бунёд этилган..."

Кейинчалик бу ёдгорлик мажмуининг қурилиш ишлари буюк олим Мирзо Улуғбек томонидан ниҳоясига етказида-ди. Зангиота мажмуасидаги меъморий обидалар XIV асрнинг охиридан то XX асрнинг бошларига қадар қурилган. Жумладан, Зангиота мақбараси XV асрда, Анбарбиби (Зангиотанинг хотини) мақбараси XV—XVI асрларда, ҳудуддаги масжид 1870 йилда, мадраса XIX асрда, минора эса XX асрда, аниқроғи, 1914—1915 йиллар давомида қурилган.

Кейинги йилларда ҳам Зангиота меъморий мажмуида кўшимча бинолар, хоналар, шийпон, зиёратчилар учун жамоат хоналари, мадрасада таълим олаётган толибларга ётоқ

жойлар ва бошқа зарурий бинолар қурилган. Атрофи девор билан ўралган ҳовлига гумбазли дарвозахона орқали кирилади. Бу ерда Мирзо Улугбек даврида қурилган пештоқ, дарвозахона ва гўрхона сақланган.

Зиёратхона билан гўрхона томонлари тенг тўртбурчак шаклида бўлиб, ёнма-ён жойлашган. Ҳар иккаласи ҳам қўш қаватли гумбаз билан ёпилган. Зиёратхонанинг меҳроби кошин билан безатилган. Гўрхонадаги оқ мармар сағанага арабий ёзувлар битилган. Зиёратхона ва гўрхонанинг ичи ва ташқариси ўз даврига мос қилиб нақшланган.

Вақт ўтиши билан бу ердаги тарихий бинолар таъмиртаб бўлиб қолган ва вақти-вақти билан аҳоли томонидан таъмирланиб турилган. 1870 йили Зангиота қозиси томонидан бу ерда масjid қурилиб, унинг деворлари турли ранглар билан безатилган. Масжиднинг ички деворларига Макканинг тасвири ўйиб ишланган.

Мақбара ва унинг атрофидаги тарихий-меъморий бинолар, қабртошлар ва ундаги ёзувлар 1875 йилда Казбеков, 1876 йилда Смирнов, 1927 йили Массон каби ўлкашунос ва қадимшунос олимлар, кейинроқ таниқли ўзбек қадимшуноси Яҳё Фуломов томонидан илмий асосда ўрганилган. Бу тарихий-меъморий обидалар қайта-қайта ўрганилиб, илмий мақолалар, рисолалар ёзилган. Дастребалар маълумотлар "Туркестон вилоятининг газети" ҳамда "Туркестанские ведомости" газеталарида 1875—1903 йилларда эълон қилинган.

Истиқлол йилларида бундай исломий обидалар ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини топди, бу ерда таъмирлаш ва биноларнинг асл қиёфасини тиклаш ишлари жадал олиб борилди. Зангиота меъморий мажмуасидаги мақбара дарвозаси тикланди, масжид ва мадраса сифатли таъмирланди, бино ичлари турли нақшлар билан безатилди, сулс ва куфий хатидаги ёзувлар ўз ҳолига келтирилди.

САМАРҚАНД АРКИ

Буюк бунёдкор бобомиз Амир Темур пойтахт Самарқандни дунёning энг гўзал ва обод, кўркам ва бетимсол шаҳарларидан бирига айлантиришни ўзининг бош вазифаси деб билади.

Дарҳақиқат, Темур ва темурийлар даврида пойтахт Самарқанд янги бир қиёфага кириб, бу ерда муҳташам саройлар, масжиду мадрасалар, хунармандчилик корхоналари, бозор майдонлари, савдо расталари ва дўконлари, тимлар, чорсулар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, тураржой бинолари ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган турли иншоотлар қурилиб, гўзал бир шаҳарга айланди. Амир Темур даврида Самарқанд шаҳри атрофи мустаҳкам ва баланд мудофаа девори билан ўраб олинди ва деворнинг ташқи айланма қисми кенг ва чуқур хандақ билан мустаҳкамланди. Бу жой "Ҳисор" деб аталди, унинг ғарбий қисмидаги табиий тепалик устига эса Арк қурилган. Арк жойлашган ҳудуд 34 гектардан ортиқроқ бўлган.

Самарқанд шаҳар арки, Амир Темур фармонига биноан, шаҳарнинг илгари Чингизхон вайрон қилган мудофаа деворини қайта тиклаш билан бир вақтда, 1371—1372 йилларда бунёд этилган. Курилиш ишларига ўша даврнинг энг истеъдодли, тажрибали бинокор усталари жалб этилган. Курилиш ишлари амир Оқбуға раҳбарлигига олиб борилган. Самарқанд шаҳар арки деворининг баландлиги 8 метр, пастдан 3 метрдан ортиқроқ қилиб тикланган. Аркнинг дарвозасига туашадиган жойига ва қисман ташқи олд томонига пишиқ фишт мустаҳкам қилиб терилган. Умуман олганда арк ва ундаги биноларни қуришда пишиқ фишт ва хом фишт, мармар тош, ганч, ёғоч ҳамда турли хил сирланган кошинлардан кенг фойдаланилган. Арк ичидаги маъмурӣ ва тураржой бинолари аниқ бир режа асосида ихчам ва чиройли қилиб қурилган.

Аркда ҳукумат идоралари, масжид ва мадрасалар, шоҳона уй-жойлар, 15 минг жилдли ноёб китобларни ўзида жамлаган улкан кутубхона, Амир Темурнинг хазинаси ва тахти, зарбхона, аслаҳасозлик устахоналари, ҳаммом, ҳовуз, зиндан ва бошқа бинолар жойлашган. Шунингдек, бу ерда маданий-маиший бинолар, сув иншоотлари барпо этилган. Яшил зона, гулзорлар, мевали ва манзарали дарахтлар, хунармандчилик устахоналари, дўконлари ва савдо расталари тартиб билан режа асосида жойлаштирилган. Аркда бунёд этилган ҳар бир бино, иншоот ўз даврининг истеъдодли усталарию, меъморлари томонидан бетакрор нафис нақшлар

билан безатилган. Аркдаги биноларнинг пойдевори мартмартошдан, эшиклари қаттиқ қайрафодан чиройли ўймакорий қилиб безатилган, ёғочнинг сиртига нақшли тунука қопланган. Арк дарвозаси улкан эшикларининг ҳалқалари 7 хил маъдан қотишмасидан тайёрланган. Қалья дарвозасининг ҳар бирида иккитадан қуролланган соқчилар турган. Аркнинг бурчакларида айлана минора бўлиб, у ҳам пишиқ фиштлардан терилиб, сирти сирланган кошинлар билан қопланган. Аркнинг тўрт томонида дарвозаси бўлган.

Амир Темур қурдирган бу арк шунчаки истеҳком эмас, балки пойтахтнинг мустаҳкамланган маъмурий маркази ҳам бўлган. Юқорида эслатиб ўтилган бинолардан ташқари, Арк ичида давлатнинг асосий қароргоҳи бўлган Кўксарой ҳамда Бўстонсарой ҳам жойлашган эди. Кўксарой тузилиши жиҳатидан тўрт қаватли бўлиб, гўзал нақшлари бетакрор бўлган. Ушбу саройнинг безакларида кўк-зангори рангдаги сиркор кошинлар кўп ишлатилгани сабабли Кўксарой деб юритганлар.

Арк ичидаги гўзал бу маскан Амир Темур замонида ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам салтанатнинг муҳим тадбирларини ўтказадиган асосий жой сифатида хизмат қилган. Жумладан, хонни таҳтга ўтқазиш ёки уни таҳтдан олиш каби маросимлар, элчилар, шаҳзодаларни, олий мақомдаги меҳмонларни мана шу саройда қабул қилган. Салобатли, катта ва кенг хонанинг ўртасида яхлит мартмартошдан машҳур сангтарошлар томонидан жуда чиройли қилиб тарошланган ва зийнатланган кўктошдан иборат баланд супа жойлашган. Мана шу Кўктош устида безатилган таҳтда хон ўтирган. Бу тарихий Кўктош ҳозирда Гўри Амир мақбараси ҳовлисида сақланмоқда.

Арк ўртасида қурилган Кўксарой ҳақида Мирзо Бобур: "Самарқанд Аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибдур, тўрт ошёнлик Кўксаройга мавсум ва машҳур, бисёр олий иморатдур", — деб ёзади.

Арк ичидаги бинолардан яна бири бу Бўстонсаройдир. Тузилиши ва қурилиш услубига кўра муҳташам ва гўзал бу оромгоҳда асосан шоҳу вазирлар, уларнинг оила аъзолари,

хукмдорларнинг яқин қишилари яшаганлар. Шунингдек, бу яшил кошонада турли тадбирлар ўтказиб турилган. Дам олиш, турли базм ва тўй-томушалар, олий мартабали қишиларнинг тантанали учрашувлари мунтазам ўтказиб турилган. Бўстонсаройда элчилар ва меҳмонларни ҳам қабул қилганлар.

Амир Темур замонида қурилган Арк, Кўксарой, Бўстонсарой ва улардаги биноларнинг қурилиш услуби, тузилиши, безаги, гўзалиги, салобати ҳақида шу ерда бўлган ва ўз кўзи билан кўрган сайёҳлар, элчилар, меҳмонлар, тарихчилар, жумладан, испан элчиси Клавихо, тарихчи Шарафиддин Али Яздий, Мирзо Бобур, шарқшунос Хаников, рассом Верещагинлар ўз кундаликларида муҳим маълумотлар ёзиб қолдирғанлар.

Кейинги асрларда ҳокимиятни эгаллаш учун олиб борилган тўхтовсиз қурашларда буюк бунёдкор Амир Темур томонидан қурилган Арк ва ундаги бинолар, муҳташам саройлар талон-торож қилинади. Биноларнинг бир қисми вайронга ҳолига келиб қолади.

XIX асрнинг II ярмида, аниқроғи 1868 йилнинг 2 майида Россия подшо қўшинлари томонидан Самарқанд истило қилингач, қалъа ва ундаги саройлар ва бошқа бинолар истилочилар ихтиёрига ўтди. Истилочилар сафида бўлган рассом Верещагин шундай ёзади: "Биз ҳаммамиз, яъни Самарқандни забт этувчилар генерал Кауфман изидан бориб, амир саройига жойлашдик: ниҳоятда баланд ва кенг хоналардан иборат асосий бинони генерал Кауфман, сарой атрофлари-даги уйларни биз — қароргоҳ аъзолари эгалладик. Генерал Кауфман хоналари билан бизнинг уйларимиз Темурнинг машхур таҳт залига туташиб кетганди. Муҳташам сарой айланаси ҳашаматли йўлакдан иборат эди. Тўрда чиройли бўртма нақшлар билан зеб берилган катта оқ мармар бўлаги — "улуг-вор" таҳт — Кўктошнинг айнан ўзи турарди".

Шунингдек, Самарқанднинг қадимий бой бозори ва ундаги дўконлар, ҳунармандчиллик устахоналари таланди, тарихий меъморий обидалар, айниқса, масжидлар вайрон этилди, оёқ ости қилинди, ўт қўйиб ёндириб юборилди. 1868 йил 8 июнь қўзғолони вақтида арк ичи ва ташқарисидаги бинолар, масжид, мадрасалар, мақбара, ҳунармандчи-

лик устахоналари ва дўконлари уч кун талон-торож қилинганидан кейин портлатиб, ёндириб юборилган. Ўша вақтда Самарқанд шаҳар бошлиғи полковник Серовнинг маълумотига кўра, 1868—1871 йиллар давомида истилочилар арк ичидағи ва атрофларидағи 25 та қадимий биноларни ёндириб, портлатиб юборгандар.

Амир Темур тариқат пирлари ва буюк шахсларга фоят ҳурмат-эътибор билан қараган, уларнинг шарафига мақбараю масжидлар бино эттирган. Чунончи, Тошкент вилоятида Зангиотага, Бухорода Чашмаи Айюбга, Самарқандда Мир Сайид Баракага, Бурҳониддин Соғоржийга, Ясси шаҳрида Хожа Аҳмад Яссавий хотирасига тикланган меъморий ёдгорликлар шулар жумласидандир. Бунёдкор бобомиз Амир Темур эътиқод кўйган яна бир табаррук инсон шайх Нуриддин Басир Ҳазратлари эди. Амир Темур Шайх Нуриддин Басир мозорини зиёрат қилган ва ул зотнинг муборак ҳокини Самарқанд арки ҳудудига киритиб, қабри устига гўзал бир мақбара қурдириб, устига олтин кубба ўрнатган экан.

"Бу муҳташам мақбара 1371—1372 йилларда бунёд этилган", — деб ёзади қадимшунос олим ақадемик Галина Пугаченкова. 1868 йилнинг 1—2 май кунлари чоризм қўшинлари Самарқандни истило қилганларида мақбара гумбази ҳали бузилмаган эди. Лекин мақбара гумбазидаги олтин қубба йўқолган, деб гувоҳлик беради ўша вақтда Самарқанд қозиси бўлган Мир Низомиддин Ҳожи. Тарихий ва нақшинкор мақбара 1881 йили кучли портловчи динамит қўйиб портлатиб юборилган.

Ўтган XX асрнинг бошларида қадимшунос олимлар бир замонлар донғи кетган Самарқанд арки ва унинг ичидағи бир-биридан гўзал саройлар қаерда жойлашганлигини аниқлаш учун узоқ муддат изланишлар олиб бордилар ва ниҳоят қадимшунос олим профессор М.Е. Массон томонидан 1923 йили тупроқ остида қолиб кетган пишиқ фиштдан ишланган 1 метрдан ошиқроқ қалинликдаги баланд девор қолдиқлари, турли рангдаги кошинлар, мармар плита парчалари ва бошқа тарихий ашёларнинг топилганлиги Кўксарой Аркнинг шарқий қисмида жойлашганлигидан дарак беради. Қадимшунослар томонидан шу ердан устунларнинг асос қис-

мининг, дераза мармар панжараларининг бўлакларининг, ўша девор учун хос нақшли, ўсимлик ва ҳайвонлар тасвири туширилган XIV—XV асрлар керамикаси парчаларининг то-пилиши муҳташам Кўксаройнинг ўрни шу ер эканлигини тасдиқлайди. Археология институтининг илмий ходимлари Аркнинг шимоли-шарқий қисмида Бўстонсаройнинг ўрни-ни топдилар. Бу ерда асосан қоплама плиталар ва пишиқ фиштдан иборат қурилиш чиқиндилари, кўк ва қизил ран-гли зарҳал плиталар, новдалари бир-бирига чирмашган ўсим-лик тасвирлари, оч ҳаворанг тусли сополга ишланган ўйма-корлик намуналари топилди. Арк ичида жойлашган ҳаммом ўзйининг улуворлиги ва қўркам безатилганлиги билан маш-хур бўлган. Бу ердан топилган мовий ва ҳал юритилган тур-ли шаклдаги уч, беш ва олти бурчакли, капалак нусха сир-ли плиталар ҳаммом хоналари остига тўшалганлигини қадим-шунос олимлар аниқлашган.

ХХ асрнинг 70—80-йилларига келиб Самарқанд кўрго-ни ўрни ва унинг атрофларида кенг кўламда қурилиш иш-лари олиб борилиши натижасида қадимги сарой деворлари қолдиқлари, ҳаммом, ҳовуз, сув ўтказилган ер ости сопол қувурлари, иситиш системалари, сопол буюмлар тайёрлай-диган устахона, сабзавот сақланадиган омборхона, кулол-чилик хумдоңлари, ҳарбий қурол-аслаҳа ясайдиган корхона, тураржойлар, тош кўчалар, мозор қолдиқлари ва бош-қа тарихий ашёлар топилди.

Айниқса, аркдаги бинолар сарой ва ундаги биноларнинг қурилиш услуби, безаги, ҳаммом ва ҳовузлар, сув қувурла-ри ўтказилиши, шаҳарларнинг сув билан таъминлаш йўлла-рини ўрганишда бу ноёб топилмалар катта тарихий ва илмий аҳамиятга эгадир. Холоса қилиб айтганда, бу ноёб топилма-лар ўтмиш тарихимизни, аждодларимизнинг турмуш тарзи-ни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. Самарқанд Арки ва ундаги биноларни қазиб ўрганишда ўзбек қадимшу-нослярининг сардори марҳум академик Яҳё Гуломов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг олимлари катта қалмоқли ишлар қилдилар.

Яқинда самарқандлик кекса ёзувчи, бир нечта тарихий китоблар муаллифи, хизмат кўрсатган маданият ходими Болта Ортиқзоданинг "Зарафшон" нашриётидан 1000 нус-

хада "Амир Темур аркининг қисмати" номли тарихий қиссаси босмадан чиқди. Бу кичик рисолада Самарқанд Арки билан боғлиқ айрим тарихий воқеаларни билиб олишингиз мумкин.

ЎТМИШДА МИЛЛИЙ МЕРОСГА МУНОСАБАТ

"Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмиrlаsh, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлagini ташкил этади. Бу миллий бойлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни кўз қорачигидай асрраб-авайлашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак".

Ислом КАРИМОВ

Ўзбек бинокорлик санъатининг кўп асрлик тарихи бор. Аждодларимиз томонидан бунёд этилган ва бизнинг даври-мизгача ёдгорлик сифатида сақланиб қолган ҳашаматли нақшинкор саройлар, масжидлар, мадрасалар ва мақбаралар ҳамда бир-биридан гўзал миноралар ўзбек меъморчилигининг қадим замонлардаёқ юксак даражада ривожланганидан далолат беради.

XIX асрнинг 80-йилларида рус элшуноси Н.П. Остромов "ўзбеклар тенги йўқ бинокор ва гилкор нақдошлардир. Улар нозик ва гўзал нақш солишлари, ранг-баранг гуллар, геометрик шакллар туширишларига қараб, уларнинг моҳирлигига қойил қоласан", — деб ёзиб, ўзбек бинокор усталарининг ижоди ва талантига юксак баҳо берган эди.

Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Кўқон, Шахрисабз каби бир неча асрлик бой тарихга эга шаҳарларимиздаги бетакрор меъморий обидалар, илмий иншоотлар, тарихий осори атиқалар бизнинг муқаддас мулкимиздир. Жаҳон маданий меросининг таркибий қисми, умумжаҳон тамаддунига қўшилган ғоят катта ҳисса ҳисобланган ушбу ноёб ва бебаҳо меъморий ёдгорликлар эҳтиёткорлик билан сақлаб келинмоқда. Бухородаги Арслонхон минораси, Девон-

беги, Мир Араб, Улубек мадрасалари, Исмоил Сомоний мақбараси, Самарқанддаги Гўри Амир ва Шоҳи Зинда мақбаралари, Улубек, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Бибихоним жоме масжиди, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Оллоқулихон мадрасаси, Исломхўжа мадрасаси ва минораси, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси ва бошқалар шулар жумласидан бўлиб, улар ўзининг гўзаллиги, бетакрор нақшинкорлиги, қурилиш услуби фоят мустаҳкамлиги ва умрбоқийлиги билан бизни жаҳонга танимокда. Шарқнинг бу бебаҳо дурданаларини кўришни истаган хорижий сайёҳларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

"Самарқандни кўришдек орзуим бор эди. Бу ерда мен ўзбек халқининг фоят бой тарих ва маданиятга эга эканлигига яна бир карра амин бўлдим. Ўтмиш меросга, тарихий ёдгорликларга эътибор кучли экан", — дейди юртимизга ташриф буюрган германиялик сайёҳ Уильям Маркс.

Хўш, аждодларимиз бунёд этган бу бетакрор меъморий ёдгорликларга яқин ўтмишда муносабат қандай бўлган?

XIX асрнинг 60—70-йилларида, яъни чоризм босқини даврида Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон каби қадимий шаҳарларимиздаги масжид, мадраса, мақбаралар, қалъалар, қўрғонлар, мудофаа деворлари, дарвозалар вайронага айланди. Мустамлакачилар шаҳарларни истило қилиш пайтида бу тарихий ёдгорликларга қарата замбараклардан беаёв ўқ уздилар, айримларини эса атайлаб портлатиб юбордилар. Самарқандни истило қилгандан кейин, 1869 йили, Самарқанд шаҳри ичидаги 25 та масжид ва мақbara портлатиб йўқ қилинган.

Самарқанд қалъасида 1371—1372 йилларда ўша даврнинг обрўли кишиларидан бири бўлган сўфий Нуриддин Басир ёки Кутби Чаҳордаҳум учун бунёдкор бобомиз Амир Темур томонидан мақбара тикланган эди. Бу обида 1868 йилнинг майига қадар жуда яхши сақланган. Самарқанд истило қилингач, мазкур йилнинг июнь ойидаётқ Кауфманнинг буйруғи билан бу нодир меъморий ёдгорлик ер билан яксон қилинган.

1870—1872 йилларда янги шаҳарни бунёд этиш баҳонаси билан яна қанчадан-қанча тарихий ёдгорликлар вайрон

қилинган. 1897 йили Бибихоним масжидига кираверишдаги улкан пештоқ бузиб ташланган. Шаҳрисабздаги Оқсаной деворларидағи тилларанг безакли нақшлар, ўймакор ёғоч эшиклар ҳам ўша вақтларда олиб кетилган.

Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси-нинг ўн бир жойи 1864 йили чоризм замбараклари зарби-дан қаттиқ шикастланиб, бир неча йил давомида қор-ёмғир остида қолиб кетган ва таъмирланмаган.

Бобомиз Амир Темур ва Хожа Аҳмад Яссавий мақбара-лари ичидағи тилла ва кумуш аралашмасидан қилинган шам-донлар, юлдузсимон шаклдаги қандиллар, нодир қурол-аслаҳалар, ҳарбий кийимлар ҳам 1905—1910 йилларда Пе-тербургга олиб кетилган. Шунингдек, қабртошдаги битик-лар, Бибихоним масжиди, Улуғбек, Тиллакори мадрасала-рининг деворларидағи нақшинкор парчинлар, лавҳалар ва ёзуви кошинлар Эрмитажга олиб кетилган. Бу буюмлар ўзининг қиймати, тарихийлиги, ноёблиги жиҳатидан умум-жаҳон аҳамиятига молик бўлган бебаҳо ёдгорликлардир. Ўтмишда, аникрофи, мустамлакачилик ва шўро замонлари-да юртимиздаги меросга, ёдгорликларга, айниқса, ноёб ёзувлар — битикларга муносабат ўта ёмон аҳволда эди. Буни мустамлакачи хукumat амалдорлари ҳам ўз вақтида тан ол-ган эдилар.

Фақат XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида турли кимсалар илмий жиҳатдан қимматли ёдгорликлар-га доир бир неча ўнлаб бўлакларни ўғирлаб кетишган. Бухородаги Шайх Сайфиддин Бохарзий мақбарамидаги гўзал мармар сафана, Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси эшигидаги гулдор ҳалқа ва қандил, Самарқанддаги Гўри Амир мақбарамига доир тарихий би-тик билан безатилган забаржад сафана шулар жумласи-дандир.

Қадимшунос олим М.Е. Массоннинг 20-йилларда "Маориф ва ўқитувчи" журналида босилган "Қадимдан қолган маданий меросга қилинган жиноятларнинг очилмай қолган саҳифалари" мақоласидаги маълумотларга кўра, ўғирланган қадимий обидаларнинг олиб кетилган бир маршрути Самарқанд—Истанбул—Берлин бўлган. Амир Темур мақбара-сидан 1905 йилда синдириб, ўғирлаб кетилган мозаик пли-та шу маршрут орқали жўнатилган.

Бухоро ва Хивадаги, Кўқон ва Шаҳрисабздаги тарихий меъморий обидаларимизнинг муайян қисмлари ҳам талон-торож қилиниб, турли жойларга олиб кетилган. Тарихий биноларни сақлаш ва уларни қайта тиклаш ҳамда таъмирлаш тўғрисида ҳеч ким бош қотирмаганлиги сабабли қаровсиз қолган бинолар аста-секин вайрон бўла бошлигаган эди.

Ўзбекистон мустақил бўлгач, тарихий меъморий обидаларга муносабат тубдан ўзгарди, меросга эътибор кучайди, тарихий ёдгорликлар қонун йўли билан давлат назоратига олинди. Ота-боболаримизнинг юксак санъат намуналари, ёдгорликлар, халқнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга киришилди. Тарихий обидаларнинг атрофларини ободонлаштириш, таъмирлаш ва уларни кўз қорачиғидай асраш ишларига давлатимиз катта маблағ сарфланмоқда. 1995 йили Самарқанд шахридаги Амир Темур қурдирган тарихий биноларни таъмирлаш, қайта тиклаш ва жиҳозлаш ишларига 60 миллиондан кўпроқ маблағ ажратилди. Биргина Гўри Амир мақбарасини таъмирлаш ва жиҳозлашга беш миллион икки юз минг сўм маблағ сарфланди. 1997 йили Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳардаги тарихий ёдгорликларни таъмирлашга 400 миллион, жумладан, Масжиди Калонни таъмирлашга 106 миллион сўм маблағ сарфланди.

Хивадаги қадимий ёдгорликларни таъмирлашга бундан икки баробар кўп маблағ ажратилди. Тошкентдаги Абулқосим, Бароқхон ва Кўкалдош мадрасалари, Юнусхон, Шайх Зайниддин бобо ва Қаффол Шоший мақбаралари, Шайхонтохур ва Ҳазрати Имом мажмуалари ҳамда бошқа тарихий ёдгорлик бинолари ҳам авайлаб-асралиб таъмирланди, қайта қурилди.

Шундай қилиб, шўролар замонида бор-йўғи 10—12 тарихий обида таъмирланган бўлса, истиқлол йилларида юзлаб ёдгорлик бинолари қайта таъмирланиб, асл ҳолига келтирилди.

Ҳозирги пайтда республикамиизда 7 мингдан кўпроқ ёдгорликлар, шу жумладан 2500 та меъморий обида, 2700 тадан зиёд археологик ёдгорликлар, 1800 тадан кўпроқ монументал санъат асарлари давлат муҳофазасига олинган.

Истиқлол йиллари Самарқанддаги XIV—XV асрлар ёдгорликлари — Амир Темур мақбараси ва жоме масжиди, Регистон мажмуаси, Бухородаги X—XII асрлар ёдгорликлари — Сомонийлар мақбараси, Масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси, Арк девори, Шаҳрисабздаги XIV—XV асрлар ёдгорликлари — Оқсарой арки, Доруссаодат мажмуаси, Хивадаги XVI—XVII асрлар ёдгорликлари, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Тошҳовли, Кўқондаги Худоёрхон арки ва бошқа ёдгорлик бинолари таъмирланиб, келажак авлодлар учун сақлаб қолинди. 1991 йилдан "Иchan қалъа" қўриқхонасида ги ёдгорликлар, 1993 йилдан Бухоро марказидаги тарихий обидалар, 1998 йилдан Самарқанддаги ёдгорликлар, 2000 йилдан Шаҳрисабз шаҳри марказидаги ёдгорликлар ЮНЕСКО нинг "Умумжаҳон маданий мероси рўйхати"га киритилган.

Қадимий шаҳарларимиздаги бир-биридан гўзал, нақшларга бой, бебаҳо тарихий ёдгорликлар кўпчиликда, айниқса, хорижий сайёҳ ва меҳмонларда катта қизиқиш уйғотиб, уларнинг хотирасида ўчмас таассуротлар қолдирмоқда. Уларнинг қуидаги дил сўзлари ҳам шундан гувоҳлик беради: "Биз Марказий Осиё маданиятига қизиқиб келганимиз. Мақсадимиз, тарихий ёдгорликлар ва обидалар билан яқиндан танишиш. Биз уларни томоша қилиб, қойил қолдик. Бу ерда ўтмишдан қолган бебаҳо ёдгорликларни сақлаш ва таъмилашга жуда катта эътибор қилинаётган экан", — деб ёзади германиялик тилшунос олим Волферанг Шлотман Кайц.

"Мен Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент шаҳарларида бўлдим. Бу шаҳарлардаги қадимий меъморий обидаларнинг ўзи бир дунё. Кўхна Шарқнинг бор қудрати ва улуғворлиги акс этган бу осмонўпар нақшинкор миноралар қаршисида шу юрт кишилари, ажлодларининг ақл-заковати, билими, юксак яратувчанлик кучига эга эканлигининг шоҳиди бўласан киши", — деб таърифлайди юртимизга ташриф буюрган франциялик муҳандис Жульен Бартз.

"Хива шаҳрининг тарихий меросини сақлаб қолиш ва асрар-авайлашга бор куч-ғайратини сарфлаётган, бутун дунёни ўзига маҳлиё этта олган ва эътиборини қозонаётган Хива халқи ва унинг раҳбаријатига Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!", — дейди ЮНЕСКОнинг маслаҳатчиси Луи Мишен.

Бугун Самарқандга илк бор қадам қўйган кишилар ҳам, қайта-қайта келганлар ҳам инсон ақл-заковатининг беназир мўъжизаси бўлган эртакнамо, афсонавий бу нодир обидаларни кўрмасдан кетмайдилар. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни дунёга таниладиган воситалардан бири ҳисобланган мазкур тарихий меъморий обидалар мустақиллик туфайли қайта тикланиб, Ватанимиз кўркига кўрк бўлиб қўшилмоқда. Жонажон Ўзбекистонимиз эса инсониятга ўзлигини ва бу дунёда мавжудлигининг моҳиятини теран ғанглаш учун хизмат қиласидаги улкан зиёратгоҳга айланмоқда.

ВАРҚСАР... ЁКИ ҚАДИМИЙ ТЎҒОН ТАРИХИ

Тўғон — дарё, канал ёки ариқнинг сув сатҳини кўтариш учун унга қуриладиган гидротехника иншоотидир. Деҳқончиликда сувдан унумли ва тежаб фойдаланишда тўғон муҳим аҳамиятга эга бўлган. Тўғон қуриш қадимдан маълум ва у ёзма манбаларда қайд этилган. Миср, Ҳиндистон, Хитой, Ўрта Осиёдаги деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли ерларни сунъий суфоришни анча ривожлантириш натижасида тўғонлар қура бошлиганлар. Олимларимиз томонидан олиб борилган археологик текширишлар шуни кўрсатдики, қадимда ҳам Нурота тоғ тизмалари сойларига сув омборлари яратиш мақсадида тўғонлар қурилган.

Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги "Осмон Сойи"га X асрда қурилган узунлиги 50 метр, баландлиги 15 метрли Хон банди, XII асрда Каттақўргон туманида қурилган Фиштбанд, Нуротадан 65 км шарқда жойлашган Оқчобсойда XVI асрда қурилган баландлиги 15 метр, узунлиги 83 метр, эни 4,5 метрли Абдуллахон тўғони, XVI асрда қурилган Бекларсой тош тўғони шулар жумласидандир.

Зарафшон дарёсидан сув оладиган қадимий каналлардан бири Дарғом канали ҳисобланади. Бу канал Работхўжа қишлоғи яқинидаги тўғондан бошланиб, Улус чўлигача давом этади.

Самарқандни сув билан таъминлаш учун милоднинг бошларида Зарафшон дарёсидан чиқарилган Дарғом су-

фориш тизими фақат Самарқанд воҳасида эмас, балки бутун Зарафшон водийсидаги энг йирик суфориш тизимидан бири бўлган. Дарғомнинг бош тўғони Самарқанддан жануби-шарқда — Зарафшоннинг чап қирғофида жойлашган.

X—XII асрга доир манбаларда бу жой Варқсар, яъни "Тўғон боши" номи билан тилга олинади. Ҳозир бу жой Работхўжа номи билан юритилади. Бу ҳақда X асрда яшаб ўтган араб географ олими Ибн Ҳавқал шундай ёзади: "Варқсардан Бухоро чегарасигача Сўғд дарёси олти кунлик масофада фақат қишлоқлар, боғ ва бўстонлар ҳамда суфориш каналлари бўйлаб оққан". Демак, Варқсар Самарқанд яқинидаги Работхўжа қишлоғининг олдинги номи бўлган. Зарафшон дарёсининг юқори қисмига қурилган бу тўғон Самарқанд ва унинг теварак-атрофидаги ерларни сув билан таъминлаш ва суфорища алоҳида роль ўйнаган.

Шу сабабдан ҳам ҳаёт манбаи ҳисобланган бу сув тўғони қаттиқ назоратда турган. Бош тўғонларни назорат қилиб туриш учун ўрта асрларда кўпинча "Варқбон"лардан ташқари, иншоот яқинидаги қишлоқларнинг аҳолиси ҳам сафарбар этилган. Масалан, X асрда Дарғом каналининг бош тўғонини кузатиш ва уни назорат қилиб туриш ишлари ҳукумат томонидан Варқсар работининг аҳолисига топширилиб, бу хизматлар учун улар дехқончилик солиғидан озод этилган, деб ёзади шарқшунос олим, академик Бартольд.

Ўрта Осиё ҳалқлари тарихидан маълум бўлишича, мамлакатга ташқи душман бостириб келган вақтларда, душман магистрал каналининг бош тўғонига ҳужум қилиб, сув иншоотларини бузиб юбориш ва водий аҳолисини сувсиз қолдиришга уринган. Шунинг учун ҳам Зарафшон водийсининг стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган сув тармоқлари яқинида давлатнинг каттагина қуролли кучлари сақланган.

Варқсар тўғони ҳам стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган. X асрда Мовароуннаҳрда бўлган сайёҳ Ибн Ҳавқал Самарқанд атрофини тасвирлар экан, Зарафшон дарёсининг бош қисмida бунёд этилган Варқсар тўғони ва қальяси тўғрисида маълумот беради. Самарқанд тарихига бағишлиланган

"Қандия" асарининг муаллифи Умар Ибн Муҳаммад ан-На-сафийнинг маълумотига кўра, XII асрда Варқарда 40 минг нафар аҳоли яшаган. Самарқанд воҳасининг асосий суғориш системаси ҳисобланган Дарғом каналининг бош тӯғони — Варқар жойлашган Работхўжа мавзеи илк ўрта асрлардаёқ мустаҳкам қалъага айлантирилган. Варқар тӯғони ва қишлоғи атрофлари икки қатор баланд ва мустаҳкам девор билан ўраб олинган. Бу ерда бунёд этилган қалъанинг узунлиги 600 метр, кенглиги эса 300 метр, умумий майдони 20 гектарга яқин бўлган. Қалъа ичида Дарғом каналининг бошланиш қисми, Дарғом канали бош олган қадимги туннелнинг қолдиқлари, Хўжа Закариё Варроқ мақбараси ва бошқа кичик бинолар, тураржойлар жойлашган. Қалъага уч дарвоза орқали кирилган. Оби ҳаёт тақсимотини қаттиқ назорат қилиб турган бу мустаҳкам қалъа ўша даврларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, кузатув жойи вазифасини ўтаган, шунингдек, Зарафшон дарёси тошган пайтларда Дарғом тӯғонининг ҳолати доимо шу ердан кузатилиб турилган. Иккинчидан, бу қалъадан тӯғонни ташқи босқинчилик хужумларидан сақлаб турадиган мудофаа пункти сифатида фойдаланилган. Қадимий Сўғднинг ҳокимлари Варқар қалъасида кўплаб ҳарбий кучлар сақлаб турганлар. XII асрда Варқарда тўрт минг отлик ва ўн икки минг пиёда жангчилардан иборат кучли кўшин доимо жанговар ҳолатда турған.

XV аср охири — XVI аср бошларида Работхўжа (Варқар) Жовдор тумани бошлигининг қароргоҳи бўлган.

Варқар тӯғони ва қалъаси кейинги асрларда ҳам асосий сув манбайи сифатида бир неча марта таъмирланган.

Жумладан, XIX асрнинг 80—90-йиллари ҳамда 1910—1930 йилларда замонавий муҳандислик техникаси ёрдамида тӯғон қайта курилган. Ушбу сув иншоотидаги ишларни бажаришга Варқар қўрғони атрофидаги ерли аҳоли жалб этилган. Курилиш ишлари кўпинча ҳашар йўли билан амалга оширилган.

Неча асрлардан бери инсон, табиат ҳамда ҳайвонот оламини оби ҳаёт билан таъминлаб келаётган Варқар ҳозирда ҳам Работхўжа номи билан эл хизматида.

МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ РАМЗИ

Ҳиндистон ажойиб бир гўзал диёр. Унинг табиати, ҳайвонот оламию тарихий обидалари ҳамиша сайёҳларни ҳайратда қолдиради. Бу мамлакатда ўзининг улуғворлиги, ҳашамдорлиги, салобатлилиги билан жаҳонга машҳур меъморий обидалар бор. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда бинокорлик тарихида биринчи бор оқ мармардан тикланган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган тарихий ёдгорликлардан энг гўзали Тожмаҳал мақбарасидир. Тожмаҳал мақбараси Агра шаҳридан икки километр нарида, Жамна дарёси бўйида қад кўтарган.

Тожмаҳал мақбарасининг қурилиш тарихи мана шундай: XVII асрнинг бошларида Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар авлодидан бўлган Шоҳ Жаҳон ҳукмронлик қиласи эди. Унинг севимли хотини Аржуманд бону бегим (Мумтоз Маҳал, яъни саройда беқиёс) бўлиб, малика ниҳоятда камтар, эрига вафодор ва содиқ эди. У латофатли аёл, поклик, гўзаллик тимсоли эди. Ўткир ақл-идрок соҳибаси бўлмиш Аржуманд бону ўзининг тадбиркорлиги, нозик табиати, иффати ва тенги йўқ ҳусни билан сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор қозонди. Мумтоз Маҳал бегим давлат ишларида эри Шоҳ Жаҳонга ёрдамлашар эди. У саройда шоҳ маслаҳатчиси ва муҳрдорлик лавозимларини эгаллайди. Мумтоз Маҳал бегим яхши кунларда ҳам, ҳарбий сафарларда ҳам эрига вафодор ҳамроҳ ва жафокаш ҳамдард бўлган. Мумтоз Маҳал бегим 1631 или навбатдаги сафарлардан бирида, Бурҳонпур шаҳрида ўн тўртинчи фарзандини тувиш асносида, 38 ёшида вафот этади. Мумтоз Маҳал ўлимни олдидан, эри Шоҳ Жаҳондан фарзандларига меҳрибон бўлишини, бошқа уйлан-масликни ва, ниҳоят, унга атаб дунёда тенги йўқ ҳашаматли бир мақбара бунёд эттиришни васият қиласи.

Шоҳ Жаҳон севимли маликаси Мумтоз Маҳал бегимнинг васиятларини бажаради. Вафодор рафиқасининг номини абадийлаштириш мақсадида унга атаб ялтироқ оқ мармардан мақбара қурдиради. Мақбара Мумтоз Маҳалнинг бошига қўйилган тож рамзида "Тож Маҳал" деб ном беради.

Шундай қилиб, мақбара истеъодли турк меъмори устод Муҳаммад Исохон афанди лойиҳаси ва бошчилигида 1632—1650 йиллар давомида бунёд этилади.

Тож Маҳал мақбараси қурилишига Ўрта Осиёдан, Эрон, Туркия, Ироқ, Арабистон ва Ҳиндистондан, ҳатто, Европадан атоқли меъморлар таклиф этилган. Самарқандлик таниқли меъмор Муҳаммад Шариф эса бош меъмор Исохон афандининг ёрдамчиси бўлган. Бухоролик ҳайкалтарош Ота Муҳаммад мақбара гумбази чўққисига жуда мураккаб бўлган найзани ўрнатишда қатнашган. Шунингдек, Ота Муҳаммад қурилган иншоотнинг моҳир ҳайкалтароши бўлиб хизмат қилган. Шоҳ Жаҳон мақбара қурилишига бевосита ўзи раҳбарлик қилган. Мақбара қурилиши кенг кўламда бошланиб, қурилиш материаллари мамлакатнинг турли бурчакларидан Агра шаҳрига келтирилган.

Шунингдек, Бағдоддан ақиқ, Бадахшондан ёкут, Нилдан гранит, Россиядан зумрад, Ҳинд океанидан марварид, Тибетдан феруза, Цейлондан садаф келтирилган. Ушбу қимматбаҳо тошлар қабртош ва мақбара деворларининг безагига ишлатилган.

Бу улкан ва бетакрор нақшларга безанган мақбарани қуришда 20 мингга яқин қурувчилар қатнашган.

Бу гўзал мақбара катта бир боғнинг ичида жойлашган. Унинг уч томони баланд қизил девор билан ўралган, бир томони эса Жамна дарёсига бориб тақалади. Бу улкан, ажойиб меъморчилик обидасининг тўрт томонида бинолар қурилган. Мақбара билан бинолар орасида хиёбонлар барпо этилган. Хиёбонларда манзарали дараҳтлар, гуллар экилган. Шамшод дараҳтлари ва турли-туман гуллар, нилуфарлар билан ўралган хиёбонлар, жозибали суви отилиб турган фавворалар ҳамда олтин балиқлар сузуб юрган ҳовуз бўйлаб мармар майдонга олиб чиқади. Улкан ва салобатли мақбара шу майдонда савлат тўкиб турибди.

Мақбара устига битта катта ва тўрт томонига тўртта кичик гумбаз қурилган. Мақбаранинг тўрт томонида эса гўё уни қўриқлаб тургандек баланд миноралар кўкка бўйлаб чўзган.

Жимжима нақшлар ўйиб ишланган мармар эшиқдан ичкарига — мақбараға кирилади. Саккиз бурчакли катта зал,

унинг ўртасида Мумтоз Маҳалнинг сафанаси, унинг чап томонида Шоҳ Жаҳоннинг сафанаси жойлашган. Ҳар иккала сафананинг нақш безаклари бир-бирига ўхшаш. Мумтоз Маҳал қабрига қўйилган сафана — яхлит Цейлон қора мармаридан ишланган сафана тошнинг гир айланасида 64 туп нилуфар гул нақши ўйиб ишланган. Бундан ташқари, баҳор элчиси лола тасвири ҳам моҳирлик билан ўйиб ишланган. Ҳар бир лолага 32 донадан садаф, ёкут, зумрад, фил суяги, марварид ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган. Шоҳ Жаҳон сафанаси ҳам нақшли гуллар солинган қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Бир замонлар бу сафанани жаҳонда энг катта — 117 каратли "Кўҳи нур" ("Тоғ нури") деб номланган яшил бриллиант безаб турган. Маълум сабаблар билан Англияга ўтиб қолган бу бриллиантнинг бир бўлаги ҳозирда Англия қироличасининг тожини безаб турибди, бир бўлаги эса Британия музейига қўйилган. Куёш уфққа ёнбошлаган пайтда Тож Маҳал ажиз товланади. Оқ мармар қуёш ёғдусида оч пушти рангида жилоланади. Мақбара тунда ҳам ана шундай гўзал ва ажиз. Тарихчилар, меъморлар ва санъаткорлар Тож Маҳал мақбарасини бобурийлар яратган барча обидаларнинг чинакам тожи деб атайдилар. Тож Маҳал мақбараси Истанбулдаги энг гўзал Аё-София жомеси, Афинадаги Парфенон, Миср эхромлари, Парижнинг машҳур бутхоналари, Бирма олтин ибодатхоналарининг гўзалидир. У алоҳида ажралиб турувчи меъморий обидадир. Кундузи офтоб нурларида силлиқ мармар ялтираб, товланиб кўз қамаштиради, гёё мақбаранинг ўзи нур сочаётгандек бўлиб туюлади, кишининг назарида. Тож Маҳал жаҳон мўъжизаларидан бири сифатида тан олинган.

Гўзалликда тенги бўлмаган Тож Маҳал мақбараси Ҳиндистонда шу қадар машҳурки, унинг тасвирини сиз ҳамма ерда учратасиз. Машина деразаларида, дўконлар, масжидлар, сартарошхоналарда унинг сурати осиб қўйилган. Ҳиндистон гиламлари, лаган ва пиёлаларида мақбаранинг гўзал қиёфаси туширилган. Мақбаранинг мармар ва фил суягидан, садафдан, гипсдан жажжигина қилиб ясалган шакли ҳамма ерда сотилади. Ҳар йили бу ерга дунёнинг турли бурчакларидан юз минглаб сайёхлар келишади. Улар Ҳиндистоннинг бу улуғвор ёдгорлигига таъзим қиласидилар. Шарқ,

шу жумладан ўзбек усталарининг санъатига, бунёдкорлик иходига қойил қоладилар.

Тенги йўқ бу ҳашаматни сўз билан ифода этиш қийин. Тож Маҳални кўрган ва гўзаллигидан ҳайратда қолган кишилар уни "Тошдаги достон", "Мармарга битилган орзу", "Севги ҳайкали" деб таъриф этишган.

Ҳа, йиллар, асрлар ўтди, лекин Тож Маҳал ўзининг гўзаллиги, муҳташамлиги, безак, бетакрор нақш ва гулларининг нодирлиги билан ҳамон кишиларни ҳайратда қолдириб келмоқда. Ҳиндистонга илк бор қадам қўйган кишилар ҳам, қайта-қайта келганлар ҳам афсонавий бу ноёб обидани, инсон ақл-заковатининг тенгсиз мўъжизасини бир қўрмасдан қайтмайдилар.

Иккинчи бўлим

ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ СЕРЖИЛО ҚИРРАЛАРИ

БУХОРОНИНГ ЗАР ЮЛДУЗЛАРИ

Зардўзлик — зар ип билан гул нақш тикиш демакдир. Ҳалқимизнинг қадимий ҳунари бўлган зардўзлик асрлар мобайнида шаклланиб, сайқал топиб, ривожланиб келмоқда. Қадимшунослик топилмаларига кўра Ўрта Осиёда зарбоф кийимлар ва бадиий буюмлар эрамизнинг I—II асрларида ҳам ишлатилгани маълум. Абдураззок Самарқандийнинг "Ҳинди斯顿 сафарномаси"да ёзилишича, Шоҳруҳ хукмронлиги даврида элчиларнинг совғалари орасида зардўзи кийимлар бўлган. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро ва Шахрисабзда зардўзлик корхоналари бўлиб, унда сифатли ва нағис буюмлар ишлаб чиқарилган. Ўтган асрнинг 70—80-йилларида Бухорода зардўзлик жуда ривожланган. Бу даврда шаҳарда иккита кийим-кечаклар тикадиган ва уни олтин ва кумуш иплар билан безайдиган устахона бўлган. Кўли гул ҳалқ усталари зарбоф тўн, дўппи, белбоғ, салла, пойабзаллар, кавуш, зархуржун, заржабдуқ, зарҳамён тайёрлаб ўз санъатларининг довругини оламга таратганлар. Ўрта асрларда ёқ Осиё ва Европадан ташриф буорган савдогарлар ва сайёҳларни ерлик зардўзларнинг бетакрор маҳорати чексиз ҳайратлантирган эди. Чунончи, XV асрда Самарқандга келган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Амир Темур кошоналарини кўздан кечириб, зардўзларнинг чевар қўллари билан тайёрланган ва кошоналарнинг бағрини безаб турган сон-саноқсиз зар буюмлардан завқланган эди. Бухоронинг зарбоф тўнлари ўша даврларда ҳам Шарқда маълум ва машхур эди. Зар уқали кийимлар гўзал кашталари ва яхши пардозлари билан ажralиб турган. Зардўзлик ҳунарининг техникаси жуда ҳам турличадир. Тикиш учун асосий материал сифатида зар ёки кумуш иплардан фойдаланилади. Зардўз-

лик буюмлари икки усулда — заминдўзи зар билан тикилади. Зардўзликда ҳар хил рангдаги баҳмаллар ва ипак матолар ишлатилади. Безаклар одатда ўсимликлар оламига хосдир. Зардўзлик иши оғир, мураккаб ва нозик. Ҳар бир гул ва нақшга ўнлаб, юзлаб, минглаб марта игна уриш лозим. Яна улар юксак маҳорат, нозик дид, гўзал таъб билан тикиладики, киши кўзини қувонтиради.

Ўзининг 2500 йиллигини нишонлаган Бухорои шариф зардўзлик санъатининг қадимий ватанларидан бири бўлиб, бу ерда зардўзлик хунари авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланниб кёлган. Зардўзлик Бухоро амирининг шахсий мулки ҳисобланган. Бухоро зардўзлик мактабининг кекса вакиллари Амиржон Мажидов, Фулом Муҳамедов, Нуъмонжон Аминов, Раҳмат Мирзаев, Сайфулло Саъдулаев, Файзулло Файбуллаев, Робия Раҳматова, Раҳима Қўлдошева, Маҳсума Аҳмедова, Тамара Файбуллаевалар бутун ҳаётларини Бухоронинг қадимий зардўзлик хунарини ривожлантириш, унинг шуҳратини ошириш ва истеъодли шогирдлар тайёрлашга бағишладилар. Халқ усталари азалдан хунар сирларини устозидан ўрганиб, кейин унинг анъанасини бойитган ҳолда давом эттирганлар.

Муяссар Темирова ана шундай устоз кўрган санъаткорлардан. Уни зардўзлар санъати сирларидан биринчи бор хабардор қилган киши меҳрибон онаси эди. Кейинчалик моҳир зардўз усталаридан Ўзбекистон халқ рассоми Маҳсума Аҳмедова унга зардўзлик санъати сир-асрорларини ўргатган, уни моҳир санъаткор қилиб етиштирган ажойиб инсондир. Муяссар бу ноёб ва нафис хунарни эъзозлаб, зардўзлик фабрикасига ишга келганига ҳам мана 40 йил тўлди. Шу давр мобайнида 30 дан ортиқ зардўзлик бўйича тикиш усуllibарини қунт билан ўрганди. Муяссар Темированинг дастлабки мустақил иши бу — Тошкентдаги Алишер Навоий номли Катта театр саҳнаси учун тикилган сержило зарпарда бўлди. Санъаткор кейинги йилларда ўзининг кўп йиллик бой тажрибаларини ишга солиб, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг 525 йиллигига бағишилаб "Алишер Навоий", "Халқлар дўстлиги" панноларини зўр маҳорат билан тикди. Айниқса, "Она билан бола" сурати тасвиrlанган асари жуда санъаткорона қилиб бажарилганлиги билан ажралиб туради. Муяссар Темирова

юқорида кўрсатилган санъат асарларини яратганлиги учун 1973 йили Ўзбекистон халқ рассоми унвонига сазовор бўлди.

Мустақиллик туфайли бу санъаткорнинг хунари учун янги имкониятлар яратилади. Муяссар Темирова бугунги кунда Бухоро "Зардўз" ҳиссадорлик корхонасининг юксак бадиий буюмлар тайёрлаш бўлимининг катта устаси, 60 нафар зардўзлик санъатини ўрганаётган қизларга бош-қош, моҳир санъаткор. Муяссар Темирова ҳозирги кунда зардўзликнинг қадимий бухороча усуllibарини қайта тиклаш, янги нусхалари, нақшлари устида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. У "Нигор", "Нигина", "Оқ гул" паннолари, "Бухоро герби", "Ўзбекистон герби" каби зардўзлик санъати намуналарини яратди. Халқ усталаридан ҳисобланган Муяссар Темированинг ҳали рўёбга чиқмаган режалари кўп. Жумладан, Тошкентдаги Мустақиллик майдонини зар нақшларга тушириш нияти бор.

Муяссар опа қадимий ўзбек каштачилигининг асрлар оша шон-шуҳрат қозонган анъаналарини янада ривожлантириб, ўз тажрибалари асосида унга янги замонавий кўриниш бермоқда. Қизларимиз бошида ёқутдек ёниб, товланиб турувчи "Наврўз", "Раъно", "Мажнунтол", "Гулноз" каби машиҳур дўппилари, "Садбарг" деб аталувчи аёллар туфлиси, кавушлар, гулдор нимчалар Муяссар опанинг кўп йиллик меҳнати натижалари маҳсулидир. Моҳир чевар яратган гўзал каштачилик буюмлари халқ амалий санъатига бағишлиланган барча кўргазмаларда, жумладан, Франция, Канада, Эрон, Ҳиндистон, Япония, Америка, Туркия каби давлатларда ташкил этилган халқаро ярмарка, кўргазмаларда катта қизиқиши уйғотди ва олтин, кумуш, бронза нишонлари, фахрий ёрликлар ва дипломлар билан тақдирланди. Унинг қадимий Бухоро зардўзлик мактаби анъаналарини давом эттириб, халқ амалий санъати, айниқса, зардўзликни ривожлантиришдаги хизматлари муносиб тақдирланди.

1996 йилда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий кудрати ва шон-шуҳратини оширишга кўшган шахсий ҳиссаси ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларидаги фидокорона меҳнати учун Муяссар Темировага "Ўзбекистон қаҳрамони" унвони ва "Олтин юлдуз" олий нишони берилди. "Мен дунёдаги энг бахтли аёлларнинг бириман, — дейди у ҳаяжон

билан. — Бахтилигим шундаки, мустақил, дунё тан олаётган юртнинг фарзандиман". Опанинг ижоди айни гуллаган пайт. Бу санъаткор ҳали ҳалқ амалий санъатининг гўзал на-муналарини яратиб, ҳалқимизни кўп марта қувонтиради. Бугунги кунда Баҳодиржон Сайджонов раҳбарлик қилаётган Бухородаги "Зардўз" ҳиссадорлик жамиятида бир ярим минг чевар хотин-қизлар самарали меҳнат қилмоқдалар. Бу ерда Муяссар Темирова бошлиқ олий сифатли зар тикиш бригадаси кенг фаолият қўрсатмоқда.

Тайёрланган 70 хил такрорланмас нусхадаги нафис ва сифатли буюмларга истеъмолчилар талаби кундан-кунга ортиб бормоқда. Бугунги кунда корхонада миллий зарбоғ тўн, зардўппи, сўзана, зарпарда, сернақш гўзал аёллар нимчалари, шиппак, зарҳамён, заргилоф каби юзлаб олий сифат ва чиройли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай нафис ва ноёб буюмларнинг харидорлари нафақат ўзимизда, Марказий Осиё республикаларида, балки хорижда ҳам кўп. Жумладан, Вашингтон ва Лос-Анжелосдаги ўзбеклар, Франция, Арабистон, Туркия, Англия ва бошқа мамлакатлардан Бухорои шарифга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон, сайёҳ, албатта, бухоролик ҳунарманлар қўлида сайқал топган зардўзлик совға буюмларини харид қилишга орзуманддир. Бухоронинг зар либослари бутун дунё бўйлаб шуҳрат қозонмоқда, музейларни безатмоқда. Ҳалқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида Юртбошимиз Ислом Каримов: "Бухоро зардўзлари меҳнатини олиб қарайлик. Бундай санъат, бундай маҳорат ер юзида топилмайди. Бухорои шарифнинг зардўзи дўпиллари, зарчопонлари, заркавушлари, турли зар безаклари дунёдаги энг машҳур музейларнинг фахрига айланган", — деб зардўзлар меҳнати ва маҳоратига юксак баҳо берган эдилар.

Мустақиллик туфайли республикамизнинг қадимий бой ва ранго-ранг амалий-бадиий санъати янги юксак босқичга кўтарилимоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳалқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони устазодаларимизнинг ғайратига ғайрат қўшгани шубҳасиз. Улар

асрлардан бери сайқал топиб келаётган миллий анъаналари-миздан ижодий ўрганиб, янги ғоя, янги мазмун ва янги шакллар билан бойитиб, асарлар яратишдан ва унинг олдинги шон-шуҳратини кўтаришдан иборатдир.

ДОВРУГИ ОЛАМГА ТАРАЛГАН

Юртимизда қадимдан аъло сифатли гўзал ва бадиий матолар кўплаб ишлаб чиқарилган. Булар турли-туман ип-газламалар, шойи-атласлар, бекасам ва банораслар, ип, ипак тўп матолардан иборат. Юртимизнинг бу хилдаги матолари қадимдан бутун Шарқда машхур ва манзур бўлган. Бундай чиройли, гўзал ва пишиқ ҳаридорбоп матоларнинг шуҳрати ҳақида Наршахий, Мақдисий, Восифий, Файзуллоҳ ибн Рўзбехон ва Мирзо Бобур сингари машхур тарихшунос ва шоирлар жуда қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Хива қадимдан йирик ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири ҳисобланиб келади. Хива турли хил зеб-зийнат, гўзал ва пишиқ уй-рўзгор безак буюмлари билан бутун Шарқда машхур бўлган.

Хасрда яшаб ижод этган араб сайёҳи ва географи Аҳмад ал-Муқаддасий Хоразм ҳақида шундай деб ёзади: "Бу (Хоразм) кўп сонли шаҳарларга эга ажойиб бепоён ўлка бўлиб, уй-жойлари-ю боғу бўстонларининг чеки йўқ, узумзор, хилма-хил ўсимлик ва дараҳтлари кўп, мевалари сероб ва савдо аҳли учун турли-туман хайрликлар мўл бўлиб, унинг (Хоразмнинг) аҳли эса зеҳни ўткир, илм-фанда идрокли, фикҳни яхши эгаллаган, қобилиятли ва ўқимишли кишилардир".

Машхур араб олими ва сайёҳи Ёкут ал-Хамавий (1179—1229 й.) Гурганж ҳақида: — "Шаҳар обод ва аҳолиси зич, бозорлари узундан-узун расталардан иборат. Хоразмнинг деярли ҳамма шаҳарларида мол-товар ҳамда дўкон расталарга бой бозорлар бор, бозори бўлмаган қишлоқ камдан-камдир", — деб ёзади.

Хасрда яшаган яна бир араб сайёҳи Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, хоразмлик савдогарлар кўпгина Шарқ мамлакатларига, ҳатто, Хитойгача бориб момик, жун ва жун газламалар, ипак, соф шойи ва ҳар хил газламалар сотиб олганлар. Ҳар хил мол-матолар ортиб Хоразмдан чиқсан карвонлар

Фарб ва Шарқ мамлакатлариға бориб савдо-сотиқ қылганлар. Келтирилген моллар орасида гиламлар, шойи ва пахта газламалари ва ҳоказолар бўлган.

Гурганж бозорларида мўйна кўп, бироқ нархи қиммат бўлган.

Хасрда яшаган араб сайёхи Аҳмад ал-Муқаддасий "Хоразмдан четта чиқариладиган моллар — савсарлар мўйнаси, оқ савсарлар, савсар тулки, қуён мўйналари ва эчки терилари, шунингдек, шамлар, ўқлар, оқ терак пўстлари, узун қалпоқлар, балиқ елими, балиқ тишлари, канакунжут мойи, от, терисидан ишланган чарм, асал, ёнгоқ, майиз, ов лочинлари, қалқонлар, қайин пўсти, қўйлар қўплаб чиқарилганлигини ёzáди. Булардан ташқари Хоразмдан куруқ мевалар, ширинликлар, тарғил мовуд, гиламлар, совғабоп кимҳоблар, мулҳам деб аталган матодан тикилган чойшаблар, қулфлар, камонлар, балиқ, қайиклар ҳам чиқарилган.

Шарқ ва Фарб бозорларида қадимдан Хоразм қовунларига талаб катта бўлган. Ўша вақтларда Шарқда ҳам, Фарбда ҳам Хоразм қовунига тенг келадигани бўлмаган. Донги кетган бу қовуннинг пўчоғи яшил тусда, гўшти юмшоқ, жуда ширин, айни замонда мазали бўлиб, унинг бозори чаққон бўлган. Шуниси қизиқки, деб ёzáди XIV асрда яшаган буюк араб сайёхи Ибн Баттута, худди биздаги қуритилган анжир (шариқа) ва Малага анжири каби бу қовунни бўлак-бўлак қилиб кесиб, офтобда қуритиб, саватга солиб Хоразмдан Ҳиндистонга ва Хитойнинг узоқ шаҳарлариға олиб бориб сотишади. Барча қуритилган мевалар ичидаги қовун қоқига тенг келадигани йўқ. Хоразм бозорларида нарх-наво жуда арzon бўлганлиги ва бу ердан истаган нарсани топиш мумкинлигини ёzáди Ибн Баттута. Кейинги вақтларда ҳам Хоразм бозорларида турли маҳсулотлар ва бу буюмларнинг мўл-кўллиги, арzonлиги ва харидорларнинг гавжумлиги билан ажralиб турган.

XIX асрнинг 80-йилларида Хива хонлигидаги 35 та йирик бозорлар бўлиб, бу ерга нафақат атрофдаги харидорлар, балки бошқа хонлик ва шаҳарлардан ҳам харид қилувчи ва сочувчилар қўплаб келиб туришган. Тарихий манбалар ва архив маълумотлариға кўра, хонликнинг йирик шаҳарларида савдо-сотиқ ишлари яхши ривожланган бўлиб, ҳар бир шаҳарда

ўнлаб-юзлаб савдо дўконлари мавжуд бўлган. Жумладан: Хива шаҳрида 400 та, карвон саройларда 50 та, Ҳазораспда 400 та, Хўжайлида 300 та, Урганчда 300 та, Тошқовузда 330 та, Кўнғиротда 315 та, Эски Урганчда 100 та, Шовот ва Шоҳаббос Валида 34 та савдо дўконлари бўлган. Хонлик бўйича 2000 дан ортиқроқ дўконларда қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотлари, шунингдек, ҳунармандчилик маҳсулотлари, завод ва фабрикаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, буюмлар савдоси кўплаб юритилган. Ўша даврларда Хоразм бозорларида маҳсулотлар ҳамда буюмлар номига қараб сотилган. Масалан: ғалла бозори, пахта, от, қўй, гўшт, кийимкечак бозорлари. Хивада умуман хонликнинг бошқа бозорларининг кўпчилиги катта майдон ва марказий кўчаларда жойлашган бўлиб, доимо харидорлар билан гавжум бўлган.

Хоразмнинг йирик шаҳарларида, бозор ичи ва ташқарисида жойлашган ҳунармандчилик корхоналари ва устахоналари жумладан, темирчилик, заргарлик, мисгарлик, дурдгорлик, пойабзал тайёрлайдиган дўконларнинг усти ёпиқ бўлиб, буюмлар шу ерда тайёрланиб, харидорларга сотилган. XIX асрнинг 30—40-йилларида Хива хони Оллоқулихон (1825—1842 й.) Хонликда савдо-сотиқни ривожлантириш учун улкан карвонсарой, усти ёпиқ бозорлар курдирган. У айни бир вақтда ички ва ташқи савдони, айниқса, Россия ва қўшни давлатлар билан савдо ва элчилик муносабатларини ривожлантиради. Урганч ва Хивага Ҳирот, Машҳад ва Марвдан тўхтовсиз савдо карвонлари турли-туман моллар билан қатнаб, келиб турган. Тарихий маълумотларга кўра, Хонликдан Россия шаҳарларига 1862 йили 27.950 сўмлик, 1863 йили 36.051 сўмлик, 1864 йили 55.662 сўмлик, 1866 йили эса 58.857 сўмлик ип-газлама чиқарилиб сотилган. Умуман олганда Хивадан Россия ва қўшни шаҳар бозорларига пахта, қоракўл тери, беда уруфи, жун газламалири, гуруч, балиқ елими, турли хил ҳунармандчилик буюмлари чиқарилган. 1880 йили Хивадан Россия бозорларига 89 минг пуд пахта толаси, 17 минг 500 дона ҳар хил терилар, 10 минг пуд жун, 1200 пуд қўй ичаги, 1880 пуд беда уруфи, 33 минг дона чопон ва кигизлар, 60 минг пуд гуруч, 4700 дона гилам ва пояндозлар, 20 минг пуд сигир ёфи, 500 пуд бўёқ ва бошқа буюмлар, маҳсулотлар чиқарилган.

XX асрнинг бошларига келиб, Хива хонлигининг шаҳларида тайёрланган буюмлар нафақат Россия шаҳлари ва атроф жойларга, балки хорижий мамлакатларга ва у ерларда ташкил этилган ярмарка ва халқаро кўргазмаларга ҳам чиқарилганлиги архив хужжатларида қайд этилган.

Хивадан Астробод, Машҳад, Қандаҳор, Ҳирот, Мозори Шариф шаҳларига ҳар йили 100—150 туя карвонларда турли товарлар келтирганлар.

Хива савдосида пахта толаси, чит, ипак, жун, тери, мўйна, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, куруқ мевалар асосий ўринни эгаллаган.

1910 йилдан бошлаб Хивадан сифатли беда уруғи Америка, Германия, Италияга жўнатилиб турилган.

XX асрнинг кейинги йилларида ҳам Хива қўшни давлатлар, Россия ҳамда хорижий давлатлар билан савдо-сотиқ ишларини давом эттириб, ўзининг турли хил сифатли ва харидоргир маҳсулотлари билан таъминлаб турган. Холоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган мисол ва рақамлар ўтмишда Хива, умуман Хоразм бозорларида савдо-сотиқнинг ривожланганлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, мамлакатимизда ички бозорларни кенгайтириш, уларда савдони ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг 1996 йил 5 мартағи "Бозорларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ахолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони бозорларга бўлган эътиборни янада кучайтирди.

Республикамиз шаҳларидаги бозорлар шу жумладан, Хоразм вилоятидаги айниқса, қадимдан шуҳрати етти иқлимига етган Хива бозорлари қайта таъмирланди. Уларда савдо расталари ва дўконлар кўпайтирилди. Истеъмол бозори янги моллар билан тўлдирилди. Хива бозорларининг янги қурилган услуби ва гўзаллиги билан ундаги ширин-шакар мевалар, зеб-зийнат буюмлар, кундалик турмуш эҳтиёжлари, рўзгор учун зарур бўлган нарсаларнинг мўл-кўллиги, ҳар бир харидорни, айниқса, Хивага қелган ажнабий сайёҳларни ўзига ром қилиши аниқ. Куйидаги эътироф фикримизнинг далилидир: "Биз Берлиндан келдик. Кўп жойларда саёҳатда бўлганмиз. Аммо Хивадек салобатли, муҳташам, кўркам

шаҳарни учратмаганмиз. Бу ерда гүё ўзимизни худди афсоналарда тасвирланган сөхрли шаҳарда юргандек сездик. Айниқса, Хива бозори бизга жуда ёқди. Хилма-хил мевалар ҳамиша топилар экан. Шундай обидаларни, тўкин-сочинликни яратган Хива халқига раҳмат!", — дейди германиялик сайёҳ Уильям Маркс.

КУЛОЛЛАРИМИЗ МЎЖИЗАСИ

Ўзбек халқ амалий санъати тарихи ниҳоятда бой. Отабоболаримиздан бизгача етиб келган кулолчилик, ўймакорлик, наққошлиқ, заргарлик, зардўзлик, гиламдўзлик ва тўкувчилик ҳунарлари бўйича бугун бой тажриба тўпланган.

"Ўзбеклар — деб ёзган эди рус элшуноси Н.П. Остромов, — тенги йўқ уста-наққошлардир: улар нозик ва гўзал нақш ишлайдилар, нафақат ёғочга, балки, мармартошга, металлга нозик ва гўзал нақш солишлари, газламага рангбаранг гуллар, геометрик шакллар туширишларига қараб, уларнинг моҳирлигига қойил қоласан".

Бадиий кулолчилик ҳам халқимиз амалий санъатининг дунё эътироф этган турларидан бири. Бадиий кулолчиликнинг қадимий марказларидан бири Тошкент ҳисобланади. Қадимшунос олимларимиз Кўкалдош мадрасаси ва Шайхонтахур даҳасида олиб борилган археологик қазишмалар жараёнида тошкентлик кулоллар тайёрлаган буюмлардан кўплаб намуналар топганлар. Топилмалар — турли рангда сир берилган лаганлар, товоқлар ва кўзачалар ўзининг бетакрор шакли, ихчам ишланганлиги ва бўёқларнинг тиниқлиги ҳамда ранг-баранглиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Кўкалдош мадрасаси яқинидан топилган XVI аср кулолчилик маҳаллаларининг маълум бир қисми, жумладан, ундаги устахона ва хумдон, айниқса, диққатта сазовордир. Ушбу устахонада сопол идишлардан ташқари йирик мъеморий бинолар учун турли рангдаги кошин ва парчинлар пиширилган. Эътиборли жиҳати, бу парчин ва кошинлар ўзининг рангдорлиги, нақши ва сифати жиҳатидан Самарқанд ва Бухоро кошинпазларининг маҳсулотидан қолишмаган. Шунингдек, тошкентлик кулоллар хилма-хил турдаги ва ҳажмдаги идиш-товоқлар ишлаб чиқаришдан ташқари,

кувурлар ва чириқ учун кўзачалар, тандирлар ва бошқа рўзгорбоп буюмлар тайёрлаганликларини ҳам археолог олимларимиз аниқладилар. Тарихий маълумотларга кўра, 1876 йилда Тошкент шаҳрининг турли жойларида 56 та кулолчилик корхоналари фаолият кўрсатган.

Булардан ташқари, Кўкча, Бешёғоч даҳаларида бир қанча тандирсозлик устахоналари ҳам бўлган. Уларда тайёрланган турли ҳажмдаги сифатли тандирларга шаҳар ичи ва унинг атрофларида талаб катта бўлиб, бозори чаққон бўлган.

Тўркистон хунармандчилик комитетининг котиби В. Разводовскийнинг кузатишлари ҳамда тўплаган маълумотларига кўра, 1915—1916 йилларда ўлкада 300 минг киши кулолчилик билан шуғулланиб, йилига 13 миллион дона турли ҳажмдаги сопол буюмлар тайёрлаганлар. Тошкентда эса юздан ортиқ кулоллар йилига 50—60 минг донагача сопол идиш буюмлари ясаганлар.

XIX асрнинг 70-йилларида Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги Овиназар маҳалласида бешта кулолчилик корхонаси фаолият юритган. Сопол буюмлар тайёрлашда асосий хом ашё, яъни соз тупроқ Салор ариғи бўйидан ҳамда Қорақамиш даҳаси атрофидан олиб келинган. Шаклга келтирилган буюмлар шу ерда қурилган хумдонларда бир йўла 500—600 донадан қўйилиб, сифатли қилиб пиширилган. Кўкчалик кулоллар йилнинг 9 ойида самарали ишлаб, қишида дам олганлар.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Кўкчада устазодалар авлодидан етишиб чиққан истеъодли сополсоз уста Мирали кулол фаолият кўрсатган. У XIX асрнинг 80-йилларида Тошкентнинг таниқли кулол устаси бўлган. У Тошкентнинг Кўкча даҳаси Овиназар маҳалласидан бўлиб, шоир Фурқатнинг энг яқин дўстларидан бири эди. Кўкалдош мадрасаси орқасида унинг кулолчилик буюмлари сотадиган дўкони бўлган. XIX асрнинг 90-йилларида шоир Фурқат Кўкалдош мадрасасида яшаган чоғларида Мирали кулолнинг дўконига тез-тез чиқиб турганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу қўли гул сополсоз устанинг ота-боболари ҳам ўз даврининг моҳир кулоллари бўлганлар. Улар тайёрлаган сопол буюмлар нафақат шаҳар ичида, балки четда ҳам ниҳоятда харидоргир бўлган. Обиназар маҳалласидаги кулолчилик устахонасида

Муҳаммаджон Миралиев бошлиқ 4 нафар ака-укалар оилас-
вий меҳнат қилганлар. Муҳаммаджон Миралиевнинг ука-
си (кейинчалик машхур кулол сифатида танилган Туроб
Миралиев) ҳам улар билан ёнма-ён туриб ишлаган.

Хунармандлар ўз иш тажрибасини ва иш усувларини
ўғиллари ва яқин қариндош-уругларига ўргатиб, уни ав-
лоддан-авлодга мерос қолдирган. Тошкентлик машхур уста
Туроб Миралиев ота касби кулолчилик санъатини эъзозла-
ган ва уни янги шакл ва мазмун билан янада ривожланти-
ган.

Т. Миралиев дастлаб Тошкентда биринчи ташкил этил-
ган "Жонон" артелида 1923—1950 йилларда кулол, айни
бир пайтда бадиий ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида бош
уста бўлиб ишлаган. У сопол лаганларга чизма гул солиши-
нинг ўзига хос услубини яратган. Т. Миралиев ўз ижодий
асарларида ҳалқ меъморчилигининг энг яхши анъаналари-
дан фойдаланиб, уни янги шакл ва мазмун билан бойитиб
борди. Устанинг ижод намуналари республика ва хорижий
شاҳар кўргазмаларида бир неча бор намойиш қилинган,
юксак тақдирланган. Туроб Миралиев 1937 йилда Парижда
ташкил этилган жаҳон кўргазмасида лаган, тўйтовоқ, коса,
кўза, гулдон сингари ижод намуналари билан фаол қатна-
шиб, кўргазманинг кумуш нишони ва дипломи билан тақ-
дирланган. Моҳир кулол республикада ҳалқ амалий санъа-
тини, хусусан, кулолчиликни ривожлантиришдаги хизмат-
лари учун Ўзбекистон хукуматининг фахрий ёрлиқлари,
нишонлари билан бир неча бор тақдирланди. Унинг акаси
машхур кулол Муҳаммаджон Миралиев эса 1923 йили
Москвада очилган Бутун Россия ҳунармандчилик кўргаз-
масида сопол буюмлари билан қатнашиб, фахрий ёрлиқ ва
диплом билан тақдирланган. Ўз касбининг етук билимдони
уста Туроб Миралиев 1952 йилда 78 ёшида вафот этди.

Туроб Миралиевнинг ижодий намуналари Республика
Давлат Санъат музейида, амалий санъат музейида сақлан-
моқда. Устанинг ҳунарини бугунги кунда унинг фарзандла-
ри, набиралари ва шогирдлари давом эттиряптилар.

У дастлаб отаси билан ёнма-ён туриб меҳнат қилган бўл-
са, кейинчалик кулолчилик санъатини янада пухтароқ ўрга-
ниш мақсадида 1935 йили Тошкентда ташкил этилган ба-

дийи ишлаб чиқариш комбинатининг кулолчилик бўлимига ўқишга кирди. Ўша йиллари бу бўлимга унинг отаси Туроб Миралиев раҳбарлик қиласи эди. Бу ерда Камол кулолчилик технологиясини ўрганиб, наққошлик яъни сопол буюмларга гул солиш ва унга бадиий сайқал бериш соҳасидаги тажрибасини орттирди. Комбинатда ўқишни муваффақиятли тамомлаганидан кейин, 1938—1939 йилларда Тошкентдаги кулолчилик илмий текшириш институти лабораториясида бир гурӯҳ олимлар билан бирга чинни саноатида маҳаллий тупроқдан фойдаланиш устида тажрибалар олиб борди. Иш жараёнида технологик жараённи пухта ўзлаштиргани ва орнамент нақшлар тузилишини яхши билганлиги учун ёш ва изланувчан уста Камол Туробов аввалига "Қизил Кулол" артелининг, кейинчалик Баанов номли артельнинг бадиий раҳбари лавозимларида ишлади.

Устанинг ижоди айни ривож топаётган бир вақтда уруш бошланди. 1941 йилнинг бошида Камол фронтга жўнади. Урушдан сўнг яна севимли касбини давом эттириди. У яратган сопол идишларнинг содда ва нафис ишланганлиги, жимжимадорлиги, рангининг тозалиги, шаклининг бежирим ва пишиклиги кўзингизни яшнатади. Уста Камолнинг самарали ижодида нафис сопол идишлар, сервис (лаган, чойнак, коса, пиёла, қанддон) катта ўрин эгаллайди. Кулолчилик хунарининг билимдони Камол аканинг ижодий намуналаридан йигирматаси республика миқёсида тан олиниб, унга "Ихтирочи" гувоҳномаси берилди. Устанинг ижоди намуналари 1953—1955 йилларда Афғонистон, Эрон, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Бельгия, Канада, Японияда ташкил этилган жаҳон кўргазмаларида ҳам ўз баҳосини олган.

1957 йилда моҳир уста Брюсселда очилган жаҳон кўргазмасида гулдан, лаган, коса ва бошқа бир қанча сувенирлари билан фаол қатнашиб, кўргазманинг диплом ва фахрий ёрликлари билан тақдирланган эди. Камол Туробовнинг жаҳон ёшлари ва талабаларининг VI фестивалига бағишилаб ишлаган сопол буюмлари унинг кулолчилик соҳасида юксак маҳоратга эга эканлигини намойиш қилди. 1967 йилда Канаданинг Монреал шаҳрида ташкил этилган жаҳон кўргазмасида совфабоп буюмлари учун фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Польша ва Германияда очилган кўргазмада ҳам унинг асарлари энг яхши экспонатлар қаторида тилга олинди ва диплом билан тақдирланди. Бундан ташқари уста ижод қилган сопол буюмларнинг айримларини Санкт-Петербург Эрмитажи, Лондон, Париж, Япония ва Ҳиндистон сингари Фарб ва Шарқ марказий музейларида учратиш мумкин.

Шунингдек, Камол Туробов ижодига мансуб сопол буюмлар намуналари Ўзбекистон Давлат санъат музейи ва Ҳалқ амалий санъати музейи залларида ҳам намойиш этилмоқда. Катта тажриба орттирган кулол Камол Туробовнинг кейинги йиллардаги ижод намуналари — турли рангда сир берилган лаганлари, товоқлари ва қўзачаларининг шакллари ихчам ишланганлиги ва бўёқларининг тиниқлиги ҳамда рангбаранглиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Камол Туробов ўзи тайёрлаган сопол буюмлар ва идишларни паргори ва ислимий нақшлар, турли гул ва расмлар билан жуда гўзал қилиб безатган. Уста 1968 йилдан бошлаб Республика маҳаллий саноат вазирлиги давлат маҳсус бадиий конструкторлик технология бюроси керамика бўлими мудири бўлиб ишлаган вақтида тайёрланаётган сопол буюмларнинг тури янада кўпайиб, сифати яхшиланди. Камол Туробов кулолчилик соҳасида тинмай изланишлар олиб бориши билан бирга Риштон, Хива, Самарқанд, Китоб, Шаҳрисабз, Термиз, Жizzах ва Тошкент шаҳарларида кулолчилик корхоналарини қуриб ишга туширишда ҳам фидойилик кўрсатиб келди. Шунингдек, миллий кулолчилигимизнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўщадиган шогирдлар тайёрлади. Кулолчилик ҳунарининг билимдони Камол Туробовнинг шогирдлари бугунги кунда Тошкент кулолчилик корхонаси цехларида ҳамда турли вилоят ва шаҳар маҳаллий саноат комбинатларида самарали меҳнат қилишмоқда. "Ўзбекистон ҳалқ рассоми", Тошкент кулолчилик мактабининг бугунги кундаги энг кекса вакили — қадрли устамиз айни пайтда 86 ёшга кирдилар.

Бугунги кунда авлодлар касбини, ота ҳунарини устанинг фарзандлари давом эттириб келмоқдалар. Жумладан, 1955 йилда туғилган Мирфаёз Туробов кулолчилик сирларини отасидан ўрганган, кейин Тошкент Политехника институти (ҳозирги Тошкент Давлат Техника университети)

нинг керамика факультетида ўқиб, 1982 йили уни тугатиб, Жиззах керамика заводида иш бошлади. Заводда кўплаб сифатли буюмлар ишлаб чиқаришда фаоллик кўрсатди. Заводда катта тажриба орттирган Мирфаёз Тошкентга қайтиб, хўжалик буюмлари ишлаб чиқарадиган фабрикада бош расом, технолог бўлиб ишлади. Ҳозирда у асосан коса, пиёла, турли ликобчалар, лаган каби рўзгорбоп чинни ҳамда техник фарфор буюмлар тайёрлаш билан машғул.

Боболари хунарини эъзозлаб, уни давом эттираётган кулоллардан яна бири — 1951 йилда туғилган Мирали Туробовдир. У 1974 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет) нинг география факультетини тамомлаган, география фанлари доктори, Республика геология ва минерал хом ашё институтида хизмат қиласди. Айни вақтда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ёшларга география фанидан сабоқ беради. Мирали Туробов бўш вақтларида ота касби — кулолчилик билан шуғулланади. Мирали асосан лойдан турли ўйинчоқлар, ҳайкалчалар ясади. Миралининг бундай ижодий намуналарини хорижлик меҳмонлар, сайёхлар катта қизиқиш билан харид қиладилар. Бахтишод, Дилшод, Мирзиёд, Мухаммад Ризо, Мирҳабиб, Музофар, Хуршид каби набиралари ҳам уста Камол ҳожи Туробовнинг умидли шогирдларидан. Улар устазода Миралиевлар сулоласининг еттинчи авлоди бўлиб, ота-боболари хунарини эъзозлаб келаётган ёш хунармандлардир. Бу хунарсевар ёшларнинг дилларида эзгу ниятлари бисёр. Улар ўзбек хунармандчилигининг довругини жаҳонга ёйишга, кулолчилик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилганлар.

СЕРЖИЛО ЎЗБЕК ГИЛАМЛАРИ

Гилам тўқиши санъати ўзбек ҳалқининг амалий санъатида қадимий, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган нозик хунарлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам санъатнинг бутури янги шакл ва мазмун билан бойимоқда. Диёrimизда тўқилган ва тўқилаётган гиламлар кўп асрлик миллий анъаналарига эга бўлиб, тўқилиш услуби, ҳажмининг катта-кичиклиги, шунингдек, безакларининг ранг-баранглиги билан бир-биридан ажralиб туради.

Юртимизда қадимдан аъло сифатли гўзал ва бадиий гиламлар, сержило шолчалар кўплаб ишлаб чиқарилган. Археологик қазишмалар кўрсатишича ва тарихий манбаларда ёзилишича, VII асрда Ўрта Осиёда гилам тўқиши яхши ривожланган, VII—XI асрларда эса Хоразм, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида жойнамоз гиламчалар тўқилиб, хорижий мамлакатларга чиқариб сотилган. XV—XVI аср ёзма манбаларида ҳар хил гулли ва турли катталикдаги қалин гилам, шунингдек, деворга осиб қўйиладиган газлама гиламлар тилга олинади. Амир Темур саройида бўлган испан элчиси Клавиҳо кундаликларида Самарқандда ўз кўзи билан кўрган — асосан қизил гиламлар тўғрисида гапириб ўтади.

Тарихчи Ибн Арабшоҳ эса Темур мақбарасининг полига ёзиб қўйилган шойи ва баҳмал гиламлар тўғрисида ёзади. XIX асрнинг сўнгги йилларида Самарқанд вилоятида гилам тўқиши қипчоқ, кутчи, митан, найман ва турк каби уруфларда яхши ривожланган. Агар XIX асрнинг 70—80-йилларида оид архив материалларини кўздан кечирсак, унда Самарқанд вилоятининг чорвадор туманларида яшаган аҳолининг 25 фоизи гилам тўқиши билан шуғулланганликларининг гувоҳи бўламиз. Самарқанд уездига қарашли Қорақалпоқ волости, Каттакўргон уездидаги Чимбой, Жўйшаҳар, Ёрбоши волостлари, Жиззах, Нурота ва Ургут туманлари гилам тўқишининг маркази бўлган. Бу жойларда тўқилган гиламлар ва шолчалар ўз бадиий безакларининг тузилиши, зийнати, ранг-баранглиги, ялтироқлиги, геометрик шакллари ва сержило нақшларининг тасвиirlаниши жиҳатидан бошқа ерларда тўқилган гиламлардан ажралиб турган.

Самарқанд вилоятида олача гилам, тақир, яъни патсиз, калта патли, узун патли "Жулихирс" ёки "Айиқ юнгидан тўқилган" деб аталадиган гиламлар, "Гажари", "Терма" ва "Араби" деб номланган сифатли гиламлар тўқилган. Самарқанд гиламларининг ўртача ҳажми $0,8 \times 1,3$ метр, $1,5 \times 3,5$ метр бўлиб, 100 квадрат сантиметрига 800 — 1000 тача ип тугунлари жойлаштирилган. Бир квадрат метр гилам тўқиши учун эса 172 мингдан кўпроқ тугун тушиш, мингларча метр ип тортиш керак бўлган.

Гилам тўқиши нозик ва қанчалик сермашаққат иш бўлишига қарамай, самарқандлик гиламдўзлар кўплаб сифатли,

сернақш гилам ва шолчалар тўқиганлар. Гиламдўз йилига қўлда ўртача 10—15 квадрат метр, тажрибали ва хом ашёси етарли бўлган гиламдўзлар йил давомида учта узун патли "Жулихирс" гилами ва 6 та шолча тўқий олган. Бир волостда йилига ўртача 100 тача гилам ва шолчалар тўқиганлар. XIX асрнинг охирларида ўзбек гиламига бўлган талаб фақат ички бозорлардагина эмас, ҳатто ташқи жаҳон бозорларида ҳам кучайган.

1872 йили 41787 сўмлик, 1873 йили 4916 сўмлик, 1891 йилда 10360 сўмлик, 1892 йилда 12030 сўмлик, 1893 йилда 21816 сўмлик, 1896 йилда 23873 сўмлик Самарқанднинг гилам ва шолчалари Россия, Каспийорти вилоятлари ва Бухоро амирлигига чиқарилган.

Ўзбек гиламлари 1900 йили Ирбит ярмаркасига 100 минг, 1903 йили 76 минг, 1905 йили 60 минг, 1910 йили 63 минг, 1911 йили 42 минг сўмлик миқдорда етказиб берилган. 1869—1913 йиллар давомида сифатли ва сержило нақшли ўзбек гиламлари Москва, Петербург, Нижний-Новгород, Харьков, Париж, Лондон, Чикаго, Милан, Бардо, Берлин шаҳарларида ташкил этилган жаҳон кўргазмаларида намойиш этилиб, юқори баҳоланган.

1900 йилда Парижда очилган жаҳон кўргазмасида Самарқанд, Андижон, Фарғона, Хива, Тошкент ҳунармандлари тўқиган гиламлар намойиш этилиб, юқори баҳоланди. Шу кўргазмада И. Иброҳимжонов, Р. Назаров, А. Хўжаев, Ю. Иброҳимов, А. Қориев, И. Муҳамедов, И. Шоабдурасулов, Р. Ҳақназаровнинг гиламлари олтин, кумуш ва бронза нишонлари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. 1893 йили Чикаго, 1904 йили Американинг Сан-Луи, 1907 йили Бордо ва Милан шаҳарларида ташкил этилган халқаро кўргазмаларда ҳам, 1913 йили Петербург кўргазмасида ҳам юртимиз гиламлари юксак баҳоланди. Асримизнинг бошлирида ҳам ўлкада гилам ва шолчалар ишлаб чиқариш салмоқли ўринни эгаллаган. "Туркестанские ведомости" рўзномасининг 1910 йил 72-сонида босилган мақолада ўлкада ҳар йили 40 минг дона гилам ишлаб чиқарилганлиги ва уларнинг 35 мингтаси Константинополь орқали Европа ва Америкага чиқариб сотилгани ёзилган. 1919 йилда эса бутун Туркистон ўлкаси бўйича 4 млн. дона гилам ва шолча

тайёрлангани ва турли жойлардаги харидорлариға етказилғанлиги "Народное хозяйство Туркестана" журналининг 1920 йил 4-сонида босилган.

Мустақиллик шарофати билан қадимий гилам түқиши хунарини қайта тиклаш ва сифатли гилам ва шолчалар ишлаб чиқариш имконига эга бўлинди. Ҳозирги кунда Самарқанд, Каттакўрғон, Нурота, Ургут, Бахмал, Фаллаорол, Жиззах, Хива, Фиждувон, Кўқон, Қарши, Шахрисабз ва бошқа шаҳар ва қишлоқларда, жамоа хўжаликларида аҳоли эҳтиёжларига яраша бир-биридан чиройли, пишиқ ва нақшинкор гилам ва шолчалар ишлаб чиқарилмоқда. Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Афғонистон — Самарқанд — Бухоро" қўшма корхонасида бежирим, гўзал ва пишиқ баҳмал гиламчалар тайёрланмоқда. Жиззах шаҳридағи Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигига ташкил этилган "ЎзбЖиз Антеп — ЛТД" фирмасида Бельгия моделига оид гиламлар ишлаб чиқарилмоқда ва уларнинг харидорлари кун сайин кўпаймоқда. Асосан икки хил ўлчамда: 2×3 метрли ҳамда $2,5 \times 3,5$ метрли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шу кунгача фирма буюртма асосида қарийб 26 минг квадрат метр ҳажмида Бельгия моделидаги гиламларни ишлаб чиқарди ва харидорларига сотди.

Хива азалдан сержило ва сифатли тўқилган гиламлари билан жаҳонга маълум ва машҳур. Истебдодли хунармандлар маскани ҳисобланган Хивада гилам тўқиши авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Гилам тўқиши санъати тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Қадимги Буюк Ипак йўлида гилам энг харидоргир ва чиройли мато ҳисобланган. XIII асрда Хивага ташриф буюрган италиялик машҳур сайёҳ Марко Поло Хивада тўқилган гиламларни кўриб, ҳайратдан лол қолган. Ўрта Осиёга саёҳати тўғрисида битган китобининг 21-бобини Хива гиламларига бағишлиб, шундай ёзади: "Биласизми, бу қадим кўҳна шаҳарда шундай нозик ва нафис, бежирим ва гўзал гиламлар тўқилар эканки, бундай гиламларни дунёнинг бошқа жойларида учратмадим. Фақат чиройи билан эмас, пишиқ-пухталиги билан ҳам тенгги йўқ".

Бизнинг замонимизда қадимий гилам тўқиши маскани яна ўз фаолиятини бошлади. Бугунги кунда "Хива гилами"

ҳиссадорлик жамияти харидоргир, рақобатбардош гиламларнинг янги туркумларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 1996 йили бир миллиард 501 миллион 574 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарди. Бир миллиард 428 миллион 710 минг сўмлик гилам ва гилам маҳсулотлари сотилди, 1 миллион 333 минг квадрат метр гилам ишлаб чиқарилди. Дастлабки (1977) йили корхонада 12 дастгоҳда 83 минг квадрат метр гилам ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда йилига бир миллион квадрат метрдан ошиқ гилам тайёрланмоқда. Ҳар ойда 110 минг квадрат метр гилам ишлаб чиқарилмоқда, гиламлар тури 210 дан ошди. Улардан 150 таси бадиий кенгаш тасдигидан ўтиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Тайёрланаётган гиламларда Хоразмнинг ўзига хос анъанавий нақшлари қўлланилмоқда. 1998 йилдан бошлаб портрет туширилган гиламлар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Оғаҳий, Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) сиймолари туширилган ранг-баранг жилоли гиламлар фикримиз тасдигидир. Шунингдек, халқимизнинг содиқ фарзанди Шароф Рашидов, Ҳиндистон халқининг буюк ўғлони Жавоҳарлаъл Неру, Туркияning собиқ президенти мархум Турғут Ўзолнинг ҳам ёрқин сиймолари Хива гиламларида ўз ифодасини топди.

Хиванинг 2500 йиллик юбилейига бағиsshаб маҳсус тўёна гиламлар туркуми тайёрланди. Уларда Паҳлавон Маҳмуд мақбаси, Исломхўжа минораси, Калта минор, Кўҳна Арк, Ота дарвоза каби тарихий ёдгорликлар маҳорат билан тасвирланган.

"Хива оқшоми" деб номланган гиламда эса қадим қалъа ой ва юлдузлар оғушида янада кўрк ва салобат касб этганлиги кўнгилларда фуур, фахр, завқ уйғотади. Табаррук тарихий хизматлари билан оламга танилган ал-Хоразмий, Шайх Нажмиддин Кубро, афсонавий қаҳрамон, ватанпарвар жангчи, буюк қалб эгаси Жалолиддин Мангуберди сиймолари ҳам Хива гиламларида барҳаётлик касб этиб турибди.

Шундай қилиб, яқин келажакда Хива гилам корхонаси йилига 1,5 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари, 2 минг тонна жун калаваси ишлаб чиқаради ва бу гиламлар жаҳон гиламлари билан бемалол рақобатлаша олади.

Бугунги кунда Хива гиламлари кўплаб хорижий мамла-катларга экспорт қилинмоқда. Қадимий шаҳарга ташриф буюраётган сайёхлар бир-биридан сержило, мафтункор, хонадонларга гўзаллик, севинч олиб кирувчи Хива гиламларини энг яхши, унугулини, эсадалик совға сифатида кўплаб харид қилмоқдалар. Халқ амалий санъатининг дурдонаси ҳисобланган бу гиламлар Хиванинг шуҳратини яна жаҳонга ёйишда катта роль ўйнайди.

Шундай қилиб, мустақиллик шарофати билан ўзбек гиламчилиги янги шакл ва мазмун билан бойиди. Бугунги кунда ўзбекнинг чўғдай товланиб турувчи гиламлари дунё бозорларида, кўргазмаларида, ярмаркаларида, музейларида кенг жой олганлиги унинг доврутини янада ошириди ва бу бизни кувонтиради. Ҳа, гилам тўкувчи қўли гул ҳунармандларимиз янги санъат асарлари билан бундан кейин ҳам бутун жаҳонга довруқ ёяверадилар.

ҲУНАРМАНДЛАР ДОВРУГИ

Юртимиз ҳунармандлари тайёрлаган аъло сифат маҳсулотлар 1872 йили Москвада, 1873 йили Венада, 1878, 1900 ва 1910 йилларда Парижда, 1888 йилда Копенгаген, 1893 йили Чикаго, 1897 Стокгольмда, 1902 йили Лондонда, 1906 йили Италияда, 1914 йили Берлинда ташкил этилган жаҳон кўргазмаларида намойиш этилиб, юксак баҳоланганини ўша давр матбуотида ёритилган. Бу кўргазмаларда ўз даврининг моҳир ҳунарманд-санъаткорлари ҳам ўз асарлари билан қатнашиб, ўзбек ҳунармандчилигининг довруғини жаҳонга таратган эдилар. Жумладан, 1900 йилги Париж кўргазмасида самарқандлик ҳунарманд Мирзо Абдулло Бухорий ва Муҳаммад Ниёзовлар ўз корхонасида тайёрлаган шойи ва баҳмал буюмлари, ипак ва сернақш гиламлари, Мирза Барот Қосимов ўзининг хаттотлиқ ва рассомлик намуналарини намойиш этиб, кўргазманинг олтин нишони билан, тошкентлик Раҳматулла Назаров, Юсуфжон Ибрагимжонов, Абдурасул Қориев, Исо Муҳамедов, Абдулла Хўжаев, Инағом Шоабдурасоловлар гилам, шойи материаллар, шойи кашта, сўзана, олтин ва кумушдан ясалган заргарлик ва зардўзлик буюмларини намойиш этиб, кўргазманинг ол-

тин, кумуш ва бронза нишонлари билан тақдирланган эдилар. Юртимиз хунармандлари 1902 йили Англияда, 1906 йили Италияда, 1914 йили Берлинда ўтказилган Халқаро кўргазмаларда қатнашиб, аъло сифатли ва ранг-баранг маҳсулотлари, буюмлари учун муносиб тақдирланган эдилар. Кўргазмада Андижон, Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент ва Шаҳрисабз хунармандлари қатнашганлар.

Ўзбек хунармандлари XX—XXI асрлардан то шу кунларга қадар Шарқ ва Farb мамлакатларида ташкил этилган Халқаро кўргазма ва ярмаркаларда ҳам мунтазам қатнашиб қелмоқдалар ва юртимиз ҳунар аҳли маҳсулотларини, буюмларини жаҳон бўйлаб намойиш этиб, унинг довругини янада оширмоқдалар. Жумладан, 1925 йилнинг кузида Париждаги "Бугун дунё нафис ҳунармандчилик санъати" кўргазмасида Бухоро, Самарқанд ва Тошкент кашталари, сўзаналари, гиламлари, заргарлик ва зардўзлик буюмлари, Нурота, Китоб, Ургут, Қарши, Шаҳрисабз ва Хиванинг сержило ва нафис гилам ва палослари, атлас, бекасам, шойи газламалари, мисгарлик буюмлари, гўзал ва ранг-баранг дўппилари, Ургут ва Шаҳрисабзнинг гўзал кашталари францияликлар олдида намойиш этилиб, юксак муваффақиятларга эришдилар. Тантанали ва уюшқоқлик билан ўтган бу кўргазмада юртимизнинг машҳур санъаткорлари Муҳиддин Қори Ёкубов ҳамда Тамарахонимлар катта концерт берганлар.

Орадан кўп ўтмай, 1937 йили Парижда яна Жаҳон ҳунармандчилик кўргазмаси ташкил этилди. Бу кўргазмага Ўзбекистон аввалгисидан кўпроқ ҳалқ усталари, ҳунармандлари ўзларининг турли хил буюмлари билан фаол қатнашдилар. Кўргазмада намойиш қилиш учун самарқандлик чеварлар ижод қилган сўзана, зардевор, зебтахмон, болипуш, Нуротадан мармардан ясалиб бадиий ишлов берилган нафис лаган, гулдон, панжаралар, патли ва патсиз гиламлар, Риштондан сопол буюмлар, Шаҳрисабздан яхши сайқал топган ироқи дўппилар, Бухородан эса зар билан тикилган миллий кийим-кечаклар кўплаб олиб борилди.

Мазкур кўргазмада Марғilonда М. Худоёров раҳбарлик қилган атлас ва бекасам тайёрлаб чиқарадиган корхона жа-

моаси ҳамда Самарқанддаги "Хотин-қизлар меҳнати" артедининг О. Маъруфова, Э. Халилова, Ш. Шукурова сингари чеварлари тайёрлаган кашта ва сўзаналар олтин нишонлар билан, Шаҳрисабздаги бадиий тикувчилик артели чеварлари ижод қилган "Ироқи" каштаси диплом билан тақдирланган. 1983 йили Италияning Тоди шаҳри мэри Волфиеро Будасси карнай-сурнай садолари остида Ўзбекистоннинг кўргазма лентасини кесгач, томошабинлар кўз ўнгидаги Ўзбекистон жилолари товланиб кетди. Фарғона, Жиззах ва Хоразмда тўқилган ранг-баранг сернақш гиламлар, шолчалар, ургутлик чеварлар Сабоҳат Раҳматуллаева, Моҳира Облоқулованинг кашталари, самарқандлик кулол Абдураҳим Мухторов сайқал берган сопол буюмлар, хоразмлик Райимберди Матжонов ва Сиддиқ Отажонов ясаган жарангдор кулолчилик буюмлари томошабинлар томонидан зўр қизиқиш билан кузатилган.

"Биз фоят истеъодли кишилар ўлкасини кашф этдик. У Ўзбекистон деб аталади", "Бу санъат асарлари Италияning энг яхши музейларини безатади", "Раҳмат, сизга азиз ўзбекистонлик усталар", "Кўлларингиз яратган ажойиб асарларни кўриб чексиз қувончларга тўлдик", деган дастхатларни Италияning Тоди шаҳрида очилган Ўзбекистон безак амалий санъат кўргазмасида бўлган 8 мингдан зиёд киши томошабинлар китобига ёзиб қолдирган.

Учинчи бўлим

ТАРИХИМИЗДАГИ УЛУФ СИЙМОЛАР ВА ИЛМ-ФАН РИВОЖИ

БУЮК БУНЁДКОР

Тарихий манбалардан маълумки, буюк давлат арбоби, саркарда ва бунёдкор бобомиз Амир Темур ўз вақтида Мовароуннаҳрнинг кўп ерларида муҳташам саройлар, қасрлар, масжид ва мадрасалар, мақбара ва карвонсаройлар, савдо иншоотлари — бозор, дўкон, савдо расталари, боғу роғлар бунёд эттириб, юртни ободонлаштириди, гуллатиб-яшнатди. Ўзининг кўп йиллик ҳарбий юришлари билан Шарқнинг жуда обод вилоятлари ва шаҳарларини фатҳ этган Темур ўзи барпо этган бу улкан салтанатнинг шон-шуҳрати учун унинг марказий қисми — Мовароуннаҳрнинг, айниқса, Самарқанд шаҳрининг ободонлигига алоҳида аҳамият берди. Бунинг учун у забт этилган мамлакатлардан фақат моддий бойликларнигина эмас, балки улардан ҳам қадрлироқ ва муҳимроқ бўлган моҳир хунармандлар, мусавир-наққошлар, меъмор ва муҳандис олимларни ҳам Мовароуннаҳрга олиб келди.

Шуниси эътиборлики, Амир Темур ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани муҳташам меъморлик обидаси барпо этиш билан нишонлар эди. Жумладан, шу мақсадда Ҳиндистондан олиб келинган юзларча меъмор бунёдкорлар билан бир қаторда Хоразм, Исфаҳон, Шероз, Халаб ва Шарқнинг бошқа кўпгина шаҳарларининг машхур уста хунармандлари мамлакатда гўзал иморату иншоотлар бино қилди. Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистон шаҳрида машхур шайх ва сўфий шоир Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара барпо этсада, лекин ўзининг саҳоватини Кеш ва Самарқандда олий иморатлар қуришда намоён этди. Туғилиб ўсган шаҳри Кешда у отасининг қабри устига мақбара қурдириб, муҳташам масжид барпо эттириди.

Шунингдек, Амир Темур Кешда Оқсарой, масжид ва мадраса, мақбара, карвонсарой, савдо ташкилотлари ва бошқа биноларни бунёд этган. Амир Темур ўз хукмдорлигининг дастлабки йилларида Кеш шаҳрини давлат пойтахтига айлантириши мақсад қилиб қўйган эди. Шу сабабдан унинг ободонлигига катта эътибор берди. Унда дунёга донғи кетган машҳур Оқсарой қад кўтарди. Бу муҳташам саройнинг пештоқи, тоқи равоқлари, деворлари зангори ва олтин рангдаги арабий нақшли кошинлар, гулдор ўймакор парчинлар билан зийнатланди. Амир Темур Кешга алоҳида эътибор бериб, уни Ўрта Осиёнинг маънавий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боис бу шаҳар "Қуббат ул-илем валадаб" (яъни "илем ва адаб (тарбия)нинг гумбази") деган унвонга эга бўлди. Заҳириддин Бобур таърифлаганидек: — "Темурбекнинг зоди-буди Кештин қобилияти шаҳар ва пойтахт қилурға кўп саъй ва эҳтимомлар қилди. Олий иморатлар Кешда барпо қилди. Чунки Кешнинг қобилияти шаҳар бўларга Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни ихтиёр қилди".

Самарқанд давлат пойтахтига айлантирилгач алоҳида имтиёзга эга бўлган шаҳарга айланди. Самарқандда Қарши, Бухоро, Хоразм, Кеш, Исфаҳон, Шероз шаҳарларининг меъмору бинокорлари қўли билан саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбара ва хонақоҳлар қурилди.

Шаҳар ташқарисида эса боғ-роғлар барпо этилди. 1403—1404 йилларда Самарқандда бўлган Испания элчиси Клавихо Темур олиб бораётган бунёдкорлик ишларидан ҳайратда қолган эди. Шу даврда машҳур Шоҳи Зинда меъморий ёдгорликлари гуруҳининг Амир Ҳусайн, Ширинбека оқо, Шодимулк оқо каби қатор гўзал мақбаралари, Бибихоним номи билан машҳур бўлган жоме масжиди, Гўри Амир даҳмаси ва бошқалар бунёд этилди. Мўгуллар босқини даврида бутунлай вайрон этилган ва аҳолиси томонидан ташлаб чиқилган Самарқанд шаҳри бунёдкор бобомиз Амир Темур хукмронлиги даврида ўзининг қадимги ўрнидан бир оз жануброқда янгидан бунёд этилди.

Айни бир вақтда Самарқанд шаҳар арки шаҳарнинг илгари Чингизхон вайрон қилган мудофаа деворини тиклаш билан бир вақтда Амир Темур фармонига биноан 1371—

1372 йилларда бунёд этилди. Қурилиш ишларига энг истеъдодли, тажрибали бинокор усталар жалб этилди. Қурилиш ишлари амир Оқбуға раҳбарлигига олиб борилди. Шаҳар арки деворининг баландлиги 8 метр, пастдан эни 3 метрдан ортикроқ қилиб тикланган. Арк ичидаги хукумат идоралари, масжид ва мадрасалар, шоҳона уй-жойлар, 15 минг жилдлик ноёб китобларни ўзида жамлаган улкан кутубхона, амирнинг хазинаси ва тахти, зарбхона, аслаҳасозлик устахоналари, ҳаммом, ҳовуз, зиндан ва бошқа бинолар жойлашган.

Шунингдек, бу ерда маданий-маиший бинолар, сув иншоотлари, яшил ҳудуд, гулзорлар, мевали ва манзарали дараҳтлар, хунарманҷилик устахоналари, дўконлар, савдо расталари тартиб билан режа асосида жойлаштирилган. Аркдаги бинолар ва уларнинг деворлари гўзал ва бетакрор нафис нақшлар билан зийнатланган, эшиклари эса қаттиқ ёғочдан ўймакорий, ҳашамдор қилиб безатилган, арк дарвозалари улкан эшикларининг ҳалқалари 7 хил маъдан қотишмасидан тайёрланган. Шаҳар арки ичидаги Темурнинг қароргоҳи — Кўксарой ва Бўстонсаройлар бунёд этилди. Кўксарой тўрт қаватли бўлиб, унинг гумбазлари ва деворлари зангори кошинлар, нақшинкор ва гулдор парчинлар билан қоплангани учун шу ном билан машҳур бўлган.

Амир Темур даврида Руҳобод ва Кутби Чахордахум номи билан машҳур бўлган авлиё Хожа Нуриддин Басир қабрлари устига мақбара қурилди. Шунингдек, Амир Темур Тошкент яқинида жойлашган тариқат пешволари Зангигита ва унинг завжаси — Анбар она қабрлари устига ҳам мақбара қурдирди. Бунёдкор бобомиз она юрти Бухородаги пайғамбарлар, азизавлиёлар — Сайфиддин Боҳарзий, Баёнқулихон мақбараларини таъмирлатиб асл ҳолатига келтирди. Самарқанд шаҳрининг теварак-атрофида 1378—1404 йиллар давомида 12 та боғ ва хушманзара чорбоғлар, уларнинг ичидаги эса гўзал ва нақшинкор саройлар қурилди. Амир Темур даврида қурилган ва довруғи оламни туттган тарихий обидалардан бири бу — Гўри Амир мақбараси ҳисобланиб, Темурийлар сулоласининг хилхонасига айланган бу мақбаранинг ичи жуда баланд бўлиб, безакларининг жилоси билан ҳар қандай кишини лол қол-

диради. Мақбаранинг ўртасида ўрнатилган сафана тошларида Темурийларга бағишлиланган нафис ёзувлар бор. Бухородаги Чашмаи Айюб мақбарасини 1379 йили таъмирлатди, гумбазли катта хона ва бурчакларида минорали даҳлиз курдирган. 1392 йили қадимий Банокат шаҳри ҳаробалари ўрнида Амир Темур ўғли Шоҳруҳ Мирзо шарафига Шоҳрухия шаҳрини бунёд эттиради. Буюк бунёдкор Амир Темур фақат Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухорода эмас, балки империянинг кўплаб бошқа шаҳарларида, чунончи, Қарши, Фиждувон, Марв, Туркистон ва бошқа шаҳарларда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари, меъморий бинолар, мақбаралар, савдо иншоотлари бунёд эттиради ва бу ишларга бевосита ўзи ҳомий бўлиб, раҳнамолик қилди.

Хулоса қилиб айтганда, Темур ва унинг авлодлари даврида Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Туркистон, Ҳирот, Машҳад, Нишопур, Қобул ва бошқа шаҳарларда буюк яратувчилик ишлари олиб борилди. Шундай қилиб, Амир Темур ўзининг бунёдкорлик фаолиятида жаҳон тарихида мисли кўрилмаган буюк меъморий меросни яратди.

Темурийлар даврида бунёд этилган ва бир-биридан гўзал, бетакрор нақшларга бой меъморий обидалар халқимизнинг бебаҳо маданий мероси бўлиб, бу меъморчилик санъати дурданалари билан ҳақли равишда халқимиз фууруланди ҳамда фахрланиб, уларни кўз қорачифидай асрайди.

СОҲИБҚИРОН – ҲУНАРМАНДЛАР ҲОМИЙСИ

Соҳибқирон Амир Темур саъй-ҳаракатлари билан ўзбек халқи тарихида бадиий-монументал ва амалий санъатнинг оламшумул ноёб асарлари яратилди. Бу асарлар ҳанузга қадар ўзининг юксак бадиий услуби, гўзаллиги, шаклларининг нафислиги, яратувчиларининг нозик дидли ҳамда теран фикрли санъаткор бўлганлигидан далолат бериб турибди. Бу ҳайратомуз манзарани биноларнинг ички ва ташқи безакларида, нафис кошинларда, бўртма ганч ўймаларида, тош ва ёғочларда ўйилган сержилва нақшларда, металл ва ҷарнга солинган турли гулларда, гиламлар, шоҳи-атласлар, сўзаналарнинг жозибали рангларида кўриш мумкин.

Ҳа, халқимизнинг амалий санъати қадимий тарихга эга. Ота-боболаримиз заргарлик, зардўзлик, наққошлиқ, ўймарлик, гилам тўқиши ва тўқувчилик ҳунарларида катта маҳорат кўрсатганлар. Дарҳақиқат, Самарқанд заргарлик ва мисгарларининг нафис буюмлари, шойи ва атласлари, шунингдек, сифатли қофози билан ҳам Шарқдаги барча мамлакатларда машҳур бўлган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида қадимий Самарқанд қиёфаси бутунлай ўзгариб, янгила усулда қайта курилди. Ва у яна гўзаллашди. Шаҳарда Кўксарой, Бўстонсарой, Бибихоним масжиди ва Шоҳи Зинда мавзолеи қад кўтарди. Амир Темур Самарқандни жаҳоннинг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказига айлантириш мақсадида бир қанча тадбирларни амалга оширди. У, энг аввало, бинокорлик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик, тўқувчилик ва қофоз ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берди.

Шаҳар ичи ва атрофларида косибларни ўз ҳунарларига қараб алоҳида гузарларга жойлаштириди. Бунинг учун янги бозор расталари, савдо дўконлари барча нарсаларни тартиб билан сотиш учун шаҳар бўйлаб катта кўчага чиқариш ва унинг икки томонида мол сотиш дўконлари қуришга фармойиш берди. Бу дўконлар Бибихоним масжидидан тортиб, то Шердор мадрасасигача чўзилган бўлиб, йўлнинг икки томонини банд қиласр эди.

Амир Темур Шаҳрисабз ва пойтахт Самарқандни янада ободонлаштириш мақсадида дунёнинг кўп жойларидан мөхир ҳунармандлар ва қўли гул усталарни олиб келиши натижасида йирик ҳунармандчилик ва савдо марказига айлантира борди. Самарқанднинг бойлиги озиқ-овқатларнинг мўл ва арzonлигидагина эмас. Бу ерда тўқиладиган атлас, кимхоб, сендал ва терсенал сингари шоҳи газламалар, мўйна ва шоҳидан тайёрланган астарликлар, упа-элик, пардоз моллари, зиравор-дориворлар, зарҳал ва кўк ложувард бўёклар ҳам мўл-кўл эди. Соҳибқирон шаҳарнинг шуҳратини ошириш борасида кўп саъй-ҳаракатлар қилди, ҳар хил искеъдодли ҳунармандларни йиғишишга айниқса, кўп эътибор берди. "Дамашқдан фазл ҳунар эгаларини, турли-туман санъат аҳлари, тўқувчилар, тикувчилар, сангтарошлар, дурадгорлар, чодир тикувчилар, наққошлар, камон ва бошқа қурол-

яроғлар ясайдиган, шиша ва сопол идишлар ишлаб чиқаралған ҳунармандларни Самарқандга олиб келади. Булардан ташқари муҳандислар, түпчилар, тұқувчилар ва бошқаларни олиб келганди" — деб ёзади Темурнинг саройида бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо.

Шунингдек, Ҳалабнинг машҳур пахта йигириувчи корхоналари, Анқаранинг мовут корхоналари, Туркия ҳамда Гуржистоннинг заргарлари ва яна кўп санъат корхоналари ишчилари Темур буйруғи билан Самарқандга қўчириб келтирилди. Тарихчи Ибн Арабшоҳ таъкидига кўра, буларнинг орасида ўша даврдаги заргарлардан Ҳожи Али Шерозий ва Ҳожи Муҳаммад Ҳофиз Шерозий ва бошқалар, сангтарошлардан катта бир гуруҳи бор бўлиб, уларнинг энг кўзга кўрингани Олтун эди. У ўз ҳунарида бир мўъжиза кўрсатиб, қимматбаҳо тошларга нақш солар, азмга, ақиққа, ёқутга ҳам чиройлик хат билан ўйиб ёзади", — деб унинг моҳирлигини таърифлайди. Ибн Арабшоҳ наққошларнинг кўп бўлганлигини таъкидлаб, уларнинг энг моҳири Абдулхай ал-Бағдодий эканлигини ёзади ва уни санъатда моҳир эди, деб тавсифлайди. Шунингдек, муаллиф боғдорчилик ишида машҳур мутахассис Шаҳобиддин Аҳмад аз-Зардкаший ҳақида ҳам зикр қилиб, мис ва шишага нақш соладиганлар эса сонсиз-саноқсиз эди, деб ёзади.

Амир Темур, киши қандай ҳунар ва касб эгаси бўлишидан қатъи назар, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, шу касбнинг эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди. Амир Темурнинг бевосита раҳбарлигида сопол идишлар, гулдон, пиёла, коса, кўза, хум ва бошқа сержило буюмлар, ўймакор нақшлар, эшиклар, устунлар, панжаралар, металлга ишлов бериш, чойнак, чойжўш, офтоба, жом, баркаш, дастжуй, ҳунармандчиликнинг заргарлик, мисгарлик, тоштарошлиқ, шишасозлик, пичоқсозлик, ганчкорлик, аравасозлик, чилангарлик, бинокорлик каби турлари етакчи ўрин эгаллади.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида ҳунармандчиликнинг нозик турларидан бири — заргарлик санъати ҳам юксак ривожланган эди. Заргарлик буюмларининг энг нозик хиллари олтин ва кумушдан тайёрланиб, унга феруза, лаъл, ёқут, марварид сингари асл тошлардан безак тушириб янада

сайқал берилган. Бу даврда эркаклар учун камёб узуклар, аёлларнинг бошига киядиган безаклари, тиллақош, зирак ва туморлар кўплаб тайёрланган. Самарқанднинг қўли гул заргарлари тайёрлаган бу зеб-зийнат буюмлари, тақинчоқлар кўпчиликка маълум ва манзур бўлган. Амир Темур ҳар йили Конигил майдонида хунармандлар тайёрлаган турлитуман, нафислиги ва пишиқлиги билан бир-биридан ажраби тураларни буюмлар, санъат асарлари кўргазмасини ташкил этиб, шу соҳани синчиклаб ўрганиб, ҳар йилнинг ўзига хос хунармандчилик буюмлари сифати ва сонига қараб, хунармандчилик соҳаси қай даражада ривожланаётганлигини кузатар эди. Қайси соҳа яхши ривожланмаган, яъни сифати паст маҳсулот тайёрламоқда ва қайси соҳани ривожлантиришга эътибор берилишини аниқлар эди. Темур назарида бу кўргазмалар Самарқанд хунар аҳлининг ўша давр хунармандчилиги ва санъати эришган ютуқларининг ўзига хос бир кўриги бўлганлигини ҳам англатар эди.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ҳукмронлиги даврида Бухоро, Самарқанд, Андижон, Тошкент, Шахрисабз, Қарши шаҳарлари Мовароуннахрнинг йирик савдо ва хунармандчилик марказига айланиб, кун сайин ривожланиб борди. Бугунги кунда биз буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур яратган беназир бой меросни ўрганишимиз, ҳозирги билим, хунар масканларида бу касбларни ўзлаштириб олишимиз ва уни ривожлантишимиз зарур.

АЛЛОМАГА ҲАЙКАЛ

Улуғбек яратган буюк кащфиётлар биз учун сўнмас илмий ва маданий мерос бўлиб қолди. Улуғбек ўзининг кащфиётлари билан бутун дунёга танилган буюк инсон эди. Алишер Навоий аллома ҳақида гапириб, темурийлар авлодидан Улуғбекдай донишмандни ҳали дунё кўрмаганини қайд қиласди:

Темурхон наслидин Султон. Улуғбек
Ки олам кўрмади султон анингдек...
Анинг абнои жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд,

Валек ул илм сори топти чун даст,
Кўзи олинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондир.

Билиб бу навъ илми осмоний
Ки андин ёзди «Зижи Кўрагоний»,
Қиёматга деганда аҳли айём
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком.

Мирзо Бобур "Улуғбек ҳамма илм ва ақлнинг денгизидир", академик В. Бартольд эса "Мирзо Улуғбек мусулмонлар дунёси тарихида ягона подшоҳзода олим бўлиб, замондошлари уни Аристотель шогирдларининг энг пешқадамидир деб ҳисоблаганлар", деб юксак баҳо берганлар. Фала-киётшунос И.И. Сикора Улуғбекнинг фалакиёт фани соҳасидаги хизматларига баҳо бериб, "Мирзо Улуғбек юлдузларнинг бизгача бўлган (1913 йилгача) жадвалларини тузди, у — буюк кузатувчи, ўзининг мукаммал кузатувлари билан ўзигача бўлган астрономлардан бир қадам олға силжиди", деб кўрсатади. Парижлик астроном Ф. Боку "Улуғбек Зижи"ни ўрганиб, унга шундай баҳо берган эди, — деб ёзади фалакиётшунос олим М. Мамадазимов "Мазкур жадвал Самарқанд расадхонасида юлдузларнинг бевосита кузатиш ёрдамида аникланган ўринларига таянгани учун ҳам жуда қимматлидир. У, моҳияти билан XVI аср ичida яратилган эътиборга молик энг аниқ жадвал ҳисобланади, XVI асрга қадар юлдузлар жадвалининг муҳимлигини атиги икки астроном — Гиппарх билан Улуғбеккина яхши англадилар, холос. XIX асрнинг машҳур математиги ва астрономи Пьер Лаплас Улуғбек ва унинг юлдузлар жадвалига баҳо бериб, "Улуғбек ўз салтанатининг пойтахти Самарқандда Тихо Брагега қадар мавжуд бўлган юлдузлар жадвалларидан ҳам афзалроқ янги юлдузлар жадвалини тузди", — деб ёзган эди.

Бир асрдан ошдики, қадимий ёдгорликларнинг чуқур билимдони, ажойиб хаттот ва таржимон самарқандлик Абу Сайд Махсум ҳамда қадимшунос В.Л. Вяткинлар Мирзо Улуғбек курдирган расадхона қолдиқларини қидириб топишлари муносабати билан 1908 йили Туркистон генерал- губернаторлиги маҳкамасининг маҳсус ишлар бўйича мутахассиси шарқ-

шунос олим А.А. Семёнов Шарқнинг буюк фалакиётшунос олими Мирзо Улугбекнинг фан олдидағи буюк номини абадийлаштириш мақсадида ўлка генерал-губернатори Н.И. Гродековга илтимоснома хатини ёзди. Худди шундай мазмундаги хат Петербург астрономия расадхонаси профессори С.П. Глазенапга ҳам жүнатилди. Хатда Мирзо Улугбекнинг дунёвий, айниқса, фалакиёт фани соҳасига улкан ҳисса кўшганлиги, ундан бой илмий-маданий мерос қолганлиги баён этилади.

1908 йилнинг 8 февраляда А.А. Семёнов жўнатган хатга профессор С.П. Глазенапдан жавоб келиб, унда тез ва қизғин хайриҳоҳлик билдиргани, Петербург Рус астрономия жамияти совети аъзолари билан сұхбатлашиб, улуф олимга ҳайқал ўрнатиш учун маблағ тўплаш учун алоҳида қўмита тузишга келишилганлиги айтилган.

1908 йилнинг февраляда Рус астрономия жамиятининг раиси профессор А. Иванов ва унинг котиби В. Ахматовлар ҳам Улугбекка ҳайқал ўрнатиш фикрини кўллаб-куватлайдилар ва уни юқори ташкилотларга таклиф этадилар. Жамият бу ташаббусни кўллаб-куватлаб, маблағни аҳолидан тўплаш кераклигини айтади.

Илтимоснома охирида бажариладиган ишнинг аниқ режалари сўралади:

1. Белгиланган ерга (Улугбек мадрасаси олдига — Р.Б.) катта ҳайқал ўрнатиш мумкинми?
2. Самарқандда бундай қурилишнинг тахминий қиймати қанча туради?
3. Бу ишга маҳаллий манбалардан қанча сўм олиш мумкин?

Бу режадаги ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағни ўлка генерал-губернаторидан сўралганда у маблағ ажратмайди. Кейинчалик рус астрономия жамиятининг раиси профессор А. Иванов ва унинг котиби В. Ахматовлар Самарқанд ҳарбий губернатори генерал-лейтенант М. Галкинга хат ёзиб, аҳолидан пул тўплаб бўлса ҳам Самарқанд Регистонида улуф астроном олим ҳайкалини кўйишга ёрдам беришини илтимос қиласидилар. Реакцион колониал ҳокимиятнинг вакили генерал Галкин эса бу ажойиб ташаббусга бош кўшмайди, у ўзининг астрономия жамиятига ёзган хатида "Лойиҳани амалга ошириш учун ерли халқдан оз-моз бўлса ҳам маблағ тўплашга умид қилманглар, ҳайқал қуриш бу ерда расм

эмас"... деб рад жавобини берган эди. "Мен ерли аҳоли ўртасида бўлиб, — дейди генерал Галкин, Улугбекка ҳайкал ўрнатиш ва пул тўплаш керак, деб сўраганимда улар (ерли аҳоли — Р.Б.) нинг қарашлари бошқача эканлигини сездим. Бу ерда ҳайкал ўрнатиш расм эмас ва ҳеч қажон тажрибада бўлмаган" — деган фикрларни эшитдим. Лекин айрим зиёлилар, илғор фикрли кишилар бу қаршиликлар ва тўсиқлардан умидсизланмай рус астрономия жамияти кўтариб чиққан ташаббусга хайриҳоҳлик билан маблаф тўплашга киришдилар. 1909 йилнинг 28 майида Каттақўрғон шаҳар бошқармаси 200 сўм, Жizzах шаҳри 100 сўм, Ўратепа шаҳри 100 сўм ва Хўжанд шаҳри 50 сўм пул ажратиб, хайрли иш қилдилар. 1909 йилнинг 17 июлида Самарқанд хўжалик ишлари бошқармаси ҳайкал ўрнатиш ҳашамат ҳисобланади, бунга ҳозирча эришиб бўлмайди, деб яна қаршилик кўрсатди.

1910 йилнинг 8 ноябрида императорлик рус жўкрофия жамиятининг Туркистон бўлимида фалакиётшунос олим И. Сикора қилган маъruzасида "Закаспий областининг бирор шаҳрига Улугбекка ҳайкал ўрнатиш ва маблаф тўплашга рус археология жамияти томонидан рухсат берилганлигини айтди. Бунга биноан Россиянинг Европа қисми олимлари ва Туркистон аҳолисидан ҳам хайр-эҳсон тўплаш зарурлиги таъкидланди. 1911 йилнинг 7 март куни И. Сикора "Улугбекка ҳайкал" мавзусида яна маъруза қилиб, ўрта аср олими Мирзо Улугбекнинг астрономия фанига катта ҳисса қўшганлиги, юлдузлар жадвалини тўғри тузиб, улкан чўққиларга кўтарилганлиги, у ихтиро қилган ўлчов асбобларининг мураккаблиги ва тўғри ўлчаганлиги, ҳозир ҳам дунё миқёсида ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини эслатиб ўтди.

Шу вақтларгача Улугбек расадхонаси бизга номаълум бўлганлиги сабабли унга кўп эътибор берилмай келинаётган эди. 1908—1909 йилларда расадхонанинг қолдиқлари очилиши билан олимнинг фаолиятига бир оз эътибор бериладиган бўлди. И. Сикора шулардан хulosса чиқариб, ҳеч бўлмаганда мармар доскага икки тилда донишмандинг номини ёзиш кераклигини таклиф қиласди, маъruzада 1911 йили Петербургдан Самарқандга Рус археология жамиятидан вакил келиб, олим номини абадийлаштириш масаласини ўртага ташлайди, деб хабар берилади "Туркестанские ведомости" газетаси 1911 йил 231 сонида. Таклифда уч лойиха бўлади:

1. Улугбек ҳайкалини ўрнатиш, бордию бу рад этилиб амалга ошмаса, унда портретини қўйиш.
2. Регистонда фонтан ўрнатиш.
3. Расадхонани қайта таъмирлаш ва тиклаш.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокими (1907—1917 йил) Н.Г. Малицкий ҳам 1911 йилнинг 28 апрелида юқори раҳбариятдан пул тўплаб, Улугбекка ҳайкал ўрнатиш кераклигини сўрайди.

Рус археология ва жўғрофия жамиятларининг Самарқандда яшаб ижод қилаётган аъзолари, фаоллари ҳам олимга ҳайкал ўрнатиш ташаббусига қўшилиб, Улугбек илмий меросини ўрганиш ва сақлаб қолиш келажак авлод учун муҳим ва тарихий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Хорижий мамлакатлар олимлари улуф олимнинг бой илмий меросини ўрганиб, асарларини ўз тилларига таржима қилаётганларида биз унга эътибор бермасак, эсдан чиқарсан яхши бўлмайди. Қазиш натижасида топилган расадхона қолдиқларини эҳтиёткорлик билан асрраб, уни илмий жиҳатдан ўрганиб, икки тилда нашр қилдириб, жамоатчиликка маълум қилишимиз керак, дейишиди жамият аъзолари. Буни рус география жамиятининг Туркистон бўлими ва Тошкент зиёлилари ҳам маъқулладилар.

Шундай қилиб, узоқ тортишувлар ва тўсиқлардан кейин 1914 йилнинг 13 январида Улугбекка ҳайкал ўрнатиш Самарқанд комитети тузилди. Унинг таркиби Самарқанд ҳарбий губернаторининг ёрдамчиси П.О. Папенгут, капитан Б.Н. Кастьальский, қадимшунос тарихчи В.Л. Вяткин ва бошқалар кирган эди. Улар Петербург астрономия жамияти томонидан йифилган пулни Абу Саид Махсум ва В.Л. Вяткинлар томонидан очилган расадхона биносини таъмирлаш, мустаҳкамлаш ва қазиш ишларини яна давом эттиришга сарфладилар, қолган минг сўмни Улугбек фаолияти ва унинг расадхонаси тўғрисида тарихий мақола ёзишга режалаштирилар.

"Туркестанские ведомости" газетасининг 1914 йил 6-сонидаги "Олим хотираси" номли хабарда "Мутахассис олимлардан ташқари оддий кишиларга ҳам эҳтимол матбуотдан маълумдирки, бизнинг ўлка, жумладан, Самарқанд ўрта асрларда Улугбекдек бир машҳур астроном олимнинг бешиги

бўлган. Олим сифатида унинг ютуқлари ҳозирги вақтгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бугунги кунда олимга ҳайкал ўрнатиш учун ҳукумат рус комитетига алоҳида 1500 сўм маблағ ажратди", деб айтилган. Лекин бу пул қаерга сарфланганлиги, ҳайкал ўрнатилган-ўрнатилмаганлиги ҳақида ҳеч бир хабар йўқ. Мана шу мисоллардан хуоса чиқариб, чор ҳукуматининг ерли ҳалқ маданияти ва меросига бўлган муносабатини аниқ тушуниб олишимиз мумкин.

Республикамиз ўз мустақиллигига эришгач, ҳалқимизнинг миллий қадриятлари ва маданий меросига бўлган фамхўрлиги янада ошиди, буюк ўтмишдошларимизнинг номлари ёдга олинди, уларга ҳайкаллар ўрнатилиб, бой илмий ва маданий мерослари ўрганилиб, асарлари чоп этилди, тарихий ёдгорликларни авайлаб асрараш ва таъмирлаш устидан назорат янада кучайтирилди.

БЕБАҲО ҲАЗИНА

"Китоб (битик) — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир", — деган эди буюк бобокалонимиз Амир Темур. Китоблар замон тўлқинларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемалариdir. Яхши китобларни ўқиш ўтмиш замонларнинг энг доно кишилари билан ҳамсуҳбат бўлиш демакдир. Шарқнинг буюк олиму фозиллари бутун ҳаётлари давомида китоб шайдоси бўлганлар, билим ҳазинаси — кутубхоналар ташкил қилиб, уларда минглаб ноёб китоб ва кўлёзмаларни эҳтиёткорлик билан сақлаб келганлар.

Буюк давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Амир Темур ҳам ёшлигидан илмга, китобга зўр қизиқиш билан қараган ва ўша даврнинг машҳур китобларини мутолаа қилиб, ўз билимини ошириб, шундай буюк бир даражага кўтарилиган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: "Етти ёшга тўлганимда мени мадрасага олиб боришиди ва қўлимга сўзлар жадвалини беришиди. Мен ўқий бошладим ва эришган мувваффакиятларимдан беҳад хурсанд бўлдим. Мен 9 ёшга тўлганимда нағоз ўқий бошладим ва мадрасадаги барча ўкувчилардан устун бўлиб олдим".

Амир Темур она юрти Шаҳрисабзни ўз даврида Ўрта Осиёning маънавий марказларидан бирига айлантиримоқ мақсадида унга алоҳида эътибор билан қаради. Мадрасалар қурдириб, уларда илоҳиёт билимлари билан бирга, илми арзу, тарих, фалсафа, риёзиёт, ҳандаса, тиббиёт, илми ҳайъат каби дунёвий билимларни ўрганишга шароитлар яратди. "Ахлоқ ва илм гумбази" деган унвонга эга бўлганлиги бежиз эмас. Амир Темур Шаҳрисабзда кутубхона барпо этиб, унда ноёб қўлёзма асарлар ва нодир китобларни тўплади. Кейинчалик, Самарқанд Амир Темур давлатининг пойтахти бўлгач, у асосий эътиборини шу ерга қаратди.

Амир Темур даврида Самарқандда барпо этилган кутубхона ер юзидағи энг яхши кутубхоналардан бири саналган. Амир Темурнинг Тепакўргон қалъасида жойлашган Кўксаройдаги кутубхонаси ана шундай бой кутубхона бўлган.

Амир Темурнинг мамлакатларга юришлари даврида қўлга киритган бойликлар ичида Ҳинд, Месопотомия ва Шарқ мамлакатлари олимларининг ноёб ва буюк асарлари ҳам ўлжа сифатида Кўксарой кутубхонасини бойитган. Темур юришларининг замондоши бўлган бир арман тарихчиси бундай ёзган эди: "Темур Арманистон билан Гуржистонни забт этиш вақтида арман ва форс китобларини қанча топа олса, ҳам масини Самарқандга жўнатди ва у ерда китобларни бир минорага жойлаштириди. "Минорадан китоб олиб чиқсан киши қаттиқ жазоланади", деб қўрқитиб, китоб ўқишини истаган кишиларга уни минора ичида узоқ қолмасдан ўқишгагина рухсат этди".

Венгер шарқшунос олими Херман Вамберининг ёзишича, у (Амир Темур) қайси мамлакатни эгалласа, унинг ноёб ўлжаси шу ўлканинг рассомлари, моҳир усталари ҳисобланган. У Бурса (Туркия) кутубхонасидаги китобларни юк ташийдиган ҳайвонларга ортиб, Самарқандга кўчирган.

Амир Темур кутубхонасида турли давр ва тилларда (араб, форс, турк) ёзилган Куръони карим, Ҳадис, фалакиёт, тиббиёт, фалсафа, тарих, тилшунослик, муҳандислик, мусиқа ва ҳарбий санъатга доир ноёб китоблар тўпланган.

Бизнинг фикримизча, булардан ташқари, кутубхонада хорижий мамлакатларнинг қирол ва подшоҳлари, жумладан, Амир Темурнинг Англия қироли Генрих IV, Франция

қироли Карл VI ва Кастилия ҳамда Леон қироли Генрих III де Трастамара билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, ёзишмалар олиб боргани хусусидаги хужжатлар, элчилар орқали маҳсус йўлланган мактублар ҳам сақланган бўлиши мумкин.

Минг афсуслар бўлсинки, Амир Темурнинг Самарқанддаги шундай бебаҳо илм ҳазинаси — кутубхонаси 1448 йилда шаҳарга кўчманчи қабилалар хужум қилган пайтида қаттиқ шикастланади. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий "Матлаи Саъдайн" номли асарида "Саҳройи отлиқларнинг назарида ҳеч бир қийматга эга бўлмаган китоб ва қўлёзмаларнинг бир қисми турган жойларидан олиб ташланган ва оёқ ости қилинган", — деб хабар беради.

Орадан кўп ўтмай, 1451 йили кўчманчиларнинг бошқа бир ҳужуми натижасида кутубхонадаги ноёб қўлёзма ва китоблар яна таланиб, оёқ ости қилинади.

Кейинчалик пойтахт Бухоро бўлгандан кейин Амир Темур ташкил этган кутубхонадаги китоблар ўша ёққа олиб кетилади. Хуллас, Амир Темур даврида барпо этилган ва Мирзо Улугбек томонидан янада янги китоблар билан бойитилган 15 минг жилдлик кутубхона Улугбек вафотидан кейин талон-торож қилинган ва буғунги кунгача унинг тақдири номаълум бўлиб қолмоқда.

Аммо, бизнинг фикримизча, Амир Темур кутубхонаси тамоман изсиз йўқолиб кетмаган. Унинг бир қисми турли йўллар билан чет элларга олиб кетилган, бир қисми китоб-фурушлар томонидан сотиб юборилган, анча қисми эса талон-торож қилинган бўлсада, бир қисми Ўрта Осиё хонликларида пойтахт шаҳарларда амир ва хонлар ҳамда зодагонларнинг кутубхоналарида сақланган. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон, Тошкент ва Шаҳрисабздағи мадрасалар қошидаги ҳамда айрим мансабдор шахслар кутубхоналарида ҳам бой ва қимматбаҳо қўлёзмалар жамланганлиги маълум.

Амир Темур кутубхонасини XIX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, Е. Мейендорф ва Э. Эверсман (1820 й.), Г.И. Спасский (1825—26 й.), П.И. Демизон (1833—34 й.), П.С. Савельев (1835 й.), И.В. Веткович (1835—36 й.), Х. Вамбери (1863 й.), А.Л. Кун (1868 й.), В. Радлов (1868 й.), А.П. Хорошхин ва Д.Л. Ивановлар (1872 й.), инглиз сайёҳи

Эжेन Скайлер ва инглиз ёзувчиси сэр Маркензи Уоллев (1873 й.), 1880 йилларда полковник В.В. Крестовский ҳамда машхур библиограф Н.В. Дмитровскийлар зўр "иштаҳа" билан қидирдилару, лекин натижа улар кутгандай бўлмади.

Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман ўзининг босқинчлилик юришларида (айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон, Тошкентта) қаерга ҳарбий қўшин киритса, у ердаги мавжуд қўлёзмалар ва ноёб китоблар шикастланмаслигига алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди. Туркистон ўлкаси, шу жумладан, Самарқанд чор Россияси ҳарбийлари томонидан босиб олингандан кейин, рус ҳукуматининг биринчи тадбири Темурнинг шу вақтгача номаълум бўлган кутубхонасини қидириб топиш бўлди. Шу муносабат билан Туркистон ўлкаси ҳарбий губернатори, генерал М.Г. Черняев ўзининг 1866 йил 17 январь билдируви (рапорти)да Амир Темур хазинаси — кутубхонани нима қилиб бўлса-да зудлик билан топиш чора-тадбирлари белгиланганлигини эслатади. Жумладан, Самарқанд орқали Бухорога бир неча бор ўтаётган тошкентлик савдо гарларга Самарқанднинг қаерибадир Темур кутубхонаси мавжудлиги ва уни топиш тўғрисида кўрсатма берилганлиги ҳақидаги маълумот республика Марказий давлат архиви хужжатларида қайд этилган.

Айни пайтда матбуотда ҳам Амир Темурнинг бой кутубхонаси тўғрисида турли хабарлар, ривоятлар пайдо бўлди. Жумладан, "Древние рукописи в Самарканде" (Туркестанские ведомости" 1870 йил 3-сони), "Армянские предания о библиотеке Тамерлана" ("Туркестанские ведомости", 1870 йил, 14-сони)да, "Библиотека Темура" ("Туркестанские ведомости", 1873 йил, 44-сони), "Известия о древних рукописях в Самарканде" ("Санкт-Петербургские ведомости", 1884 йил, 179-сони), "Библиотека Темура" ("Туркестанские ведомости", (1911 йил 24-сони).

1868 йили шарқшунос А.Л. Кун чор Россияси ҳарбий истилочи қўшинлари қисмида бўлиб, Самарқандга келади ва дарҳол Амир Темурнинг кутубхонаси қолдиқлари, Усмон Куръонини қўлга киритиш, вақф ҳужжатлари ва, ниҳоят, қадимий қўлёзмаларни зудлик билағ тўплашга киришади. Темур кутубхонасининг ўзи ном-нишонсиз йўқолиб кетган бўлса-да, лекин ундаги қўлёзмаларнинг бир қисмини маҳаллий аҳоли орасидан топиш мумкин, деган холосага келади.

К.П. Кауфман 1868 йил 8 июнь куни шаҳар аҳолиси босқинчиларга қарши қўттарган қўзғолонни бостириш ва қасос олиш учун эски шаҳар бозори, дўконлари ва айрим биноларни ёқиб юбориш ҳамда шаҳарни уч кун талон-торож қилишга фармон берди. Бундай даҳшатли фармондан кейин эски шаҳардаги қўплаб тарихий бинолар ва улардаги сирли ложувард кошинлар, ўймакор эшиклар, устунлар, хужжатлар, қўлёзмалар ёниб кулга айланди.

"Самарқандда ёнгин вақтида бухороликлар Темурнинг машҳур кутубхонаси қолдиқларини ёнфиндан кутқариб қолдилар ва уни Бухоро шаҳрига кўчириб келтирдилар. Ҳозир бу кутубхона Амирнинг ертўласида уюлиб ётибди, фойдаланиш учун ҳеч кимга рухсат берилмайди. Ертўланинг намгарчилиги ва сичқонларнинг кемиришлари натижасида китоблар нобуд бўлмоқда.

Бундан ташқари амир Музффарнинг ўзи бунга эътиборсизлик билан қарайди, агар пул зарур бўлиб қолгудек бўлса, унда китобларни бозорга чиқариб арзимаган нарҳда сотади. Агар бундай аҳволга барҳам берилмаса, унда қисқа вақт ичиди бутун кутубхонадан ҳеч нарса қолмайди", — деб ёзади Россия ташқи ишлар вазирлиги Осиё департаментининг директори Н.Т. Стремоухов. У амир Музффар кутубхонаси таркибига Темур кутубхонасининг қолган-қутганлари кирган деб, тахмин қиласди.

1873 йили Евгения Шуплер Бухоро хонлиги кутубхоналари тўғрисида маълумотлар тўплаб, шундай хulosага келади: "Машҳур Темур кутубхонаси сақланиб қолган дейишимга энди менда асос бор. Бу ерда амир хазинасида жуда кўп турли тиллардаги китоблар мавжудким, уларнинг айримларининг тили бухоролик муллоларга маълум эмас". Бухоро амирининг эски саройида қўплаб қадимий ва нодир қўлёзмалар борлиги тўғрисида маълумот ёзиб қолдирилган.

1883 йили Самарқанд ва Бухорода бўлган Туркистон генерал-губернатори қошидаги алоҳида топшириқлар бўлимининг ходими полковник В.В. Крестовский ҳам ўзининг "Бухоро амирлигидаги меҳмоннавозлик" номли йўл хотираларида Амир Темур кутубхонаси ҳақида маълумот беради.

1870 йилнинг 6 апрелида Зарафшон Округи ҳарбий губернатори генерал К. Абрамов Туркистон ўлка генерал-гу-

бернатори ихтиёрига 7 та шарқ қўлёзмаларини тўплаб юборди. Унинг ичида "Тарихи Табарий", "Тарихи Муқимхоний" ҳамда "Темурнинг подшоҳлик даври тарихи" ва бошқа ноёб қўлёзма асарлар бўлган.

1870 йили пермлик йирик бой савдогар ака-ука Каменскийларнинг ишончли вакили Семён Ляхтин ҳам Зарафшон округидан Петербург кутубхонаси, Москва табиатшунослик жамияти ҳамда императорлик археология жамияти фойдаси учун 109 пуддан ортиқроқ турли хил археологик топпилмалар, кўп миқдорда қадимги шарқ қўлёзмалари ва ноёб китобларни олиб кетади.

Юртимиз юз йиллар давомида орзу қилиб келинган мустақилликни қўлга киритгунга қадар ҳам чор Россияси сиёсатининг қурбони бўлиб келди. Бу вақтга келиб қўлёзма, тошбосма ва хужжатлар тақдирига муносабат ўзгармади. Фақаттина республикамиз елкасига мустақиллик қуёши нури теккач, ўтмиш меросимизга муносабат ҳам ўзгарди. Мустақил ёш республикамизнинг дастлабки қунидан бошлаб қўлёзма ёдгорликларимизнинг борини авайлаб-асраш, йўқолиб, изсиз кетганларини қидириб топиш, уларни ҳақиқий ватанига қайтариш соҳасида тинмай ғамхўрлик қилиб келинмоқда.

Дарвоқе, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади.

УЛУГБЕК РАСАДХОНАСИНИ ТОПГАН ОЛИМ

Халқимиз бой ва бебаҳо маданий меросга эга. Ноёб қўлёзма ёдгорликлар, улуғ олимларнинг асарлари, қадимий суғориш иншоотлари ва, ниҳоят, ажойиб меъморий ёдгорликлар шундан гувоҳлик беради.

Самарқанд оламга кўплаб олимлар, шоирлар, меъморлар, мусаввирлар, хаттотлар ва бошқа санъаткорларни етиштириб берганки, уларнинг нозик санъатлари туфайли шаҳар ана шундай улуғвор ва бой маданият масканига айланди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Туркистон ўлкасида илм-фанга қизиқувчилар сафи орта борди. Кўпгина маданият ва фан арбоблари, истеъододли ва билимдон ўлкашунослар, ҳаваскор қадимшунослар, илфор фикрли маърифатпарварлар етишиб чиқди. Улар Туркистон ўлкасининг ўтмишдаги бой тарихи, маданияти, санъати, ерли аҳолининг турмуши, касб-хунари ва урф-одатларига катта қизиқиш билан қараб, бу соҳада нодир қўлёзмалар, осори атиқалар тўплаб, уларни ўрганиб, ўз халқининг ўтмиш тарихига доир мақолаларни ёзиб қолдирганлар.

Ана шундай фидойи зиёлилар қаторида XIX асрнинг 80—90-йилларида ўз билими, хунари ва самарали ижоди билан халқ орасида яхши танилганлардан бири Абу Сайд Махзум эди. У халқимизнинг маданий мероси бўлмиш қадимий ёдгорликлар тарихининг ҳамда шарқ қўлёзмаларининг йирик билимдони, ажойиб хаттот, таржимон ва ўлкашунос олим эди.

Абу Сайд Махзум таҳминан XIX асрнинг 60-йилларида Самарқанднинг заргар ва хаттотлар даҳасида замонасиининг энг ўқимишли кишиларидан бири, Шайбонийхон мадрасасининг бош мударриси Мулла Абдуқаюм қози ибн Мулла Абдурашид хонадонида таваллуд топди. Мулла Абдурашид тарих, математика, астрономия, география ва бошқа фанларни яхши билган олим ва айни чоғда, моҳир хаттот ва таржимон ҳам эди. Унинг нодир қўлёзма китоблардан иборат катта ва бой кутубхонаси бўлган.

Абу Сайд Махзумнинг илмга бўлган қизиқиши жуда эрта бошланди. Китоб ўқишга завқи баланд бўлган Абу Сайд Махзум кўп вақтини отасининг кутубхонасида ўтказар эди. Абу Сайднинг ёшлиқ йиллари олиму фузалолар, йирик алломалар даврасида ўтди ва бу муҳит унда илм-фанга, санъатга катта қизиқиш уйғотди, илм соҳиби бўлиб етишувида муҳим ўрин эгаллади. У ўқиш ва ёзишни ҳам, хаттотлик санъати сирларини ҳам дастлаб отасидан ўрганди, кейинчалик мадраса таълимини олди. Тезда кўзга кўринган хаттотлардан бири бўлиб танилди.

Абу Сайд Махзум ўспириинлик даврида ёқ Алишер Навоий, Бедил, Жомий асарларидан ва бошқа шарқ қўлёзмаларидан нусхалар кўчириш даражасига етди. У XIX аср тарихчиси, шоир ва табиб Абу Тоҳирхожа ибн қози Абу Сайд

Садр Самарқандий томонидан 1844—1848 йилларда ёзилган машхур "Самария" асарини форс тилидан ўзбек тилига таржи-ма қилди. Бу таржима 1884 йилда рус шарқшуноси Н.П. Остроумов томонидан Тошкентда нашр этилди. Кейинчалик Абу Сайд Махзум XIX асрнинг бошларида яшаб ижод қилган фарғоналик сайёҳ, олим ва адаб Ҳожи Муҳаммад Ҳакимхоннинг 1843 йилда ёзилган Ўрта Осиё ва айниқса, Фарғона тарихини ўзида мужассамлаштирган "Мунтакаб ут-таворих" асаридан 1899 йилда чиройли қилиб нусха кўчирди.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Абу Сайд Махзум ижодига рус шарқшуносларининг назари тушади. Жумладан, 1885 йили Самарқандга келган Петербург университетининг профессори Н.И. Веселовский (1848—1918) билан танишиб, унга настаълиқ хатида ўзи кўчирган "Самария"ни тақдим этади. Шунингдек, шарқшунос С.А. Лапинга 1895 йил босилиб чиққан "Самарқанд шаҳридаги тарихий ёдгорликлардаги ёзувларнинг таржимаси" деган асарини ва 1896 йили эълон қилинган "Шоҳи Зинда ва ундаги қабртош ёдгорлиги" мақоласини ёзишда, Г.А. Панкратьевага 1910 йилда нашр этилган "Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари" деган китобини тайёрлашда яқиндан кўмаклашади, ёзувларни кўчириш ва таржима қилишда фаол қатнашади. Мазкур муаллифлар ўз мақола ва китобларига муқаддималарида Абу Сайд Махзум кўрсатган беғараз ёрдам учун миннатдорчиларини изҳор этиб, унинг билими ва хунарини юксак баҳоладилар. Профессор Н.И. Веселовский Абу Сайд Махзумга: "У Самарқанд фуқаролари орасида энг ўқимишли одам", — деб баҳо беради ва ўз илмий ишларида, жумладан, 1905 йилда чоп эттирган Гўри Амир мақбараси ҳақидаги альбомни тайёрлашда унинг маслаҳатлари ва кўмагидан смарали фойдаланганини айтиб ўтади.

1904 йилнинг ёзида эса Абу Сайд Махзум қадимий Афросиёб харобаларида археологик қазиш ишларини олиб бораётган шарқшунос олим В.В. Бартольд билан танишиб, унга илмий ишларида яқиндан ёрдам кўрсатади.

Абу Сайд Махзум Гўри Амир, Шоҳи Зинда мақбаралари, Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари ва Самарқанднинг бошқа тарихий ёдгорликларида сақланиб қолган қадимий ёзувлардан аниқ ва нафис нусхалар кўчирган. Айни пайтда у араб

ва форс тилларини мукаммал билганлиги сабабли, тарихий обидалардаги айрим ҳарфлар, сўзлар ва жумлаларнинг вақт ўтиши билан ўчиб кетган қисмларини асл ҳолига келтиришга ўз ҳиссасини кўшган. Жумладан, Улуғбек мадрасаси ёзги биносининг ғарб томонидаги дарсхона деворига битилган 12 метр узунликдаги икки қатор хатда шундай сўзлар бор: "Хоқонларнинг иззатлиси, буюк давлатни илм-маърифат тарқатиш билан кўшиб бошқарувчи, бошқа подшоҳлардан ҳайъат илмларининг хусусиятлари билан имтиёзланган, дин, миллат, адолат ва тўғри ишларнинг ҳомийси, султон Улуғбек ибн Шоҳрух ибн Амир Кабир Темур Кўрагон Тангри салтанатини давом эттирсин, ишларини икки дунёning юксак мартабала-рига кўтарсинг ва олам аҳлига марҳамат ва яхшилигини зиёда айласин! Ҳижрий 822 йил" деган ёзувни асл ҳолига келтирди. Абу Саид Махзум кўчирган ва қайта тиклаган, фан учун катта тарихий ва илмий аҳамиятга молик бўлган бу нусхаларнинг айримларини шарқшунос С.А. Лапин 1896 йили Самарқандда, Э. Блоше эса 1897 йили Парижда эълон қилганлар. Рус олимларидан В.В. Бартольд ва Н.И. Веселовскийлар эса Абу Саид Махзумдан Петербургдаги Осиё музейи учун Ўрга Осиё хонликлари тарихига доир ер эгалиги, олди-сотдиси, солиқ, вақф ҳужжатлари ва ёрлиқлар, илмий ва тарихий жи-ҳатдан қимматли бўлган қўлёзмаларни олиб кетганлар.

Абу Саид Махзумнинг бевосита ёрдами билан Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонаси қолдиқларини қидириб топиш ҳам давр қадимшунослигининг жаҳоншумул ютуқларидан бири бўлди.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Абу Саид Махзумнинг отаси кўп йиллар давомида Шайбонийхон мадрасасининг мударриси бўлган. Бу ўқимишли кишидан ўғлига нодир китоблар ва қимматбаҳо қўлёзмаларга бой кутубхона месрос қолган эди. Абу Саид Махзум ана шу хазинани жуда эҳтиёткорлик билан сақлаб, ундаги ҳужжат ва нодир тарихий китобларни, қўлёзмаларни бирма-бир синчилаб ўрганди.

Абу Саид Махзум ўзи туғилиб ўсган ернинг ўтмиш тарихини яхши билгани учун ҳам расадхона жойлашган жойни қидириб топишга аҳд қилди ва ўша давр тарихига доир қўлёзма ҳужжатларни қайта-қайта синчковлик билан ўрганишга ки-

риши. Абу Саид Махзум эски қўлёзма хужжатларни кўздан кечира туриб, бир тарихий хужжат унинг дикқатини ўзига торти ва уни ўқиб ҳайратта тушди. Айни шу хужжатда Абу Саид Махзум кўпдан бери излаётган муҳим маълумот мавжуд эди. Унда Улуғбек расадхонасиning ўрни аниқ қўрсатилган эди.

Вақфномада "Оби раҳмат арифи, қишлоқ аҳолиси хонадонларига қарашли бедазор, масжид ҳудуди, катта дарё сари йўл" каби сўзлар битилган эди. Вақфномани ўқигач, расадхонасининг Таги расад тепалигида эканлигига Абу Саид Махзумда ҳеч шубҳа қолмади. У тезда В.Л. Вяткин ва Эгамхўжа Қазиш ишлари олиб бораётган Афросиёб тепалигига бориб, қўлидаги қимматли топилмани қўрсатганда, ҳамма ҳангманг бўлиб қолди. Вақфномадаги ҳар бир мулкнинг чегараларини синчковлик билан тадқиқ этган самарқандлик Абу Саид Махзумгина Улуғбек расадхонасиning аниқ жойини топишга ва уни эълон қилишга мусассар бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Мирзо Улуғбек расадхонаси Абу Саид Махзум топган вақф хужжати асосида аниқланди. Агар ана шу муҳим тарихий вақфнома бўлмаганда, бундай қимматбаҳо хазинани, эҳтимол, ҳеч ким ҳеч қачон тополмасди.

Шундай қилиб, Улуғбек расадхонаси харобаларини қидириб топишида қадимшунос Вяткинга Шарқ қўлёзмаларининг йириқ билимдони Абу Саид Махзум жуда катта ёрдам берди. Академик В.В. Бартольд бу ҳақда: "Абу Саид Махзумнинг ёрдами Улуғбек расадхонаси жойлашган ерни аниқлаб олишда ҳам, қазишма ишларини олиб боришида ҳам жуда қимматли бўлди", — деб ёзган эди.

Қадимшунос В.Л. Вяткин эса: "Абу Саид Махзум менинг донишманд маслаҳатгўйим бўлиб қолди, у менга ҳамиша холисона ёрдам бериб келяпти", — деб эътироф қилган. Профессор Б.В. Лунин ҳам: "Улуғбек расадхонаси харобаларини қидиришда В.Л. Вяткинга унинг доимий ва фаол ёрдамчиси, ажойиб хаттот ва маҳаллий ернинг ўтмишини яхши биладиган самарқандлик Абу Саид Махзум жуда катта ёрдам берди", — деб ёзади. Шундай қилиб, Шарқшуносларнинг Жаҳон Конгресси доимий маркази — Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганувчи Россия Комитети 1909 йилнинг 1 февралида (расадхона қолдиқлари топилгандан кейин) Абу Саид Махзум Самарқандда олиб борилган археологик тадқиқотларда

В.Л. Вяткинга яқиндан ёрдам берганлиги учун уни 100 сүм билан мукофотлаш тұғрисида қарор чиқарди". Рус археология жамияты эса 1910 йилнинг 25 ноябрида "Туркистан археологик бойликларининг таниқли тадқиқотчиси" сифатида ва Улуғбек расадхонаси қолдикларини топгани учун Вяткинни машхур шарқшунос олим, академик В.Р. Розен (1849—1908) номидаги олтин нишон билан тақдирлайды.

Афсуски, ўша мустамлака давридаги ижтимоий тузум ҳар соҳадаги дик Абу Саид Махзум сингари маҳаллий олимларнинг мاشаққатли меҳнатини қадрламади. Лекин камсукум Абу Саид Махзум севимли ҳунаридан воз кечмади, ҳаттотлик санъатини давом эттириди. Тарихий ёдгорликлардан илм-фан учун зарур бўлган ёзувларни кўчириб, манбалар тўплаб, уни келажак авлодларга қолдириш учун ҳаттотлик санъати анъаналарини давом эттирувчи шогирдлар етиштирди. Ачинарли жойи шундаки, олимларимиз томонидан XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари тарихи, маданияти, бой илмий мероси ўрганилган, лекин мазкур мақола ва китобларда ҳам Абу Саид Махзумнинг Улуғбек расадхонаси қолдикларини топишдаги хизматлари хусусида етарли маълумот берилмаган, фан тарихига буюк ҳисса кўшган донишмандинг номи тилга олинмаган.

Буюк мутафаккир Мирзо Улуғбек расадхонасини қидириб топиш ва расадхона тарихини ўрганишда ўлкашунос олим Абу Саид Махзумнинг ҳиссаси катта бўлган.

ЎЛКАШУНОС АЛЛОМА

XIX асрнинг 70—80-йилларида Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларида ўз даврининг илфор фикрли, ўқимишли ва билимли ўлкашунослари, моҳир ҳаттотлар, таржимонлар, рассомлар яшаб, самарали ижод этмоқда эдилар.

Мана шулар сафида ўлкашунос олим ва сайёҳ ҳожи Юсуф Мирфаёз ўғли ҳам бор эди.

Ҳожи Юсуф Мирфаёз ўғли 1842 йили Самарқанд вилоятига қарашли Ҳўжанд шаҳрининг Оқлиғон маҳалласида оддий бир хунарманд оиласида таваллуд топган. Ёшлигидан заковатли ва ўткир зеҳнли бўлган бу бола ўқишига катта меҳр қўйди. 6—7 ёшларида муллада ўқий бошлади ва оз

вақт ичида хат-саводли бўлди. Ўқиши билан бирга унда ер, осмон, юлдуз ва қуёш каби жисмларни билишга ҳам ҳавас ўйғонди ва у шу соҳани ўрганишда устозидан ўқиб, ўрганди: Баъзи байтларнинг маъносини сўраганда, устозидан: "Ҳали сен ёш, бунинг маъносини билишга ошиқма", — деган жавобни олади. Бола ўқишдан мақсад билмоқ бўлса керак деб жавоб қайтаради. У устозининг осмон етти қаватлик қаттиқ жисмлардан иборат бўлиб, унинг биринчи қавати кумушдан ва бошқалари эса турли нарсалардан яратилган, қуёш ана шу қаватларнинг тўртинчисида туради, деган фикрларини тинглагач, бу соҳани ўрганишга бўлган қизиқиши янада ортади.

Шундан сўнг тажриба ўтказиш мақсадида, дарҳол ёнида турган мис хокандозни қўлига олиб чироқقا қарши туради ва: "Хокандоздан чироқнинг шуъласи ўтолмаяптию, қуёшнинг нури кумуш осмондан қандай ўтиб келаркин?", — дейди. Устоз ва сұхбатдошлари боланинг бундай "шак-шубҳа"ларига қарши туриб, уни тергайдилар. Бошқа бир куни яна шундай масалалардан гап чиққанда бола ўртага савол ташлайди. Бу дафъа у юлдузларнинг нима учун яратилганини сўраганда, устози юлдузлар тош парчасидек нарсалар бўлиб, шайтонларга отиш учун яратилгани, деб тушунтиromoқчи бўлади. Бола бунга яна таажжуб қилиб: "Бу ҳолда юлдузлар кундан-кун камайиб қолсалар керак эди. Бундай бўлса юлдузлар ҳам туғар эканда", — деб яна шубҳаланади.

Шундан кейин дунёда кўзга кўринадиган ҳар бир нарсага диққат билан қараб ўйлаб юради ва ҳар бир қийин масалани текширишга тутинали. Юқорида баён қилинган сатрлардан, яъни шогирд билан устоз ўртасидаги савол-жавоблардан боланинг илм-фанга, айниқса, коинот сирларини ўрганишга бўлган интилишлари ва тиришқоқлиги кўриниб турибди. Аммо, бу даврда мактабларда қуруқ хат-савод ўрганишдан бошқа нарса йўқ эди. Бунинг натижасида бола ўзини ўзи тарбия қилишга, адабиётларни синчиклаб ўқиб- ўрганишга, саволларга жавоб топишга ҳаракат қила бошлади. Лекин бу билан ҳам ўз мақсадига етолмаганидан чет элларга саёҳат қилишга ва шу орқали анча-мунча нарсаларни ўрганиб қайтишга қарор қилди.

Шу мақсад билан Ҳожи Юсуф Хўжанддан бир дўсти билан Оренбургга ва ундан поезд билан Одессага ва сўнгра пароходда Истамбулга йўл олади. Ҳожи Юсуф бу саёҳатида Миср, Арабистон, Грецияда бўлиб, ҳар бир шаҳарнинг маданий марказларини кўрди, илм-фан, кутубхоналар, музей ва мадрасаларда араб, форс ва юнон тилларида ёзилган китоблар борлигининг жонли гувоҳи бўлди. Ҳожи Юсуф Мисрга бориб, у ердаги олий мактабга ўқишига киради ва араб, форс, юнон тилларида ёзилган китобларни ўқиб-ўрганади. Ҳожи Юсуфнинг иккинчи саёҳати 1875 йилда бошланиб, Москва—Петербург—Одесса—Туркия—Сурия—Марокаш—Испания—Франция—Италия—Греция—Туркия йўналиши бўйлаб давом этган ва Эрон орқали она юрти Хўжандга қайтган. Қилган саёҳатидан катта таассуротлар билан ўз ватанига қайтиб келгач, география, астрономия фанларини янада чуқурроқ ўрганишга киришади. Ҳожи Юсуф ўз билимини ошириш учун эски ўзбек тилини кунт билан ўрганади, Ўрта Осиёлик сайдёнларнинг ёзиб қолдирган китобларни бирма-бир ўқиб чиқади. Тинимсиз ўқиб-ўрганиш ҳамда бир неча йиллар давомида олиб борган кузатишлари Ҳожи Юсуфни ер, осмон, юлдуз ва қуёш ҳақидаги фикрларини умумлаштирадиган курраи мужассама, яъни глобусни ясашга олиб келади. Тарихий манбалардан маълумки, XI асрда Абу Райхон Беруний ва XV асрда Мирзо Улуғбек томонидан глобус ясалган. Улардан кейин, яъни XIX асрнинг сўнгги йилларида хўжандлик ўлкашунос, географ олим Ҳожи Юсуф Мирфаёзов томонидан ажойиб бир глобус яратилди. Ҳожи Юсуф олдинлари кичик ҳажмдаги глобусларни ясаб халқ орасида тез танилган бўлса, кейинроқ йирик глобуслар ясаб машҳур бўлган. Глобус елимланган қофоз қипифидан ясаллиб, сиртига зар қопланган, сўнгра қуюқ сариқ бўёқ берилган.

Глобусда қуруқлик ва оролларнинг чегаралари йирик ёзувларда ўйиб ёзилган. Африка қитъаси, Мадагаскар ороли тўқ яшил рангга бўялган. Бошқа қитъалар қизил рангда, номларнинг кўпи қора рангда, баъзилари эса қизил рангда. Глобусдаги ёзувларнинг деярли 90 фоизи ўзбек тилида, қолган қисми тожик тилида ёзилган. География фанлари

доктори, профессор Ҳ. Ҳасановнинг ёзишича, глобуснинг бўйи остидаги тиргак пояси билан 117 см, шарнинг айланаси эса 160 см га тенг. Шар градус турларига бўлинган, меридиан ва параллеллар қора чизиқлар билан, тропик чизиқлари ва кутбий доиралари қизил чизиқда аниқ кўрсатилган. Шарда ороллар, қуруқлик, қитъалар чегаралари ўзбек ва тожик тилларида жуда аниқ қилиб ёзилган ва бу глобуснинг қимматли маълумотнома эканлигидан гувоҳлик беради.

Ҳожи Юсуфнинг фаолияти ҳақида ўша вақтда чоп этилган "Таржимон" газетасининг 1899 йил 14 февраль сонида "Ҳожи Юсуф" сарлавҳали бир мақолада шундай сўзлар ёзилган:

"Ҳожи Юсуф Самарқанд вилоятининг Хўжанд уезди сув маъмурларидан бир шухратли шахсадир, — дейилади мақолада, — у киши Хўжабоқирғон суфориш иншоотини йўлга кўйишида маъмур бўлган. Ҳожи Юсуф илм-фанга ҳавасманд бўлиб, хусусан жуғрофия ва "астрономия" илмларига ҳам қизиқкан кишидир. У жўғрофиядан маълумот олмоқ учун рус олий мактабларига кириб дарс ўқиган. Рус тилини яхши билганлигидан "География" ва "Путешественник" китобларини ўқиб, ўзлаштирган".

Ҳожи Юсуф ясаган курраи мужассама (глобус) Самарқанд вилояти ва Туркистон ўлкаси (Тошкент)да 1886 ва 1890 йилларда ташкил этилган ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаларида намойиш этилиб, кўргазманинг кумуш ва бронза нишонлари ҳамда фахрий ёрликлари билан тақдирланганлиги архив хужжатларида қайд этилган.

Ҳожи Юсуф кўп йиллар мироблик билан ҳам шуғулланиб, ариқ ва каналлар қазиб, тўғонлар қуриб, экинзорларни обиҳаёт билан таъминлаган ва бу хизматлари учун нишонлар билан тақдирланган. Кўпқиррали олим Ҳожи Юсуф табиб ҳам эди. У Ибн Сино, Розий асарларидан тиббиёт сирларини ўрганди, юонон, ҳинд ва рус тиббиётига доир адабиётларни ўқиб, улардан самарали фойдаланган.

Ҳожи Юсуф адабиётни севган, шоир бўлишни орзу қилиб машқ қилган, "Ҳожи" кейинроқ эса "Ҳайъатий" таҳаллуси билан ўзбекча ва тожикча назмлар ёзган, ўзбек ва

тожик шоирлари, маърифатпарвар арбоблари билан дўстлашган, улар билан тарих, адабиёт, фалакиёт илмидан баҳслар ва бедилхонлик қилишган.

Ҳожи Юсуф музикадан яхши хабардор бўлган, танбур ва дутор ясаб чалган.

Ҳожи Юсуфнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижасида тайёрлаган "Фалакиёт" асарининг қўлёзмаси нашр этилмай йўқолиб кетганилиги ачинарли бир ҳолдир. Бундан ташқари, Ҳожи Юсуф тайёрлаган бир нечта катта-кичик глобуслар, Самарқанд—Хўжанд ўртасидаги тоғ йўлларининг чизма харитаси ҳам бизгача сақланган. Самарқанд ва Тошкент кўргазмасида намойиш этилиб, юксак тақдирланган бу глобус ҳозирда Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи Республика музейида сақланмоқда.

Ўз даврининг таниқли ўлкашунос олимни, дунё кезган сайёҳ, энг муҳими, XIX аср глобусини ясаган маърифатпарвар Ҳожи Юсуф Мирфаёзов 1924 йили 84 ёшида вафот этган.

Тўртинчи бўлим

ЁЗМА МЕРОС — БЕБАҲО ҲАЗИНА

МАНГУ БИТИКЛАР

Қадимий ва бой тарихга эга Бухоро, Самарқанд, Хива, Кўқон, Тошкент, Термиз, Шаҳрисабз шаҳарлари ўзининг нодир ёдгорликлари, гўзаллиги ва нафосати билан жаҳонга маълум ва машҳурдир. Айниқса, Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбли, Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари, Бухородаги Мир Араб, Улуғбек, Девонбеги мадрасалари, Исмоил Сомоний мақбараси, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Кўкгумбаз масжиди, Хивадаги Исломхўжа мадрасаси ва минораси, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Оллокулихон мадрасаси, Нуриллабой саройи, Кўқондаги Ўрда — Худоёрхон саройи, Камол Қози мадрасаси, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси, Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси, Намангандаги Хўжа Амин қабри комплекси, Мулло Қирғиз мадрасаси ва бошқа қадим меъморчилигимиз ёдгорликлари бир неча асрлик тарихий ўтмишдан гувоҳлик беради.

Аждодларимизнинг юксак санъат намуналари бўлган ана шу тарихий ёдгорликларга дикқат билан қаралса, улардаги ранг-баранг, нафис нақшлар орасида жуда моҳирлик билан битилган арабий-форсий ёзувларни кўриш мумкин. Биноларнинг улкан пештоқи, девори, шиплари ва эшикларига ўйиб битилган йилномалар, ривоятлар ва ҳикматли сўзларни ўша даврнинг қўли гул истеъоддли хаттотлари, сангтарошлари, усталари ёзиб қолдирганлар. Уларнинг аксарияти бугунгача сақланиб қолган ва қимматли санъат асалари ҳисобланади.

Меъморчилик — даврлар солномасидир. Ҳар бир меъморий обида ва ундаги нодир ёзувлар муайян тарихий даврни таърифлаб берувчи қасидадир. Жумладан, бино ким томонидан, қачон ва нима мақсадда қурдирилганлигини ҳамда усталарнинг номларини унинг пештоқидаги ёзувларни ўқиб,

билиб олиш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳрида XVI асрда курилган Кўкалдош мадрасаси дарвозасининг кириш қисми Сиркор парчинларида куйидаги битиклар мавжуд: "Ушбу ажойиб бинони 1246 ҳижрий йилда Азим Вали ўғли уста Мұхаммад тузатди". Кейин шундай деб ёзилган: "Бу бино сарой бош қўмондони Жаҳонгирбек ўғли Шодмонбек раҳбарлигига бежирим қилиб ишланди. Инсон ўлими ҳақ, бироқ унинг қылган ишлари абадий қолади, кошин ишларини уста Олимжон бажарди".

Шунингдек, Самарқанд вилояти Тим қишлоғидаги Араб ота мақбараси 977 йилда қурилганлигини бинода муҳрланган тарихий битиклардан билиб олиш мумкин.

Қадимий Самарқанддаги меъморий обидаларнинг пештоқлари, эшик устидаги мармар лавҳалари, пойустун ва панҷараларида шундай ёзувлар борки, улар муайян меъморий иншоот ёки тарихий шахслар ҳаётидаги муҳим воқеаларни бизга ҳикоя қилиб беради.

Самарқанднинг гўзал Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасаси ёзги биносининг фарб томонида жойлашган дарсхона деворига 12 метр узунликда икки қатор хат битилган.

Мазкур хатда Мирзо Улуғбек шоҳлик салтанатининг ўзига хослиги, давлат бошқарувини илм-маърифат тарқатиш билан олиб борганлиги, бу улуғ инсоннинг дин, адолат, миллат равнақи йўлида жон куйдирганлиги ва тўғри ишлар ҳомийси бўлганлиги, олам аҳлидан яхшилик ва марҳаматини аямаганлиги хусусидаги мақтovлар акс эттирилган. Ҳақиқатан ҳам Улуғбек Мирзо ҳукмронлиги даврида мамлакатни обод этиш соҳасида жуда кўплаб хайрли ва савобли ишлар амалга оширилганлиги, илм-фан, маърифат ва маданият тараққиётига юксак эътибор қаратилганлиги, халқнинг турмуши, моддий фаровонлиги яхшиланишига катта аҳамият берилганлиги жуда кўплаб тарихий манбаларда таъкидлаб ўтилган.

Хива, Кўқон, Шаҳрисабз, Термиз сингари қадимий шаҳарлардаги биноларда ҳам кўплаб тарихий битиклар мавжуд.

Қадимий қабртошларда ҳам кўп асрлик тарихдан гувоҳлик берувчи битиклар сақланиб қолган. Бундай битиклар Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Хожа Аҳрор, Маҳдуми Аъзам, Имом ал-Бухорий меъморий мажмуаларидаги бинолар ва қабртошларда, Аҳмад Яссавий, Зангиота, Паҳлавон Маҳмуд,

Мұхаммад Раҳимхон I, Абулғозихон, ат-Термизий қабртошлари ва мақбараларыда учрайди. Қабртошлардаги ёзувлар шүниси билан ақамиятлики, улар анъанага мувофиқ шеърий услугда бажарилиб, ҳар бирига тарих яширингандык. Шеъриятнинг бунёд этилиши, улуғларнинг туғилган ва вафот этгандан саналарини тошга жуда моҳирлик билан битишган. Тошкент вилятидаги Зангигита мақбарасининг оёқ томонига басмаладан сүнг "Ҳар жон эгаси ўлим шарбатини тутувчиидир" ояти битилган. Ундан кейин "Бу — мархум ва мәъруф (шаҳид), солиҳ ва зоҳид Занги бинни Ота қабридир. Ул зотга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин", деган сўзлар битилган. Қабр усти-даги узун тўртбурчак тошнинг сатҳига бадиий сулс хати билан араб тилида қуйидаги рубойи ёзилган:

"Ёшлик ва соғломлик билан ҳаёт сурган чофимизда, бизлар гўё дараҳтзорда қувнаб учган каптар эдик. Замон бизнинг ўртамизга оғир жудоликни солди, биримиз тез, биримиз кеч — бу дунёдан абад кетдик".

Қашқадарё вилояти Бешкент туманидаги Хўжагулистан қишлоғида XIV асрга таалуқли қабртошига наботий гул ва ўйма битиклар ёзилган. Унинг мазмуни қуйидагича: "Сен улуғликнинг буржида, поклик кўланкасида ўтирган эдинг, қуёш каби жамолинг, хонумонлар қоронгуликка айланди. Умринг мавсуми — ҳаётинг қуёши ҳар қанча сабзалик баҳор ойи буржида бўлса ҳам, фалак сени тезлик билан куз ойига етказди, хазонга айлантириди. Гул вақтида очилиб, гуркирамаган эй гул! Нима учун нарғис каби кўзингни жаҳон боғидан юмдинг? Фалакнинг жабру жафолари дилингга аён бўлган он, сен бу меҳру вафосиз оламдан кўнглингни уздинг!".

XIV асрга оид Термизий мақбарасидаги тошга Ҳаким ат-Термизийнинг қисқача таржимаи ҳоли ёзилган: "Али Ҳаким Термизий, Тангри унга раҳм айласин, улуғларнинг улуғларидан, олимларнинг хожаларидан, узун тиллик машхур китоблар муаллифи, олий санадлар (шаҳодатномалар) соҳиби".

"Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" тўпламининг муаллифи Абу Абдулло Мұхаммад ибн Исмоил Буҳорий баъзи устозларига дарсларда шерик бўлган. Тангри уларга раҳм қилсан. Икки юз эллик бешинчи ҳижрий йилда вафот этгандык. Мақбара Темур томонидан XIV асрда таъмир этилган".

Туркистон шаҳридаги Ҳожа Аҳмад Яссавий хонақоҳида шайх жасади қўйилган қабрхона эшиги тепасига: "Бу саййид боғини куришга улуғ жаҳонгир, бутун оламлар соҳиби бўлган Аллоҳнинг суюкли фарзанди Амир Темур фатво берган. У Амир Тарағай ўғли, у Амир Буркул ўғли, у Амир Илангиз ўғли, у Амир Ийжил ўғли, у Қорачор Нўён ўғли, уни ва давлатини Аллоҳ таоло ўз паноҳида асррасин", — деб ёзилган.

Самарқанддаги Амир Темур жоме масжиди ҳовлисида мармар тошдан ясалган улкан лавҳ (Куръон қўйиладиган маҳсус курси) бор. Шу лавҳ четига "Султони азим, олий ҳимматли ҳоқон, дин-диёнат ҳомийси, ҳанафия мазҳабининг посбони, аслзода Султон ибн Султон амири мўъмин Улугбек Кўрагон", деган ёзув битилган.

Буюк Соҳибқироннинг севикли набираси Мирзо Улугбек қабртошига эса шундай сатрлар ёзилган: "Бу нурли қабр, шаҳиднинг олий макони, бу хушбўй боғ юксак турбат ул подшоҳнинг оромгоҳидирки, унинг бунда бўлуви туфайли жаннат боги мусаффо ва бўстони баҳтиёрдир. Бу марҳум Султон — салтанат қувончи, дунё ва дин кўмакчиси оромгоҳига Аллоҳ нур ёғдирсун — Улугбек Султондурки, у 796 ҳижрий йилда Султония шаҳрида туғилди ва 810 ҳижрий йилнинг Зулҳижжа ойида Самарқанд доруломонида хилофат мустақиллигига эришди. Ва Аллоҳнинг иродаси ила "ҳар ким буюрилганича сузади" дейилганидек, унинг ҳаёти муддати ниҳоясига етгач ва қазо вақти келгач, ўғли қарши чиқиб, ханжар тифини унга урди ва натижада шаҳид бўлиб бағишлагувчи ва шафқатли Аллоҳ томон йўл олди. Бу ҳодиса 853 йили Рамазон ойининг ўнинчи куни содир бўлди".

Тарихий битиклар Самарқанддаги Ҳожа Аҳрор ва Амир Темурнинг қабртошларида ҳам бор. Жумладан, Ҳожа Аҳрор Валий қабртошига шундай битиклар битилган:

"Бу равза (боғ) соҳиби жаннатнинг энг покиза анҳорларидан сув ичгувчи ва жаннатнинг энг муқаддас нурли боғларида сайр этгувчиидир. Мазкур равза соҳибига Аллоҳ жаннат раҳонлари, тонглар ва насимлар ато этсин. Чунки марҳум бутун умри давомида дунё экинзорларига шундай уруғлар сепдики, улар охират оламида мўл-кўл ҳосиллар бергувчидир. Ва Аллоҳ таоло марҳумга (бу солиҳ амаллари учун) ошкора ва яширин марҳаматлар қилсун, бул зот умр бўйи,

кечаю кундуз Худога хуш келувчи солиҳ амаллар қилган. Аллоҳ таоло бул зотнинг руҳини шоистай жаннат айласин. Мазкур қабрда ором топган зот бу дунё экинзорига шундай уруғлар сепдики, улар охират оламида ҳосил бўлгусидир. Ва Аллоҳ таоло унга ошкора ва пинҳона раҳмат ёғдирди". Амир Темур мақбараси пештоқидаги лавҳада "Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоннинг қабри, Худо уни раҳмат қилсин ва жойи абадий жаннатда бўлсин", деган ёзув битилган.

"Темур дарвозаси" номи билан машҳур бўлган тарихий жой Жиззах шаҳридан 13 километр фарбда, Илонётди дара-сидағи қоятошга бир неча тарихий битиклар муҳрланган.

/1425 йилда Мирзо Улуғбек Шермуҳаммад қўшини билан Кетмонтепа тоғлари ёнида бўлган жангда ғалаба қиласида ва шу йилнинг 27 июнь куни Самарқандга қайтиб келади. Шу ғалаба туфайли Улуғбекнинг буйруфи билан тошга қу-йидаги мазмунни англатувчи сўзлар ўйиб ёзилган: "Аллоҳ таолонинг ёрдами билан улуг Султон, Аллоҳнинг ердаги сояси — подшоҳ Улуғбек Кўрагон, Худо унинг умрини зиёда айласин, жеталар ва мўғуллар мамлакатига юриш қилди ва у ерлардан ҳижрий 828 йилда эсон-омон қайтиб келди".

Аждодлардан мерос бўлиб қолган ва ўтмишилизни ўрганишда муҳим манба ҳисобланган тарихий битикларга чоризм ва шўро замонларида эътиборсизлик билан қаралгани учун ташландиқ аҳволда эди. Натижада, назоратсиз қолган бу маданий ва тарихий бойликлар ўғирланиб, талон-торож қилина бошланди. Бу ҳақиқат император археология комиссиясининг раиси граф А. Бобринский томонидан 1909 йилнинг февралида Давлат думаси мажлисида сўзга чиқиб, берган қуидаги маълумотида ҳам ўз аксини топган: "Туркистондаги қадимий ёдгорликларни сақлаш жуда ёмон аҳволда, кўп қимматбаҳо тарихий буюмлар талон-торож қилинмоқда".

Қадимшунос Ф. Пекун 1917 йили "Новое время" журналида ёзган мақоласида эса "ҳар бир кимса масжид эшикли-ридан тортиб, то қабртош тахталаригача ваҳшийларча олиб кетаяпти", деб кўрсатиб ўтган. Ҳарбий тарихчи генерал М.А. Терентьев Самарқанддаги Муҳаммад Шайбонийхон қабри устидаги ёзувли кўк тошни XIX асрнинг 80-йиларида Санкт-Петербург Эрмитажига олиб кетган.

1905 йили Амир Темурнинг мақбараси пештоқидаги "Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоннинг қабри, Худо уни раҳмат

қилсин ва абадий жаннатда бўлсин", деган араб ҳуснихатидаги лавҳа кўчириб олиниб, 1906 йили Константинополь шаҳрида яшовчи туркиялик бир устаси фаранг савдогарга арзимаган пулга сотиб юборилган. Савдогар уни Берлиндаги Фридрих-Музеумининг директори Т. Бодега 10.000 франкка пуллаган. Кейинчалик бу тарихий лавҳа Санкт-Петербургга олиб келинган ва ҳозир Эрмитажда сақланмоқда.

Петербургдан Самарқандга илмий сафар қилган шарқшунос олим, профессор Н.И. Веселовский қабртошлар устидаги ёзувлар билан қизиқиб, жуда кўп мақбараларни обдан текшириб чиққан. Оқибатда қўлга киритилган осори атиқаларнинг энг сараларини Эрмитажга олиб кетган. Буларнинг орасида қабртошлар устидаги битиклар, Ишратхона, Бибихоним масжиди, Улубек мадрасасининг деворларидан кўчириб олинган нақшинкор парчинлар, тарихий лавҳалар, кошиналар ҳам бор эди.

Юргимиздаги меъморий обидалар ва қабртошлардаги тарихий битиклар XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошлирида Абу Сайд Махзум, Мирзо Барот, Шерали Лапин, Абу Тоҳирхожа каби самарқандлик хаттот ва таржимонлар, 1960—1980 йилларда Абдулҳамид Пўлодий, М.Е. Массон, Пўлат Зоҳидов каби шарқшунос, санъатшунос, тарихчи олимлар томонидан тадқиқ этилди. Мустақиллик эса республикамиз ҳудудидаги мангу битикларни холисона тадқиқ этиш учун кулай имкониятлар яратиб берди. Академик Ботирхон Валихўжаев, Комилжон Каттаев, Ботир Аминов, Комилжон Худойберганов, Баҳтиёр Бобоҷонов сингари олимларнинг бу соҳада олиб бораётган тадқиқотлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

БУХОРОДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАР БОЗОРИ

Ўрта Осиё ҳалқларининг, шу жумладан ўзбекларнинг қадимий маданияти кўп соҳаларда юксак тараққиёт босқичига эришиб, жаҳон илм-фанига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Бу табарруқ заминдан Форобий, Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Фарғоний, Улубек сингари олимлар, Алишер Навоий, Хондамир, Бобур, Машраб, Муқимий, Фурқат каби мутафаккирлар етишиб чиққан. Улар яратган буюк ҳазина авлоддан-авлодга ўтиб, ҳанузгача баша-

риятга хизмат қылмоқда. Бу бебаҳо мерос бизгача, асосан, құләзма китоблар тарзида етиб келган. Бу құләзмалар туфайли Үрта Осиё халқлари ота-боболари яратиб қолдирған маданий меросдан баҳраманд бўлмоқдалар. Шу ноёб ва қимматбаҳо құләзмалар Үрта Осиё халқлари жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганликларини кўрсатувчи хужжатлар ҳисобланади.

Тарихий манбалардан маълумки, ўтмишда Үрта Осиёда китоб нашр қилинмаган, фаннинг қайси соҳасига оид бўлмасин, ҳамма асарлар құләзма нусхалар кўчириш йўли билан амалга оширилган. Бу нозик, машаққатли ҳамда хайрли иш илмли, тажрибали, истеъододли, қўли гул хаттотлар томонидан асрлар давомида бажариб келинган.

Фаннинг турли соҳалари бўйича ёзилган бу құләзма китоблар Үрта Осиёнинг йирик шаҳарларига, шунингдек, қўшни давлатларга чиқарилиб, китоб бозорларида сотилган. Бундай китоб бозорлари Самарқанд, Кўқон, Хива, Тошкент, Термиз, Шаҳрисабз, Наманган шаҳарларида фаолият кўрсатган. Үрта Осиёдаги энг йирик кўхна ва бой китоб бозорларидан бири Бухоро шаҳрида бўлган.

IX—X асрларда Бухоро маданий жиҳатдан юксалган шаҳар эди. Бу ерда сарой ва давлатнинг марказий идораси жойлашганлиги туфайли ақлий меҳнат аҳларининг кўпчилиги шу шаҳарда истиқомат қилғанлар. Бухорода туғилиб, болалиги ва ёшлигини шу шаҳарда ўтказган машҳур табиатшунос олим, табиб, файласуф ва шоир Абу Али йбн Сино шаҳарда ажойиб китоб бозори борлиги ва шу ердаги китоб дўконларидан биридан Абу Наср Форобийнинг "Аристотель" "Метафизика"сига шарҳлар" номли китобини уч дирҳамга сотиб олганини хабар қилган. Бу асар Ибн Синога фалсафа фани тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилишга ёрдам берган.

Кейинги асрларда ҳам давом этган ушбу анъана, айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Бухорода эски құләзма китоблар билан савдо қилиш янада авж олган.

"XIX асрнинг 80—90- йилларида, — деб ёзади қадимшунос ва ўлкащунос олим В.Л. Вяткин, — Бухоро Үрта Осиёдаги энг йирик, бой ва муҳим китоб бозорларидан бири бўлган.

Бу ерда мусулмон адабиётлари.— китоб, құләзма манбалар араб, форс ва турк тилларида бўлиб, улар орасида қимматбаҳо ва ноёблари ҳам бўлган. Бухоро бундай құләзма

китобларнинг қадимий хазинаси ҳисобланади. Самарқанд, Фарғона, Кўқон, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарлардаги китоб бозорларининг биронтаси Бухороникидай бой эмас. Бу қадимий шаҳарнинг бозор ва китоб дўконларидан ҳамда китобфурӯшлар кўлидан хоҳлаган китобларинизни топишингиз мумкин. Бозор расталарида китоб ва қўлёзма асарлар уюлиб ётиби".

Бухорода китоб бозори "Абдуллахон тими растасида жойлашган бўлиб, бу ерда китоб билан савдо қилувчилар 25—30 кишини ташкил этади. Китоб ва қўлёзма манбалар маҳалий, рус ва бошқа қоғозларга турли рангларда ёзилган. Китобфурӯшларнинг ҳар бирида 20—100 тача қўлёзма китоблар бўлган, яъни ҳар бирига ўртacha ҳисобда 50—60 тадан китоб тўғри келган. Кўлёзмаларни китоб шаклига келтириш, яъни муқовалаш ҳам китоб бозорида амалга оширилган. Китобфурӯшлар кўлёзмаларни масжиду мадрасаларга ва бадавлат кишиларга сотганлар. Масалан, Фузор беги янги қурилган мадраса кутубхонаси учун Бухоро китоб бозоридан 75.000 тангалик ҳар хил китоблар сотиб олган .

Китоб расталаридан ташқари, бозорнинг турли жойларида бир нечта алоҳида китоб дўконлари бўлган. Абдуллахон тими ёнида, карвонсаройнинг омборхонасида ҳам олтиетти тахта кутиларда (жавонларда) қўлёзмалар сотилган. Бухоронинг китоб бозорига Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Татаристон (Қозон) каби мамлакатлардан қўлёзмалар, тошбосмалар ва литографик асарлар олиб келганлар. Айниқса, Ҳиндистоннинг Бомбейидан бундай китоблар кўплаб келтирилган. Афғонистон, Эрон ва Туркиядан келтирилган китобларни фақат хорижликларнинг ўзлари сотганлар.

Хориждан келган китоб сотувчилар карвонсаройларга жойлашиб, шу ердан китобларини кўтарасига сотганлар. Бухоронинг китоб бозорига босма китоблар, асосан, Қозон ва Истанбул шаҳарларидан келтирилган. Айниқса, "Ҳафтияқ" ва "Қуръон" кўплаб олиб келинган. Бунинг сабаби — уларга эҳтиёж катта бўлган. Истанбулдан келтирилаётган босма китобларнинг сифати аъло бўлган, чунки қоғози олий навли, ранглари тиник, муқоваси пишиқ бўлган. Шундай бўлишига қарамай, харидори кам бўлган, сабаби, нархи қиммат ҳамда ерли ҳалққа мослаштирилмаган ва улар дидига мос бўлмаган. Эрондан келтирилган китобларнинг расмлари хира,

сифатсиз бўлса-да, лекин харидорлари кўп бўлган. Бомбейдан бир қанча қимматбаҳо китоблар — тарих, тасаввуф, адабиёт ва табобатга доир асарлар сотиш учун келтирилган. Бу китоблар пишиқ, тиник, хати тушунарли, хатоси кам бўлганлиги сабабли харидори кўп бўлган.

XIX асрнинг охирларига келиб, Амир Темур ва шайбонийлар давридагидек моҳир хаттотлар ва нусха кўчирувчилар деярли йўқ эди. Қолганлари ҳам буюртма асосида нусха кўчирганлар. Шу сабабдан бўлса керак, бу даврга келиб, ноёб қўлёзма китоблар кам бўлган, нархи эса юқори бўлган. XIX асрнинг 80—90-йилларида Бухоро китоб бозорида Хўжа Ҳофизнинг чиройли ва бенуқсон ёзилган шеърлар девони 100 рублга ёки ундан ҳам яхши кўчирилган Қуръон 300 рублга харид қилинган.

Бозорга келтирилган китобларнинг нархи уларнинг ёзилиш услуби, қофози, сифати, ҳажмига қараб белгиланган. Дарсликлар, лугат, айрим шеърий девонилар кўплаб сотилган. Тарих, жўғрофия, фалакиёт ва табобатга доир ноёб қўлёзма асарларни, асосан, хорижликлар — афон, эрон, арман, турк, ўрис ва бошқалар сотиб олганлар. Бундай шахслар Бухорога келиб, бир оз муддат яшаганлар ва шу вақтда китоб бозоридан ўзларига керакли қўлёзма асарларни сотиб олганлар. Бу қўлёзмаларни афонлар Ҳиндистонга, арман ва турклар эса Овруподаги кутубхона ва музейларга катта пулга сотиб, фойда қилгандар.

Қадимшунос В.Л. Вяткин бу ҳақда: "Мен Бухоронинг китоб бозорида учратган "Шарқ кишиси"дан сўрасам, у "чет эл илмий жамиятидан кутубхонага шарқ қўлёзмаларини сотиб олиш учун маҳсус сафарга чиқдим", дейди. Бу жаноблар пулларини аямасдан қимматбаҳо қўлёзма асарларни сотиб олмоқдалар. Кейинги ўн йил ичida улар қўлёзмаларнинг нархини ошириб юбордилар ва жуда кўп асарларни чет элга олиб кетдилар. Энг ачинарлиси шундаки, ўлканинг бой тарихига оид ноёб қўлёзмаларнинг кўпи турли йўллар билан четга олиб кетилмоқда. Ваҳоланки, буларнинг ўрни бизнинг кутубхонамиз, илмий жамият ва ташкилотларимизнинг китоб жавонларида бўлиши керак", — деб афсусланиб ёзади.

XIX асрнинг охири — XX аср бошларида Ўрта Осиё темир йўли ишга туширилгандан кейин Россиянинг турли

шахарларидан Бухорога келадиган "эски китоб ишқибозла-ри" сони орта бошлади. Улар ҳамма жойни — китоб бозори, китобфурушлар, масжид ва мадрасадаги ҳамда шахсий кутубхоналарни кўздан кечириб, керакли китобларни арzon нарҳда сотиб олганлар. 1892 йили капитан А.Г. Туманский Петербургдан Бухорога келиб, Мирзо Улуғбекнинг "Тариҳи улуси" "Тўрт улус" тарихи номли тарихий асарини топиб бўлмасмикин, деб кўп вақтгача обдан суриштирган. Китоб тилини биладиган мирзалар жами китобфурушларни, хона-дон ва мадрасаларни қидириб чиққанлар, аммо истаган нарса топилмаган. Туманский Петербургга қайтиб кетади. Кейин-чалик унинг Бухородаги таржимони Абдулфозил Гулпой-гоний тўртга асардан иборат бир қўлёзма топади:

1. Муҳаммад ибн Нажиб Баҳроннинг "Жаҳоннома" аса-ри, 27 варақ.
2. Муҳаммад Нишопурнийнинг мусиқа ҳақидаги рисола-си, 2 варақ.
3. "Ҳудуд ал-олам" сарлавҳали асар, 30 варақ.
4. Фахриддин Муҳаммад ар-Розийнинг "Жомиъ ал-улум" номли асари, 49 варақ.

Булар ҳаммаси бир муқованинг ичига тиқилган эди. 1893 йилнинг баҳорида А.Г. Туманский Бухорога келганида бу ноёб қўлёзма унга Абдулфозил Гулпойгоний томонидан "сов-фа қилинди" (12 рублга сотилган).

1901 йили рус сиёсий агентлигининг Бухородаги вакили В.И. Игнатьев Осиё музейига китобфуруш Мирсолиҳ Миррабоевдан араб тилидаги анча қадимий қўлёзма тўпламни олиб кетади. Академик В.Р. Розеннииг аниқлашича, бу 19 та қўлёzmанинг деярли ҳаммаси катта илмий қизиқиш уйро-тади ва у Осиё музейи кутубхонасини безайди. Ўша йилнинг кузида Игнатьев Бухоро китоб бозоридан яна 13 та қўлёзма асарни арзимас пулга сотиб олиб, Петербургга олиб кетади.

Бухородаги рус сиёсий агенти Я. Лювш 1908 йилда Бухородаги эски асарлар бозоридан 42 та турли қўлёзма китоблар-нинг ҳар бирини жуда арzon нарҳдан сотиб олган.

М.Э. Микольский деган "китобсевар" Бухоронинг эски шаҳридаги бой омборхонадан қымматбаҳо ва нодир қўлёзма китоблардан бир қанчасини жуда арzon нарҳда сотиб олган. В.А. Иванов деган кимса 1915 йили Бухородаги қўлёзма асарлар ва эски китоблар бозоридан 1057 та форс, турк ва

араб тилидаги китобларни сотиб олган. У 1916 йили яна Бухорога келиб, шарқ тилларидаги 68 та қўлёзма асарларни олиб кетган. Умуман, биргина Иванов 1915—1916 йиллар давомида бир йўла 1125 та қўлёзмаларни олиб кетган. 1897 йили Бухоро китоб бозоридан шарқшунос Залеман 96 та қимматбаҳо китобларни арzonгина харид қилиб, Петербургга олиб кетган. 1908 йилда Залеман Бухоро китоб бозоридан яна 42 та қўлёzmани олиб кетган.

Шарқшунос И.А. Беляев 1907 йилда Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганиш комитети томонидан ноёб қўлёзма асарлар излашга Бухорога жўнатилади. Бу ерда у Амир Темур ҳукмронлиги даври билан боғлиқ қимматбаҳо қўлёзмалар, жумладан, XV асрга доир "Темур Кўрагоний" номли асарни қўлга киритган. Унинг ичida "сулҳ" номли ёрлиқ ҳам бўлган. Бундан ташқари, Беляев XV ва XVII асрларга оид 28 та нодир қўлёzма асарларни олиб кетган.

Шарқшунос олим И.А. Беляев Бухоро китоб бозоридан Амир Темур ва Чингизхон тарихини, жумладан, "Муқимхон тарихи"ни 20 рублга, "Раҳимхон тарихи"ни 10 рублга, жуда гўзал нақшланган ва чиройли ёзилган Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарини 400 рублга сотиб олган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро асрлар давомида Мовароуннардаги барча сиёсий, маданий ва маънавий жараёнлар марказида бўлиб, давлатчилик, дин, илм-фан ва маърифатни юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшиб келган. Бу эса, ўз навбатида, Буюк ипак йўлида жойлашган Бухоронинг жаҳон цивилизацияси, айниқса, Шарқ илми ва маданиятини ривожлантиришдаги ўрни ва тарихий хизматлари буюк эканлигидан далолат беради.

МИРЗА АБДУРАҲМОН САМАРҚАНДИЙ ВА УНИНГ "КУНДАЛИКЛАРИ"

Ўзининг 2750 йиллигини нишонлаган Самарқанд асрлар давомида улкан Шарқнинг илму маърифат ва маданият марказларидан бири сифатида жаҳонга донфи кетган қадимий шаҳар. Бу маскандан ўз даврининг машҳур алломалари, мутафаккир олим ва адиллар етишиб чиққан ва ижод этганлар.

XIX асрнинг 70—80-йилларида Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларида ўз даврининг илфор фикрли, ўқимишли

ва билимли ўлкашунослари, қадимги шарқ қўлёзмалари-нинг йирик билимдонлари, моҳир хаттотлар, таржимонлар, рассомлар яшаб, самараали ижод этмоқда эдилар.

Мана шулар сафида ўлкашунос олим, шарқ қўлёзмала-рининг йирик билимдони, хаттот ва таржимон Мирза Абдураҳмон Самарқандий ҳам бор эди.

Унинг тўлиқ исми Мирза Абдураҳмон Муҳаммад Латиф Мустажир Самарқандий бўлиб, XIX асрнинг 30-йилларида Самарқанднинг Кўкмасжид маҳалласида туғилган. Мирза Абдураҳмон ёшлигига эски мактабда таълим олиб, кейинчалик Самарқанд шаҳридаги мадрасалардан бирида ўқишни давом эттириди. Мадрасада ўқиб юрган даврида устозларидан хаттотлик хунарини ўрганиб, бир оз муддат аризалар ёзиб берувчи мирза бўлиб хизмат қиласди. Айни вақтда Самарқанддаги қадимиий меъморий обидалар ва қабртошлардаги ёзувлардан нусхалар кўчириш билан ҳам шуғулланган.

Мирза Абдураҳмон кейинчалик ота касби савдогарчилик йўлидан бориб, отаси билан Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларида, Туркистон шаҳарлари ва Россиянинг йирик шаҳарларида савдо-сотиқ ишларини олиб борган.

Дастлаб ҳунармандчилик буюмлари билан савдо қилган бўлса, кейинчалик Россиянинг Оренбург, Нижний Новгород, Самара сингари савдо ривожланган шаҳарларида ҳамда Ирбит ярмаркаларида фабрикада ишлаб чиқилган сифатли моллар савдоси билан шуғулланган.

Мирза Абдураҳмоннинг Россия шаҳарлари бўйлаб савдо соҳасида фаолият кўрсатиши, унга савдо-сотиқ ишларини, қонун-қоидаларини пухта ўзлаштириб олиш билан бирга, рус тилини ўрганишга имконият яратган. Кўп ўтмай Мирза Абдураҳмон отаси вафотидан кейин тижорат ишларини тарк этиб, хаттотлик ва таржимонлик ишлари билан қайта шуғуллана бошлади ва талантли, истеъодли инсон сифатида танилади.

Самарқанддаги Гўри Амир, Шоҳи Зинда бинолари ҳамда қабртошлардаги, Мирзо Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари деворлари пештоқларида арабий ва форсий ёзувлардан нусхалар кўчириб, таржима қиласди.

Мирза Абдураҳмоннинг хаттотлик, таржимонлик санъатини, ўлка тарихи, хусусан, қадимиий жойлар тарихини яхши билганлигидан хабар топган шарқшунос Александр Кун (1840—1888 йй.) уни Туркистон ўлкаси шаҳарларига ўзи

билинг бирга олиб кетади. Жумладан, Александр Кун Мирза Абдураҳмонни Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги ва Хива хонлигига қарашли қадимий шаҳарларга таржимон сифатида олиб келган.

Шундай қилиб, Мирза Абдураҳмон 1870 йилнинг 30 апрелидан 29 июнигача Китоб, Шаҳрисабз, Ургут ва Панжикент атроф худудларини ҳар жиҳатдан ўрганишда фаол қатнашди.

Мирза Абдураҳмон 1870 йилнинг апрелидан Искандар-кўлга (Зарафшон дарёсининг юқори қисми) қилинган экспедицияда таржимон сифатида қатнашди. Турли мутахас-сисликлар таркибида уюштирилган бу сафарнинг асосий мақсади, биринчидан, 1868 йилга қадар Бухоро амирлигига тобе бўлган Ҳисор, Кўлоб, Балжуvon бекликлари, Қоратегин ва Дарвоз шоҳликлари ҳамда Зарафшоннинг юқори оқимидағи бошқа бекликларни Зарафшон округига кўшиб олиш бўлса, иккинчидан, Зарафшоннинг юқори қисмидаги истиқомат қилаётган аҳоли сони, уларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, хўжалик юритиши, тили ва маданияти, қазилма бойликлари ҳамда ҳарбий жиҳатдан аҳамияти тўғрисида муҳим маълумотлар тўплашдан иборат эди.

Шунингдек, сафар давомида Мирза Абдураҳмон ҳар бир шаҳар ва қишлоқ, жой номи ва унинг келиб чиқиш тарихи, қадим жойлар тарихи, қалъа, қўрғон, минора, форлар, қоялар, улардаги ёзув ва тасвирлар тарихи, қадимги меъморий бинолар, масжид, мадраса ва мақбараларнинг ички ва ташки қисмидаги ёзувлар маъноси, бу ёзувлар қачон ва ким томонидан ёзилганлигини сўраб-суриштириб, ўз кундалигига ёзиб олган.

Ўлкашунос олим ва таржимон Мирза Абдураҳмон маҳаллий аҳоли орасида қишлоқма-қишлоқ юриб, улардан турли эртак, афсоналар, ривоятлар, тўй маросимлари ва дафн қилиш одатлари, ерли аҳолининг кийим-кечаги, озиқ-овқати, уйжойи, анжомлари тўғрисида ҳам кўплаб қўмматли ва муҳим маълумотлар тўплайди. Мирза Абдураҳмон кундалигида Панжикентдан то Искандаркўлгача бўлган районлар иқтисодий тузилиши, хўжалик юритиш; деҳқончилик, жумладан, ерни ишлаш услуби, ҳосил микдори, чорвачилик турлари ва сони каби иқтисодий масалаларга ҳам алоҳида ўрин берилган.

Мирза Абдураҳмон Самарқанд билан Панжикент ўтасидаги йўлнинг ҳолати, ундан от-арава ўтадими, ариқ, кўприклари борми, кўприкларнинг кенглиги ва узунлиги, Ўрмитан қишлоғининг географик жойлашуви ва ундаги муҳим курилишлар, кўчалар, боғлар, ер хўжалиги, ипакчилиги, аҳолисининг турмуш шароити, бошқарилиши, солиқлар, об-ҳавоси тўғрисидаги маълумотларга ҳам катта эътибор берган ва буларни ўз кундалигига қайд этган. Мана шу маълумотлар ўлкамиз, хусусан, Зарафшон дарёсининг юқорисида жойлашган аҳолининг XIX аср тарихи, маданияти, турмуш тарзини ўрганишда зарурий манбадир.

Мирза Абдураҳмон 1873 йилнинг апрель-июнь ойларida Александр Кун билан Хива хонлигига бўлиб, хон архивини кўздан кечириб, саралаб ва уни тартибга келтириш, нодир қўлёзма асарлар, ҳужжатлар тўплаш ҳамда хонликда солиқ тизимини ўрганишда қатнашган.

Мирза Абдураҳмон шарқшунос олим Александр Кун ва бошқа мутахассислар билан биргаликда Бухоро ва унинг атрофларини ўрганиш (асосан нодир қўлёзма асарлар — китоблар, тарихий ҳужжатлар, қадимги тангалар, осори атиқалар тўплаш) мақсадида бу ерга келади. Шаҳарнинг эски қисмидаги тарихий обидалар билан танишиб, бинолардаги битикларни ўрганади ва кундалигига ёзиб боради.

Шаҳарнинг эски қўлёзма китоблар сотиладиган дўконларини кўздан кечириб, ноёб китобларни тўплайди.

1870 йилнинг август ойида Мирза Абдураҳмон таржимон сифатида Кун ва А.Д. Гребенкинлар билан биргаликда Шаҳрисабз беклигига сафар қилиб, шаҳар ва унинг атрофлари, тарихий жойлари билан танишишда уларга ёрдам беради. Беклик саройидан ҳамда маҳаллий аҳоли қўлидан тарихий ҳужжатлар, қўлёзма асарлар тўплаб, ўзи билан олиб келади.

Мирза Абдураҳмон Кун билан Кўқон хонлигига ҳам сафар қилиб, у ердан ҳам қимматбаҳо тарихий қўлёзма китоблар ва бошқа нодир ҳужжатлар олиб келади.

Мирза Абдураҳмон 1872 йили Москвада ташкил этилган йирик кўргазмада қатнашиб, кўргазманинг Туркистон бўлимида тушунтириш ишларини олиб боради. Самарқанднинг машхур Регистон майдонидаги Улуғбек, Шердор ва Тилла-кори мадрасаларининг чизма роҳнли макетлари ўрнатилган

ва миллий услубда безатилган бу бўлимда бир ярим мингга яқин турли хил экспонатлар жой олган. Бу тарихий кўргазмада Туркистон ўлка аҳолисининг ўтмиш тарихи, маданияти, турмуш тарзи, қисқаси, кундалик ҳёти акс эттирилган.

Кўргазма залларида Александр Кун ва Мирза Абдураҳмон томонидан 1870 йили тўпланган тарихий ашёлар ҳам ўрин олган. Булар, асосан ҳунармандчилик устахоналари, дастгоҳларида тайёрланган буюмлар, маҳсулотлар, аҳолининг кийим-кечаклари, ов ва меҳнат қуроллари ва бошқаларни ташкил этади. Кўргазмада бутун Туркистон ўлкасида тўпланган экспонатлар — миллий кашта ва сўзаналар, гилам, дўппилар, хотин-қизларнинг зеб-зийнатлари, заргарлик буюмлари, шунингдек, пахтачилик, ипакчилик, бофдорчилик, чорвачилик, ўрмончилик ва уларнинг маҳсулотлари ҳам кенг намойиш этилди.

Кўргазма 1872 йилнинг 30 майидан 3 сентябригача фаолият кўрсатиб, шу давр ичida кўргазмани 350 минг 536 та томошабин келиб кўрган.

Демак, Туркистон бўлимидаги 1500 га яқин турли хил экспонатларни келганларга тушуниришда самарқандлик Мирза Абдураҳмон ва тошкентлик Мир Сафарларнинг хизматлари каттадир.

Шундай қилиб, ўлкашунос олим ва таржимон Мирза Абдураҳмон Самарқандий ўз фаолиятида "Зарафшон дарёсининг юқориси — Искандар кўлига сафар кундалиги", "Хива хонлигига қилинган сафар", "Бўхоро ва унинг атрофларига қилинган сафар", "Шаҳрисабз беклигига қилинган сафар" ҳамда "Москва кўргазмаси кундалиги" асарларини ёзиб, бизга мерос қилиб қолдирди. Бу қимматли тарихий ва этнографик материаллар Туркистон ўлкасининг XIX аср тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ҳозир бу муҳим ва қимматли маълумотномалар Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Петербург бўлимида 133—134 ва 806-делоларда сақланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтганидек, "Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миёллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавий дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади..." .

Буни унугтаслигимиз зарур.

ЗАРРИН ҚАЛАМ СОҲИБИ

Кўп қиррали ва самарали ижоди билан халқ орасида яхши танилган зиёлилардан бири — Туркистон собиқ умумиттифоқ ва Париж халқаро кўргазмаларининг олтин, кумуш ва бронза медаллари совриндори — Мирзо Барот Мулло Қосим ўғлидир. Қадимий ёдгорликлар тарихининг йирик билимдони, ажойиб хаттот ва таржимон Мирзо Барот XIX асрнинг биринчи чорагида Самарқанднинг Махдуми Хоразм маҳалласида косиб оиласида туғилиб, таҳминан XX аср бошларида оламдан ўтган.

Мирзо Баротнинг илмга, хаттотлик санъатига қизиқиши анча эрта бошланди. У дастлаб ўқиши ва ёзишини уйда отасидан ўрганиб, кейинчалик мадрасада чуқур таълим-тарбия олди, хаттотлик сирларини пухта ўзлаштириб борди. Тинимсиз ўқиши, машқ қилиши ва изланишлар натижасида ўз устозларидан араб ёзувининг насх, куфий, сулс, настальиқ деб аталган энг мураккаб турларини ўрганди.

Мирзо Баротнинг бундай нафис ёзув услубларини мукаммал ўрганишида устози, ўз даврининг машҳур хаттоти Мирза Ҳожи Зарринқаламнинг хизматлари бениҳоя катта бўлган. Дастлаб ишни кичик қўллэзмалар ва осори атиқалардаги ёзувлардан кўчирмалар тайёрлашдан бошлаган Мирзо Барот тиришқоқлиги туфайли ёшлиқ давридаёқ Алишер Навоий, Бедил, Жомий ва бошқа муаллифларнинг нодир асарларидан қўллэзма нусхалар яратиш даражасига етган. Мирзо Барот XIX асрнинг 60—70-йилларида Шарқнинг нодир, қимматбаҳо тошларида ва кошинларда битилган ёзувлардан нусхалар олишда истеъдоли мутахассис бўлиб етишиди. У ёзувлардан қалин, ялтироқ қофозга настальиқ, сулс ва куфий усулида қовға қамиш қаламида жуда моҳирлик ва нафосат билан икки нусхадан кўчирган.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, Мирзо Барот ижодига рус шарқшуносларининг назари тушади. Жумладан, 1885 йили Петербург университетининг Самарқандга келган профессори Н.И. Веселовский у билан яқиндан танишиб, ижодига қизиқа бошлайди. Мирзо Барот унга настальиқ хати билан кўчирган "Самария" китобини тақдим этади. У Самарқанднинг қадимий Афросиёб харобаларида археологик қазиш

ишларини олиб бораётган профессорга таржимон сифатида күмаклашади.

Шунингдек, у ўлкашунос С.А. Лапиннинг 1895 йили бо-силиб чиққан "Самарқанд шаҳри тарихий ёдгорликларидағи ёзувлар таржимаси" номли асарини ҳамда 1896 йили эълон қилинган "Шоҳи Зинда ва ундан қабртош ёдгорлиги" мақоласини ёзишда фаол күмаклашади. Мирзо Баротнинг бегараз хизматларидан хурсанд бўлган Н.И. Веселовский, Петербургга қайтганидан кейин ҳам самарқандлик дўстининг олийжаноб фазилатларини эслаб, у билан хат ёзишиб туради. Мирзо Баротнинг хаттотлик ва таржимонлик истеъодига тан берган профессор ундан Самарқанддаги тарихий, меъморий ёдгорликларда сақланиб қолган ва илмий аҳамиятга молик бўлган айrim сўзларни кўчириб, маъносини тушунтириб беришни илтимос қилиб, бир неча бор хат билан мурожаат этган.

Мирзо Барот Бухоро амирларидан Насруллохон (1826—1860), Музаффархон (1860—1885), Абдул Аҳадхон (1885—1910) даврларида, айниқса, баракали ижод қилган. У кела-жак авлодга қолсин деб, ижодининг энг яхши намуналари-дан маҳсус альбом тузишга киришади. Бу ҳақда 1883 йили Туркистон генерал-губернатори Самарқанддаги алоҳида топ-шириқлар бўлимининг ходими полковник В.В. Крестовс-кий "Бухоро амирлигидаги меҳмондорчилик" ("В гостях у эмира Бухарского. Путевой дневник". СПБ, 1887 г.) номли йўл хотираларида қуйидагиларни ёзади: "Фахрли бир киши, Мирзо Барот Мулло Қосим ўғли, хаттот ва рассом... Самарқанд ёдгорликларини, минора ва гумбазларини, пештоқла-рини безаб турган куфий, сулс ва настаълиқ ёзувларидан альбом тузаштири...". Сўнгра Мирзо Барот нусха кўчирган ёдгорликлар бирма-бир саналади: "Шердор" мадрасаси, Биби-хоним масжиди, Шоҳи Зинда ва Гўри Амир мақбарасида-ги, шунингдек, Жizzах уездидаги "Темур дарвозаси" қоятошидаги ёзувлар равшан ва нафис кўчириб олинган, ранглари тўлиқ сақланган ҳолда аниқ қилиб чизилган".

1884 йили Петербургда нашр этилган "Русский Вестник" журналининг февраль ойи сонида (529—530-бетлар): "Тур-кистон ўлкасида камдан-кам учрайдиган бундай киши (Мирзо Барот — Р.Б.) тарихий ёдгорликлардаги ёзувларни ҳеч қий-налмай тўғри ўқиуди, билими кучли, фан тарихи учун фой-

дали иш қилмоқда. Ҳозиргача анча ишларни бажариб қўйган, лекин бу ҳали Мирзо Барот қўл урган фахрли ишнинг бошланишидир", — деган сўзлар ёзилган. Моҳир хаттот ва рассомижодида зикр қилинган ёзувлар ва чизмаларнинг айримларини ҳамда Улуғбек мадрасасининг қўлёзма чизмаларини жуда чиройли ва аниқ тайёрлаб, 1886 йилнинг кузидаги Туркистон ўлкаси (Тошкент)да очилган қишлоқ хўжалиги ва бадиий ҳунармандчилик кўргазмасига юборади. Унинг ушбу намуналари кумуш, бронза нишонлари билан тақдирланган.

Улуғбек мадрасасининг кўргазмада намойиш қилиниб, юксак баҳолангандаги қўлёзма чизмасидан бир нусхани Мирзо Баротнинг набираси Фахриддин Баратов 1944 йилнинг деқабрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг археология институтига топширган.

Мирзо Барот Регистондаги машҳур тарихий биноларнинг тархларини моҳирлик билан чизиб, уларнинг энг яхши нусхаларини 1886—1890 йилларда Тошкент, 1894 йилда Самарқанд, 1896 йили Нижний Новгород шаҳарларида ўтказилган кўргазмаларда намойиш этган.

Юртдошимизнинг энг катта ютуғи Парижда ташкил этилган Жаҳон кўргазмасида қатнашганлиги бўлди. 1900 йили Санкт-Петербургда чоп этилган "1900 йилги Бутунжаҳон кўргазмаси. Тасвирлар ва тавсифларда" ("Всемирная выставка 1900 г. В иллюстрациях и описаниях") китобида шундай сўзлар битилган: "Гарчи 1900 йилдаги Бутунжаҳон Париж кўргазмасида рус рассоми К.А. Коровиннинг "Туркистон" номли панноси улуғворлиги билан кўргазманинг ифтихори бўлган эса-да, Мирзо Барот Мулла Қосим ўғли томонидан бажарилган Самарқанддаги "Регистон мажмуаси" нусхаси ўзининг аниқ ва гўзаллиги, бўёқларнинг тўғри, бенуқсон ишлатилганлиги жиҳатидан ундан устун чиқди ва кўргазманинг олтин нишони билан тақдирланди".

Мирзо Барот истеъдодли таржимон ҳам бўлган эди. У тарихчи Абу Тоҳир ибн Раис Абу Саид Самарқандий томонидан XIX асрнинг 40-йилларида ёзилган машҳур тарихий асар — "Самария"ни форс тилидан ўзбек тилига моҳирона таржима қилди ва бу таржима 1884 йили шарқшунос олим Н.П. Остроумов томонидан Тошкентда чоп этирилди. У араб ва форс тилларини мукаммал билганлиги сабабли тарихий бинолардаги айрим сўзлар, жумлалар ва ҳарфларнинг йўқолиб кетган

ёки таъмирлаш вақтида кўринмай қолган қисмларини ўз ҳолига келтиришга ҳам ҳисса кўшди. Бироқ бу ажойиб санъаткорнинг хизматлари ва унинг ўзи ўша давр босқинчи маъмурлари эътиборидан четда қолди; қадрланмади.

Шунга қарамай, у севимли ҳунаридан воз кечмади: хаттотлик санъатини давом эттирас экан, Шарқ қўлёзмалари ва меъморий ёдгорликларидан илм-фан учун муҳим бўлган нодир ёзувларни кўчириб, манбалар тўплади, нафис ёзув санъати анъаналарини давом эттирувчи билимдон шогирдларни тарбиялаб етишитирди.

ОСОРИ АТИҚАЛАР БИЛИМДОНИ

Самарқанд асрлар давомида Мовароуннаҳрнинг сиёсий, маданий, тарихий, илм-фан, меъморчилик, ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири бўлиб келган. Шаҳар ўзининг турли даврларда бунёд этилган тарихий-меъморий ёдгорликлари, турли хил пишиқ ва нафис ҳунармандчилик буюмлари билан Шарқ ва Farb мамлакатларида катта шухрат қозонган.

Ўтган даврларда Самарқанддан кўплаб олиму уламо, фозилу фузало, маърифатпарварлар, тарихчи ва ўлкашунослар, истеъдодли хаттот ва таржимонлар, ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқсан ҳамда улардан бой маданий, тарихий ва илмий мерос қолган.

Ана шундай маърифатпарвар зиёлилар қаторида қадимий меросимизнинг билимдени Мирза Абдулла Бухорий ҳам фаолият кўрсатган. У 1848 йили Самарқанднинг Сўзангарон даҳасидаги ҳунармандлар маҳалласида яшовчи оиласада таваллуд топган. Отаси ўз даврининг машхур шойи ва бахмал тўқувчи тадбиркор устаси бўлиб, яхши жиҳозланган корхонага эгалик ҳам қилган. Бу корхонада тайёрланган ранг-баранг сифатли шойи ва бахмал матолар, буюмлар Туркистон ўлкасидаги шаҳарларга, шунингдек, Русия ва хорижга чиқарилган.

Ҳунарманд оиласида туғилган ёш Мирза Абдулла дастлаб мактабда, кейинроқ Самарқанд шаҳридаги мадрасаларнинг бирида таълим олган. Айни вактда отаси билан ёнмаён туриб корхонада шойи ва бахмал тўқиши билан машгул бўлган. Ҳунарни пухта ўрганиб олгандан кейин ўзи мустақил фаолият кўрсатган.

Отасининг вафотидан кейин Мирза Абдулла ота касбина давом эттириб, тўқув корхонасини ўзи бошқарган, кўплаб сифатли ва харидорбоп шойи ва баҳмал матоларни тайёрлаб, уларни қўшни шаҳарлар ва хонликларга чиқарган. Айни вақтда бундай матоларнинг энг сифатли ва нағисини Туркистон ўлкаси (Тошкент)да ва Русиянинг Москва, Петербург, Новгород, Харьков кўргазмалари ва Ирбит ярмаркасида намойиш этган, кўпчиликнинг назарига тушган ва катта шуҳрат қозонган. Мирза Бухорий XIX асрнинг 70—90-йилларидан бошлаб, ўз корхонасида тайёрланган матолари ва буюмлари ҳамда тарихий осори атиқалари билан Тошкент, Москва, Петербург, Харьков, Новгород, Париж, Вена, Берлин, Чикаго ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган кўргазмаларда (1872—1896 йиллар) мунтазам қатнашиб, 5 та олтин, 7 та кумуш, 9 та бронза нишонлари, дипломлар, фахрий ёрликлар, зарбоф тўнлар ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланган. Бу ютуқлар архив хужжатларида ва ўша давр газетаю журнallарида қайд этилган.

Мирза Абдулла Бухорий илм-фанга, Ватанимиз ўтмишига, хусусан, Самарқанднинг бой тарихига ҳам қизиққан. Мана шу қизиқишлиар қадими жойлар, эски тепалар, бинолар, тупроқ остида қолиб кетган осори атиқалар, сопол ва шиша буюмлар, кўзачалар, лаган, коса, турли ҳайкалчалар, заргарлик буюмлари, турли замонларда зарб этилган олтин, кумуш ва мис тангалар, нодир китоблар, қадими кўлёзма асарларни тўплашга ва уларни синчиклаб ўрганишга унданган. Мирза Абдулла Бухорий қадими Афросиёб харобаларидан тўплаган осори атиқаларни Самарқанд ва Тошкентдаги тарих музейларига топширган. 1883 йили Тошкент тарих музейига 2 та олтин, 100 та кумуш, 96 та мис танга, 31 та турли муҳрлар, 5 та олтин тақинчоқ, шунингдек, сопол ва шиша буюмлар, ёзувли ва расмли идишларни ҳадя этган.

XIX асрнинг 80-йилларида Самарқанднинг қадими Афросиёб харобаларида археологик қазиш ишларини олиб борган Петербург университетининг профессори Н.И. Веселовскийга, XX асрнинг бошларида шарқшунос олим В. Бартольдга ҳамда қадимшунос Л. Вяткинга. Мирза Абдулла Бухорий яқиндан ёрдам кўрсатган. 1887 йилнинг октябрь ойида Харьков шаҳрида очилган қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик кўргазмасида қатнашиб, сифатли шойи

ва бахмал матолари учун кўргазманинг кумуш нишони ва ёслиги билан тақдирланган.

Мирза Абдулла Бухорий Харьков кўргазмасидан кейин Москвага сафар қилиб, шаҳарнинг дикқатга сазовор тарихий жойларини, жумладан, Москванинг энг йирик кутубхонаси, Политехника ва Румянцев музейларини, Оружейная палатани, Третьяков галереясини, Успенский соборни томоша қилиб, ўтмиш бой тарихи, осори-атиқалари билан танишган. Мирза Абдулла Бухорий Боку, Тбилиси, Харьков, Москвага қилган сафар хотираларини "Туркистон вилюятининг газети"нинг 1888 йил 4—7-сонларида эълон қилган. Ўлкашунос олим, қадимий буюмлар ишқибози ва тўпловчиси Мирза Абдулла Бухорий 1887 йил ноябрь ойининг охирида Петербургта келиб, Русия археология жамиятининг Петербургдаги Шарқ бўлими илмий кенгашида қатнашиб, академиклар К. Залеман, В. Радлов, профессорлардан И. Веселовский, Е. Смирнов, Н. Жуковский, А. Бичков, И. Толстой ва бошқа фан ва маданият арбоблари билан учрашган.

Мирза Бухорий ўша кенгашдан олган таассуротларини шундай таърифлайди: "Декабрнинг биринчи кунида бурунги замондаги Шарқия аҳолисининг аҳволларини билмоқ учун барпо бўлинган жойга жам этилган мажлисда мусулмон халқларининг тилларини биладурғон, чунончи, хитой, ҳинд, араб, форс халқларининг бурунги аҳволини билмоқ тараддуудида юрган кўп уламоларни кўрдим. Мени ҳузуримда турк, мўфул, хитой ва уйғур тилларини яхши биладурғон жаноб Радлов Тўхтамишхон ва Кутлуғ Темурнинг икки ёслиги маъносини баён қилди. Алар мендан бъзи сўзларнинг маъносини сўрадилар. Мен эса аларга билганимча бажону дил баён қилдим".

Бундан ташқари, XIX асрнинг 70—80-йилларида юртимиздан Петербургга олиб кетилган ва Эрмитажда сакланыётган қўлёзма асарлар, нодир китоблар, хон ёрликлари ва вақф ҳужжатлари хусусида ҳам шарқшунос олимлар Мирза Абдулла Бухорийга мурожаат этиб, ундан қониқарли жавоб олганлар. Илмий кенгашдан кейин Мирза Абдулла Бухорий Петербург шаҳрининг дикқатга сазовор тарихий жойларини томоша қилган, шаҳардаги Исо жомеида бўлган.

Петербург университети Шарқ бўлимининг профессори Н. Веселовский ва Л. Толстой ҳамроҳлигига "Жавоҳирлар

сандиғи" — Эрмитажни зёр қизиқиши билан томоша қылган. Мирза Абдулла Бухорий профессор Н. Веселовский бошлигиде Петербург кутубхонасини кўздан кечириб, бу ердаги кўлёзма асарлар ва нодир китоблар билан танишган. У Петербург кутубхонаси ҳақида: "Бу ерда кўп нодир китоблар, кўлёзма асарлар, жумладан, Низомий, Фирдавсий, Ҳофиз, Шарафиддин Али Яздий, Жомий, Навоий асарларининг ажойиб нусхалари бор экан", — деб ёзади. Шунингдек, Мирза Абдулла Бухорий 1869 йили Самарқанддаги Хожа Аҳрор масжидидан олиб кетилган муқаддас Китоб — Усмон Қуръонига ҳам кўз қирини ташлашга муваффақ бўлади.

Ватандошимиз Эрмитаждаги Ўрта Осиёга тегишли қадимий тангалар, сопол, шиша, заргарлик ва мисгарлик буюмлари ҳамда турли ҳайкалчалар олдида узоқ тўхтаб, уларни бирма-бир кўздан кечирган. Мирза Абдулла Бухорий 1887 йилнинг 18 декабрида подшонинг Петербургдаги Гатчина Саройида қабулда бўлган. Петербург илмий кенгаши ҳамда шаҳар бўйлаб қилган сафар хотираларини Мирза Абдулла Бухорий "Туркистон вилоятининг газети"да (1888 йил 4—7-сонлар) эълон қилган.

Маърифатпарвар шоир Зокиржон Фурқат 1891 йилнинг 14 май куни Самарқандга келиб, Мирза Абдулла Бухорийнинг уйида меҳмон бўлган ва у билан дўстлашган. Ўлкашунос олимнинг серқирра ижоди ҳақида: "Камина сиҳат ва саломат Самарқанд вилоятига келиб, тўғри ҳурматли Мирза Бухорийнинг ҳовлилариға тушдим. Ўзлари ҳар бир тавориҳдан заковатпаноҳ киши эканлар, камина сұхбатлашуб кўп хурсанд бўлдим, алҳол ушбу кишининг ҳузурларида турубдурман", — деб ёзган эди Фурқат. У Мирза Абдулла билан бирга шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини томоша қилган ва бу ҳақда қуйидагиларни қайд этган:

"Самарқанд шаҳрида қадимдан қолғон эски иморатлар ва катта тепаликлар кўп экан. Андин шаҳар халқи кўп эски асбобларни топиб, ҳурматли Мирзо Бухорийга сотар эканлар. Ул киши ҳам осори атиқаларни қадрига етиб, баҳойи тамом сотиб олур эканлар... Алқисса, ўшандоқ эски нимарсаларни кўрмоқча рафбатим зиёда бўлғони сабабидин ҳурматли Мирза Бухорий марҳамат қилиб, икки йилдан бери йиғилғон, ердан чиққан эски ҳар хил асбоб, зарб урулғон

олтун танга ва қора пул, сафол асбобларини кўрсатдилар. Кўрдимким, нечанд доно қора пул, тахминан 8 мисқол келадур, тарихи 3000 йилдан зиёда бўлғон экан ва яна бир пора нуқра асбобким, устида тоғларни ва одамларни ва ҳайвонларни суратлари бордур", — деб ёзганди Фурқат.

Самарқанднинг тарихий обидалари шоирнинг завқини келтиради. Фурқат Самарқандда олимлар, шоирлар ва ҳофизлар билан танишади.

Мирза Абдулла Бухорий ҳақида "Донишписанд сұхбатларидин кўнгулға тоза суурурлар ҳосил ўлди. Тавориҳдон ва хирадман киши экан. Тавсани зеҳнини, хусусан, жузъиёт китобларига чобукхиром мушоҳада қилдим", — деб ёзган эди Зокиржон Фурқат.

Фурқат ўлкашунос олимнинг тарихий топилмалари ҳақида "Туркистон вилоятининг газети"га "Мирза Бухорийнинг топилмалари" номли мақоласида хабар берган. Фикри-зикри изланиш, кузатиш ва ўрганиш билан банд бўлган олим ўзи ҳақида ёзар экан, "Ҳар ҳолда мен кўпчиликнинг манфаати учун юртимиз тарихи, маданияти ва фани бошқа халқларга намуна, ёдгорлик қолсин учун айни Туркистон ўлкаси ўтмишига доир осори атиқаларни тўплаш ва ўрганишга уриндим", — дейди.

Афсуски, не қийинчилклар билан Мирза Бухорий томонидан тўпланган тарихий буюмлар ўша даврда мустамлакачилар томонидан талон-торож қилинди.

Кўп қисми Петербург Эрмитажи ва кутубхоналарига топширилди, яна бир қисми чор амалдорлари, пулдор савдогарлар, шарқшунос, қадимшунос ва ўлкашуносларнинг шахсий музей ва кутубхоналарига бориб тушди. Петербург университетининг профессори Н.И. Веселовский XIX асрнинг 80-йилларида Мирза Абдулла Бухорий тўплаган 1202 та осори атиқа буюмлар, 11 та олтин, 77 та кумуш, 951 та мис танга, 18 та муҳр ва бошқа қимматбаҳо тарихий буюмларни олиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда, Мирза Бухорий томонидан 1870—1890-йиллар давомида тўпланған жами 6300 осори атиқаларнинг бир қисми Эрмитажга, қолганлари Петербургдаги Осиё музейига топширилган.

Кези келганда шуни айтиш керакки, бу тарихий бойликлар ўз эгаси ўзбек халқига — Ўзбекистонга қайтарилиши ва улар музейларимиздан ўз ўринларини олиши керак.

Мирза Бухорий XIX асрнинг саксонинчи йиллари маҳаллий матбуотда эълон қилган мақолаларида Самарқанд ахлини, ватандошларини ўтмишимизни ўрганишга, фан учун қимматли бўлган тарихий-меъморий обидаларни ва санъат асарларини муҳофаза қилишга, уларни кўз қорачигидай авайлаб-асраш ва ўрганишга даъват этганлардан бири эди.

Ўлкашунос олим фаолияти билан шуғулланиб келаётган айrim тадқиқотчилар баъзи ноаниқ манбаларга асосланиб, Мирза Абдулла Бухорийнинг исми-шарифи ҳамда вафот этган санасини нотўғри ёзиб келаётганликлари ачинарли ҳолдир.

Тарих фанлари доктори Б.Н. Лунин "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журналининг 1963 йил 6-сонидаги "Самарқандлик Мирза Бухорий — қадимий буюмлар ишқибози ва тўпловчиси" номли мақоласида "Мирза Бухорий 1893 йили вабо касали билан вафот этган", деб ёзган. Ушбу мақолада унинг туғилган йили ҳам кўрсатилмаган. Ана шундан бери тадқиқотчилар Мирза Бухорий 1893 йилда вабо касали билан вафот этган, деб унинг вафоти ҳақида нотўғри санани кўрсатиб келмоқдалар. XIX асрнинг 70-йилларидан XX асрнинг биринчи чорагига қадар рус манбаларида ўлкашунос Мирза Абдулла Бухорий икки номда — Мирза Бухарин ва Мирза Абдуллин номи билан қайд этиб келинган. Ҳатто манбашуносларимиз Мирза Абдулла Бухорийни икки номда — Мирза Бухорий ва Мирза Абдуллаев деб кўрсатганлар.

Мирза Абдулла Бухорийнинг фарзандлари ҳам илмли бўлиб, илм-фаннинг турли соҳаларида хизмат қилиб келганлар. Катта ўғли Абдураҳмон узоқ йиллар Тоҷикистон Давлат университетида декан лавозимида ишлаб, фан учун янгиликлар, дарсликлар ва қўлланмалар яратди. Абдураҳмон Бухорийзода филология фанлари доктори, профессор эди.

Ўртанча ўғли Эгамберди Бухорийзода 1940 йили Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг физика-математика факультетини тамомлаб, турли масъул вазифаларда хизмат қилиб, 1943 йилнинг 23 февралида жанг майдонида ҳалок бўлган.

Кенжа ўғли Малик 1941 йили Тошкент Индустрисал институтини тамомлаб, фронтга жўнади ва жанг майдонида

ҳалок бўлди. Мирза Бухорийнинг набиралари орасида фан докторлари, арбоблар, санъаткорлар, композиторлар бор.

Хуллас, Мирза Абдулла Бухорийнинг авлодлари ҳам боларидек эл-юртига сидқидилдан хизмат қилаётган фозил инсонлардир.

Мирза Абдулла Бухорий 1918 йили Самарқанд шаҳрида 70 ёшида вафот этган.

"ҚУШБЕГИ АРХИВИ" ЁХУД ХАЗИНАДАГИ ТАРИХИЙ МЕРОС

Архив эски ҳужжатлар, ёзма ва график ёдгорликни сақлаш, тизимлаштириш ва тавсифлаш билан шуғулланадиган маҳсус муассаса ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви сақланадиган қимматбаҳо ҳужжатларнинг сони ва моҳияти жиҳатидан Ўрта Осиё республикалари марказий Давлат архивлари ичida энг йиригидир. Бу ердаги ҳужжатлар архивнинг турли соҳалари бўйича тузилган бўлимлар ва бобларида эҳтиёткорлик билан сақланмоқда. Масалан: "Давлат маъмурий бошқарув органлари" деб аталган I бўлимнинг учинчи бобида "Хон ҳокимияти органлари: Хива хонлиги канцелярия, Бухоро Қушбегисининг бошқармаси" ҳужжатлари сақланмоқда.

Ўтмиш авлодлардан қолган тарихий ёзма манбалар қаторидан ҳақли равишда кенг ўрин олган тарихий ҳужжатлар республикамиз архивлари, музей ва кутубхоналар, илмгоҳ ва олийгоҳлардаги кўлёзма фондларда сақланмоқда.

Шулардан бири республикамизнинг бош Марказий Давлат Архивида Бухоро амирлигига қарашли "Қушбеги архиви" фондига тегишли ҳужжатлар бўлиб, унинг асосий қисми XIX—XX аср бошларига доир даврни қамраб олади ва улардаги маълумотлар, асосан, Бухоро амирлиги тарихига оиддир. Қушбеги архиви, Хива ва Кўқон хонлиги архиви очилгунга қадар "Ўрта Осиё хонликларида ҳеч қандай архив бўлмаган", — деган даъволарга ўрин қолдирмади. Бу архивларнинг 1930 йилдан кейин бирин-кетин очилиши натижасида нафақат Бухоро амирлигига, балки Ўрта Осиё минтақаларида хонликларда XIX — XX аср бошларидаги давлатчилик тарихига оид қимматли ёзма манбалар вужудга

келди. Күлөзма асарлардаги маълумотларни хужжатлар асосида түлдириш, айрим соҳаларини қайта кўриб чиқиш имкониятлари ҳам туғилди.

1931 йилда Бухоро музейи ходимлари томонидан Арк ертўласидан топилган "Күшбеги архиви" 1933 йилда Тошкентга, Республика Марказий архивига олиб келинган. 1964 ва 1968 йилларда шу хужжатларни қисқа илмий тавсиф китоблари кўлёзма шаклида тузилган. Шундан сўнг архив ҳақидаги маълумотлар шарқшунос тарихчилар учун бир хазина калити вазифасини ўттай бошлади.

Натижада нафақат республикамиз олимлари, балки қўшни давлатлар тадқиқотчилари томонидан асосан аграр масалаларга оид бир қатор илмий асарлар яратилди. XX асрнинг 70—80-йилларида қатор илмий изланишлар олиб борилди, аммо бу туркумдаги тадқиқотлар ҳам асосан аграр муносабатларга бағишиланган диссертация ва илмий мақолалар бўлиб, фақатги на қадимшунос олим А. Муҳаммаджонов сув иншоотлари қурилмаси ва сугориш масалаларига доир 1200 та хужжатлар устида "Күшбеги архиви" асосида илмий тадқиқотлар олиб борди ва шу соҳага бағишлиб, бир нечта асарлар эълон қилди, "Кўйи Зарабшон водийсининг сугориш тарихи" номли китобини ёзди. Аммо ҳали бу бебахо хазинадаги 90 фоиздан кўпроқ тарихий хужжатлар илмий муомалага киритилмаган. "Күшбеги архиви"нинг охирги тавсифи китобига кўра фонддаги манбалар 2656 папкага жойлаштирилиб, хужжатларнинг умумий сони юз мингдан ортиқ ва улар мазмунига қараб ўн бир гурӯҳга ажратилган: маъмурий, сиёсий, ташқи алоқалар, иқтисодий, суд, ҳарбий, маданият ва урф-одат, соғлиқни сақлаш, оқартув ва дин, турли масалалар ҳамда дафттар ва журналлар бўлими тартиб рақамлари билан келтирилган.

Биринчи гуруҳдаги хужжатлар 9 мингга яқин ва улар 238 папкага жойлаштирилган, Бухоро давлат тизими, маъмурий бўлининиши, XIX ва XX аср бошларида фаолият кўрсатган идора ва мансаблар кўрсаткичлари, назорат-бошқарув усулларини қамраб олган маълумотлардан иборат.

Иккинчи бўлимдаги манбалар 504 та папкада, ўн уч ярим мингга яқин хужжатлар мажмуудан иборат. Бу гуруҳдаги маълумотлар асосан мамлакат ташқи ва ички сиёсий аҳволига доир масалаларни ва шу соҳа атрофидаги ҳаётий жаб-

ҳаларни қамраб, улар тарихий ечими асосий фактик материаллардан иборат.

Учинчи бўлим ташқи дипломатик муносабатларни акс эттирувчи ўн икки мингдан ортиқ ҳужжатларни ташкил этиб, улар 307 та папкада жойлаштирилган. Бунда асосан Бухоро—Россия муносабатлари, давлатлараро шартномалар, четдан кўплаб мұхожирларнинг амирликка кириб келиши, жойлашиши, катта мансабдаги рус ҳарбийлари, мансабдорлари, амалдорлари, ишбилармөнларининг бу ердаги фаолияти, транзит савдо карвонлари, темир йўл ва телеграф қурилиши билан боғлиқ молиявий ва жисмоний ёрдам масалалари, мардикорликка олиш, катта ер майдонларининг россиялик шахслар томонидан ўзлаштирилиши, турли чегара масалалари, рус ҳарбий қўшинларини Бухоро амирлигига жойлаштириш каби ташқи алоқалар билан боғлиқ масалаларни акс эттирувчи материаллардан ташкил топган.

Тўргинчи бўлимдаги ҳужжатлар асосан Бухоронинг XIX—XX аср бошларидаги иқтисодий-молиявий ҳаётини қамраб одали ва шу билан боғлиқ завод-фабрикалар, божхоналар, ер-сув эгалиги билан боғлиқ солиқ тизимлари, қишлоқ ҳўжалиги муносабатлари, чорвачилик, ҳунармандчилик масалаларини акс эттирувчи йигирма етти мингдан ортиқ ҳужжатлар 854 папкада жамланган.

Бешинчи бўлимдаги суд маҳкамаси ишларига доир қозиҳоналарда битилган васиқалар, хатлар, вақфномалар, шаҳаралар, чеклар, ривоятлар саккиз ярим мінгга яқин ёзма манбалар, улар XIX—XX аср бошларидаги Бухоро давлат бошқарувидаги адлия ва юриспруденция аҳволи ҳақидаги аниқ маълумотларни, бошқарув системаси тарихини ўрганиш учун асосий далиллардир.

Энг кичик бўлимни ташкил этган соғлиқни сақлаш билан боғлиқ материаллар гуруҳи 256 та ҳужжатлардан иборат бўлиб, улар 25 та папкадан ўрин олган. Бундаги материаллар 1809—1918 йиллар орасидаги Бухоро давлати ҳудудидаги вақти-вақти билан тарқалган вабо ва ўлатлар, табиий оғатлар: зилзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар каби нохушликлар ва уларга қарши давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган.

Еттинчи бўлимга Наврӯз, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари билан боғлиқ, "Гули сурх" номи билан ўтказилган ҳалқ са-

йиллари, 1915 йилда амирликнинг Абу Лайс мавзеидан то-пилган археологик топилмалар: танга ва зеб-зийнат буюмла-ри; Бухоро амирлари томонидан рус ҳарбийларига, жойлар-дан марказга жўнатилган турли хил аризалардан ташкил топ-ган олти мингга яқин фактик маълумотлар 135 та папкадан ўрин олган ва "Маданият бўлими" гуруҳини ташкил этади.

"Маориф ва дин" гуруҳига мансуб бўлимдаги беш минг-га яқин хужжатлар 87 папкадан ўрин олиб, уларда асосан мамлакатдаги мактаб, мадраса, масжид, мақбара, хонақо-лар иши билан боғлиқ барча масалалар ўрин олган.

"Турли хужжатлар" бўлимидаги хужжатлар, бизнинг фикримизча, кейинги 30—50 йил давомида янги тўплан-ган ва фондга киритилган 745 хужжатлардан иборат 72 та папкани ташкил этади. Бундаги манбалар ўзидан олдинги 9 та гуруҳга мансуб масалаларни ўзида ифодалайди. Булар асосан 1881—1918 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, турли тадбир-чоралар хусусидадир. 1885—1916 йиллар да-вомида Бухоронинг Амударё флотилиясининг иш режи-ми, кемалар қатнови, балиқ овини, товуслар овини та-қиқловчи буйруқ-фармойишлар: Ашхобод—Самарқанд те-мир йўли поезди қатнови, амирликда чиққан ва тарқатил-ган газета ва журналларнинг турли сонлари, Бухорода яшов-чи зардўзлар, усталар, давлатга тегишли ҳаммомлар, дав-лат хазинасидаги турли ашёлар рўйхати ҳам шу бўлимдан жой олган.

"Кушбеги архиви" хужжатларида республикамизгина эмас, балки Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳаётига доир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маъ-рифий масалалар акс этган қимматли маълумотлар тўплан-ган.

Шундай қилиб, Бухоро амирларига қарашли "Кушбеги маҳкамаси архиви" ўлкамиз тарихи ёзма манбаларининг қимматли бир бўлаги ҳисобланиб, Бухоро амирлигининг XIX—XX аср бошларидаги тарихнавислик ва манбашунос-лик муаммоларига оид муҳим маълумотларга эгадир. Бу ар-хивда мангитлар сулоласининг ҳокимиият тепасига келиши-дан бошлаб, улар олиб борган сиёсий, ҳарбий, диплома-тик, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маърифий ишлар ҳақида жуда муҳим ва фан учун қимматли маълумотлар жамланган.

Бешинчи бўлим

САНЪАТ ВА УДУМЛАР ТАРИХИГА БИР НАЗАР

ЯШАРИШ ВА НАФОСАТ РАМЗИ

Табиат билан инсон ўртасидаги муносабат асосида ташкил топган қувончли дамлардан бири Наврӯз байрамидир. Унинг пайдо бўлиш тарихи жамият тараққиётининг жуда қадимги босқичларига бориб тақалади.

Наврӯз киришини байрам қилиш Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёда анча қадимда таркиб топган анъянадир.

У инсоннинг жуда қадимдан шакллана бошлаган маълум удуми, урф-одатлари, кундалик турмуш эҳтиёжлари, атроф-муҳит, табиат омиллари билан муносабатлари замирида вужудга келган. Асрлар ўтиши билан бу урф-одатлар мамлакатлар, халқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиши замирида кенг ёйила борган, мазмунан бойиган ҳамда маълум бир ўлкалар доирасида тарқалган муштарақ ўчмас анъянага айланган. Наврӯз ҳақида энг тўла маълумотлар ва аниқ илмий хуносалар буюк мутафаккир олимлар Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Қонуни Мъсуний" ва "Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар" асарларида, Юсуф Хос Ҳожибининг "Кутадгу билиг", Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луготит турк", Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си ҳамда Умар Хайёмнинг "Наврӯзнома" рисоласида ёзиб қолдирилган. Наврӯз байрами шарқда Эрондан то Шарқий Туркистонгача, шимолдан Кавказ ва Қозоғистонгача, жанубдан то Ҳиндистонгача қадимдан кенг нишонланган.

Наврӯзнинг Ўрта Осиёда байрам қилинишини Абу Райҳон Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобининг "Сўғдийлар ва хоразмликлар ойлари-даги ҳайитлар" бобида таърифлаган.

Бухоролик тарихчи олим Абубакр Мұҳаммад Жаъфар Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" асарида ёзишича, Варахшада (Бухородан 40 километр шимоли-ғарбда жойлашган шаҳар) халқ йилнинг охирида йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни Наврӯз — янги йил байрамини кутиб олган. "Буни деҳқонлар Наврӯзи дейдилар. Бухоро деҳқонлари йил ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар", деб ёзди Наршахий. Демак, Наврӯзning асл моҳияти баҳор, деҳқончилик байрами сифатида ўтказилиши асрлар давомида сақланиб келган.

Наврӯз баҳор, деҳқончилик, ризқ-рӯз, бир сўз билан айтганда, табиат байрами, эл хурсандчилиги. Халқимизнинг кўхна ва қадимий қадриятлари ичидаги Наврӯз байрами алоҳида ўрин тутади. Бу байрам, аввало, тинч ҳаётни, ўзаро тотувлик, уйғониш, янгиланиш, меҳнат ва саодат туйғуларини улуғлайди, табиат неъматларини қадрлаб, у билан уйғун яшашга даъват этади.

Наврӯз Мустақиллик йилларида ўзининг асл қиёфасини топди ва ҳақиқий маънода умумхалқ байрамига айланди. Байрам арафасида чинакамига гўзаллик ва нафосат рамзига айланган шаҳар ва қишлоқларимиз, кўча ва майдонларимиз, боф ва хиёбонларимиз чиройига мафтун бўлиб боксанда биз буни қайта-қайта ҳис этамиз.

Бутун борлиқ ва она табиат ўз ям-яшил либосига бурканмоқда. Шу кунларда ҳар бир маҳалла, мактаб, ўқув юртлари, корхона ҳамда барча меҳнат жамоалари миллий умумхалқ байрамини муносиб кутиб олишга қизғин тайёр гарлик кўрмоқдалар.

Ўлкамизда гўзаллик даракчиси, баҳор байрами — Наврӯз нафаси кезиб юрибди.

Шоир куйлаганидек:

Куёш тифи авжга миниб ниҳоят,
Қитиқласа бағрин эркалаб,
Камалак рангига бўялиб ҳаёт,
Кўз ўнгимда қатра шабнам ялтираб,
Баҳор кезади.

Дарҳақиқат, сизни ва бизни, йигит ва қизни, ёшу кексани, хуллас барчани ҳазрати ىнсонни навқиронлик, гўзаллик

шодиёнаси чорламоқда. Она табиат гүё янгидан туғилгандек бўлиб, бутун борлиқ — поёнсиз далалар, мевазору боғлар ўзгача либос кийиб, айрича тароват қасб эта бошлади. Сахий тупроқ бағридан типирчилаб, энтикиб майсалар униб чиқа бошлади. Шовиллаб оқаётган анҳор лабларидағи кўк ялпиз, тўда-тўда бўлиб очилган бинафшалар ҳар бир дилни мафтун этиши аник. Булар Наврўзниң орази, гулгун чехраси, саодатли ўлкамизнинг жамолидир. Баҳор байрами. Уни бутун жонли мавжудот, бутун табиат орзиқиб кутади. Уни қалдирғоч парвози, шалдироқ сув овози ва тоғу далалар, ясанган баҳмал кўкат ҳамда чечаклар нози байрами ҳам дейдилар.

Бу кун олам гулгун либосга бурканиб, камалак рангига жилоланади...

Наврўз байрами фоят қадимий ва оммавийдир. Уни Шарқ ва Ўрта Осиё ҳалқлари ҳанузгача навқиронлик, яшариш ва янгиланиш, баҳтиёрлик рамзи сифатида ардоқлаб келмоқдалар.

Буюк бобокалонларимиз Маҳмуд Кошғарий, Абу Райхон Беруний, Умар Хайём, Мавлоно Лутфий ҳамда Алишер Навоийлар ўз ижодларида Наврўз тўғрисида батафсил тўхталиб ўтгандар, достонлар битганлар.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийдан Наврўз таърифида ҳалқимизга:

Ҳар тунунг қадр ўлубон,
Ҳар кунунг ўлсин Наврўз!

мисраларидаги улуғ тилаги қолган.

Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" асарида қадимдан аждодларимиз Наврўзни йил боши сифатида сайл қилиб, нишонлаб келганликларини қайд этиб ўтади. Аслида Наврўз илми нужум қонуниятлари билан боғлиқдир. Негаки, 21—22 марта кеча ва кундуз тенглашади, кунлар аста-секин узаяди. Күёш ҳамал буржига қадам қўяди. Бу шодиёна 15—20 кун давом этган. Бу кунларда ёшу кексаларга совға-саломлар улашилади, мархумларни хотирлайдилар, ҳовли-жойлар орасталаниб, яхши ният билан кўчатлар ўтқазилади. Ватанимиз бўйлаб ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тобора авж олади.

Маҳаллаларда оммавий ҳашар ўтказилиб, жамоат жойлари, кўчалар, мактаб ва боғчалар атрофлари янада обод қилиниб, гўзаллашади.

Наврӯз куни Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари аҳолиси кўм-кўк ўт-ўланлар билан қопланган қир-адир ва тепаликларга, боғ-роғларга, сайилгоҳларга чиқиб турли кўнгилочар ўйинлар билан машғул бўлганлар, хушчақчақ сухбатлар қурғанлар, табиат бағрида сайр этиб, мазмунли ҳордик чиқарғанлар. Бу улуғ айём куни хотин-қизлар ҳам гўзал табиат каби ёшариш ва безаниш учун Наврӯз сайлига атаб маҳсус янги кийимлар, сернақш кашталар ва рўмолчалар тайёрлашган.

Шу куни улар ўзларининг энг азиз орзу-ниятларини ўртага солишган, матал ва эртаклар айтишган, қиз ва келинчаклар ўсма ва сурма қўйишиб, мазмундор лапарлар, кўшиқлар ижро этган. Доира садоларига ўйнаб, бир-бирларининг маҳоратларини синашган.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Наврӯз ҳаёт абадий-лигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саҳоватининг, шу билан бирга, бизнинг неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси тасдигидир".

Аждодларимизнинг бу ажойиб анъанаси бизнинг кунларимизда замон талаби билан янгича мазмун касб этиб, уни ўтказиш доираси янада кенгайди. Ҳозирда у меҳнат, ижод тантанасига айланиб, мазмун ва моҳияти билан бойиб бормоқда. Бобокалонимиз буюк мутафаккир олим Абу Али ибн Сино айтганидек, Наврӯз — Гул баҳорнинг дохил айёмига айланди. Миришкор боғонларимиз, уста дәҳқонларимиз шу айём кунларида мўл ҳосил яратиш учун завқ-шавқ билан ишга киришмоқдалар. Бугун юртимизда дәҳқончилик байрами, меҳнат шодиёналари Наврӯз сайли билан уйғуналашиб кетди.

Боғлар жамолига тўймай боқар қўз,
Бугун баҳт ва баҳор таърифида сўз.
Дилни сурўр билан тўлдирган байрам,
Гул фасли муборак, айёми Наврӯз!

Наврӯз ўзбек халқининг покланиш, уйғониш, янгила-ниш ва маънавий камол топиш байрами бўлиб қолмоқда. Қадимий Наврӯз ўзининг буюк моҳиятини сақлаб, Муста-қиллик ғояси билан бойиб, аҳиллик, тотувлик, халқлар-нинг бирдамлиги ва дўстлиги байрамига айланди.

САНЬАТИ БЕНАЗИР ҚУРБОНХОН

1872 йил. Баҳор. Самарқанднинг Регистон майдонида Наврӯз байрами тантаналари. Унда қатнашган рус шарқшуноси Д. Ивановнинг шундай ёзуви сақланиб қолган: "Курбонхон рақси шунчаки оёқлар ўйини эмас, юксак санъатdir. У Шарқнинг шўх, эҳтиросли ва ноёб гўзал рақсларини эслатади. Бу аёл санъатнинг энг нозик билимдонларини ўзига маҳлиё қиласи".

Хўш, санъатига нафақат томошабин, балки рус олимла-ри қойил қолган ва зўр қизиқиши билан таърифлаган бу раққоса ким бўлган экан?

У самарқандлик эди, 1858 йили тўкувчи оиласида ту-ғилган. Отаси хунармандчилик билан тирикчилик қилиб, 1868 йил июнь ойида кўтарилигдан кўзғолонда подшо Россияси армияси билан бўлган тўқнашувда ҳалок бўлган. Отаси вафо-тидан кейин қашшоқ ва бева қолган она 12 ёшли қизи Курбонхонни оиласи билан одамга эрга беришга мажбур бўла-ди. Таъби нозик, хушвоз, гўзал куйларга ишқибоз Кур-бонхоннинг бу фамгузор ёлғизликда қўшиқ ва тордан бош-қа ҳамроҳи йўқ эди. Бахтсизлик ва ҳасрат унинг ёш ва ҳас-сос юрагидаги янги фамгин куйлар билан бирга, исён туйғу-сини ҳам уйғотди. У кундошлиқ азобидан, бу файзсиз, му-ҳаббатсиз оиласидан қочиб кетади.

Ана шундан кейин у тамоман ашула ва рақсга берила-ди. Худди шу йиллари Туркистонга янги келган руслар орасида турли рақс трупалари фаолият кўрсатиб кел-моқда эди.

Бу аёлнинг санъатини кўрган рус санъаткорлари уни ўз сафларига қўшиб оладилар. Ёш, лекин дадил, ҳаракатчан Курбонхон ўзининг хушвози ва жозибадор рақслари билан жуда мафтункор, талантли раққоса бўлиб етишган ва труппа билан шаҳарма-шаҳар юриб, санъат ихлосмандларини хуш-нуд этиб, тез орада бутун Туркистон ўлкасида донг таратган.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, Курбонхон фаолият кўрсатган санъат труппасида турли миллат вакиллари, жумладан, озарбайжон ва татар санъаткорлари ҳам бўлган.

Курбонхон ашула ва рақсни юксак маҳорат билан ижро этган. Унинг рақси бошқа раққосаларницидан кескин фарқ қилган. У Шарқнинг оригинал, ошиқона, ўткир, жўшқин, жозибадор рақсини эслатар эди. Курбонхон жуда гўзал аёл эди, рақс, лапар ва ашулалари эса ундан ҳам гўзал бўлиб, ўша вақтнинг ҳар қандай бидъат тўсиқларини енгиб чиқ-қанлиги маълум.

У зулмат аро чақнаган юлдуз эди. Афсуски, биринчи ўзбек халқ санъаткори Курбонхоннинг фаолияти ва кейинги тақдирни ҳақида ҳали жуда оз маълумотга эгамиз. Тарихчи ва санъатшунос олимларимиз томонидан унинг ижод йўли, ҳаёти пухта ўрганилса, ижрочилик санъатимиз тарихида янги саҳифа очилар эди.

ТУРКИСТОН БЎЙЛАБ САФАР

Юртимиз қадимдан мўъжизакор табиати, бетакор иқлими, қадими шаҳарларидаги меъморий обидалари билан кўплаб сайёҳлар эътиборига сазовор бўлиб келган. Хусусан, XIX асрга келиб ўлкамизда кўплаб европалик сайёҳлар меҳмон бўлганлиги тарихдан яхши маълум. Ана шундай саёҳатчилардан бири швейцариялик тарихчи Генрих Мозердир.

Генрих Мозер 1844 йилнинг 18 майида Петербургда бой хонадонда дунёга келди. Унинг отаси машхур соатсоз уста бўлиб, Петербург шаҳрида йирик соат созлайдиган дўкон — устахона эгаси эди. Генрих олти ёшида отаси билан Швейцарияга йўл олади ва бошланғич таълимни ўша ерда олади. Кейинчалик гимназияни тамомлагач, Женева шаҳрида таҳсил олиб, бакалаврлик унвонига эга бўлади ва шундан сўнг у Швейцария армиясида олий ҳарбий лавозимларда ишлаб истеъфога чиқади.

Генрих Мозер ёшлигиданоқ Ўрта Осиёning қадими шаҳарлари тарихига оид кўплаб китобларни ўқиб, ўрганиб, ушбу ўлка бўйлаб уюштириладиган сафарга тайёргарлик кўра бошлаган.

Ниҳоят, 1868 йилнинг охирида йигирма тўрт ёшли йигит биринчи марта Шарққа — Марказий Осиёга қараб йўл олди. У Тошкентга келгач, ўзбек тилини ва маҳаллий аҳолининг урф-одатларини ўрганади, ўлканинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқади. Хусусан, шу даврда Тошкент, Бухоро, Хива ва Кўқон шаҳарлари бўйлаб катта қизиқиш билан саёҳат қиласди.

Генрих Мозер Тошкентда ипак қурти уруғи ва пилла билан савдо қилувчи италиялик савдогар билан дўстлашиб қолади. У Мозерга савдо-сотиқ сир-синоатларини ўргатади. Генрих италиялик ишбилармон билан ипак қурти уруғини Тошкентдан Италияга жўнатиб, катта фойда ола бошлайди. Мозернинг бу борадаги қилган энг диққатга молик иши шу эдикни, у Туркистон ўлкасидаги тутзорлар рўйхатини тузиб чиқади.

Генрих Мозернинг иккинчи бор ўлкамизга қилган саёҳати 1882—1883 йилларга тўғри келади. Жумладан, шу йилда Кўқон шаҳрига келиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, жумладан, хон ўрдасини ўрганади. Фаргона водийсидаги ипак қурти ва пиллачиликни ривожлантириш ишлари билан танишади. Водий табиати ва манзараси, аҳолисининг урф-одатлари, маданияти ва тарихи билан муфассал танишади. У, айниқса, қўқонлик санъаткорларнинг ижодига қойил қолади.

Кўқон сафаридан сўнг Генрих Мозер 1882 йилнинг охирида водийдан катта таассуротлар билан Тошкентга қайтади ва орадан бир оз вақт ўтиб, 1883 йили Ҳивага келади. Генрихнинг хотира дафтарида ушбу қадимий шаҳарга саёҳат таассуротлари билан боғлиқ қуйидаги қайдлар мавжуд:

"Мен, — деб ёзади Генрих Мозер, — шаҳар (Хива)нинг диққатга сазовор жойларини, айниқса, тарихий ёдгорликларини зўр иштиёқ билан томоша қилдим. Ҳива жуда гўзал шаҳар экан. Куннинг иккинчи ярмида хоннинг вазири Матмуротникуга таклиф этилдим. Менинг бу ерга келишимга бағишилаб жуда қизиқарли бўлган миллий томоша уюштирилар. Бу қўчқор уришириш мусобақаси эди. Айтишларича, бу ерда ўзига тўқ, бой кишиларнинг уйида йирик қўчқорлар боқилар экан. Бу қўчқорлар жуда шиддаткор ва уришқоқ бўлиб, анча қиммат нархга баҳоланар экан. Ўша куни Урганчдан (Ҳивага) бир қўчқорни келтиришибди. Бу қўчқор Матмуротнинг қўчқори билан куч синашиши керак экани-

ни, бироқ жонивор ҳали бирор марта рақибидан енгилмаганини айтишиди. Бу жуда мароқли ва ҳаяжонли эди, албатта. Шу сабабдан ҳам томоша ўтказиладиган ҳовлига жуда кенг жой тайёрланди, гиламлар тўшалиб, ўриндиқлар ўрнатилди. Биз учун ажратилган маҳсус жой — юқори супага чиқиб, курсиларга хон (Муҳаммад Раҳимхон II), Матмурот ва камина (Генрих Мозер) жойлашдик.

Рўпарамиздаги тўсиқ ёнида турган ўн чоғли қўчқор занжирга боғланган бўлишига қарамай, оёқлари билан ерни кавлаб, бир-бирига ташланаман деб туришибди. Кўп ўтмай сабрсизлик билан кутилган қўчқорлар жангни бошланди, томоша ниҳоятда завқли ва таассуротли ўтди...".

Ҳа, сайёҳ Хивадан улкан таассуротлар билан Тошкентга қайтади ва кўп ўтмай Европага жўнаб кетади.

Шундан сўнг Генрих Мозер Марказий Осиё, хусусан, Туркистон ўлкаси бўйлаб қилган саёҳати ҳақидаги таассуротларини газета ва журналларда эълон қиласди. Жумладан, унинг Ўрта Осиёга оид жуда қизиқарли очерк ва фотосуратларини 1885 йили Женева газета ва журналлари ўз саҳифаларида чоп этди. Генрих Мозер Ўрта Осиё шаҳарлари, тарихий обидалари, аҳолисининг турмуш тарзини ўз асарлари, мақолалари орқали европаликларга таништирди. Бинобарин, сайёҳ Туркистон ўлкаси бўйлаб қилган саёҳатларидан олган таассуротларини тўплаб, уни суратли ва безакли тарзда, 1885 йилнинг охирида Парижда китоб ҳолида тўрт минг нусхада босиб чиқаради. Ҳатто, Генрих Мозер Париж география жамиятида Туркистон ўлкаси шаҳарларига қилган сафари тўғрисида катта илмий маъруза қилгани ҳам тарихдан маълум. Унинг Туркистон сафарида ёзган йўл хотиралари, таассуротлари ҳақидаги мазкур китобига айрим ҳудудларнинг харитаси ҳам илова қилинган эди. Шу сабабли сайёҳнинг китоби тарихчилар ўртасида кўлма-кўл бўлиб кетди.

ТОШКЕНТ САВДОСИ САЙЁҲЛАР НИГОХИДА

Ўзбек бозорлари тарихидан

Тошкент қадимдан Марказий Осиёдаги йирик ҳунарманчилик ва савдо-сотик марказларидан бири бўлиб келган.

1739 йили Тошкентта юборилган биринчи рус савдо карвони сарбони Карл Миллернинг ёзишича, "энг катта бозор шаҳарнинг марказий қисмида, у ерни Регистон деб атасади. Бундан кичикроқ бозорлар ҳам бор". 1800 йили Тошкентда бўлган россиялик тоф-кон муҳандислари Бурнашев ва Поспеловлар "Шаҳар ўртасида жойлашган бозор кенг майдондан иборат бўлиб, савдогарлар учун молларининг хилига қараб раста ва дўконлар қурилган", деб ёзсалар, 1813 йили Тошкентда бўлган рус элчиси Ф. Назаров шаҳарни «турли мамлакатлардан узлуксиз карвонлар келиб-кетадиган йирик савдо пункти», деб таърифлайди.

Тошкент аҳолиси ҳаётида савдо-сотиқ муҳим ўрин эгаллаган. 1871 йилда янги ва эски шаҳарда савдо билан шуғулланувчилар сони 43.848 кишини ташкил этган. Ўлкада узок йиллар хизматда бўлган рус амалдорларидан бири генерал А.П. Хорошкин, "Тошкентда савдогарлар жуда кўп, 20—30 сўм пули бўлган (ўша даврда бир қўй 2 сўм 50 тийин турган) киши савдогарчилик қиласкеради", — деб ёзган эди.

Н.А. Тетеревниковдан келтирилган маълумотда Тошкентнинг бош бозори (Чорсу) майдонининг бўйи ва эни ҳақида тўлиқ хабар берилган.

Шаҳар ўртасидаги катта бозорда 4500 та дўкон, 42 карвон-сарайда эса 519 та дўкон, ҳар бир сотиладиган моллар учун алоҳида расталари бўлган дўконлар ишлаб турган. Бу дўконларнинг кўпчилиги айни вақтда устахона вазифасини ҳам ўтаган. Шаҳардаги бутун бозор муайян моллар сотиладиган алоҳида алоҳида расталарга бўлинган эди. Унинг маълумотига кўра, шаҳарнинг марказий бозорида 150 та атторлик, 100 та бўз, олача, чит, гулли чит, рўмол ва пўстин сотиладиган дўкон, 100 та этик-маҳси, кавуш сотиладиган дўкон, 60 та арра, ўрок, мих, ҳалқа, тақа сотиладиган дўкон, 60 та бекасам, астарли газлама, чачвон сотиладиган дўкон, 50 та сағри кўни ва тери сотиладиган дўкон, 300 та кигиз, арқон, қоп, от анжомлари, қамчин, хуржун, тасма, эгар сотиладиган дўкон, 20 та заргарлик, 20 та пичноқсозлик, 20 та гилам, палос, 16 та шолча сотиладиган, 100 та чит сотиладиган дўкон, 60 та кўн, 60 та гўшт, 60 та темир буюмлар сотиладиган дўкон ва бошқа буюмлар дўконлари кўплаб фаолият кўрсатган.

Тошкент чор Россияси томонидан истило қилингандан кейин, шаҳарнинг янги қисмини барпо этиш режалаштирилди.

Шу билан бирга 1867 йилнинг 17 апрелида шаҳар бозорлари бошқармасининг қарори билан капитан Кариштаковский раҳбарлигига шаҳар бозор майдонлари ва дўконлар курилиши ҳам қайта режалаштирилади. Бунга биноан бозор майдони анча кенгайтирилиб, расталар сони, омборхоналар кўпайтирилди. Бозорда тозаликка риоя қилиш, тартиб-интизом, тош-тарозидан тўғри фойдаланиш, сотувчилардан олинидиган солиқлар устидан назорат кучайтирилди.

1876 йилгача бозорда ишлатиб келинган маҳаллий тоштарозилар бекор қилиниб, Россия молия вазирлигининг Туркистандаги саноат, савдо ва божхона бўйича маҳфий маслаҳатчиси Н.Ф. Петровскийнинг тавсияси билан рус тоштарози ўлчови жорий этилди.

XIX асрда Тошкентда бўлган К. Миллер, Ф. Назаров, А. Генс, Е. Кривков, Л. Костенко, А. Добросмисловлар Тошкент йирик савдо шаҳри сифатида маълум ва машҳур бўлганлиги ва бу ерга бошқа мамлакатлардан, айниқса, Россия шаҳарларидан тўхтовсиз савдо карвонлари келиб турганлигини, бозорлари мўл-кўллигини ўзларининг ҳисоботларида ёзиб қолдирганлар.

Жумладан, 1819—1822 йиллари Сибирь генерал-губернатори бўлган М. Сперанскийнинг тўплаган маълумотларига кўра, Россиянинг йирик савдо базаси ҳисобланган Семипалатинскдан чиқсан карвон Тошкентга катта моллари билан келган. Бу масофани карвонлар 35 кунда, чорва молларини ҳайдаб келганларида эса 45—60 кунларда босиб ўтганлар.

"Йўл деярли текис бўлиб, ҳатто аравада юк ташиш одат бўлмаганлиги учун — дейди Сперанский, — тошкентликлар юкни тия ва отларга ортиб келтирдилар. Рус молларига, айниқса ип-газлама, гулли чит, дока, мовут, чўян, мис, қанд ва рўмолларга Тошкент бозорида харидор кўп. Шу сабабдан бизлар харидорбоп молларни Ўрта Осиё, жумладан, Тошкентга янада кўпроқ жўнатишни хоҳлаймиз".

Бу даврда Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Қашқар ва Кашириларидан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон хонликларидан ҳам ҳар йили минглаб карвонларда турли хил истеъмолбоп моллар Тошкент бозорларига олиб келинган.

1874 йил маълумотларига кўра Тошкентга Оренбургдан 6465 тия, 2 арава, Троицкдан 6551 тия, Петропавловскдан

1725 түя, 1 от, Семипалатинскдан 7 түя, 28 арава, Семиреченск областидан 119 түя, 5 от, 55 арава, Сирдарё областидан 8627 түя, 387 от, 452 арава, Зарафшон округидан 1832 түя, 132 от, 403 арава, Бухородан 727 түя, 1 арава, Қашқардан 561 түя, 37 от, Фулжадан 18 түя, ҳаммаси бўлиб 1874 йил давомида 38.762 түя, 1473 от, 1422 аравада Тошкентга савдо карвонлари келган.

Ўз навбатида, турли зарурий моллар ортилган савдо карвонлари Тошкентдан Оренбургга 5996 түя, Троицкга 6175 түя, 1 арава, Сирдарё областига 7718 түя, 363 от, 657 арава, Семиреченск областига 1950 түя, 4 от, 512 арава, Кўқонга 3550 түя, 537 от, 243 арава, Бухорога 143 түя, 27 арава, Қашқарга 87 түя, 107 от, Амударё бўлисига 88174 сўмлик, Сирдарё уездларига 1.424.741 сўмлик, Семиреченскийга 486.061 сўмлик, Зарафшон округига 335.788 сўмлик, Амударё бўлисига 4685 сўмлик, ҳаммаси бўлиб 2.248.276 сўмлик, шунингдек, Кўқонга 1.531.566 сўмлик, Бухорога 34294 сўмлик, Қашқарга 24.934 сўмлик, ҳаммаси бўлиб 1.590.795 сўмлик турли хил маҳсулотлар жўнатилган. Шундай қилиб, Тошкентнинг йиллик савдо обороти, товарлар келтирилиши 11.647060 сўмлик, товарлар чиқарилиши 6.112500 сўмлик, жами савдо обороти (айланмаси) 17.759.560 сўмлик товарни ташкил этади. Туркистон ўлкаси шаҳарлари ичида савдо соҳасида Тошкент биринчи ўринда турган.

1874 йилда рус моллари 4.633.498 сўмлик, ёки ҳамма олиб келинган молларнинг 57 фоизини ташкил этган.

Шундан энг муҳими: ип-газламалар 300 миллион сўмлик, йигирилган ип 1244238 минг сўмлик, баққоллик моллари 273606 минг сўмлик, атторлик моллари 174.888 сўмлик, ипак ва ипакдан тўқилган моллар 324899 сўмлик, чарм буюмлар 331480 сўмлик, гилам ва палослар 40147 сўмлик, тайёр буюмлар ва пойабзаллар 97766 сўмлик, ёғоч ва ёғоч буюмлар 107929 сўмлик, чой 180729 сўмни ташкил этган.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, Тошкент — Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар учун ўзига хос бир савдо маркази бўлган. Шундай қилиб, бу ердан Хитой, Қашқар, Тибет, Ҳиндистон, Афғонистон ва Эронга турли моллар олиб борилиб сотилган ва ўз навбатида турли хил моллар у ерлардан Ўрта Осиёга келтирилиб сотилганлиги тарихий манбаларда ёзилган. Бу даврларда Тошкент бо-

зорларига Бухородан шойи, ип-газлама, заргарлик ва зардўзлик буюмлари, Кўқон, Марғилон ва Гулжадан кўн, металл буюмлари, газламалар, атлас, шойи, ипак ва ипак буюмлари, Россиядан ип-газлама, чит, шакар, туз, мис ва мис буюмлари, Хитойдан чинни идишлар, гилам ва чой, Эрондан зеб-зийнат буюмлари, қимматбаҳо тошлар, дори-дармонлар, Ҳиндистондан инглиз моллари, дока, сурп, бўёқ (индиго), қора мурч, чит, ипак, мовут, Кашмирдан гилам, шолчалар, шойи кийимлари келтирилган.

1739 йили Тошкетда бўлган рус поручиги Карл Миллернинг ёзишича, Тошкент жуда гавжум шаҳар бўлиб, унинг ҳудудининг бўйи ва эни 4 чақиримгача борган шаҳарда олти мингдан кўпроқ ҳовли-жой бўлган, дўконларида ип-газлама, рангдор читлар, шойи буюмлари ва бошқа турли хил матолар сотилган. Тошкент бозорларида рус молларидан Кормазин мовути, қимматбаҳо мўйна ва сувсарлар, тош бўёқ ва қизил бўёқларни энг кўп харид қилганлар.

Тошкентни истило қилишда қатнашган рассом В. Верещагиннинг ёзишича, "Мен кўрган Шарқ шаҳарларининг ҳеч бирини кенглиги жиҳатидан тошкентликларнинг бозорига тенглаштириб бўлмайди. Ундаги дўконлар кичкина бўлса-да, улар сон-саноқсиз. Айтиш қийин, Тошкентда дўкондорлик ҳунари билан шуғулланмайдиган бирон-бир киши бормикан? Тошкент бозори кўчалар йифиндисидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири қатор расталардан иборат. Булар ҳаммаси торгина, кўримсиз, аммо жуда салқин кўчалар, бўйралар кўчанинг у бошидан-бу бошигача тортилган бўлиб, бир дўкондан иккинчисига уланган, улар қуёш иссиғини қайтаради. Ҳамма дўконлар бир-бирига ўхшайди. Ҳафтада уч кун — чоршанба, жума ва якшанба кунлари бозор бўлади. Тушда бозор роса қизийди, савдо ишлари жонланади, одам жуда тиқилинч бўлиб кетади, кўчаларда эшак ва туяларнинг кўплигидан юриш қийинлашади.

Бозорда мато билан савдо қилувчилар кўпчиликни ташкил этади, улар энг узун расталарни эгаллаганлар.

Унда, асосан рус читлари, шойи ва бошқа Кўқон ҳамда Бухоро пахтаси ипидан тўқилган матолар билан савдо қилинади. Бозорнинг бошқа расталарида пойабзал, эгар-жабдуқ ва ҳар хил теридан тайёрланган буюмлар харид қилинади. Учинчи раастада гилам, палос ва кигизлар билан савдо қилув-

чилар түппланган. Шуни эслатиб ўтишим керакки, Тошкентда аъло сифатли гилам, палос ва наматлар сотилади, булар бошдан-оёқ туркман хотин-қизлари қўли билан тўқилган бўлиб, турли нақш, рангдор кўринишга эгалиги билан ажралиб туради. Бозорнинг яна бир растаси шойидан тикилган кийимлар билан банд.

Шойи матога чиройли ранг нақшлар жуда моҳирлик билан тикилган. Бу кашталар, айниқса, ҳар бир харидорни ўзига жалб этади. Бу ердаги кашталарни биринчи бор кўрган европалик қайси бирини харид қилишда албатта шошилиб, лол қолади.

Бозорнинг ичида темирчилик устахонаси бўлиб, бу ерда усталарнинг темирга урган болғалари қулоққа зарб билан эшитилади. Шу ернинг ўзида уй-рўзғор учун керакли мис ва темир буюмлар сотиладиган савдо расталари жойлашган. Тошкент ва қўқонлик усталар ишлаган чойнаклар, обдасталар (офтоба), мис ва кумушдан моҳирлик билан ясалган зеб-зийнат буюмларининг харидорлари кўп.

Яна бир растада сопол буюмлар ўз харидорларини кутиб турибди. Бу сопол идишлар ўзининг оддий ишланишига қарамай, кўриниши гўзал. Бутунлай ўзгача идишларнинг устки қисми кўк рангда сирланган. Бу ердаги чинни идишларга келганда мақтанмай қўя қолай, фақат шуни эслатиб ўтиш лозимки, улар Хитойдан келтирилган.

— Умуман савдо масаласига келсак, — деб ёзади В. Верещагин. — Тошкентнинг рақиби йўқ. У Марказий Осиёнинг асосий савдо йўли устида жойлашган бўлиб, Бухоро ва Кўқондан Россияга ва аксинча, ўтадиган карвонлар тўхтаб ўтадиган шаҳардир".

XIX асрда яшаган тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиҳ шаҳарнинг Регистон майдонидаги асосий савдо марказини таърифлаб: "Бозорнинг дўкон расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади, халқ савдо-сотик, ҳар хил ўйин-кулгу қиласи", — деб ёзади.

Рус тадқиқотчиси В. Масальский Тошкентнинг эски шаҳар бозорининг XX аср бошларидаги манзарасини тасвирлаб, қуйидагиларни ёзади:

"Бир қисми тимдан (усти ёпиқ бозор, савдо растаси) иборат бозорда 45 дўкон, чойхона, ошхона, устахона ва маҳаллий урф-одат, расм-русмга қараб ўтказилган...".

Тошкентнинг гавжум бозорлари, мўл-кўл сифатли маҳсулотлари қадимдан сайёҳлар диққатини доимо ўзига тортиб келган. XIX асрнинг 30—60-йилларида Тошкентда бўлган Н. Потонин, П.И. Пашанов, В.П. Кузнецов, Г.Е. Кривцовлар Тошкент шаҳри катта, гавжум ва тоза, боғлари кўп, мевалари мўл-кўл, бозорларидан истаган нарсаларни харид қилиш мумкинлигини ёзиб қолдирганлар.

1889 йилда Тошкентга келиб томоша қилган Ольга Лори шундай таърифлайди: "Эски шаҳар деб аталадиган жойнинг бозори тошкентликлар фахр билан тилга оладиган диққатга сазовор ажойиб жойлардир... Биз бир маҳал бу йўлакларга (савдо расталарига) кириб қолиб, чиқолмай жуда узоқ овора бўлдик, чунки одам зичлигидан орқага қайтиб бўлмасди, бутун бозорни кесиб ўтгунча икки соатча қийналишга мажбур бўлдик".

XX аср бошларида Тошкент бозорларида савдо-сотикнинг қай даражада ривожланганлигини бу ерда мавжуд дўконлар сони, сотилаётган моллар номи ва йиллик тушган суммасидан билиб олишимиз мумкин:

30—35 та китоб дўкони — йиллик савдоси 300 минг сўм; тери сотиладиган 79 та дўкон — савдоси бир миллион сўм; телпак сотиладиган 22 та дўкон — савдоси 40 минг сўм; устки кийимлар сотиладиган 119 та дўкон — савдоси 500 минг сўм;

пойабзал дўкони 146 та — савдоси икки миллион сўм; идиш-товоқ сотиладиган 59 та дўкон — савдоси 170 минг сўм;

заргарлик 30 та дўкони — 300 минг сўм савдоси, ёғоч ва ёғоч буюмлари дўкони 15 та — савдоси 30 минг сўм;

гилам, палос дўкони 42 та — савдоси 200 минг сўм;

чит, дока дўкони 42 та — савдоси 100 минг сўм;

ипак маҳсулотлари дўкони 10 та — савдоси 100 минг сўм, мўйна дўкони 6 та — савдоси 120 минг сўм;

гўшт дўкони 22 та — савдоси бир ярим миллион сўмлик;

сандиқ сотиладиган 5 та дўкон — савдоси 20 минг сўмлик;

эгар сотиладиган 38 та дўкон — савдоси 230 минг сўм; чойхона 391 та — 700 минг сўмлик;

Карвонсарой 45 та — 150 минг сўмлик, темирчилик 36 та — 100 минг сўмлик;

бўёқчилик 2 та — 70 минг сўмлик;

дурадгорлик 4 та — 60 минг сўмлик;

кулолчилик буюмлари дўкони — 4 та 10 минг сўмлик; аравакашлар 871 та — бир миллион сўмлик.

Тошкент шаҳрининг янги қисмида:

тери сотиладиган дўкон 6 та — бир миллион 200 минг сўмлик;

пойафзал дўкони 44 та — икки миллион сўмлик;

балиқ сотиладиган дўкон 19 та — 150 минг сўмлик;

сабзавот дўкони 59 та — 400 минг сўмлик;

сандиқ дўкони 4 та — 20 минг сўмлик;

эгар дўкони 18 та — 100 минг сўмлик;

заргарлик дўкони 6 та — 300 минг сўмлик;

ёғоч сотиладиган дўкон 44 та — 800 минг сўмлик;

карвонсарой 15 та — 50 минг сўмлик;

чойхона 192 та — 300 минг сўмлик савдоси бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган мисол ва ракамлар ўтмишда Тошкент бозорларида савдо-сотик ниҳоятда ривож топганлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда ички бозорларни кенгайтириш, уларда савдони ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан чиқарилаётган бозорни яхшилаш борасида кейинги йилларда қабул қилинаётган бир қатор қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлари бозорлар фаолияти ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни яхшилаш, бозорларга бўлган эътиборни янада кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги бозорлар қайта таъмирланмоқда, уларда савдо расталари ва дўконлари кўпайтирилмоқда. Истемол бозори янги моллар билан тўлдирилмоқда. Бугунги кунда Тошкентдаги Отчопар бозори Марказий Осиё давлатлари орасида энг йирик савдо марказларидан бирига айланмоқда.

Бу ерда турли давлатлар ва вилоятлардан келган сотувчию харидорлар эркин ва кулай иш юритишлари учун кенг имкониятлар яратилган.

Тошкентнинг Чорсу, Олой, Юнусобод, Паркент, Фарҳод, Қўйлиқ бозорларининг қайта қурилган услуби ва гўзалиги, ундаги ширин-шакар мевалар, зеб-зийнат буюмлар, кундалик турмуш эҳтиёжлари, рўзгор учун зарур бўлган молларнинг мўл-кўллиги ҳар бир харидорни, айниқса, ажнабий сайёҳларни ўзига ром қилиши аниқ.

Иккинчи қисм

Гулсара Остонова

АХБОРОТЛАР, ТАДҚИҚОТЛАР, МАҚОЛАЛАР



Биринчи бўлим

ИСЛОМИЙ МАЪРИФАТ ВА ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР

СОНЛАРДА ИФОДАЛАНГАН КАЛОМУЛЛОҲ

Ўзбекистон ёзма манбаларга, шу жумладан тарихий ҳужжатларга жуда бой. Уларнинг муайян қисми ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинагоҳида сақланади. Мазкур ҳужжатларда нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳаётининг тарихий, сиёсий, маъмурий-бошқарув, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига тегишли қимматли маълумотлар мужассам бўлган. Тадқиқотлар асносида уларнинг орасидан жадвал ва рақамлардан иборат ноанъанавий бир ҳужжат топиб олдик. Ундаги иккита жадвал диққатимизни ўзига жалб қилди. Айрим исломшунос олимларимизнинг тахмин қилишларича, жадваллардаги сонлар орқали Куръони карим ифодаланганди.

Ҳужжатнинг таълиф санаси — ҳижрий 1227 йил рабиъ ул-аввал ойи/1812 йил, март-апрель ойи.¹ У Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинагоҳида № 5/22 ашёвий рақамда ифодаланганди.

Иккала жадвал ҳам бир-бирига ўхшаш ва бир муаллифнинг, яъни Нажмиддин Шошийнинг қаламига мансуб. Жадваллар 1227/1812 йилда тузилган. Катта жадвалнинг ичida 6 та кичик жадвалчалар бўлиб, улардан энг каттасининг ўлчови 75×65 см.

1) Ўлчов: 100×65 (100×65) см ва унда 10 минг квадратчалар бор, унда 1 (бир) дан 1000 (минг)гача бўлган сонлар жойлаштирилган.

2) Иккинчи жадвал ўлчови 20×20 см бўлиб, ундаги 289 та квадратчалар ичига ҳам Куръон сураси жойлаштирилган.

3) Учинчи жадвалнинг ўлчови 10×10 сантиметр бўлиб, унда 64 та квадратчалар бор. Уларнинг тўрт бурчагида фа-

ришталарга қуидаги мурожаат матни келтирилган: "Эй Жаброил, эй Микоил, эй Исрофил ва эй Азроил". Жадвалнинг пастки қисмида ёзув бўлиб, унинг ичига "Фотиҳа" сураси жойлаштирилган.

4) Тўртингчи жадвалнинг ҳажми 8×4 см бўлиб, у 8 та квадратчалардан иборат. Квадратчаларнинг уч томонида ёзув бор, жадвалнинг ичидаги 9 сондан иборат рақамлар катта қилиб ёзилган, у ерда "Ихлос" сураси жойлаштирилган.

5) Бешинчи жадвалнинг ўлчови 8×4 см бўлиб, учала ён томонига ёзуви 8 та квадратчалар жойлаштирилган, унда "Бақара" сураси келтирилган.

№ 4 ва № 5 жадваллар бир-бирига ўхшаш бўлмаган катта сонлар билан тўлдирилган. Ушбу хужжатнинг тузувчиси энг катта № 1-сонли жадвал атрофида ўзининг мақсадини, шунингдек, ушбу сонларга битилган рамзларни ўқий оладиганларга етадиган фойдаларни баён этган. Куръони каримни ана шундай ўзига хос ноанъанавий тарзда ифодалаш ўқувчиларда қизиқиш уйғотади, деб ҳисобланган.

Куида тузувчининг форс тилида битилган фикрларини ўзбекчага ўгирган ҳолда келтирамиз: "Ушбу муқаддас китобга қўшимча тарзда сизнинг ҳақири фақир қулингиз Нажмиддин Шоший маълум қиласиди, ҳеч кимга уни нашр қилиш учун рухсат берган эмасман. Кимда ким ушбу китоб нашрига қўл урса, турли қийинчилик ва безовталикларга дучор бўлади". Шундан кейин Куръони каримдан оят келтирилган: "Барча сирларнинг калити Унинг қўлида. Уларни (сирларни) фақат У билади"(6:59). "Ушбу битиклар, — деб давом этади тузувчи, — подшоҳлар ва аъёнлар учун тузилгандир. Уларни қўлга киритган киши соҳиби донишманд ва муҳтарам инсон сифатида қабул қилинади ва баҳс-мунозараларда ютиб чиқади, ҳеч кимдан кўрқмайди, ҳеч ким унга сен алдадинг деб айтмайди, бундай соҳиби ҳужжат ҳақиқат бўлмаган нарсаларни гапирмайди. Уни таҳқирламоқчи бўлганлар мақсадига эришолмайди. Ушбу битик соҳиби күёшдек чаракласин ва күёшга дўст тутиксин. Унинг күёши туш пайдагидек ўта ҳароратли бўлсин! Агар кимда-ким, бирон-бир тўсиққа дуч келса, ундей зотга ушбу битик ҳимоячи ва халоскор бўлсин! Агар аёл киши ҳомиладор бўлса ёки туфса, туғруқлари енгил кечади. Ушбу битик соҳибалари тери-

таносил, маҳов, фалаж ва бевақт ўлимдан халос бўлади. Ҳеч ҳам йўлдан адашмайди, сафар ва саёҳат чоғида кучига куч, кувватига қувват қўшилади".

Шундан сўнг ушбу битикда 4 та муқаддас китоб тилга олинган. Куръони каримнинг Расууллоҳ орқали нозил бўлганлиги, шунингдек, Куръонга ўхшаш тартибга эга "Таврот", "Забур" ва "Инжил" каби китобларнинг ҳам эъзозла-ниши таъкидланади. Ўзаро адоватда бўлган, низоларга мояйил кишилар қўлига ушбу битик тушмаслиги шартлиги, чунки улар жоҳиликлари туфайли уни ўқимасликлари уқтирилган. Мабодо қўлингизга тушиб қолгудек бўлса, уни ўқишингиз шарт, дейилган.

Ушбу битик қўлида бўлган киши бирон-бир иш бошласа, уни тезда тугатади, бирон тадбирга киришса, тезда муродига етади.

Битикни қўлга олиб бирор кимса билан гаплаша бошласангиз ёки бировга сұхбатдош бўлсангиз, унинг дўстига айланиб қоласиз. Муқаддас битик жамики бало-қазо ва ноқулайликдан, душмануғанимлардан халос қиласи. Атрофин-гиздагилар дўстларингизга айланиб қолади.

Ҳаким айтадики, ушбу битик соҳиби 100 йил умр кўрали, бирон-бир касаллик ёки қашшоқликка дучор бўлмайди. Зеро бу муқаддас битик улуғ зотлардан қолган, шу боис у Парвардиғорга маълум фазлу карамларга эга.

Биз ушбу мақолада Куръони каримнинг мавжуд нусхаларини тўлиқ таҳлил туви тавсиф қилишни эмас, балки унинг асрлар оша етиб келишида қўлланган ўзига хос файриоддий усул — Каломуллоҳнинг жадвалий шакли ҳам бўлганлиги ҳақида-ги маълумотларни китобхонларга етказишни олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу жадваллар ҳозирга қадар чукур тавсиф қилинмаган ва илмий муомалага киритилмаган. Ушбу мақола эса уларни ўрганиш ва таҳлил этиш йўлида қўйилган илк қадамлардандир.

СОҲИБҚИРОН МУҲРИ БОСИЛГАН ТАРИХИЙ ЛАВҲА

Жаҳон тарихида чуқур из қолдирган буюк зотлардан бири — Амир Темурнинг ниҳоятда мураккаб ҳаётига оид ҳар бир мужда ўша давр воқеаларини тасаввур этишда катта аҳами-

ятга молиқдир. ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар мажмуасида сақланаётган ёрлиқ ана шундай муҳим ва муқаддас мұждалардан биридир. Бу ҳукми олийга Соҳибқироннинг муҳри урилган.

Бу тарихий ёрлиқ бизгача етиб келган шу мазмундаги битиклар ичида энг нодир ва бекиёс қадр-қимматга эга хужжатдир. Самарқанд қофозига туркий тилда чиройли настаълиқ хати билан битилган ушбу ёрлиқнинг ҳажми бир варақ (11 сатр) дан иборат. Вақт ўтиши билан қофоз анча уринган, шу туфайли унинг айрим сўзларини ўқиш мушкуллашган. Ёрлиқдаги биринчи ва учинчи қаторларнинг ўнг томонига бодом шаклидаги муҳр босилган. Мухрнинг ўрта қисмида йирик ҳарфлар билан "Амир Темур Тарагай" деб ёзилган. Мухрнинг ҳошиясидаги майда ҳарфли ва ўқилиши қийин ёзувларни Қуръон оятлари деб тахмин қилиш мумкин. Ёрлиқ бутун борлигича шоҳи матога ёпиширилган ҳолда таъмирланган. Унинг мазмуни қуйидагича:

"Абу-л-музаффар ва-л-мансур Амир Темур Баҳодирхон сўзим!

Ҳукми хумоюн жаҳонпеноҳий бўлдиким, қадим-ул-айёмдин ило ҳоза-л-ҳангом таъзим ва тавқири авлоди Сайиди коинот, хулоса ва зубда-и мавжудот аҳли ҳукумат-подшоҳларға ва соири аҳли Исломға вожиб ва лозим эрди, бу важҳдин ҳукмоми зу-л-эҳтиром мо тақаддумларки, авлоди Абу Муслимни жамиъи таколифотдин сиво ва марфуъ-ул-қалам қилиб, нишони муборакларини берғон эрканлар. Биз ҳам бадастури собиқ бу авлодни алтофи хисравона бирла сарфароз ва марҳамат қилдуқким, ончи амалдорларки, мисли иноқлар ва атолиқлар ва жиғдовуллар ва удайчи ва элчилар ва йўлчилар ва қушчилар ва тамоми олиғдор ва жамиъи таҳсилдор ва соҳибдахлларки дор-уссалтанайи вилояти Хоразмда ҳаволагардурлар, мисли ақо ва арбоб ва ғайриҳим, бу иноятнома Ёрлиқ аларға манзур бўлғач, камо ҳаққуҳи бу авлодларнинг ба вожиби иззат ва икромларини баржо келтуриб оларға ҳеч важҳдин сабаби тасдиъ ва озор (бермасунлар?). Бу жамоа (дан), ала-л-хусус аҳли қазо ва муҳтасиб никоҳона ва муҳтасибона талаб қилмасунлар. Аларнинг ўзларидин аҳли салоҳлари қози бўлиб, таблиғи ҳукмом ва қози қилсунлар, оғаридаиилардин бозорда ва йўлда харжу бож

талаң қылсунлар, токи таънатларға гирифтор бўлмағойлар теб, хукми олий битилди — 780/1378—1379".

Ушбу ёрлиқ бошқа юзлаб тарихий ҳужжатлар каби, узоқ даврлар мобайнида сақланган ва мураккаб ҳужжат ҳақида "Туркестанские ведомости" рўзномасида дастлабки хабар босилган эди. Унда ўша пайтларда Туркистонда руслар томонидан тузилган қадимшунослик тўгарагининг навбатдаги кенгаши ҳақида берилган хабарда Н.П. Остроумовнинг маъруzasи тингланганлиги ва у ўз нутқида Амир Темур даврига оид янги бир ҳужжат топилгани ҳақида тўхталганлиги ҳикоя қилинганди. Рўзноманинг хабарига қараганда, бу ҳужжат Соҳибқирон томонидан 1378 йилда Хоразмдаги Дархонота мавзесида истиқомат қилувчи Абу Муслим авлодларига берилган имтиёзлар ҳақидаги ёрлиқ бўлган. "Иноятнома-Ёрлиқ"ни Туркистон генерал-губернатори томонидан Хива хонлигига хизмат сафарига юборилган генерал Калмиковга Хива хони илтифот юзасидан тортиқ этган. Генерал эса уни шарқшунос Н.П. Остроумовга келтириб берган.

Тахмин этиш мумкинки, ушбу ёрлиқ Н.П. Остроумов қўлига етиб келгунга қадар Хива хонлари архивида сақланган. Хива хонлиги чор Русияси томонидан босиб олингач, ундаги барча моддий бойликлар қаторида маънавий бойликтининг асосий қисми ҳам мустамлакачилар ўлжасига айланган. Жумладан, Хива ҳарбий экспедициясида бевосита иштирок этган шарқшунос А.Л. Кун ўнлаб нодир қўлёзма асарлар билан бирга Хива давлат архиви ҳужжатларини қўлга киритиб, Санкт-Петербургга олиб кетган ва уларни император кутубхонасига топширган.

Хива хонлари давлатчилик тизимида икки хил девонхона мавжуд бўлиб, улардан бири давлатнинг молия ва иқтисодий сиёсатига доир даромад ва буромад (солиқ ва аграр муносабатлар) масалаларига доир архив ва иккинчиси Хива хонлари хосдевонхонасидан иборат бўлган. Ана шу иккинчи девонхонадаги архив рус мустамлакачилари қўлига тушмаган, чунки бу архивдан А.Л. Кун ва унинг одамлари хабардор бўлмаган. Бу девонхонада Хива хонларининг шахсий мол-мулки ва сарой кишим-чиқимига доир ҳамда хонликнинг амалдор ва зодагонларига тааллуқли ҳужжатлар билан бирга ҳукмнома, фармон, тархон, иноятнома, ёрлиқ ва давлат аҳамиятига молик бошқа ёзишмалар сақланган.

Тарихдан маълумки, агар вақф қилинадиган мулкнинг ҳажми катта ва унинг эгаси машхур шахс бўлса, бундай маросим, албатта, қозикалон, шайх ул-ислом, муфтий, аълам, охунд ва мулк эгалари иштирокида Хива хонлари вақф бошқармасига тегишли идорада олиб борилган ва икки нусхада тайёрланиб, ҳамма юқорида зикр этилган шахслар ўз муҳрлари билан ҳужжатни тасдиқлагач, охирида хон ўз муҳрини вақфноманинг энг юқори қисмидаги ўнг томонга босган. Ана шундан сўнг ҳеч ким бу вақфномани ўзгартиришга журъат этолмаган ва ҳужжатнинг бири "дафтари олий" рўйхатига олингач, вақф бошқармасида сақланиб, иккинчиси вақф эгасига топширилган. Бундай вақфномалар маълум вақт ўтиши билан, айниқса, янги хоннинг таҳтга ўтириши ёки сулолалар алмашинуви вақтида ҳамда вақф эгасига, унинг авлодларига даъвогарлар топилиб, ишни қайта кўриб чиқиш талаб этилганда, вақф бошқармасидаги "дафтари олий"да қайд этилган ҳужжат нусхаси билан солиширилиб, қайтадан тасдиқланган ёки бекор қилинган.

Умуман, Ўрта Осиё хонликларида давлат аҳамиятига молик барча йирик ҳужжатлар: фармон, хукм, тархон-ёрлиқ ва иноятномалар хукмдорлар муҳри билан тасдиқланган ва "дафтари олий"да қайд этилиб, уларнинг нусхалари "хос девонхона"ларда сақланган. Ана шу сабабларга кўра, ушбу тархон-ёрлиқ ҳам Хива хонларининг "хос девонхона"сида сақлаб келинган ва замона зайли билан юз берган ўзгаришлар бу ҳужжатни нест-нобуд бўлишдан асраб қолган.

Чор Русияси томонидан Ўрта Осиё хонликлари босиб олингач, бу минтақадаги аграр-иқтисодий масалалар рус ҳукуматини биринчи навбатда қизиқтирган. Ер-сув масалалари, солиқ ва олди-сотди ишларини тушуниш учун шу соҳалар билан боғлиқ ҳужжатларни ўрганиш чора-тадбирлари кўрила бошланган. Ўз мустамлакаларидан мумкин қадар кўпроқ даромад олиш мақсадида улар нафақат кирим-чиқим дафтарлари, шу билан бирга, вақфномалар, ёрлиқлар, тархон-иноятнома ва ҳукмхоналарни ҳам назардан ўтказишни лозим деб билганлар ва чор маъмурлари чекланган ҳолда ўз ўрнида қолдирилган. Бухоро ва Хива хонларидан ҳам шуни талаб қилганлар.

Масалан, XIX асрнинг 80-йилларида Хожа Аҳрори Валийнинг ер эгалигига доир мол-мулк ҳужжатлари маҳсус

комиссия тузилиб, тафтиш этилади. Шу муносабат билан Ўрта Осиёдаги йирик дин арбоблари мол-мулкига доир бошқа вақфнома ва ёрлиқларни ҳам топиш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилади. Махсус агентлар шу мақсадда турли ниқоб остида, яъни "хизмат сафарлари", қадимшунос-қизикувчи, тарихчи, этнограф, нумизмат, сайёҳ сифатида маълумот йигадилар. Шулардан бири — 1910 йилда Хивага Туркестон генерал-губернатори томонидан "хизмат сафари"га жўнатилган шарқшунос-ҳаваскор генерал А.Д. Калмиковга ҳам шундай вазифа топширилган эди. У Хива хони Мұхаммад Раҳимхон II (Феруз)нинг вафоти ва Исфандиёрхоннинг таҳтга ўтириши муносабати билан ҳам "таъзия" билдириш, ҳам "муборакбод" этгани бориб, хон билан учрашади, у билан суҳбатда бўлади ва унга Оқпошшо билан Туркестон генерал-губернаторининг талаб ва истакларини етказади. Суҳбат давомида Исфандиёрхондан А.Д. Калимков Амир Темур томонидан Хива хонлигидаги Абу Муслим авлодларига берилган тархон-ёрлиқни ундиришга муваффақ бўлади.

Генерал бу нодир ёрлиқни Туркестон генерал-губернаторига келтириб топширгач, бу ҳақда тезда Санкт-Петербургга хабар берилади. Марказдан ҳужжатни тезда рус тилига таржима қилиш ҳақида кўрсатма келади. Ана шу савол-жавоблардан сўнг бобокалонимиз томонидан берилган тархон-ёрлиқ шарқшунос-тарихчи олим Н.П. Остроумовга таржима қилиш учун топширилади.

Н.П. Остроумов шу вақтда Русиянинг Туркестондаги "Қадимшунос-ҳаваскорлар клуби"нинг раиси лавозимида иш олиб борар эди. Ёрлиқни рус тилига таржима қилиб, ўрганиб чиққач, уни эълон қиласди ва "ушбу Ёрлиқ Амир Темурнинг Хоразмга бирнеча бор уюштирилган ҳарбий юришларида унга қаршилик кўрсатмаган аҳолининг маълум қатламларига қатор имтиёзлар бериш ниятида амалга оширилган тадбирлардан бири сифатида пайдо бўлган", деган фикрни ўртага ташлайди. Бундай талқин, албатта, масаланинг асл моҳиятини очиб беролмайди.

Шундан кейин бу тарихий ҳужжат мутахассислар эътиборидан четда қолган эди. Марҳум академик Иброҳим Мўминов Соҳибқирон ҳақида маҳсус рисола ёзиш учун ёзма манбалар билан танишар экан, ушбу ҳужжатга дуч келади ва

1968 йилда нашр этилган "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли" номли рисоласида ушбу ҳужжатнинг фотосуратини муқова ортига илова қиласди. Унинг тагига "Амир Темур бин Муҳаммад Тарагай Баҳодирнинг муҳри босилган фармон (1391)", деган тушунтириш берилган. "Бу фармон, — деб таъкидлайди И. Мўминов рисолада, — туркий (эски ўзбек) тилда ёзилган бўлиб, унда Абу Муслим авлодларига берилган имтиёзлар ҳақида гапирилади. Бу ва бунга ўхшаш бошқа ҳужжатлар тарихчи, иқтисодчи ва тилишунос олимларимизни қизиқтириши лозим".

Ушбу ёрлик, даставвал, Амир Темур давлатида барча ижтимоий, иқтисодий ҳукуқий масалаларнинг қонуний жиҳатдан ҳужжатлаштирилишига катта эътибор берилганини кўрсатади. Ҳужжатчилик тарихидан шу нарса маълумки, ер-сув, мол-мулк эгалиги ҳамда имтиёзлар билан боғлиқ ҳукуқлар ҳар вақт турли тарздаги васиқа, ёрлик ва бошқа расмий қофозларда ҳукмдорлар ва қозиларнинг муҳрлари билан тасдиқланган ҳолда уларнинг эгалари ихтиёрида ашёвий далил сифатида сакланиб келинган. Аммо ҳар бир давлатда юз берган сиёсий ўзгаришлар, сулола алмашинувлари, ҳатто бошқа подшоҳнинг таҳтга чиқуви натижасида улар қайтадан кўриб чиқилган ва янги ҳукмдорнинг фармонига мувофиқ ҳужжатга унинг муҳри ҳам босилиб, бундай ҳужжатлар қайтадан ўз қучида қолдирилган ёки бекор қилинган.

Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу ёрлиқнинг ёзилишига сабаб бўлган яна бир масала юзасидан фикр юритиш мумкин. Унинг бошланиш қисмида "Ҳукми ҳумоюн жаҳон-паноҳий бўлдиким, қадим ул-айёмдин ило ҳоза-л-ҳангом таъзим ва тавқири авлоди Сайиди коинот, хулоса ва зубда-и мавжудот аҳли ҳукумат — подшоҳларга соири аҳли Исломга вожиб ва лозим эрди; бу важҳдин ҳукмоми зу-л-эҳтиром мо тақаддумларки, авлоди Абу Муслимни жамиъи таколифотдин сиво ва марфуъ ул-қалам қилиб, нишони муборакларини берғон эрканлар...", — дейилади.

Бу ерда Пайғамбар авлодлари — саййидларнинг илгаридан ислом дунёсида катта имтиёзларга сазовор бўлиб келганликлари алоҳида қайд этилади. Фараз қилиш мумкинки, Абу Муслим авлодидан бўлган Хоразм саййидлари мўғуллардан олдиноқ бу ерда катта имтиёзларга эга бўлган, эҳтимол, улар ҳатто чингизийлар замонида ҳам, чекланган тарзда бўлса-

да, ўз хуқуқларини сақлаб қолишига мұяссар бўлғандирлар. Мовароуннахрда Амир Темур салтанати қарор топгач, Хоразм саййидлари Соҳибқиронга мурожаат қилиб, янги хукмдордан уларнинг ана шу ҳақ-хуқуқ ва имтиёзларининг расмий тан олишини ва уни маҳсус фармон билан қонунлаштирилишини илтимос қилиб, унга мурожаат этган бўлишлари мумкин. Чунки улар Амир Темурнинг ислом динини мустаҳкамлаш йўлидаги сиёсатидан яхши хабардор бўлғанлар. Соҳибқирон эса бу борадаги ўз эътиқоди ва йўриғига амал қилиб, уларнинг истакларини ана шу ёрлиқ билан амалга оширган. Бу ҳол "Темур тузуклари"да айтилган қўйидаги сўзларнинг оғишмай ҳаётга татбиқ этилганини кўрсатади: "Биринчи навбатда... саййидлар ва уламони иззат-хурмат қилишни, ҳар қандай истаклари бўлса, дарров муҳайё этиб, муқаррар ра-вишда уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туришни буюрдим".

Ёрлиқнинг муҳим тарихий ҳужжат эканлиги ҳақида гап кетар экан, биринчи навбатда, унга мўғулларнинг 150 йиллик зулмидан озод бўлган ва эркинлик тугини кўтарган Ўрта Осиёда Амир Темур томонидан мустақил давлат атрибутиларини жорий этиш ва мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлардан гувоҳлик берувчи ниҳоятда қимматли ёзма манбалардан бири сифатида ёндашилмоғи лозим бўлади.

Амир Темур Мовароуннахри озод қилгач, бу ерда истиқомат этувчи кўпчилик аҳоли — туркий халқлар тилига ривож беришга ҳаракат қиласди. Бу ҳол унинг сиёсий ва ҳарбий таянчи бўлган туркий қабилаларнинг бир мақсад йўлида жисплашувига шароит яратади. Биз фикр юритаётган ёрлиқ Соҳибқироннинг ана шу борадаги фаолиятига ёрқин далиллар. Ёрлиқ, юқорида келтирилган матндан кўриниб турибдики, "Абу-л-музаффар ва-л-mansur Амир Темур Муҳаммад Баҳодирхон сўзим!", — деб бошланади. Ана шу тарздаги хат бошланиш услуби Соҳибқироннинг ўз номидан ёзилган барча фармон, ёрлиқ ва, ҳатто, халқаро ёзишмаларига ҳам таалтуқлидир. Бу нарса Амир Темурнинг ўша пайтда халқаро тил воситасини бажарган форсчадаги ёзишмаларида ҳам сақланиб қолган.

Шу жиҳатдан қараганда, ушбу ёрлиқнинг туркий тилда битилганлиги бежиз эмаслигини, унинг замирида Амир

Темурнинг давлатчиликни барқарор қилишда туркй тилга ҳам нақадар катта эътибор берганлигини кўрсатади. Ушбу ёрлиқ бобокалонимизнинг халқпарвар, одил, зукко, ўта нозик сиёсатчи ва давлат арбоби эканлигидан далолат бе-рувчи тарихий ҳужжатдир.

Ёрлиқда санаб ўтилган имтиёзлар Абу Муслим авлодларидан бўлган саййидларга берилган. Бундан кўринадики, ислом динини ёйишда муҳим мавқеъ тутган йирик араб сиёсий ва ҳарбий арбобларидан бири Абу Муслимнинг номи, орадан неча юз йил ўтишига қарамай, Амир Темур даврида ҳам Ўрта Осиё сарҳадларида катта эътиборга молик бўлган. Бунинг сабабларидан бири, эҳтимол, халқ орасида афсонавий қаҳрамонга айланган бу шахснинг фаолияти, маълум даражада, Ўрта Осиё ўлкалари билан ҳам бевосита боғлиқ бўлганидадир.

Абдураҳмон ибн Муслим (727—755) Марв шаҳридан З фарсах узоқликдаги Мохон қишлоғида истиқомат қилган. Абу Муслим аждодлари ҳошимийлар қабиласига мансуб бўлиб, Муҳаммад пайғамбар авлоди, яъни саййидлардан саналади. У Мовароуннахрда умавийлар (661—748) хукмронлигига қарши қўзғолонга бошчиллик қилган. Бу Абу Муслим қўзғолони номи билан тарихга кирган. 717 йилда қўзғлончилар умавийларнинг Хуросондаги волийси Наср ибн Сайёрни енгиб, Марв шаҳрини эгаллайдилар. 748 йилда эса халифалик пойтахти — Дамашққа юриш қилиб, халифа Марвон II ни таҳтдан афдарадилар. Натижада умавийлар ўрнида аббосийлар (748—945) халифалиги қарор топади. Абу Муслим янги халифа Абдуллоҳ Саффоҳ томонидан Хуросонга волий қилиб тайинланади. У вақтлар Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари ҳам Хуросон сарҳадларига киради.

Абу Муслим Хуросонда волий бўлиб турса-да, ўз ҳарбий маҳорати билан тез орада аббосийлар халифалигининг кўзга кўринган лашкарбошиси сифатида катта эътибор қозонади. Унинг обрӯи тобора юксалиб бораётганлиги, айниқса, кўшин орасидаги нуфузи Бағдод ҳукмдорларига тинчлик бермай қўяди.

XI аср тарихчиларидан Абу Саид Гардизийнинг "Зайн ал-аброр"ида таъкидланишича, янги халифа Мансур Абу Муслимни ҳийла билан Бағдодга чақиритириб, унга турли бўхтонларни ёғдиради ва аъёнлар олдида: "Сен ўз хизматла-

рингни бизга бўлган садоқатинг рамзи сифатида амалга оширганинг йўқ; уларнинг барчаси бизнинг сулоламизга коинотнинг ҳамдамлиги ва Худонинг марҳамати сифатида намоён бўлди", — дейди ҳамда ёнидагиларга Абу Муслимни қатл этишни буюради.

Абу Муслимнинг лашкарбоши сифатида ислом байроғи остида кўрсатган маҳорати ва унинг сирли ўлими ислом оламида бу зотнинг афсонавий қаҳрамон сифатида талқин этилишига сабаб бўлди. У ҳақда кўплаб асарлар ёзилган. Маълумки, аксарият араб истилочилари забт қилинган мамлакатларда муқим туриб қолганлар. Улар аввалига алоҳида истеҳком ёки қишлоқларда яшаган бўлсалар-да, аммо вақт ўтиши билан маҳаллий аҳоли тилини қабул қилиб, кўп ҳолларда улар билан аралашиб кетганлар.

Фараз қилиш мумкинки, Абу Муслим авлодлари тарихий воқеалар тақозосига кўра, Марв ва Моҳондан Хоразм диёрига келиб жойлашганлар. Амир Темур вақтида улар бу ерда эл-юрт наздида саййидлар сифатида катта ҳурмат-эътиборда бўлганлар. Саййидларнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш, уларга имтиёзлар бериш йўли билан Соҳибқирон ўз таъсирини эл орасида янада мустаҳкамлаш учун замин яратган.

Манбалардан яхши маълумки, Амир Темур ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан то охиригача ғайридин мўғуллар хукмронлигидан норози бўлган мусулмонларнинг кайфиятини ҳисобга олган ҳолда ислом динини мустаҳкамлашшиори остида кураш олиб борган.

Унинг бу борадаги сиёсати ҳали у давлат тепасига келмасдан анча олдин намоён бўлганди. 1361 йилда у Жетедан хужум қилиб келган кўчманчилар қўлидан улар асир олган етмиш нафар термизлик саййидни қутқазиб қолган ва бу иши учун Туғлуқ Темурнинг ғазабига учраган эди. Шундан бошлаб, Мовароуннаҳрдаги барча саййидлар унинг тарафига ўтганлар. Ўрта Осиёни мўғул зулмидан озод этгач, Амир Темур саййидларни Пайғамбар авлоди сифатида янада кўпроқ эҳтиром эта бошлайди. "Саййидлар орасидан лаёқатли биттасини, — деб ёзилган "Темур тузлуклари" ида, — аҳли исломга садр этиб тайинладим. Тамом вақфларни бошқариш ва назорат қилиш учун мутаваллий танлашни, ҳар бир шаҳар ва вилоятда қозий, муфтий, муҳтасиб (назоратчи) тайинлашни унинг ўзига ҳавола этдим. У саййидлар, уламо, шайхлар

ва бошқа диний арбобларга суюргол белгилаб, ҳар бирининг вазифасини тайин қылсын, дедим". Демак, Амир Темур диний арбобларининг моддий жиҳатдан таъминланишига ҳам алоҳида эътибор бериб келган.

Ёрлиқда "дорус-салтанайи вилояти Хоразмда ҳаволагар" бўлған давлат хизматчиларининг барчасига мурожаат этилганидан Абу Муслим авлодлари ана шу вилоятда истиқомат қиласланликларини билса бўлади. Уларнинг сони қанча бўлганлигини айтиш қийин, аммо "ўзларидан аҳли солиҳлари қози бўлиб, таблиғи ҳукком ва қози қилсунлар", — дейилган. Бундан кўринадики, саййидлар жамоаси ҳар ҳолда тарқоқ бўлмасдан, юқорида таъкидланганидек, Дархонота мавзеида фуж ҳолда истиқомат қилган ва маълум миқдорда ер-сув, тегирмон каби бойликларнинг эгаси бўлганлар. Мол-мулк, ер-сув каби бойликларнинг мавжудлиги эса "тамоми олиғдор ва жамиъи таҳсилдорлар...оларға ҳеч важҳдан сабаби тасдиъ ва озор бермасунлар"— дейилишидан ва бу "тамоми олиғдор" тушунчасига қандай мансабдорлар кириши кўрсатиб ўтилганлигидан ҳам кўзга ташланиб турибди. Масалан, ёрлиқда санаб ўтилган фуқародан солиқ йиғадиганлар қаторига киритилган "мисли иноқ ва атолиқлар ва тўқсовуллар ва жигдовуллар"нинг ҳар қайсиси мол-мулк ва ер-сув ҳамда бошқа турдаги олиқ-солиқлар билан шуғулланган. Саййидларнинг барча бойликлари ана шу санаб ўтилган амалдорлар хизмат вазифасига кирган барча мулкий йиғинлардан озод этилган. Олиғдорлар қаторига "кушчилар" сўзи ҳам кўшилган. Бу аслида ҳукмдор ихтиёридаги ов күшларининг қаровчиси, айни вақтда, подшоҳ овини ташкил этувчи кимса, яъни "овбеги" ҳам санаалган.

Маълумки, ўша давр подшоҳларининг овлари катта тантана билан уюштирилган ва уларда юзлаб, баъзан минглаб кишилар иштирок этган. Ов қилиш муддати эса бир неча кунга, айрим ҳолларда эса бир неча ҳафтага чўзилган. Ов беглари — күшчиларга, зарур бўлган пайтда, ўша жойдаги аҳолидан озиқ-овқат, улов олиш, одамларни сафарбар этиш ҳуқуқи ҳам берилган. Саййидлар бундай ташвишдан озод этилганлар. Ҳужжатда келтирилган яна икки сўзга ҳам изоҳ бериб ўтиш керак бўлади. Улардан бири — "элчилар", иккинчиси эса — "йўлчилар"дир. "Элчилар" ва "йўлчилар"га

ҳам саййидларни безовта қилиш ман этилган. Демак, улар ҳам ўз хатти-ҳаракатлари билан белгиланган қонунга муво-фиқ юқорида эслатилган "олигдор"лар қаторидан ўрин олишади. Бу бежиз қайд этилмаган. Гап шундаки, Амир Темур Туранзамин ҳукмронлигини қўлга киритгач, мустақил давлат номидан турли мамлакатлар ва катта-кичик подшоҳликлар билан дипломатик алоқаларни изчил суратда йўлга қўйган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, уни атроф мамлакатлар подшоҳлари муборакбод этиб, бирин-кетин Самарқандга элчилар йўллаган. Империя ташкил топгандан кейин эса жаҳоннинг турли бурчакларидан бу ерга элчилар кела бошлаган. Ўз навбатида, Соҳибқирон номидан ҳам ўнлаб давлатларга турли масалалар юзасидан пайдар-пай элчилар жўнатиб турилган. Аммо ўрта асрдаги сафар шарт-шароитлари ўта оғир бўлиб, кўп жойларда эса, сиёсий беқарорлик ҳукм сурган бир пайтда элчилар катта қийинчиликларни бошдан кечирганлар, айrim ҳолларда улар талон-торожга дуч келиб, ўз вазифаларини адо эта олмасдан орқага қайтишга ҳам маъжбур бўлганлар.

Амир Темур ана шундай ҳолларни ҳисобга олиб, бу масалада ҳам қатъий тартиб ўрнатган. У ҳукмронлик қилган давлат сарҳадларида элчиларга бедаҳл кишилар сифатида қаралар, Соҳибқироннинг буйруғига биноан жойлардаги барча катта-кичик амалдорлар уларга ҳар томонлама қулай шароит ҳозирлашлари шарт қилиб қўйилганди. Бу ҳақда, айниқса, 1403—1406 йилларда Амир Темур салтанатида сафарда бўлган Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг эсдаликларида ажойиб маълумотларга дуч келамиз. Бу соҳада ўрнатилган қатъий қоидаларни бузганлар жазога маҳкум қилинганлар. Ёрликда саййидлар бу борага тааллуқли хизмат ва олиқ-солиқдан ҳам озод этилганлар.

"Йўлчилар" масаласи ҳам маълум тарзда элчилар ҳақидаги масалага ўхшаб кетади. Маълумки, Амир Темур давлатида аввал Туранзаминда, сўнгра салтанатнинг бошқа сарҳадларида суворийлар тезкорлик билан босиб ўтадиган масофанинг ҳар бирида маҳсус қўнимгоҳлар ташкил этилган, уларда етарли от-улов, озиқ-овқат захиралари шай қилиб қўйилган.

"Ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкарда, — деб ёзилган Амир Темур "Тузуклари"да, — хабар ёзувчи (хабарнавис)лар таъйин қилсинларки, ҳокимлик, раият, сипоҳ

ўзининг ва ёт-бегона лашкарларининг хатти-ҳаракатлари ҳақида мени хабардор қилсин... Ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар...

... Амр қилдимки, мингта тезюар түя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопкунчи, минг нафар тезюар пиёданы (чопар) этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни хукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасдан бурун чора ва иложини қиласиб...

Манзилгоҳлар орасидаги ҳаракат кеча-кундуз узлуксиз давом этган. Шунинг учун ҳам Амир Темур, бепоён салтанатнинг қаерида бўлмасин, ҳамма вақт ўз давлати сарҳадлари ва қўшни мамлакатларда рўй берәётган ҳамма воқеалардан огоҳ бўлиб турган, барча хавф-хатарнинг олдини олишга муваффақ бўлган. Айни вақтда алоқа масаласидаги бу тартиб-қоидага монелик қилиш қатъян ман этилиши билан бирга, зарур ҳолларда "йўловчи"ларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш манзилгоҳлар атрофида истиқомат қилган барча табақага мансуб аҳоли зиммасидаги мажбуриятлардан бири бўлган. Бу эса "йўлчи"ларнинг ўз вазифаларини адо этишда маълум имтиёзларга ҳам эга бўлганлигини кўрсатади. Ёрлиқда Хоразм саййидлари бу масала билан боғлиқ мажбуриятлардан ҳам озод этилганлар.

Амир Темур томонидан иноят этилган бу ёрлиқни ўқир экансиз, бобокалонимизнинг ўта зукко сиёсатчи ва давлат арбоби эканлигига яна бир карра имон келтирамиз.

Маълумки, Ўрта Осиё ҳалқлари исломни қабул қилгач, бу йўл-йўриқлар ҳалқнинг урф-одати ва удумларидан ҳам мустаҳкам ўрин олади. Ўрта аср давлатчилигининг ўзи ҳам шу динга асосланган эди. Бу регионда ҳалқ ичидаги пешволарининг обрў-эътибори ниҳоятда кучли эди. Агар давлат ожиз бўлганда, дин арбоблари унинг ички ва ташқи ишларига бевосита аралашар, айрим ҳолларда хон ва амирларни ҳокимиётдан маҳрум этиб, ўрнига ўзларига мақбул шахсни давлат тепасига келтириш йўли билан таъсир ўтказар эдилар. Ана шу томонларни ҳисобга олган Амир Темур, энг аввало, уларга таяниб иш олиб борди, ўз тасарруфига ўтказган ўлкалардаги дин пешволарининг обрў-иззатини ўрнига қўйди.

Мусулмон ҳукмрон сифатида барча обрўли дин арбобларини зиёрат қилди, уларга катта-катта инъомлар бериб, масжид, хонақоҳ, мадрасалар қурдирди, катта ерларни вақф қилиб, уларга қарши қўзғалиши мумкин бўлган ҳар қандай диний ҳаракат ва ғазавотларнинг олдини олишга муваффақ бўлди. Тасарруфидаги мамлакатларда тинчлик ўрнатиб, дин пешволарининг давлат ишлари ва сиёсатига бевосита арала-шувларининг олдини олиб турди. Бир томондан, қаттиққўллик ва, иккинчи томондан, марҳаматлар кўрсатиб, ўз давлат тизимини яхши йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Худди шу ҳол Ҳоразм юришлари даврида ҳам амалга оширилган эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур ҳукмронлиги даврида диний арбобларнинг фитналари кенг қулоч ёза олган эмас. Бу эса бобокалонимизнинг давлатни бошқариш ва мамлакатда тартиб ўрнатишда ўта доно сиёсат юргизганини кўрсатувчи далиллар.

Шундай қилиб, Амир Темур муҳри босилган "Тархон-ёрлик"да XIV асрнинг охирги чорагидаги мураккаб тарихий жараён, муҳим воқеалар, бобокалонимизнинг Туркистонда жорий этган давлатчилик тартиб-қоидалари ва доно сиёсати, умуман, ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳётининг кўп қирралари акс эттирилган.

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИЙ ЎРГАНИБ

XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошларида қадимиий Бухородан кўплаб ўқимишли, илмли, зиёли кишилар ўз ўлкасини яхши ўрганган тарихчи ва ўлкашунослар, ёзувчи ва шоирлар етишиб чиққан. Улар самарали ижод қилиб, келажак авлод учун бой маданий ва тарихий мерос — кўлёзмалар, кундакликлар қолдирганлар. Аҳмад Доңиш, Мирза Салимбек, Садр Зиё, Абдураҳмон Тамкин, Муҳаммад Олим Бухорий, Мирзо Сирожиддин Мирзо Сомий, Абдулазим Шаръий, Мирсиддиқ Ҳашмат каби маърифатпарварлар қаторида таниқли ўлкашунос, қадимшунос ва таржимон, профессор Мусожон Сайджоновнинг ўзига хос ўрни бор.

М. Сайджонов 1893 йилда қадимиий Бухорода савдогар оиласида таваллуд топган. Унинг оиласидагилар ўз даврининг ўқимишли, билимли ва тадбиркор кишилари бўлишган. Мусожоннинг отаси Сайджон Йўлдошев савдо-сотик

ишлиарининг қонун-қоидаларини яхши билган, қоракўл териси савдоши билан шуғулланиб, бир неча бор Санкт-Петербург, Москва, Нижний Новгород шаҳарларида бўлган ва Ирбит савдо кўргазмаларида қатнашган.

Мусожон ёшлигидан билим олиш ва хунар ўрганишга қизиққан. У дастлаб эски мактабда таълим-тарбия олган, кейинроқ Мир Араб мадрасасида, ундан сўнг Когондаги рус-тузем мактабида ўқиган. Араб, форс, турк тиллари ва адабиётини, шунингдек, тарих ва географияни қунт билан ўрганганди.

Ёшлигидан билимини пухта ўзлаштириб олган М. Сайджонов, кейинчалик бир неча масъул лавозимларда хизмат қилган. 1915 йилда Бухородаги "Маориф" номли китоб жамиятини бошқарган. Шу билан бирга, Русия ва Туркистон ўлкасининг турли вилоят ва шаҳарларидан ушбу жамиятга китобу журнallар олиб келган ҳамда уларнинг баъзиларини таржима қилиб, кенг оммага тақдим этган. Кўриниб турибдики, М. Сайджонов ўз даврининг маърифатпарвар кишиси сифатида оммани илмли бўлишга чорлаган зиёкор инсондир. 1920 йилларда у Бухоро Ҳалқ Республикаси савдо ва саноат вазирлигига марказий озиқ-овқат бўлими бошлиғи, давлат назорати ҳалқ нозири, иқтисодий кенгаш раиси, ҳалқ маорифи нозири вазифаларини бажарган. Унинг мактабларда ўқитиш ишлари, хусусан, таълим-тарбия ва хунар ўрганиш соҳасидаги илмий кузатишлари, янги услугуб ва тажрибалар тўғрисидаги қизиқарли, мазмунли ва фойдалари "Маориф ва ўқитувчи" журнали саҳифаларида чоп этилган.

М. Сайджонов 1924—1927 йиллари Бухородаги тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ташкилоти бошлиғи бўлганда, шаҳардаги кўхна меморий ёдгорликларни таъмирлаш билан шуғулланган. Жумладан, Бухоро шаҳридаги 32 та тарихий обидаларни ҳисобга олиб, уларни таъмирлаш ва ўрганишни режалаштириди. У бухороликлар орасида биринчи бўлиб тарихий ёдгорликлар ва жойларни илмий асосда ўрганишга астойдил киришган ўлкашунос зиёли эди. У шаҳар худудида жойлашган "Исмоил Сомоний", "Сайфуддин Боҳарзий", "Баёнкулихон" мақбаралари, Масжиди Калон, Болоҳовуз масжиди, Мир Араб, Кўкалдош, Абдулазизхон, Улугбек мадрасалари, "Ситораи Моҳи Ҳоса" саройлари, Лабиҳовуз атро-

Фидаги савдо иншоотлари, Арк ва ундаги тарихий обидалар, хусусан, Искандархон, Субҳонкулихон, Чилдухтарон масжидлари, Муҳаммад Раҳимхоннинг мармар таҳти, Зиндон, Обхона, Регистонда жойлашган маъмурий бинолар, шунингдек, шаҳардаги карвонсаройлар, савдо иншоотлари, бозорлар ва ҳаммомлар тўғрисида қимматли тарихий материаллар тўплаб, "Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари" номи билан "Маориф ва ўқитувчи" журналининг 1927 йил сонларида (№ 3, 4, 9, 10) эълон қилди.

М. Сайджонов XX асрнинг 20-йилларида Бухородаги "Сайфуддин Боҳарзий мақбараси" (XIV аср боши) "Масжи-ди Калон" (1578 й), "Абдулазизхон мадрасаси" (1652 й.) учун таъсис этилган вақфномаларни биринчи бўлиб ўзбек тилига таржима қилди. Шунингдек, Бухородаги маҳаллалар, мозор ва қабрларнинг тарихи ҳамда шаҳар топографияси билан ҳам шуғулланди.

Аждодларимизнинг бой тарихий ва маданий меросининг толмас жонкуяри, тўпловчиси ва ўрганувчиси М. Сайджонов Бухоро шаҳрида Абу Али ибн Сино номидаги кутубхона ва ўлкашунослик музейини ташкил этишда ва уларни қадимий маданий-маърифий манбалар — нодир қўлёзма асарлар, қимматбаҳо босма ва литографик китоблар, турли даврларда ёзилган ҳужжатлар, вақфномалар, халқ амалий санъати намуналари, қадимги кийим-кечаклар, заргарлик ва зардўзлик буюмлари, турли замонларда зарб этилган тангалар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди.

Мусожон Сайджонов 1928—1937 йилларда Республика тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитасини бошқарган вақтида Бухоро, Самарқанд, Хива, Кўқон, Қарши, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги қадимий обидалар ва тарихий жойларни рўйхатга олди, уларнинг қай аҳволда сақланиб қолганлиги ва таъмирталаблигига катта эътибор берди. Республикаиздаги тарихий-меъморий биноларни қайта тиклаш, таъмирлаш ва сақлаб қолиш борасида қадимшунос, санъатшунос ва ўлкашунос олимлар билан ҳамкорликда самарали фаолият олиб борди. Умрининг сўнгги йилларида Мусожон Сайджонов Амир Темур ва Темурийлар даврида бунёд этилган масжид, мадраса, мақбара ва бошқа биноларни ҳисобга олиб, "Самарқанд меъморий ёдномалари" тарихий тўплами-

ни яратди. Тўпламда шаҳар ва унинг атрофидаги машҳур "Бибихоним", "Гўри Амир", "Шоҳи Зинда" мақбаралари, "Мирзо Улуғбек", "Шердор" ва "Тиллакори" мадрасалари, "Шайбонийхон супаси", "Чўпон ота", "Хўжа Абду Дарун" ва "Хўжа Абду Бирун" каби ўнлаб меъморий обидалар, шунингдек, "Шаҳрисабз меъморий ёдномалари" тарихини илмий асосда ўрганиб, қўлёзма асар шаклига келтирди. 1936 йилда ёзиб тугатилган "Шаҳрисабз меъморий ёдномалар тарихи" ўлкамиз меъморий обидалари ҳақидаги ягона йирик илмий иш ҳисобланади.

Мусожон Сайджоновнинг қимматли илмий ишларидан яна бири XIV аср бошига тегишли муҳим ҳужжат — Шайх Сайфуддин Боҳарзий мақбарасига бағишинланган вақфномани синчиклаб ўрганиш бўлди. М. Сайджоновнинг Шайх Сайфуддин Боҳарзий мақбараси ҳақидаги вақф ҳужжатига асосланган тадқиқоти тарих илмидаги катта кашфиёт эди. Бу ҳужжат Сайфуддин Боҳарзийнинг Бухоро яқинидаги Фатҳобод қишлоғида жойлашган мақбараси, унинг сугориладиган экин ерлари, мевазор ва узумзор боғлари ҳамда суғориш ариқларига тузилган вақфномадан иборат.

М. Сайджонов 1935 йили ўзбек олимларидан биринчи бўлиб, Петербургда чақирилган шарқшуносларнинг III халқаро конгрессида қатнашди ва "Кўчкинчихон мақбараси" мавзусида маъруза қилди. Ўшанга қадар ушбу мақбара нотўғри талқин қилиниб, "Чилдухтарон мақбараси" деб юритилган. Мана шу йирик ва муҳим илмий тадқиқот учун иқтидорли олимга профессор унвони берилган.

Истеъдодли ўлкашунос, қадимшунос, санъатшунос ва тарихчи олим М. Сайджоновдан катта илмий аҳамиятта молик маданий-тарихий мерос қолган. Булар — ўлкашунослик материаллари, қадимшунослик кундаликлари, нодир қўлёзма асарлар, вақф ҳужжатлари, ер-сув муносабатлари, Бухорадаги маҳаллалар, мозор ва қабристонлар топографияси, Ўрта Осиё тарихи, маданияти ва санъати тўғрисида, Самарқанд шаҳрининг тарихи ва архитектураси, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Хоразм ҳунармандчилигининг ривожланиш тарихи, Бухоро атрофифа жойлашган мақбаралар, Масжиди Калон, Чилдухтарон, "Бухоро тарихи", "Шайбонийнома" асарлари, Абдулазизхон, Улуғбек мадрасалари ҳақида тўплан-

ган қўлёзма материалларидир. Афсуски, юртимиз тарихи, айниқса, меъморий обидаларимиз тарихини ўрганишда жуда зарур бўлган бу қимматбаҳо қўлёзма маълумотномалар бу-гунгача тўлиқ тадқиқ этилмаган. М. Сайджоновнинг ушбу асарлари қўлёзма шаклида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат тарих архивида, ЎзФА Шарқшунослик институти фондида, шунингдек, Бухоро вилояти музейида сақланмоқда. Бў нодир қўлёзма тарихий асарларни қайта тадқиқ қилиб, нашр этиш биз олимлар ва мутахассислар олдилда турган муҳим вазифалардандир.

ЯССИ ШАҲРИДАГИ МАҚБАРА БАЁНИ

Буюк давлат арбоби, саркарда ва бунёдкор Амир Темур ўз вақтида Мовароуннахрнинг кўп ерларида муҳташам бинолар ва азиз-авлиёлар қабри устига мақбара қурдириб, юртини ободонлаштириди, гуллаб яшнатди. Самарқанддаги Рӯҳбод ва Хожа Нуридин Басир, Тошкентдаги Занги Ота ва Анбарбиби, Бухородаги Чацмай Айюб мақбараларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, Сайфиддин Боҳарзий ва Баён-қулихон мақбараларини таъмирлаб, асл ҳолига келтириди.

Салтанатнинг шимолий ҳудудларини қўчманчилар тажовузидан сақлаш ва исломнинг таъсирини кучайтириш мақсадида дашт бағрида ободончилик ишларини йўлга қўйиб, қадимиш шаҳар, юзлаб катта-кичик қалъа ва истеҳкомларни қайта тиклаган, савдо-сотик, элчилик алоқаларини ривожлантириш, карвон йўллари хафсизлигини таъминлашга эътиборни кучайтирган. Чунончи, Яссида Хожа Аҳмад Яссавий қабри устига қораҳонийлар томонидан қурилган noctorgina хонақоҳ ўрнига буюк ва салобатли гўзал мақбара қуришга фармони олий берган.

Мазкур мақбара қурилиши ҳақида Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асарида қуйидагиларни баён этган: "Шайх Аҳмад Яссавий мақбарасининг қурилиши баёнида. Боғи Дилкушо барпо этилгач, фатҳ ояти (битилган) зафарёб байроқ Тошканд томон йўналди. Шоҳларга хос лашкар Сайхун сувидан кечиб ўтгач, Оҳангаронда тўхтаб, Чинос қаряси ёнида чодирлар ўрнатилди. Ўша ерда қишлишга қарор қилдилар ва шу мавзеда қамишдан уйлар қурдилар. Ҳазрат Соҳибқирон

имомзода ҳанафиянинг авлодидан бўлган шайх Аҳмад Яссавийнинг, Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин, қабрини зиёрат қилиш учун Ясси қарясига йўл олди. Сўнг ул табаррук мозор устига иморат қуриш ҳақида фармони олий содир бўлди. Унинг гумбазини шундай бунёд этсингларки, уч томонидан айланаси бир юз ўттиз газ бўлсин. Шу зайлда унинг кутри (диаметри) қарийб қирқ бир газ бўлиши керак. Курилиш тугагач, баландлиги ҳам шунга муносиб кўтарилимоғи лозим. Деворлари ва куббасини рангли кошинлар билан безатсинглар, эшигини "Ҳафтжуфт" (егти хил маъдан) қотишмасидан ясасинглар, ўртасида бир ҳовуз ясад, унинг сатҳини ҳам етти хил маъдан қотишмаси билан қопласинглар. Қабр устига қўйиш учун Табриздан мартарош келтирсинглар. Уни нозиклик билан тарошласинглар ва ажойиб ўйма нақшлар туширсинглар. Курилишни якунлаш мавлоно Убайдуллоҳ садр зиммасига юкланди. Буйруққа биноан мақбара қурилиши бир йилда тугади.

Дарҳақиқат, бу мақбара ўз кўрки, безаклари, ҳашамдорлиги билан бетакрордир. Қадимшунос олим М.Е. Массон: "Бу муқаддас бино билан фақат Туркиянинг Аё-София масжиди рақобатлаша олади", — деб бежиз айтмаган.

Мазкур обидага бағишланган бир қанча илмий мақолалар, китоблар, сайёҳларнинг хотиралари, тасвири китоблар (альбом) нашр этилган. М.Е. Массон ўзининг "О постройке мавзолея Ходжа Ахмеда в городе Туркестане" мақоласида ва "Мавзолей Ходжа Ахмада Яссави" асарида Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси, унинг қурилиши ва нақшларини қадимшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этади. Ушбу мақбаранинг Темур даврида қурилган иншоотлар орасида фақат Шаҳрисабздаги Оқсарой билан беллаша олиши, беzagи ва миқёси бўйича унинг мисли кўрилмаган бир бино эканлиги ҳақида ўз таҳлилларини баён этади.

Ёзувларнинг вақт ўтиши билан ўчиб кетганлиги, мақбарани таъмирлаш чоғида безакларнинг бўялиши оқибатида баъзи битиклар тадқиқотчилар ўртасида ҳамон мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасининг таржимони, шарқшунос олим Мирсолиҳ Бекчурин томонидан 1866 йилда эълон қилинган "Описание мечети Азрета" асарида мақбарада дафн этилган шахслар ва қабр тошлар ҳақида маълумот берилиб, бино деворлари ва Дошқозонга куфий

ва сулс хатида ўйиб ишланган арабча-форсча ёзувлар таржимаси келтирилган; шунингдек, XIX асрда мақбарага берилган вақфлар ва улардан олинадиган даромадларнинг бино хизматчилари ҳамда мадраса талабалари ўртасида тақсимлашиши ҳақида маълумотлар берилган.

Қозон диний академиясининг илмий ходими Соҳиб Гарай Павел Николаевич Ахмеров (1868—1900) ўзининг "Надписи мечети Ахмеда Яссеви" номли асарида Аҳмад Яссавий мақбараси девори, эшиклари, шамдоңлари ва қабртошлардаги ёзувлар, дошқозондаги битиклар ҳақида 1895 йилда ўз таржималарини эълон қилган. У ўйма нақшлардаги айрим ўчиб кетган ёзув қисмларини қайта тиклашга муваффақ бўлган.

1897 йил 5 сентябрда Ўрта Осиёда бўлган кучли зилзиладан сўнг Н.И. Веселовский бу ўлкага сафари вақтида Туркистон шаҳрига ҳам илмий экспедиция уюштиради. Шу вақт ичида у Аҳмад Яссавий мақбарасини ҳам ўрганади ва ундағи ўймакорлик нақшлардаги ёзувларнинг фотосини (фиксация) ва режасини тушириб, ўзи билан Петербургга олиб кетади. Ўз таассуротлари ҳақида Туркистондаги айрим осори атиқалар қаторида Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасига "ёрдам проект"ини тақдим этади. Гарчи мақбарани таъмирлаш бу режада кўрсатилмаган бўлса-да, лекин бино ичида ги ёзувларнинг имкон қадар фотосуратга туширилгани кейинги тадбирлар учун фойдали бўлган эди.

Мақбарага кираверишда девор пештоқига: "Ушбу ёдгорликни бунёд эттирган буюк хукмдор, Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлган Амир Темур Кўрогон ибн Тарагай ибн Амир Бурқул ибн Амир Илангиз ибн Амир Ийжил ибн Амир Қорачор нўён ўғли, Тангри таолонинг инояти ила унинг салтанати мангуликка дахлдор бўлсин", — деб араб ёзувида битилган. Ушбу нақшинкор парчанинг таржимаси Мулла Салоҳиддин ибн Мулла Алоуддин Ҳожи эшоннинг "Темурнома" китобида келтирилган. Шунингдек, Мулло Салоҳиддин ибн Мулло Алоуддин Ҳожи эшон мақбара деворларига битилган 163 метр узунликдаги оятлар ва ҳадислардан иборат ўйма ёзувлар хаттот Хожа Ҳасан (Шерозий)-га; "Қабрхона" гумбази Шамси Абдулваҳоб (Шероздан)га, "Қирқ қулоқ"ли дошқозон сиртида Абдулазиз Сарвариддин (Шарофиддин) ўғли (Табриздан)га, жамоатхона ва қабрхона эшиклари, ҳалқалари ва шамдоңларни ясаган уста-хат-

тот Иzzаддин Тожиддин ўғли (Исфаҳондан)га тегишли экан-лигини баён этади.

Ушбу китоблар ва мақолаларда келтирилган маълумотлар Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида келтирилган шайх Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ҳақидаги лавҳани аниқлаш, уни мақбара деворлари, нақшлари, безаклари, ёзувлари, асбоб-ускуналари ҳақидаги маълумотлар билан тўлдиришга ёрдам беради. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, ушбу мақбара ҳижрий саккиз юзинчи (1397—1398) йилда қуриб битказилган. Орадан 608 йил ўтибдики мақбаранинг нафақат биноси, шу билан бирга бинонинг ички безаклари ва асбоб-ускуналари давр тўфонларидан асраб қолинган. Бу эса соҳибқирон Амир Темурнинг ушбу мақбара қурилишига ниҳоятда катта эътибор қаратганидан далолат беради.

Соҳибқирон нафақат Мовароуннаҳр вилоятларидан, шу билан бирга ўзи фатҳ этган турли мамлакатлардан ўймакор уста ва хаттоларни мақбара қурилишига жалб этган. Бу ҳақда А.Ю. Якубовский ўзининг "Мастера Ирана и Средней Азии при Тимуре" номли мақоласида эронлик ажойиб ва моҳир наққош, хаттот ва ўймакор ҳунарманд-усталарнинг мақбара қурилишига жалб этилгани ҳақидаги маълумотларни келтиради. Иморатдаги битиклар бир қарашда жимжимадор безакларга ўхшаса-да, аслида улар куфий ва сулс ёзувидаги ояти карима ва ҳадиси шарифлардир. Асрлар давомида кўпгина ёзувлар ўзининг асл ҳолатини йўқотган бўлса-да, аммо уларнинг асосий қисми, жумладан, жамоатхона ва қабрхона эшиклари устидаги ўймакорлик нақшлар омон қолган.

Мақбара учун пишиқ фишт Туркистоннинг шимолидаги Саврон қишлоғида тайёрланган. Фиштлар қурилиш ишига жалб этилган жонли йўлак орқали кўлма-кўл Туркистон шаҳрига етказилган. Мақбара 35 та турли ҳажмдаги хоналардан иборат. Бино умумий сатҳининг узунлиги — 65,5 метр, эни — 46,5 метр, баландлиги — 37,5 метр бўлиб, гумбазнинг айланаси — 182, умумий сатҳи — 330 квадрат метрни ташкил этади.

Мақбарага равоқли ва баланд гумбазли йўлакдан кирилади. Ундан марказий хона — қозонликка ўтилади. Жамоатхона ("қозонлик")га кириладиган икки табақали нақшинкор эшикнинг бўйи — 3,9 метр, эни — 2,1 метр бўлиб, пештоқнинг марказий қисмида ўрнатилган. Иккала табақанинг юқори қисмидаги бўйи — 45 см, эни — 18,5 см бўлган

тўртбурчакли қўйма асос ("таглик")га бир донадан ҳалقا ўрнатилган. Ҳалқалар тепасига тўртбурчак шаклида мис таҳтачалар ёпиштирилган бўлиб, уларга сулс ҳати билан ҳадислар ёзилган. Ҳалқалар кўринишидан эман дарахти баргига ўхшайди, айни пайтда улар дошқозон ҳалқаларини ҳам эслатади.

Марказий хона ("қозонлиқ")дан кейин шайх Хожа Аҳмад Яссавий дафн этилган "гўрхона"га ўтилади ва иккита йўлак орқали масжид, кутубхона, ошхона, икки қаватли катта ва кичик Оқсаной, қудуқхона, ўрта йўлакли ёрдамчи хоналарга ўтилади. Иккита минорали пештоқдан сўнг параллелепипед шаклидаги асосий бино ("қозонхона") ва сафанили "гўрхона" гумбазлари (иккинчиси мўъжазроқ) сатҳи ўз қирраси билан алоҳида ажралиб туради. Бу безаклар Амир Темур даврининг ҳашаматли меъморчилиги учун анъанавий, яъни рангли гишталардан иборат нақшлар (гириҳлар ва ҳандасавий ёзувлар) ҳамда белбоғлар, сумалаксимон безаклар, ҳошиялар ва тимпанлардаги қадама нақш ва сиркор парчинларда ранг-баранг жилоланади. Бу ҳақда қадимшунос А. Асқаров шундай ёзади: "Бу ерда илоҳий мазмундаги битиклар муҳим роль ўйнайди. Уларга эса...усталарнинг камтарона ёзилган номлари уланиб кетган... Ички безаклар ҳам сипогина — асосий хоналар ёрқин саҳнлар, деворлар ва ички гумбаз нақшлар билан безатилган".

"Қозонли хона" нинг марказида бўйи — 158 см, диаметри — 243 см, вазни эса икки тонна, "Ҳафтжўш" (олтин, кумуш, кўроғшин, темир, мис, қалай ва սимоб аралашмаси)дан иборат катта дошқозон ўрнатилган. Бу 1393 — 1399 йиллар давомида Туркистон шаҳридан 25 км узоклиқда жойлашган Қарноқ қишлоғида яшовчи уста Абдулазиз ибн Шарафиддин Табризий томонидан қўйилган. Дошқозон ва унинг ҳалқаларидағи ёзувлар ҳақида Мулла Салоҳиддин ибн Мулла Алоуддин ҳожи эшон (Салоҳиддин Тошкандий), Каримжон Тойжон ўғли ва Умурзоқ ҳожи Зокир ўғлининг маҳсус тадқиқотлари эълон қилинган. Шу сабабли биз булар ҳақида алоҳида тўхтамадик.

Деворий ўймакорлик нақшлар ичидаги ёзувларда оятлар ва ҳадислардан иқтибослар келтирилган, куфи ва сулс ҳатидаги парчаларда наққош Ҳасан Шерозийнинг номи ўйиб ёзилган. Қабрхона гумбазининг нақшларини уста Абдуллоҳ Шерозий чизган; дошқозон сиртидаги шакл ва ёзувлар хаттот

Абдулазиз Сарвариддин (Шарафиддин) ўғли Табризий томонидан бажарилган. Жамоатхона ва қабрхона эшиклари, ҳалқалари ва шамдонларда, уларни ясаган уста хаттот Иzzаддин Тожиддин ўғли Исфаҳонийнинг номи битилган. Яздийнинг "Зафарнома"сида мақбаранинг қуриб битказилиш санаси 800 (1397—1398) йил деб ёзилган, аммо бу тарихни Сайфиддин Ўрун Қўйлуқий 1404 йил деб кўрсатади. Деворий нақш ичдаги ёзувларни шарқшунос П.Н. Ахмеров рус тилига таржима қилган, айрим мунозарали қисмлари эса Салоҳиддин Тошкандий томонидан тўлдирилган.

XVI аср тарихий ёзма манбаларида баъзи бир маълумотлар мавжуд. Жумладан, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланома" асарида Абдуллахоннинг (1557—1598) Ўтрор томон юриши вақтида Яссига келгани ва Амир Темур томонидан қурдирилган мақбарага келиб Ҳожа Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилгани ҳақида баён этилган. Қўқон хонининг 1838 йилдаги фармони билан қўқонлик ўймакор наққош Муҳаммад Хайрулла ва конибодомлик Тўрахўжалар Аҳмад Яссавий мақбарасининг ички деворларига битилган оят ва ҳадис парчаларини, уларнинг вақт ўтиши билан ўчган ва қулаб тушган қисмларини қайта тиклашда қатнашганлар. 1814—1863 йилларда Туркистон шаҳри Кўқон хонлари тасарруфида бўлиб, бу ноёб мақбара, чор қўшинлари томонидан босиб олингунга қадар (1864), Кўқон хонлари қўшинининг ҳарбий аслаҳалари сақланадиган омбор вазифасини ўтаган.

М. Бекчуриннинг ёзишича, мақбарада Ҳожа Аҳмад Яссавий сағанасидан ташқари, қозоқ сultonларидан Кичик ўрда хони Абулхайрхон ва унинг хотини Робиябегим (Темурнинг эвараси, Улуубекнинг қизи), Ўрта ўрда хони Абдулҳай, но маълум шаҳзода Бобо Йўлбарсота қабрлари ҳам бор.

Аҳмад Яссавий мақбараси ўзининг курилиш услуби, сернақш безаклари, товланиб турувчи сирли кошинлари ва ички қисмдаги зеб-зийнатли буюмлари билан Туркистонда яккаю-ягона бинолардан бири бўлган. Бу ҳақда қадимшунос А. Асқаров шундай ёзган: "Аҳмад Яссавий мақбараси мусулмон Шарқининг маъморий ёдгорликлари орасида энг ноёбидир". Афсуски, бундай муҳташам бино босқинчилик урушлари, тож-тахт ва ўзаро жанжаллар вақтида анча зарарланиб, емирилиб кетиш хавфи остида қолган.

XVI—XIX аср бошларида Туркистон шаҳри қозоқ хонларининг қароргоҳи бўлиб хизмат қилган. 1864 йилнинг ёзида генерал Черняев ва полковник Веревкин қўмондонлигига чор армияси қўшилари Туркистон шаҳрини қамал қиладилар. Босқинчилар шаҳарни тезроқ кўлга киритиш мақсадида Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини замбараклардан ўқса тутишга буйруқ берганлар. "Агар биз мақбарани тезроқ вайрон қилсак, шаҳар шунчалик тез таслим бўлади", — деб ўйлаган эди босқинчилар.

Натижада, кетма-кет отилган ўқлар зарбидан мақбара-нинг ўн бир жойи қаттиқ шикастланган, бинонинг тўрт жойини замбарак ўқи тешиб ўтган.

Ерли аҳоли: "Бинонинг ичига кириб олсак, душман отишмалари тўхтаса керак", — деб ўйлаган эдилар. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди. Шундан кейин бошқача йўл тутилди. "Агар Туркистон шайхулисломи Насрулло Хожа ибн Исоқ мақбара-нинг вайронага айланмаслиги учун зудлик билан минора-нинг устига чиқиб, оқ байроқни қутариб, "шаҳарни топширдик, демаганида эди", — деб ёзади Мир Солиҳ Бекчурин; — мақбара бутунлай вайрон қилинган бўлар эди".

Мақбаранинг 1864 йилдаги даҳшатли замбарак ўқларидан вайрон бўлган жойлари анча вақтларгача тузатилмай ўз ҳолича ташлаб қўйилган. "Агар бино шу туришда қолиб кетаверса, ўқ зарбидан тешилган юқори қисмидан сув ва қор тушиб шундай улкан тарихий зиёратхонанинг тез бузилиб кетиши ҳеч гап эмас, ҳозирнинг ўзида ёрилган ва тегишли жойлари нам тортиб, гумбази остидаги сувоқлари ўпирилиб тушмоқда", — деб 1866 йилнинг 19 февралида ёзган эди Мир Солиҳ Бекчурин.

Лекин, ғолиб томон "жонкуярлари" бинони таъмирлаш ва сақлашга эътибор бермасдан, асосий мақсадни материал тўплаб, илмий иш қилишга қаратган эдилар. Масалан, Петербург университетининг профессори Н.И. Веселовский: "Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасининг чизма режаси ва расмларини олиб ўрганишимиз ва уни сақлашимиз керак", — дейди. Гапнинг мазмунига қараганда: "...чизма режаси ва расмларини олиб сақлаш керак", — дейилади. Аммо бинонинг ўзини-чи? Бу масалани ҳал этиш, бинони маҳсус таъмирлаш учун Н.И. Веселовский 3000 сўмлик харажатларни Туркистон генерал-губернаторлигидан сўрайди ва

1897 йилнинг 5 октябрида Ўрта Осиёни ўрганиш қўмитаси орқали Туркистонга Петербургдан меъмор-рассом А.М. Гуржиенко, ва Қозон шаҳридан эса А.И. Гороховни жўнатади.

Туркистон генерал-губернатори маҳкамасининг таржимони, Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг билимдони, элшунос ва қадимшунос, полковник Абубакр Диваев (1856—1933) Аҳмад Яссавий мақбараси ичидаги XVII асрда уста Хожа Хон томонидан тайёрланган думалоқ муҳр борлигини аниқлаб, уни 1895 йили Қозон университети қошидаги археология (элшунослик) жамиятига юборади. Бу ерда уни Қозон диний академиясининг илмий ходими П.Н. Ахмеровнинг кунт билан син-чиклаб ўқиши натижасида муҳр мақбарага тегишли бўлгани ва унинг ўртасида "Ҳазрат Султон Хожа Аҳмад Яссавий ва 1212 ҳижрий (1797) йил" — деб ёзилганлиги аниқланади.

Худди шу йили (1895) моҳир таржимон А. Диваев, П.Н. Ахмеров билан ҳамкорликда мақбарадаги 1849 йили Тошкент қозиси Лутфуллаҳўжа Отахўжа Қозиев кўчиргани нусхадаги эски ёзувларни таржима қилдилар. Маҳаллий аҳоли ва Аҳмад Яссавий авлодларининг ташаббуси билан 1872 йилда мақбаранинг атрофидаги ахлатлар ва қолдиқлар олиб ташланди. 1884 йили ерли аҳолидан йигилган ва чор ҳукумати ажратган 15000 сўм ҳисобига бинонинг айрим жойлари таъмирланди. Лекин таъмирлаш ишлари кўнгилдагидек бўлмай, тажрибасиз усталар чиройли сиркор кошиналарни олиб, ўрнига оҳак, ганч билан сувоқ қилганлар. Ўлка олий ҳукумати мақбарани қадимги меъморчиликнинг энг нодир ва гўзал намунаси деб ҳисоблаб, уни сақлаб қолиш зарурлигини маҳаллий ҳалқа эслатади. Туркистон генерал-губернатори Н.И. Гродеков "маҳаллий ҳалқдан пул йигиш ва шунинг ҳисобидан бинони таъмирлаш керак", — дейди.

Шу муносабат билан 1906—1907 йилларда бутун ўлка мусулмонларидан маблағ тўплаш лозим деб топилади. Шундай қилиб, масjid шайхлари ва Аҳмад Яссавий авлодлари тўплаган пул ҳисобига бино таъмирланади. Таъмирлаш ишларида ўлка мусулмонлари фаол қатнашганлар. Бироқ 1907 йилда содир бўлган зилзила натижасида мақбаранинг ички қисми ва миноралари бир оз заарланади.

Орадан уч йил ўтгач, 1910 йили Туркистон шаҳрида яшаб турган маҳаллий аҳолидан бирмунча пул (12000 сўм) йи-

Филгач, масжид бошлиқлари Сирдарё вилояти бошқармасига қарашли қурилиш бўлимидаги бир техник билан келишиб, бинони таъмирлашни унинг зиммасига юклайди. Лекин бу иш ниҳоясига етмасдан, тезда тўхтатилади. Бошқарма техникнинг ишини текшириб, уни жиноий жавобгарликка тортиш лозимлигини уқтиради. Техник ходимнинг қилган бу иши "курилиш устави"га бутунлай зид бўлганлиги учун Петербургдаги Сенат қарори билан у қамоқقا ҳукм қилинади. Ана шу мудҳиш воқеадан кейин бинога бўлган муҳаббат, таъмир қилиш ва қўриқлаш иши сусайди, йиғилган пуллар ҳам талон-торож қилинади. Маҳаллий маъмурият тарихий биноға нисбатан бепарво бўлганлигидан, бу ердаги бўшаб қолған ёғочларни ўтинга, фиштларни хўжалик ишларига ишлатар эдилар. Мармар бўлаклари турли хил заруриятларга, кошин безаклари эса айрим "тақводор" одамлар томонидан касалликлардан халос этувчи муқаддас буюм сифатида олиб кетилар, "маданиятли аристократия вакиллари", туристлар ва айрим сайёҳлар кошинларни "Эсадалик" сифатида кўчириб олишар ва ўзлари билан олиб кетар эдилар.

Фақат XIX асрнинг сўнгги йиллари ва XX асрнинг бошларида ёқ талончилар илмий жиҳатдан қимматли ёдгорликларга доир бир неча бўлакларни ўғирлаб кетишиди. Жумладан, 1905 йилда Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасига тушган ўғри нафис эшикдаги гулдор ҳалқани ва бронздан қилинган шамдонни пастки қисми билан биргаликда олиб кетган. 1914—1918 йилларда, яъни Биринчи жаҳонуруши давом этаётган вақтда Петербургдаги Россия императорлигига қарацли археология ҳайъати Туркистон ўлка генерал-губернаторига мурожаат этиб, Туркистондаги осори атиқаларни Император Эрмитажига юборишни сўрагандга, ҳайриятки, ўлка генерал-губернатори А.В. Самсонов рад жавобини берган. Бундай талон-торожлар ҳақида М.Е. Массон шундай ёзади: "Ўша талаб олишдан бир неча ойлар ўтгандан сўнг, 1906 йилнинг 12 февралида Туркистон шаҳрида Хожа Аҳмад Яссавийнинг сағанасида ўғурлаш воқе бўлди. Бу ёдгорлик солингон кундан бошлаб, соғонанинг ичидаги қабр теварагидаги Табризнинг Зангтар мармаридан қилинган плитада, фирузадан қилинган катта олтита чироғпоя шамдон турар эди.

Чироғпояларнинг теварагидаги ёзувларнинг кўрсатишига қарафонда, Тожуддин Исфаҳоннинг ўғли уста Изаддин уларни

Амир Темурнинг амри бўйича ҳижрий 799 йилда (милодий 1397 йилда) Шайх Аҳмад Яссавийга ёдгор учун ясафон эди. Исфаҳоний устонинг моҳир кўли мазкур чироғпояларга ажабона ўймагарлик нақш солиб ва нуқра (кумуш) чопиб безаб қўйгон эди. Мусулмонлар санъатини яхши билгучиларнинг фикрича, бу чироғпояларнинг мисли, ўхшашлари йўқ экан. 12 феврал эртасида кечаси маҳкам қуфлаб қўйилғон соғонанинг ичида мазкур чироғпоялардан бештасигина қолғонлиғи маълум бўлди. Беш чироғпоянинг тепасида турғон олтинчиси ўз жойида йўқ эди. Жиноят изларига қарағанда, соғонанинг очиқ тиразасига ташқаридан норвон қўйилиб кирилганга ўхшайди. Бу жиноятни текширгучилар жиноятни қилиш равиши, ўғирланғон нарсанинг катта-кичиклигига ва ўғирлиғи жиноят қилишға бир неча киши иштирок қилғонини ўйлашға мажбур қиласди", — деган фикрга келдилар.

Халқнинг ўтмишдаги улуғ истеъоди, сўнмас санъати, жозибадор маданияти ҳақида гувоҳлик берувчи бинокорлик ёдгорликларини давлат муҳофазасига ўтказиш, уларни эҳтиёткорлик билан асраш ва вақти-вақти билан таъмирлаб туриш ишлари фақат XX асрнинг сўнгги чорагида амалга оширилди. 1923 йилда Шўролар ҳукумати томонидан мақбарани муҳофаза қилиш, таъмирлаш ҳақида дастлабки қарор қабул қилинди. 1928—1957 йилгача М.Е. Массон, Т. Мирдиазов, А. Бакланов раҳбарлигидаги олимлар томонидан муайян тадқиқотлар олиб борилди. Тажрибали муҳандис ва олимлар бу тарихий бинони мукаммал ўрганиб, илмий мақолалар ёздилар, уни таъмирлаш бўйича тегишли маслаҳатлар бердилар.

1951—1957 йилларда мақбарани Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент ва қўқонлик кўли гул тажрибали усталар таъмирлаб, бинога қайта ҳаёт бағишиладилар. Шарқнинг ҳашаматли ва гўзал тарихига қарашли маҳсус илмий-таъмирлаш устахонаси ташкил этилди. А. Ордабоев, Б. Туёқбоев, Ф. Сураймонов сингари тажрибали меъморлар, айниқса, катта жонбозлик кўрсатиб ишладилар. 1993 йилдан Қозоғистон ва Туркия давлатлари маданият вазирликлари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини Туркия ҳукумати ҳомийлиги ва бевосита иштирокида таъмирлаш ишлари кенг йўлга қўйилди. Туркия ажратган 25 миллион АҚШ доллари ҳисобига мақбара-

ни пойдеворидан то гумбазгача тўлиқ таъмирлашга киришилди. Ушбу йирик тадбирни Туркиянинг "Вақф Иншаат" фирмаси меъморлари Анқара ва Истанбулдаги университет олимлари билан ҳамкорликда олиб бордилар. Икки қардош ҳалқнинг маънавий бойлиги ва Амир Темур даври меъморчилигининг тож асари бўлган ушбу қадимий ёдгорлик биз учун ҳам қимматлидир. У ҳалқимизнинг маданий мероси ва аждодлар тажрибасини ўрганиш манбаи бўлиб хизмат қилали. Шунинг учун ҳам тарихий ва маданий ёдгорликларимизни кўз қорачигидек асраш, таъмирлаш ва келгуси авлодларимизга етказишдек буюк мақсад ҳамиша ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва давом эттиришни тақазо этади.

Ҳа, йиллар, асрлар ўтаверади. Лекин бу мақбара ўзининг гўзаллиги, муҳташамлиги, безак ва гулларининг нодирлиги билан кишиларни ҳайратда қолдириб келаверади. Дарҳақиқат, Туркистон шаҳри бир вақтлар бутун мусулмон шарқида диний ва маърифий марказлардан бири бўлиб, "иккинчи Макка" деб юритилган. Бу табаррук даргоҳга илк бор қадам кўйган кишилар ҳам, қайта-қайта келганлар ҳам бу тарихий нодир обидани инсон ақл-заковатининг тенгсиз мўъжизаси сифатида ҳали-ҳануз эътироф этадилар ва эъзозлайдилар.

Иккинчи бўлим

БЕКЛИКЛАР – АМИРЛИК ТАРИХИ КЎЗГУСИ

XIX АСР ЁЗИШМАЛАРИДА НАСАФ БЕКЛИГИ ТАРИХИ

Манбаларда қайд этилишича, Насаф Бухоро амирлигининг шарқий қисмида жойлашган муҳим маъмурий, иқтисадий, сиёсий ва маданий марказлардан бири бўлиб келган.

Бу беклик тарихини XVIII аср охири ва XX аср бошлигига доир қўллэзма асарлар, солномалардан ташқари, шу давр ҳукмдорларининг ўз яқинлари, амалдорлари билан ёзишмаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай расмий ёзишмалар асосан фармонлар, иноятномалар, муборакнома, аризалардан иборат бўлиб, уларда манфитлар сулоласи давлатчилиги тарихига оид қатор масалалар ўз аксини топган.

Ўз ФА ШИ қўллэзмаларининг асосий фондида сақланадиган сакизиста "Хужжатлар тўплами"да беш мингта яқин "Мактубот, муншаот ва марсумот"лар жамланган. Улар асосан XVIII асрнинг охиридан XIX асрнинг 80-йилларигача бўлган даврни қамраб олади. Мазкур тўпламлар, асосан, Бухоро амирларининг вилоят ҳокимлари, қулли күшбегилари, йасавул-у уламолари ва лашкарбошилари билан ёзишмаларидан иборат. Тўпламдаги мактублар турли ҳажмда бўлиб, мавзулари ҳам хилма-хилдир. Шулардан 2 таси 1796—1797 йилларга тўғри келади, 81 таси 1800—1803 йилларни ва қолган 197 тасининг санаси кўрсатилмаганлиги сабабли, уларни Муҳаммад Ҳаким бий иноқ мансабидан меҳтар ва девонбеги унвонини олган йилларни аниқлаб, шу йилларда мактублар жўнатилган деб қабул қилдик. Бу хужжатлар, асосан, ўзбек давлатчилигининг XVIII—XIX асрлар тарихига оид ёзишмалардан иборат.

Мактубларни мавзусига қараб, тўргу гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга шахсларни лавозимиға тайинлаш ёки бўшатиш, амалини суиистеъмол қилган амалдорларни жазолаш, яхши хизмат кўрсатганларни сийлаш ва мансабини кўтариш каби масалаларни қамраб олган мактублар киритилди. Уларда Амир Ҳайдар Қарши (Насаф)даги, ҳатто, айрим қасаба ва мавзелардаги идора усулига эътибор беришни, бирон ишқалликлар юзага келгудек бўлса, бундай жойларга марказдан, яъни ҳоким идорасида ишлаб, бек назарига тушган ва ўзи шахсан ишонған шахсларнинг бошқарув ишига жалб этилишини уқтирган. Ёзишмаларни кўздан кечирар эканмиз, амирнинг вилоят ҳокимидан тортиб, мадрасаларга мутаваллийларнинг номзодини белгилашгача бўлган ҳар бир фармонни ўзи тайёрлаб берганига гувоҳ бўламиз.

Иккинчи гуруҳга, асосан, сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий масалаларга доир ҳужжатлар киради. Уларда ер-сув масалалари, солиқлар тизими ва тури, вақф мулклари, кўчмас мулклар олди-сотдиси, пул-муомала бирликлари, асоссиз ундирилган солиқлар ва марказий ҳукуматга жойлардан жўнатилган норозилик аризалари туфайли бу масалани қозихоналарда кўриб чиқиб, ортиқча ундирилган солиқларни эгаларига қайтариш; порахўрлар, тамагирлик оқибатида амалини суиистеъмол қилган амалдорларни жазолаш; ариза ва шикоятлар қайси амалдор устидан бўлса, бу норозиликларнинг олдини олиш мақсадида Насаф ҳокимиға, ўша ишларга мутасадди шахслардан ҳисобот талаб қилиш каби масалалар баён этилган.

Учинчи гуруҳдаги мактубларда ҳарбий ишларни ташкил этиш, Қарши беклиги атрофидаги 15 дан ортиқ қалъаларга доимий кўшин тўплаш, моддий таъминот, уларга курол-аслаҳа ва от-улов ажратиш, кўшинлар таркиби: "илфор", "навкар", "шогирдпеша"лар танлаш ва ҳарбий хизматга жалб этиш, айрим вақтларда "қора-черик" йифиш ва уларни сафарбар этиш; ҳарбий кўриклар ўтказиб туриш; кўрғон ва қалъаларни вақти-вақти билан таъмирлаш ва янгиларини куриш, умуман амирликнинг шарқий ҳудуди бўлмиш Насаф беклигини ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамлаш каби масалалар баён этилган.

Тўртинчи гуруҳга эса аралаш масалалар, бекликнинг турли жойларидан олинган ахборотномалар: хат-хабарлар, тижорат масалалари билан Насафга келиб-кетган савдогарларнинг ҳисоботлари, таълим-тарбия масалалари, мадраса

талабаларини дарсликлар билан таъминлаш ва уларга уч босқичли ("аъло", "авсат" ва "адно") маошлари бериш, мударисларнинг вазифалари (моянаси) ва уларнинг иш тартибларини тафтиш этиб туриш каби масалалар баён этилган ҳужжатлар киритилди.

Тўпламдаги тўрт гурухга мансуб ҳужжатларни тадқиқ этиш XVIII аср охири ва XIX асрнинг 80-йилларида Насаф беклигидаги давлатчилик асослари ва уларни ҳаётга татбиқ этиш учун олиб борилган чора-тадбирларга ойдинлик киритади.

Мазкур ҳужжатларда Бухоро амири — Амир Ҳайдарнинг ўз даврида қўшни давлатлар билан ташқи алоқаларни яхши йўлга қўйиши ва мамлакатни марказлаштириш соҳасида юзага келган ички зиддиятларни бартараф этиши; амирлик қудратини мустаҳкамлаш учун муентазам қўшин тузиши; солиқ системасини тартибга келтириши; ер-сувга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган ислоҳотларни ўтказиши; пул ислоҳотини амалга ошириши; бошланғич мактаб таълимотининг мажбурий тизимини жорий этиши; мадрасани битирган талабаларни имтиҳон этиш ва билимига қараб лавозимга тайинлаш каби қатор тадбирларни ўтказгани ўша даврдаги расмий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Бухоро амири Шоҳмурод ўз хукмронлиги даврида (1785—1800) ўғли Амир Ҳайдарни валиаҳд қилиб, уни Қарши беклигига ҳоким этиб тайинлайди. Отаси вафотидан сўнг Бухоро таҳтини эгаллаган Амир Ҳайдар ўз ўрнига қайноғаси Муҳаммад Ҳаким бий иноқ ибни Муҳаммад Ўткурбий кулли Күшбегини ҳоким этиб қолдиради. Янги тайинланган ҳокимнинг ҳали бундай муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган бекликни бошқаришдаги тажрибасизлигини эътиборга олиб, Амир Ҳайдар доимо Ҳаким бийни назорат қилиб, бошқарув тизимиға доир ўз маслаҳат ва фармонлари, иноятнома ва муборакномаларини деярли ҳафтада чопарлар орқали жўнатиб турган (ўз навбатида Муҳаммад Ҳаким бий ҳам Бухорога хат-хабарлар йўллаб турган). Жумладан, Амир Ҳайдар бир мактубида ўз қайноғасига Қарши беклигини бошқаришда ўз акалари Ниёзбек бий ва Ражаббек ҳамда тоғаси Давлатбек бийга суюниб, улар билан бамаслаҳат иш тувишни тавсия этса, иккинчи хатида Шаҳрисабз ва Китоб бекларидан эҳтиёт бўлишни уқтирган.

Амир Ҳайдар бир хатида шундай ёзади: "Биз Қарши (беклиги)ни бошқариб турганимизда, қўнғиротликларни бандликдан озод қилган эдик. Сиз ҳам уларни озод қилинг ва тазийқ ўтказманг. Эрсари жамоаси ўз қальасига эга эмас, бу эса уларни тушкунликка туширмоқда. Улардан ўзингизни қандай оқлайсиз, инсоннинг адашиши нималарга олиб келиши мумкин. Бу ишни ўрнига қўйиш учун бирор кишини ажратинг ва бу масалани барча тафсилотларини ўрганиб чиқинг, сўнг бизга хабар беринг".

Демак, амир Насафдаги мудофаа қўрғонларига катта эътибор берган. Сабаби, барча мудофаа қўрғонлари Қарши беклигининг деярли шарқий ва жанубий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, улар Шахрисабз ва шарқий худудларни ташқи ҳужумлардан мудофаа қилишга мўлжалланган эди. Шуларни эътиборга олган Амир Ҳайдар отаси ҳукмронлигига барпо этилган 8 та қалъа-қўрғонлар ўрнига уларнинг сонини 15 тадан оширган. Жумладан, Амир Ҳайдар 57-рақами мактуб орқали қуйидагича фармон жўнатган: "Чироқчи ҳам Қарши беклигига маъмурий жиҳатдан қарам. Сиз Охунд Мулла Саййидқул манғитни қози қилиб тайинлаш тўғрисида бизнинг номимиздан "ёрлик" тайёрланг. Лекин Охунд Мулла Саййидқул рози бўлмаса, ўрнига Олимхўжа-га "садр" унвонини беринг ва ундан олий фармонга риоя этишни талаб қилинг".

Мудофаа мақсадларида курилган қалъалар стратегик жиҳатдан қулай ва мустаҳкам таянч — истеҳком вазифасини бажариб келган. Бундай қалъалар Насафда XIX аср бошларига келиб, 15тадан ортиқ бўлган. Янгикўрғон, Фуржоб, Бастахон, Чироқчи, Ўртепа, Панжоб, Ўрмитан, Янгикент, Можар, Қамаши, Қўрғошим, Кум, Карки, Чилимбоши қалъалари шулар жумласидандир. Бундай қалъаларда тураржой бинолари ва ҳарбий қисмлар барпо этилган бўлиб, улар бекликнинг қайси ерида жойлашганига қараб, катта ёки кичик бўлган. Ҳар бир Қўрғонда 100 дан 1000 нафаргача мунтазам қўшин сақланган ва улар "жўл" солиғи ҳисобидан таъминланган. Ҳар бир қўрғондаги ҳарбий қўшин саркардлари билан яхши муносабат ўрнатишни, акс ҳолда бу бекликдаги ишлар тескарисига айланиб кетишидан Мұҳаммад Ҳаким бий огоҳлантирилиб турилган. Амир бир мактубида

бу ҳақда шундай хабар жўнатган: "Турсунхўжа ўроқ пирзодалардан, у баҳодирлар орасида энг ёшидир ва алоҳида эътиборга лойиқдир. Саройлик Муҳаммад Амин мироҳур эса хурматлиларимиздан, унга эътиборингизни кучайтириб, бошқалар билан ўралашиб қолишига йўл қўйманг. Бек Мирза қоровулбеги ҳам улардан қолишмайди.

Қарши аҳлини ва ундаги навкарларни ўзимизга самимий қалб билан яқинлаштира олмадик. Ишқилиб вилоятдаги ишларимизни чаппасига айлантирворманг. Саройлик Тоғай қўрчибоши, Берди жебоши, Муҳаммад Раҳим ва Бек-Мирза билан, яъни шу тўрт баҳодирнинг ҳар бирига бирдай яхши муносабатда бўлинг, акс ҳолда улар сизни ташлаб кетади. Бу эса ярашиш (битимимиз)га салбий таъсир этиши мумкин. Бухоро ва Қарши шогирдпешаларини ёшига қараб (истеъфога чиқариш учун) ажратиб чиқинг. Амримизга амал қилинг".

Шу билан бирга бу мактубларда жойлардан ундириладиган "хирож" ва "закот" солиқлари, уларнинг ўлчови, беклиқдаги 15 та амлокнинг аҳолиси учун сув таъминоти бўйича "Ҳақ-оба" ажратиш, мадрасаларда таҳсил олаётган толиби илмларга, уламо ва мударрисларга маош тайинлаш каби масалалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Амир Ҳайдар Муҳаммад Ҳаким бий девонбегига ёзган бир мактубида: "Маълумингиз бўлсинким, "Мадрасаи Олий" муллабаччалири ва уламолари учун ойлик маошларига 1000 "закот" ажратилган эди. "Сиз ҳам бир нарса ҳадя қилинг"— деб фармон берган эдик. Агар биз юборган маблағ камлик қилган бўлса, шу туфайли ҳаммага етмагандир. Ҳатто кейинги биринки ой ичида улар маош олмагандирлар. Биз "закот"ни йифиб бўлгач, шу даромаддан ҳофизлар ва "Мадрасаи Олий" талабаларига мояна тўлаймиз. Таниқли бойларимиздан вақтинчалик қарзга маблағ олинг ва уларни вазифа (маоши)ни тарқатинг. Закотдан йифилган даромаддан тезда қарзларни қайтарамиз. Сиз қори, хатм ўқувчилари ва эшитгувчиларга мояналарни тарқатинг. Аллоҳ насиб этса, "закот"ни вақтида йифиб оламиз ва қарзларни тўлаймиз".

Амир Ҳайдар фармонига кўра, Қарши беклигидаги 2 та қозилик ишларини назорат этиш идораларининг фаолият олиб бориши кўзда тутилган: 1) жами бой аҳоли Ниёзбек

бийга; 2) олимлар, саййидлар, аймоқлар, яъни жами бекликдаги мансабдор ва хурматли зотлар эса Мұхаммад Ҳакимбек бийга мурожаат этишлари лозимлиги белгиланған. Қолған раиятнинг эса, халқ қозиси — Аваз оғалиққа арз қилишлари лозимлиги тайинланған.

Түпламдаги ёзишмаларни күздан кечирар эканмиз, Амир Ҳайдарнинг қарши беклигидаги 10 нафар мансабдор шахсга ўз ақл-заковатларига кўра марҳамат кўрсатишлари, раиятга зарурий умумий таълим учун ўз ҳиссаларини қўшишлари мажбурийлиги ҳақида кўрсатма берганига гувоҳ бўламиз. Шу билан бирга, Амир Ҳайдар беклигидаги 23 та жамоага 26 нафар муаллимни маҳрамлар кузатувида жойларга жўнашларига фармон юборар экан, шундай ёзади: "Сиз мазкур уламоларга тайинлаб кўйингким, улар зарурий умумий таълимни барча тобе раиятга билимни пухтароқ эгаллашларини таъминласинлар, муҳтасиблар ҳам уларга ёрдам берсинлар. Токи зарурий умумий таълимдан бирорта ҳам балофатга етган киши қолмасин.

Қарши ва Фузорга юборилган уламолар жойлардаги муаллимларга бош бўлсинлар. Келиф, Шеробод, Сайдобод, Пошхурд ва Панжобга жўнатилган уламоларга ҳам маҳрамлар (Бухородан) етиб борадилар. Жойлардаги муаллимларни назорат этувчи уламолар, маҳрамлар улар билан бирга истиқомат қилмоқлари лозим ва хизмат ҳақлари қонунга мувофиқ тўланади.

Кўрсатмаларга мувофиқ амал қилинг ва унга хилоф иш тутманг. Вассалом, 1218/1803—04 йил".

Шундай қилиб, "Хужжатлар тўплами"даги 280 ҳужжат ўрганиб чиқилганда шу нарса аён бўлдики, Амир Ҳайдар Бухоро давлатида, шу жумладан Насафда юз бераётган барча ишлардан хабардор бўлиб борган ва шу маълумотлардан мамлакатни бошқаришда фойдаланған. Унинг қатор ислоҳотлар ўтказишга қаратилган тадбирлари, жумладан: мунтазам илфор қўшин тузиш, солиқларни тартибга солиш ва ислоҳ қилиш, пул муомаласини изга солиш ва амирликда зарурий бошланғич таълимни жорий этиш кабилар ўша даврда маълум даражада ижобий ўрин тутган. Бу мактублар XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи чорагидаги Бухоро амирлигининг умумий ҳаётини холисона ёритишга ёрдам берувчи муҳим ва ишончли хужжатлардир. Ўша давр тарих-

чиси бу ҳақда шундай ёзади: "Амир Ҳайдар олим, саховатли одил ҳукмдор эди. Барча фанлардан муносиб билимларни эгаллаган эди. Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, у толиби илмларга (мадрасада) дарс берар, шогирдлари ўн беш мингдан кам эмас эди".

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳужжатларда ўша даврни тавсифловчи қайдлар, шунингдек, Амир Ҳайдар томонидан ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалар ривожи учун ўтказилган ислоҳотлар, манфитлар сулолалари давридаги давлатчилик тарихига оид қимматли ва ишончли маълумотлар баён этилган. Шу боис, улар миллий давлатчилигимиз тарихи, айниқса, Қарши (Насаф) беклигининг XIX—XX аср бошларидаги тарихини ўрганиш учун қимматли манба бўлиб хизмат қиласди.

НАСАФ БЕКЛИГИ XX АСР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА

Насаф — Бухоро амирлигининг шаркй қисмида жойлашган муҳим маъмурий, иқтисодий, сиёсий ва маданий марказлардан бири эди. Унинг тарихий илдизлари милоддан аввалги асрларга бориб тақалади. Насаф илк ўрта асрларда Жанубий Суғднинг муҳим худудларидан бири ҳисобланган. Қадимшунос ва илк ўрта аср манбалари бўйича тадқиқотлар олиб борган олимларнинг фикрича, Насаф Мовароуннаҳрадаги бошқа шаҳарлар билан типологик умумий қонуниятлар асосида ривожланган ва янги босқичларга кўтарила борган.

Насафга бағишлаб ёзилган маҳсус асарлар кўп бўлса-да, аммо археологик тадқиқотлар фан учун илмий ахборотлар ва тарихий манбалар каби кўпгина қимматли маълумотларни беради. Жумладан, ўрта аср ёзма манбаларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, Шарқ давлатларида, яъни Насафда ҳам мураккаб тарихий жараёнлар давомида шаҳарсозлик ва ижтимоий ривожланиш аломатлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Мазкур манбаларда тарихий тараққиёт давомида барпо этилган мудофаа иншоотлари, маъмурий биноларнинг қурилиши, аҳоли нуфузининг ошиб бориши ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Сўнгги ўрта асрларга оид ёзма манбаларда таъкидланишича, Насаф (Қарши) беклиги Бухоро амирлиги таркибида

муҳим мавқега эга бўлиб қелган. Айниқса, XVIII аср охиридан бошлаб у Бухоро давлатининг шарқий ҳудудларини бошқаришда катта мавқега эга бўлиб, унинг ҳарбий-сиёсий таянчи ва иккинчи пойтахти вазифасини ўтаб қелган.

Насафнинг янги тарихи, чунончи, XVIII аср охири—XIX асрлар оралиғидаги тарихини ёзма манбалар ва тарихий хужжатлар асосида таҳлил этиб ўрганишни олдимиизга мақсад қилиб қўйдик. Зотан, Насафнинг ана шу давр тарих билан боғлиқ манбалар тадқиқот доирасида кам илмий муомалага киритилган. Шундай манбаларда: Мирза Муҳаммад Салимбекнинг "Тарих-и Салимий", Мулла Абдураҳмон Такини Бухорийнинг "Матлаъу-л-фоҳира ва матолиби-ззоҳира", Содиқ Гулшанийнинг "Тарих-и Ҳумоюннома", Мирза Абдулазим Сомеънинг "Түҳфайшоҳи" каби қўллётма асарлари ҳамда ЎзФАШИ қўллётмалар жамғармасида сақланяётган Бухоро амирлари ёзишмаларидан иборат тўпламлар ҳисобланади. Мазкур манбалардаги Насаф беклиги тарихига оид маълумотлар илмий муомалага киритилмаган. Бугун эса уларни тадқиқ этиш мавриди келди, деб ўйлаймиз.

XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган бухоролик тарихнавислардан Мирза Муҳаммад Салимбек ибн Муҳаммад Раҳимнинг "Тарихи Салимий" асари Бухоро амирлигига манғитлар сулоласининг ҳокимият тепасига келганидан то амир Музффар давригача бўлган, яъни амирликнинг ярим мустамлака ҳолатига тушган тарихий жараён (49*—61*)* ўз аксини топган. Асарда (44*—49*) Фузор ва Насаф бекликларини амир Дониёлбий бошқарган даври, Бухоро амири Абдулфайзхон билан Эрон шоҳи Нодиршоҳ ўртасидаги ҳарбий тўқнашувларнинг ана шу ҳудуд билан боғлиқ тафсилотлари кенг баён этилган. 1739—1740 йиллардаги тарихий воқеларда Насафнинг алоҳида аҳамият касб этгани ҳам кенг баён этилган.

Насаф шаҳри, унинг қалъалари ҳақида "Тарихи Салимий"да шундай ёзилади: "Наҳшаб Мовароуннаҳрининг вилоятларидан бири бўлиб, Бухоро билан унинг орасидаги масофа 18 фарсахни (1 фарсах—7—8 км), Фузор билан эса 6 фарсахни ташкил этади. Вақт ўтиши билан Наҳшаб Насаф деб, кейинчалик Қарши деб номланган. Мўғул хонларидан Кепакхон (XIV аср) даврида сарой қурилиб, шундан бошлаб бу жой Қарши номи билан машҳур бўлган".

Насаф шаҳри, унинг қалъалари ҳақида Мирзо Салимбек қўйидаги маълумотларни баён этади: "Карши қалъасида "Иди-хони" масжиди, шаҳар ичидаги атроф ҳудудларида бир неча ўнлаб беш вақт намоз ўқийдиган "Намоз-и панж вақти" масжидлари бор. Бу вилоят Афғонистон ва Ҳиндистон савдо йўлида жойлашган. Унинг чекка даштликларида туюва ёввойи чўчқалар бор. У ерда кулранг ва жигарранг жунли қоракўл қўйлари боқилган. Деҳқончиликда фалладан ташқари боғдорчилик тараққий этган. Айниқса, "обжўш майизи" ва кунжутнинг сероблиги билан ажралиб туради. Олий нав майиз кўп жойларга жўнатилади".

Насаф ҳунармандчилиги ҳақида у шундай ёзади: "Бу вилоятда намат босиш, гилам тўқиши, турли "алочалар" — ип ва ипак алочалари, "ним-шоҳи" матолар тўқиши яхши йўлга қўйилган. Аъло сифатли "бағдодий эшиклар" нинг довруғи нафақат атроф бекликларга, балки қўшни мамлакатларга ҳам етиб борган. Бундаги ҳунар аҳли маҳсулига хорижда ҳам талаб бисёр. Урганчдан ҳар йили тижоратчилар бу ерга келиб, ўз юртларига кўплаб намат ва "бағдодий" эшикларини харид қилиб, ўз ватанларига олиб кетадилар".

Насаф вилоятидаги қасаба, шаҳар, мавзе ва қалъалар ҳақида ҳам фан учун муҳим маълумотлар келтирилиб: "ундаги аҳоли (нуфуси) тахминан юз мингдан ортиқдир", — деб ёзади. Манғит амирлари тарихини баён этар экан: "Бухоро амири Шоҳмурод (Амири Маъсум) давридан бошлаб, таҳт валиаҳдлари Қарши беклигига яшаб, шу вилоятни бошқарганлар. Амир Ҳайдар (1800—1826) ва Амир Насруллоҳ (1826—1860) Бухоро таҳтига ўлтиргунга қадар шу вилоят беклари эдилар" — деб ёзади.

Бухоролик иккинчи тарихчи ва шоир Абдураҳмон Тамкин Бухорийнинг "Матлаъу-л-фохира ва матолибу-з-зоҳира" номли тарихий асарида ҳам Насаф вилояти ҳақида янги маълумотлар қайд этилган. Жумладан, у: "Насафнинг об-ҳавоси мўътадил, ниҳоят хушманзара, кўплаб бўстонларга эга. Унинг суви Кеш (Шаҳрисабз) ва Самарқанддан оқиб келади, таъми жуда ширин. Ери соз ва унумдор, деҳқончилик учун бисёр кулай, фалласи мўл ва чорваси беҳисоб, олий нав қоракўл қўйлари сон-саноқсиз. Хушбичим ва чиройли матолари, эшиклари, дилни хушнуд қилувчи палос ва наматлари бу ҳудуд аҳлининг қўли гул усталигини намойиш этади.

Насаф атрофидаги ерлар шикор ва овчилик учун қулай, чекка атрофларидаги даштларда эса тез юрар туялар, ёввойи чўчқалар кезиб юради".

Вилоятдаги ер ости бойликларидан симоб конларига китобхоннинг дикқатини жалб этар экан, муаррих Қўйида-гиларни қайд этади: "Хурсондан Наҳшабга келганлар ун-даги "симоб кони" ҳақида хабар берурлар ва уни ўз ватан-ларида қадри баланд эканини қайта-қайта таъкидлайдилар".

Тамкин Бухорий тарихий воқеаларни баён этар экан, Муқаннанинг ўлими билан боғлиқ айрим сабабларни ҳам назардан четда қолдирмайди. Шунингдек, у мазкур вилоятда яшаб ўтган тарихий шахслар, алломалар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтиради. Жумладан, шу вилоятдан: Абу Туроб Наҳшабий, Шайх Умар Насафий, Шайх Ҳасан Насафий, Шайх Тожуддин Насафий, Хожа Али Насафийларни чуқур эҳтиром билан тилга олади. Шулардан бири — Ином Мустағфарий ва унинг "Далоилу-н-нубувват" асари-ни қайд этади. Шунингдек, Мавлоно Бинойнинг мозори ҳақида маълумот келтирас экан, бу алломанинг қабри Наҳшабдаги жоме масжидининг орқа қисмида жойлашганини ёзди ва бу шахснинг ислом оламида "Нажми соний" увонига тенг аллома эканини таъкидлайди.

Бухоролик тарихчи Содиқ Гулшанийнинг "Тарихи Ҳумо-юннома" асарида ҳам Насаф ҳақида эътиборга молик маъ-лумотлар қайд этилган. Ушбу асар XX асрнинг иккинчи ярми тарихнавислигида яратилган шу турдаги бошқа ман-балардан ўзининг ўта муҳим маълумотлари, фикрларининг қисқа ва аниқ баён этишлиши билан ажралиб туради. Бу асар асосан манғитлар сулоласига бағишланган бўлиб, у Бухоро амирлигига тобе вилоятлар, туманлар, амлокдор-ликлар, айрим мавзелар ва улардаги тарихий обидалар, савдо марказлари, хунармандчилик турлари, айрим тарихий воқеалар, шу вилоят ва туманларда яшаган тарихий шахслар, алломалар ва Бухоро давлатининг Шарқ мамлакатлари билан савдо, элчилик муносабатлари ва бошқа маданий ало-қаларига бағишланган. Муаррих Насаф вилоятига таъриф берар экан, шундай ёзади: "Насаф шаҳри бисёр дилхуш ва хушманзара. Ҳалқи жасур ва меҳмондўст. Шаҳарда мадраса ва масжидлар, хонақоҳлар бисёр, қалъалари мустаҳкам,

бозорларида 212 хил ҳунармандчиллик маҳсулотлари билан савдо қилинади. Шаҳар атрофида работ ва саройларда, карвонсаройларни боғловчи карвон йўллари орқали келган тижоратчилар савдо қиласидилар, улар ўзлари билан биргаликда олиб келган матоҳ ва молларни бу ерда сотадилар. Айни пайтда бу вилоятдаги асл мато ва турли асбобларни ҳам харид қилиб, ўз ватанларига олиб кетадилар". У яна Насаф ҳақида шундай ёзади: "Насаф ерларида "обжўш майизи" нинг сараси битади. Кунжут, писта бунда сероб, ҳолваси ширин, энг олий нав тамаки ҳам шу ерда битади. Ҳунармандлари намат босишида, гилам тўқишида уста. Бунда турли хил алочалар: ип ва ипакдан тўқилади, нимшоҳи матолари нафис".

Тўртингчи бухоролик тарихчи Абдулазим Сомеънинг "Туҳфайи шоҳи" асари ҳам олдинги маълумотлар билан ҳамоҳангдир. Муаррих Насаф шаҳридаги қурилиш иншоотлари, унинг кўчалари ва чорсусига баҳо бериб, тарихий обидалари ҳақида бошқа асарларда учрамайдиган айрим аниқ маълумотларни қайд этади. Жумладан, у: "Қарши қальясида саккизта "Идихони" ва саккизта "Жума-хони" масжидлари бор. Шаҳар ичи ва унинг атроф ҳудудларида жойлашган жуда кўп "Намози панж вақтин" (бешвақт намоз ўқиладиган) масжидларида беклиқдаги мусулмонлар намоз ўқийдилар", — деб ёзади.

Сомеъ Насаф аҳолиси ҳақида баён этар экан: "Бу беклиқдаги нуфус эркаклардан тортиб аёлларгача, қариялардан ёшларгача, шаҳардан саҳроларгача тахминан ўн лакни ташкил этади... Ҳар йили Урганч аҳли тижоратчилари бу жойга келиб савдо қиласидилар ва қайтишларида "бағдодий" эшик ва наматлардан харид қилиб, ўз ватанларига олиб кетадилар", — деб ёзади. Бу вилоятдаги ижтимоий-иктисодий аҳволга баҳо бериб, ундаги ер эгалиги ва вақф масалаларига ҳам тўхталади. Бу ҳақда у: "Қарши беклиқдаги катта ер майдонларидан Косон атрофидаги даҳалар Самарқанддаги Шердор, Тиллакори, жумладан, Амир Ҳайдар қурдирган "Мадрасаси Олий"га вақф қилингандлар", — деб маълумот келтиради.

Шу билан бирга, Бухоро амирлиги Русия томонидан босиб олингандан сўнг амир ва унинг ўғли ўртасидаги воқеаларга ўз муносабатини билдиради.

Асарда ёритилган айрим воқеалар, айниқса, Бухоро амирлигининг ички аҳволи, Бухоро—Русия уруши жуда мукаммал ўз ифодасини топган. Жумладан, Амир Музаффарнинг Насаф (Қарши), Кеш (Шахрисабз), Китоб ва Ҳисори Шодмон бекликлариға қилган ҳарбий юришларини муаллиф кузатувчи сифатида ёритган. Масалан, 1866—1868 йиллардаги воқеалардан саросимага тушган Амир Музаффар Россия билан сулҳ тузиш тараддудига тушиб қолади. Бу муроса йўли амирнинг валиаҳди Абдулмаликнинг норозилигига сабаб бўлади. Натижада ота ва ўғил орасида кураш бошланади. Мирза Сомий бу исён тафсилотларини тилга олиб, Катта тўранинг (Музаффарнинг валиаҳди Абдулмалик "Катта тўра" номи билан машҳур бўлган) фаолияти тўғрисида қуидагича ёзади: "Кўзғолон олови аланга олиб, салтанат ва подшоҳлик низомига дарз тушиб, сарой аҳлининг бир йўла фармондан бош тортишга оз қолди. Шу пайтда жаноби олийҳазрат (Амир Музаффар) амирлар билан маслаҳатлашиб, низо губорини қўтариш ва бадкор тўрага панднасиҳатлар қилиш мақсадида аморатпаноҳ Абдулкарим девонбегини мактуб билан тўра олдига, Фузорга жўнатдилар. Девонбеги амрга мувофиқ Бухородан чиқиб, Қаршига йўл олди. Насриддинхон тўра (1851—1880) Қаршида, сўнг Чоржўйда ҳоким эди. Девонбеги унинг билан кўришиб, у ердан Фузорга ўтиб кетди ва тўра (Абдулмалик) саройига етди.

Девонбеги тўра ҳузуридан бирор натижага эриша олмай чиқди. Худоёр эшикоғабоши ўртага тушиб, девонбегига шикаст етказишларига йўл кўймай уни Қарши тарафга жўнатди. Элчи (девонбеги) Қаршига келиб, Қарши ҳокими Сайид Нуриддинхон тўра билан кўришли, эл-уруглари ҳамда Қарши амалдорларини тўплади ва уларни жаноби олийга (Амир Музаффарга) итоат этишга ундади... исён хавфидан ҳаммани огоҳлантириб, Осий тўра (Абдулмалик) ва исён аҳлини айни дамда яқдилликка даъват этди. Насиҳат мазмуни етиб борганидан сўнг (девонбеги) Қаршидан чиқиб, Бухорога келди ва кўрган-эшитганларини жаноби олийҳазратга арз этди.

Итоат этиш бобида Амир тўра ва унинг издошларидан умидларини уздилар ҳамда лашкару тўплар билан Бухородан чиқиб, Қарши сари йўл олдилар. Қарши яқинига етганларида вилоятнинг жами саркарда ва оқсоқоллари Нуриддинхон

тўра ҳамроҳлигида (амир) истиқболига чиқдилар ва Амир (Музаффар) билан бирга Қарши аркига тушдилар. Жаноби олий ҳамма саркардалар, оқсоқоллар ва сипоҳларга сарупо, от, абзал ва олтин инъом этиш билан эл кўнглини олдилар".

Бундан ташқари, тарихчилардан Муҳаммад Яъкубнинг "Гулшану-л-мулук", Ҳожи Муҳаммад Ҳакимхон ибн Сайид Маъсумхоннинг "Мунтахабу-т-таворих", Аҳмад Донишнинг "Таржима-и аҳволи амирони Бухоро-и шариф", Мир Олим Бухорийнинг "Фатҳнома-и Султоний" каби тарихий ёзма манбаларида ҳам Насаф вилояти тарихига оид қимматли маълумотлар бор. Бу тарихий асарларда асосан Амир Ҳайдарнинг таҳтга ўтириши, Марказий Осиёдаги тарихий воқеаларнинг Бухоро амирлиги билан боғлиқ томонлари, Амир Дониёл давридан Амир Абдулаҳадгача бўлган воқеа-ҳодисалар ҳамда Насаф беклигидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳарбий, маъмурий ва маданий ҳаёт, тарихий бинолар, савдо-тижорат, хунармандчилик ва солиқ масалалари, вақф, дәҳқончилик ва ер-сув билан боғлиқ муаммолар ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, XIX—XX аср бошларидаги ёзма манбаларда Бухоро амирлиги тасарруфидаги вилоятлардан бири — Насаф (Қарши) беклигининг тарихи батафсил ёритилган. Ватанимизнинг қадимий ва табаррук, гўзал ва кўркам гўшаларидан бири — Қаршининг тарихини ўрганишда ушбу тарихий асарлар муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

МУҲИМ МАКТУБЛАР

Қадимдан Марказий Осиё давлатларида кўлёзма манбалар қаторида, уларнинг ажралмас таркибий қисми — тарихий расмий хужжатларга ҳам муҳим аҳамият берилган. Тарихий хужжатлардаги қимматли фактик маълумотларни бошқа ёзма манбалардаги ўтмишда бўлиб ўтган ва кўлёзма асарларда ўз ифодасини топмаган тарихий воқеа-ҳодисаларни оидинлаштиришга, уларни қайта ўрганиб тушунишга ҳамда улар ҳақида янгича фикрлаш, мулоҳаза юритишга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистоннинг Марказий Давлат архивидаги бир неча жамғармаларда, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кўлёзмалар хазинасида, республикамиздаги икки йирик университетлар (ЎзМУ ва СамДУ) нинг фун-

даментал кутубхоналаридағи құләзмалар бўлимлари ҳамда жумҳуриятимизнинг йирик музейлари қошидаги құләзма фондларида 300 мингдан ортиқ тарихий расмий хужжатлар сақланмоқда. Бу хужжатлар асосан амирлик, хонликларнинг олий даргоҳларида: хонлар, амирлар, вазирлар, девонбегилар, жойлардаги вилоят ва туманлардаги маъмурий шахслар томонидан берилган — фармон, нишон, ёрлиқ, иноятнома, ариза ва мактуботлардан иборат. Иккинчи — қозихоналарда битилган фиқҳга мансуб вақфнома, ҳукмнома, чек, шажарә, эълон ва хитобномалардан иборат. Бу хужжатлар мунший ва мирзалар томонидан ёзилган: подшоҳлар, амирлар, хонлар, йирик давлат амалдорлари, қонун ва шариат пешволари номидан битилиб, уларнинг шахсий дастхати ва мухри билан тасдиқланган ва уларни фанда асл нусха хужжатлар деб аталади. Аксарият ҳолларда, хужжатларнинг қайта кўчирилган нусхалари учрайди. Шулар қаторида давлат идоралари, хусусий шахсларга тегишли мактублар: иншо, мактубот, муншаот ва маросумотдан иборат мажмуалар китобат шаклида ҳам етиб келган ва улар XV—XIX асрларга оидdir. Улар асосан Ўрта Осиё хонликлари худудларида битилган бўлиб, ўлка тарихи билан бир қаторда хорижий Шарқ давлатлари, жумладан, қўшни қозоқ ва қалмоқ хонликлари билан олиб борилган ўзаро сиёсий, элчилик ва маданий алоқаларга доир ёзишмаларни ўз ичига олади.

Институт қўләзмалар жамғармасида 289-тартиб рақами остидаги тўпламда XVI—XVIII асрларга доир асл нусхалардан кўчирилган уч мунший қаламига мансуб 340 та хужжатлар: "мактубот, маншурот ва маросумот" номи билан сақланади. У икки қисмдан иборат: биринчи қисми — Сайд Миракшоҳ ва Мулла Зоҳид мунший қаламига мансуб бўлиб, бунда асосан мактубот ва муншаотлар жамланган. Уларда асосан Бухоро ҳукмдорларидан: Имомкулихон (1611—1642), Абдулазизхон (1645—1680), Субҳонкулихон (1680—1702), Убайдуллахон (1702—1711), Абулфайзхон (1711—1747), Амир Ҳайдар (1800—1826)лар ва Эрон шоҳлари: Сулаймон I (1667—1694), Ҳусайн I (1694—1723); шунингдек, Ҳиндистон подшоҳи — Аврангзеб (1668—1707), рус императори — Александр I (1801—1825), Хива хони — Мұҳаммад Раҳим I (1806—1824), афғон амирлари — Мұҳаммадшоҳ (1800—1804) ва Шужо ал-мулк (1803—1842, узи-

лишлар билан), Кўқон хони — Умархон (1809—1822)лар билан ёзишмалари, яъни мактуботлари; шунингдек, Рум (Туркия), Шом (Ирок) султонлари, қозоқ ва қалмоқ хонлари ўртасидаги, яъни мартаба ва нишон ёки бир имтиёзни тасдиқлаш ҳақидаги иноятномага мансуб бўлган ҳужжатлар, яъни хон ва амирлар томонидан у ёки бу шахс, мартаба, нишон ёки бирон имтиёзни тасдиқлаш ҳақидаги ёрлик, иноятнома, марҳаматнома бериш каби давлатчилик маросимлари тарихига оид ҳужжатлар. Биз ана шу тўпламдаги Мулла Зоҳид мунший қаламига мансуб XVI—XVIII асрларга доир ҳужжат (в. 43а—48а) нақилининг матнини жорий алифбога табдил қилдик.

Бу мактублар туркий тилда битилган ва Аштархонийлар саройининг бош котиби томонидан ёзилган. Бухоро хонларининг олий даргоҳларида битилган бу ёзишмалар кўпгина тадқиқотчилар, шунингдек, олий ўқув юртлари бакалавриат ва магистратура тизимлари учун фойдали материал бўлар, деган умиддамиз.

Мактубларда куйидагилар қайд этилган: қозоқ хонларидан Шоҳмуҳаммаднинг Туркистон вилоятининг ҳокими этиб тайинланиши; Тураб, Баҳодир олчиннинг Бухоронинг Кармана вилоятига келиб, шу ерда яшаб қолгани ва у Бухорога бир юмуш билан боргач, қозоқ уруғларидан Бекфўлод, Кучум ва Жонибекларга берилган хабар; Куж Баҳодирга тегишли уйшун, аргун ва қўнғирот уруғларидан Наврузбеги, Султонбеги ва Эгачи номли аёлларни асирга олиб Бухорога олиб кетилганлиги ҳақида. Шоҳмуҳаммадга ўша асирларни топиб ўз ватанларига қайтариш тўғрисида Бухоро хони томонидан берилган иноятнома: Абдураҳим Хожанинг қозоқ хонлари юртига элчи этиб жўнатилганлиги ҳақида қозоқ хони Фойибхонга мактуб; қалмоқ хонига дўстлик ҳақида элчи юборилгани ва Санжархонни саркарда этиб тайинлаш ҳақида марҳаматнома; Мирза Хожанинг Бухорога элчи бўлиб келгани ҳақида қалмоқ хони Кўнақ Тойчига хабар каби ёзишмалар бор.

Бу расмий ҳужжатларда Бухоро хонларининг кўшни давлатлар билан элчилик, дўстлик муносабатлари, савдо масалалари, таъзия билдириш ва маданий алоқалар ўз аксини топган. Бундай мактуботларни илмий муомалага киритиш орқали, ҳозирги даврдаги қўшничилик, давлатлараро дўстлик ришталари, элчилик муносабатлари узоқ тарихга эга эканлиги маълум бўлади.

БУХОРО ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АСОСИЙ МАНБА (XIX—XX аср бошлари)

Ўзбекистон Марказий Давлат архивида Бухоро амирлигига тегишли ҳужжатлар сақланади ва у фанда "Қушбеги маҳкамаси архиви" деб номланган. Ушбу муассасадаги ҳужжатларда нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳаётига доир сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар акс этган қимматли маълумотлар мужассамлашган.

Мазкур мақолада "Қушбеги маҳкамаси архиви" фондига оид ҳужжатлар тавсифи, китобларнинг тузилиши ва уларнинг умумий мазмуни ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Бухоро амирларининг "Қушбеги маҳкамаси архиви"га доир ҳужжатларни қидириб топиш ва уларни ўрганиш 1931—1933 йиллардан бошланган. Бухоро музейи ходимлари томонидан хазинадан ушбу ёзма ҳужжатлар топилгач, уларни рўйхатга олиб қисқача тавсифлар тузишган, олти қисмга ажратишган:

- 1) Молиявий ҳужжатлар;
- 2) Бухоро ва Россия ҳукуматлари ўртасидаги ёзишма манбалар;
- 3) Ташқи давлатлар билан дипломатик алоқаларга доир ҳужжатлар;
- 4) Амир ва амирликлар мол-мўлкига доир ҳужжатлар;
- 5) Бухоро амирлигига ер-сув муносабатларига доир ҳужжатлар;
- 6) Турли ёзувлар.

Тузилган тавсифлар ҳисобот рақамларига кўра бу "Архив"да жами 77764 та ҳужжат тўпланган ва улар 268 та бойлам қилиб боғланган.

1937—1938 йилларда бу "Архив" Бухоро музейидан Тошкентдаги Давлат Марказий архивига жўнатилган ва бу ерда бу хазина "Архив Кушбеги эмира Бухарского" номи билан сақланмоқда. Бу "Архив" устида иш давом эттирилиб, ДМА раҳбарияти Бухоро музейи ходимлари билан ҳамкорликда изланишини давом эттирганлар. Натижада Бухоро қозихонаси маҳкамаларига доир олти мингдан ортиқ ҳужжатларни топишга эришганлар ва "Архив" хазинасини тўлдириб борган-

лар. Ҳазинани янги топилмалар билан бойитиб бориш билан бирга Давлат Марказий Архивидаги илмий ходимлар "Архив" ҳужжатлари устида изланиш ва тадқиқот ишларини ҳам давом эттирганлар. Улар янги топилмалар тавсифини тузиш ва жами ҳужжатларни тартибга келтириш мақсадида архивлар Бош бошқармасига мурожаат қилиб, 1955—1956 йиллар давомида қўшимча маблағ ажратилишига эришганлар.

Ташкилот раҳбарияти "Архив"даги жами ҳужжатлар тўлиқ илмий тавсифини тузиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти маъмури билан ҳамкорлик қилишга эришган. А. Ўринбоев, Д.Г. Вороновский, Л.М. Епифанова ва Г.А. Волошиналардан иборат гуруҳ бу ишга жалб этилган. DMA нинг етакчи илмий ходими К.З. Ҳакимова гуруҳ раҳбари этиб тайинланган. Шу тарзда "Архив" ҳужжатларининг янги тавсифи устида иш бошланган. Шарқшунос олимлар гуруҳи ҳар бир ҳужжат тавсифини тузар эканлар, бунда манбанинг тузилган йили, муаллифи, муҳрлари ва ҳужжатлар турини аниқлаб, улар қайси қисмга мансублигини ҳам белгилаганлар. Натижада, 1964 йилда "Бухоро Давлат архиви"нинг мукаммал илмий тавсифини тайёрлаб китоб шаклига келтирганлар.

Бу китобдаги рақамларга кўра, умумий ҳужжатлар сони 90000 дан ортиқ бўлган. Бу тавсиф бўйича "Архив"даги ҳужжатлар икки қисмга ажратилиб, биринчи қисм — Кушбеги маҳкамасига тегишли ҳужжатлар (опись №-1), иккинчи қисм — Бухоро ҳукумати билан Россия давлатининг Бухородаги сиёсий агентлиги ўртасидаги ёзишмалардан (опись №2) иборат эди. Аммо бизга номаълум сабабларга кўра мукаммал илмий тавсиф китоби ўрнига, 1968 йилда янги тавсиф китоби тузилган ва бу китоб тадқиқотчилар учун бирмунча нокулайликлар келтириб чиқаради. Биринчидан, бир масалага доир ҳужжатлар бир неча иш (дело)ларга тарқатиб юборилган, аммо ҳужжатлар рақамланиши олдинги тартибда қолдирилган. Иккинчидан, биринчи қисм (опись №1) билан иккинчи қисм (опись №2)даги ҳужжатлар аралаштириб юборилган ва иш (дело)ларга бўлиб ташланган. Учинчидан, ҳар бир ҳужжатга тузилган ва унга тиркаб қўйилган қисқа тавсифлар карточкалари йўқ қилинган. Шу сабабли учинчи (1968 йилда) тузилган тавсифлар

тўплами "Архив" ҳужжатлари устида ишлашни қийинлаштиради.

Охиригина тавсиф китобидаги рақамларга кўра, бу ҳужжатларнинг умумий сони 100000 дан ортиқ бўлиб, улар 2656 иш (дело)га жойлаштирилиб, ўн бир бобга ажратилган:

- 1) Маъмурий (административный);
- 2) Сиёсий (политический);
- 3) Ташқи алоқалар (внешние сношения);
- 4) Иқтисодий (экономический);
- 5) Суд-маҳкама ишлари (судебный);
- 6) Ҳарбий (военный);
- 7) Маданият ва оқартув (культура и быт);
- 8) Соғлиқни сақлаш (здравохранение);
- 9) Маориф ва дин (просвещение и религия);
- 10) Турли [масалалар](разное);
- 11) [Кирим-чиқим] дафтарлари ва [корреспонденция]

журналлари (тетради и журналы)дан иборат.

Шундай қилиб, "Архив" даги ҳужжатлар Бухоро амирлигининг XVIII аср охири, асосан XIX аср ва қисман XX аср бошларида давлат маъмурий тузилиши, худудий бўлиниши (вилоят, туман, амлокликлар, мавзе ва қишлоқлар рўйхатлари), идора усуллари, мансаб ва лавозимлар, сиёсий масалалар, ташқи алоқалар, ҳарбий ва суд-аддия ишлари, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаёт, соғлиқни сақлаш ва бошқа турли масалаларни қамраб олувчи тарихий жараённи ўзида жамлаган. Шуларни назарда тутган ҳолда, Бухоро амирлиги тарихи устида изланиш олиб боришда асосий манба ҳисобланган ушбу "Архив" манбаларини ўрганиш ва илмий муоммалага киритиш давр тақозоси деб ўйлаймиз. Зеро, ҳозирги даврда Ватанимиз тарихини қайта ёзиш вазифаси қўйилган экан, Бухоронинг XIX—XX аср бошларидағи тарихини ёзишда "Архив" мухим манбадир. Юқоридагиларни назарда тутиб, биз "Архив" ҳужжатларининг ҳар бир боби ҳақида қисқа қисқа маълумот бермоқчимиз.

Биринчи боб 8896 та ҳужжатдан иборат бўлиб, улар 238 та иш (дело)га жойлаштирилган. Улардаги ҳужжатларнинг асосий қисми Бухоро амирларининг фармонлари, ёрлик, нишон, иноятнома, ҳукм, муборакномалардан ташкил топган ва XVIII аср охиридан XX аср бошларигача бўлган даврни ўз

ичига олади. Булар ўша даврдаги давлатчилик тизими, бошқарув ва назорат, амирликнинг маъмурий бўлиниши; мансаб ва амалларга тайинлаш масалаларига доир маълумотлардир. Жумладан, амирлик жойларидан, яъни маҳаллий бошқарув идораларидан кулли қушбеги номига жўнатилган 180 та маълумотномалардаги "Ариза" (ёзишма)ларга кўра: Кармана вилояти — 29320 таноб, Зиёвуддин — 20365 таноб, Хатирчи — 68430 таноб, Нурота вилояти — 22830 таноб, Чаҳоржўй — 83020 таноб, Усти — 100000 таноб, Бурдалиқ — 47710 таноб, Келиф — 547750 таноб, Карки — 892934 таноб, Китоб — 78988 таноб, Шахрисабз — 48437 таноб, Яккабоғ — 95864 таноб, Чироқчи — 602983 таноб, Фузор — 31650 таноб, Қарши — 205005 таноб, Бойсун — 332360 таноб, Шеробод — 619956 таноб, Деҳнов — 63815 таноб, Кўлоб — 760650 таноб, Қабодиён — 3080900 таноб, Балжуон — 1864614 таноб, Кўргонтепа — 1020850 таноб, Сариосиё — 577700 таноб, Ҳисор — 3293167 таноб, Қаротегин — 1429524 таноб ва Дарвоз вилояти — 1428188 танобни ташкил этган. Ўша хужжатларда Фарбий Бухородаги ўнта туманлар: Мозор ва Хиргўш — 289000 таноб, Хутфар (Зандани) ва Сомчин (Ромитан) — 198650 таноб, Коми Абу Муслим (Вағонзи) — 40875 таноб, Хирқонруд (Фиждуон) — 84213 таноб, Қарокўл — 232050 таноб, Хайрабод (Қаро-Кўнғирот) — 102500, Комот (Вобканд) — 58285 таноб, Пирмаст (Шофиркон) — 85836 танобни ташкил этгани ҳақидаги маълумотлар фан учун қимматлидир. Бошқа бир хужжат ана шу вилоят ва туманларни бошқарган мансабдорлар — додхудо, тўқсанбо, эшик оғабоши, деҳхудо, иноқ, бий ва девонбеги лавозимларини эгаллаганликлари ҳақида маълумот беради. Умуман, бу бобдаги ҳар бир хужжат Бухоро амирлигининг XIX—XX аср бошларидаги маъмурий-худудий бўлиниши, бошқарилиши, мансаб ва амалларга тайинланиши ва бошқа идора усуслари ва назорат каби масалаларни ўз ичига олади.

Иккинчи бобдаги хужжатлар сони 13403 та бўлиб, улар 504 та иш (дело)га жойлаштирилиб, катта ҳажмни ташкил этади. Бундаги маълумотлар асосан амирликдаги ички сиёсий аҳволни қамраб, улар амир билан кулли қушбеги (бош вазир) ва уларнинг ўзаро ва жойлардаги бек (ҳоким), қози, девонбеги, амлокдор, раис, амирликда мавжуд туркман, араб,

эрон ва бошқа уруғ бошлиқлари билан ўзаро ёзишмаларидан иборат ҳисоботлардан, ахбортлардан ташкил топган. Шу билан бирга Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудидаги (Денов, Шаҳрисабз, Бойсун ва бошқа) вилоятларни қайта босиб олишлари ҳақидаги маълумотлар, ҳамда Амир Музаффар томонидан мамлакатни марказлаштириш борасидаги ҳаракатлари, мамлакат ички аҳволига доир хабарномалар, четга чиқиши учун юқори маъмурий идораларга жўнатилган сўровномалар, ён қўшни давлатларда рўй берастган воқеалар тўғрисидаги ахбортномалар ва мамлакат ички ҳаёти билан боғлиқ ёзишмалардан иборат.

"Архив" даги учинчи боб ташқи масалаларга доир 12339 та ҳужжатдан иборат бўлиб, улар 307 та иш (дело)га жойлаштирилган. Бунда асосан Россия империясининг амирликдаги сиёсий агентлиги билан Бухоро ҳукуматининг 1868—1920 ва 1920—1925 йиллар орасидаги ўзаро ёзишмалари ҳамда Бухоро давлати билан Эрон, Афғонистон ва Туркия ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларга доир хабар ва маълумотлар ўрин олган. Шу билан бирга, Бухоро—Россия ўртасидаги 1868 ва 1873 йилларда тасдиқланган шартномалар нусхалари; Россиядан бу ерга келган ҳарбий мансабдорлар; рус ҳарбий қўшинларининг Бухоро амирлиги чегараларига жойлаштирилиши муносабати билан Бухоро—Россия чегара масалаларини (Жиззах—Нурота чўллари) аниқлаш ҳамда Россия савдо карвонлари Афғонистонга қатнаши хавфсизлигини таъминлаш талабномалари ҳақида кўплаб ҳужжатлар ўрин олган. Бухоро амирлиги ҳудудида ер ости конларини аниқлаш ва қазиш масалаларига доир хатлар, Россиядан жўнатилган мутахассислар учун шароит яратиш ва улар хавфсизлигини таъминлаш каби талабномалар ҳам талайгина. Умуман, Россиянинг Бухоро амирлиги устидан назорат ўрнатиши ва Бухоро давлати ҳудудида рус мансабдорлари, амалдорларининг тўсиксиз кенг фаолият олиб бориши ҳамда улар моддий таъминоти билан боғлиқ материаллар жамланган.

Тўртинчи бобда асосан иқтисодий ва ижтимоий масалалар 27088 та ҳужжатда ўз. аксини топиб, улар 854 иш (дело)да жамланган. Бунда асосан ер-сув эгалиги, унинг форма ва категориялари ҳақидаги расмий маълумотлар, сугориладиган ва лалмикор ерларда экиладиган ўсимликлар турлари,

ер ўлчови масалалари (танобчилик)ни белгилаш: хирож, кафсан, танобона, ускуна пули, жўйча пули, лабаки пули; хуллас 37 номдаги турли-туман олиқ-солиқ номлари, суфориладиган сув манбалари билан боғлиқ турли аризалар, баённомалар, хабарлар ва ер-сув солиғи билан боғлиқ масалалар; даромад ва харажат ҳақидаги ҳисоботлар; катта ер майдонларининг хорижий сармоядорлар томонидан ижарага олиниши ("Айвадж", "Шеробод") каби турли концессияларга доир ҳужжатлар; Бухоро давлатида мавжуд амалдорлар ва мансабдорлар рўйхати; Бухоро амирлигида йилда икки марта мажбурий ундирилган "тортиқлар" микдори; амалдорларга маош ўрнига бериладиган танҳо ва унинг микдори ҳақидаги ҳисоботлар; турли "хизматнома" тўловлари ҳақидаги арзномалар ҳам кенг ўрин олган. Амирлик худудидаги, жумладан, амирлар қароргоҳи (Чилдухтарон, Ширбудун, Ситораи Моҳи Хоса ва Бухоро амирларининг яшаган саройлари ҳақидаги харажатлар) ва уларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар рўйхатлари ҳақидаги арзномалар; майда ер эгалари тўлайдиган солиқ микдорининг ўсиши; сув танқислиги натижасида деҳқон хўжаликларининг ерсизланишига доир материаллар ҳам кенг ўрин олган.

XIX асрнинг охирги чорагидан бошлаб Россия ишбильармонларининг Бухоро амирлигидаги фаолияти билан боғлиқ маълумотномалар; улар томонидан ҳар йили катта ерларни арzon нарҳда сотиб олиниши; маҳаллий аҳолидан гуруч, буғдой, чорва маҳсулотлари (тери, жун ва ҳоказо) ва куруқ меваларни кўп микдорда сотиб олиб, Россияга жўнатилиши ҳақида; ҳамда амирлик худудида вино, пахта, қоракўл, от заводлари фаолияти билан боғлиқ талайгина ёзишмалар ҳам жамланган. Шундай қилиб бу боб ҳажм жиҳатидан энг катта бўлиб, турмушнинг барча тармоқларини қамраб олган муборакнома, иноятнома, ариза, ҳисобот ва баённомалардан иборат ноёб манбалардир.

Бешинчи боб 211 папкада бўлиб, жами 8433 та ҳужжатдан иборат. Булар асосан, Бухоро давлат қозихоналарига тегишли васиқалар, арзномалар, ҳукмлар, хатлар, фуқаролик масалалари билан боғлиқ баённомалар, муборакномалардан иборат. Улар асосан ер, боф, сув иншоотлари, тегирмон, дўконлар олди-сотдиси, мерос ва маҳр, васий тайинлаш, гувоҳлик бериш, ижара, қарз тўлаш шартномалари,

даъво, ибро, тарака, талоқ, ваколат каби масалалар билан боғлиқ хатлардан иборат. Умуман, Бухоро амирлигидаги фикъ масалаларига оид манбалардир.

Арк зиндонида сақланаётган бандилар ҳақидаги маълумотлар; амирлик ҳудудида ўлган чет элликлар билан боғлиқ масалалар, яъни улар ворисларини қидириб топиш ва мархумлардан қолган мол-мулкни топшириш ҳақидаги сўровномалар; меросхўри бўлмаган шахслар молини давлатга "луқата" тарзида топшириш ҳақидаги топшириклар хусусидаги хужжатлар ҳам талайгина. Бу бобда хотин-қизлар масаласи билан боғлиқ анчагина хужжатлар мавжуд. Шунингдек, Россия сиёсий агентлиги билан Бухоро ҳукумати ўртасидаги 1870—1915 йиллар давомида олиб борилган ёзишмаларда фуқаролик масалалари; 1903—1904 йилларда Россия империясига қарашли амирлик ҳудудидаги банклар, улар фаолияти билан боғлиқ қонун-қоидалар; суд маҳкамалари томонидан чиқарилган ҳукмлар; мусодара қилинган мол-мулклар тўғрисидаги баённомалар; Бухоро қозикалони томонидан 1863—1916 йиллар давомида Бухоро амирлари томонидан жиноятчи шахслар устидан чиқарилган фармонларни тасдиқлашларига доир хужжатлар ҳам кенг ўрин олган. Шундай қилиб, бу бобдаги хужжатлар асосан Бухоро амирлигига XIX—XX аср бошларида юриспруденция ишлари юритилиши масалаларини ёритишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Олтинчи боб асосан ҳарбий масалалар билан боғлиқ 9228 та хужжатдан иборат бўлиб, улар 154 та иш (дело)да жамланган. Бу хужжатларнинг кўпчилиги фармон, ёрлиқ, нишон, муборакнома, иноятнома, рўйхат, ариза ва сўровномалардан иборат бўлиб, 1860—1915 йиллар давомида Бухоро ҳукумати кулли қушбегиси, девонбегилари, қўрчибошлиари, ҳарбий мансабдорларнинг ҳарбий ишлари билан боғлиқ масалаларни қамраб олган. Вилоят ва туманлардаги ҳарбий бошликлар, навкарлар рўйхатлари ва уларга ажратилган харажат маблағлари; Бухоро шаҳрида мавжуд амирнинг ҳарбий шахсий таркиби, уларга берилган маошлар рўйхати, таъминот рўйхатлари; ўқ-дори тайёрловчи аслаҳасозлар маошларини вақф даромадларидан ва бошқа тушумлардан ажратиб бериш ҳақидаги маълумотномалар ҳам талайгина.

Шундай қилиб, Бухоро амирлигининг XIX—XX аср бошларидағи ҳарбий соҳадаги сиёсати, иқтисодий кўмаги ва тар-

кибий масалаларини ёритишида мазкур хужжатлар асосий манба ҳисобланади. Шу билан бирга, бу бобда амирликдаги 26 та вилоят ва Хайрабод туманидаги ҳарбий қисмлар, жойлардан ҳарбий хизматта чақирилган навкарлар; Бухоро аркида хизматдаги сарбоз-қуллар; артиллерия қисмлари, отлиқ аскарлар (тверлик ва кубанлик ҳарбий қисмлар), амирнинг шахсий сарбозлари, илфорлар рўйхати 860 та хужжатдан иборат бўлиб, улар 23 та иш (дело)га жамланган. Шу билан бирга, бу хужжатларда 1865—1899 йиллар давомида амирликда ўтказилган ҳарбий кўриклар; ҳарбий қисмларнинг Бухоро амрлиги худудларида ўтказган ҳарбий юришлари, уларнинг жойлардаги ҳаракати; қоровуллар пости, ҳарбий "илфор" қисмларни танлаш; амир саройига отлиқ кавалерияни жўнатиш, сарбозлар машғулоти; ҳарбий қисмлар учун озиқ-овқат; транспорт (от ва туялар) таъминоти, ҳарбий мансабларга тайинлаш; қалъаларни таъмирлаш, янгиларини куриш, чегараларни мустаҳкамлаш каби барча мамлакат ички ҳарбий ишлари билан боғлиқ масалаларни қамраб олган. Бу бобдаги хужжатларни кўздан кечирар эканмиз, Бухоро давлати Россия истилосидан кейин, ҳарбий соҳада фақатгина мудофаада ҳимоя масалаларига доир ишларни олиб бориши мумкин бўлганлиги кўзга ташланади.

Еттинчи боб, Бухоро амрлигига соғлиқни сақлаш соҳасида ўтказилган чора-тадбирлар хусусидаги 256 та хужжатдан иборат бўлиб, 25 иш (дело)ни ташкил этади. Бу манбалар асосан 1869—1918 йилларни қамраб, шу давр ичидаги амирлик худудида содир бўлган вабо ва ўлатлар билан боғлиқ масалаларни ёритади. Бундай ҳолатларда кўшни давлатлар билан чегаралардаги ҳаракатлар тўхталиб, карантин эълон қилингани; касаллик ўчоқлари аниқланиб жойларга табиблар жўнатилгани, вилоят ва туманларда, айниқса, шаҳарларда тозаликка эътиборни кучайтириш ҳақидаги мактублар, муборакномалар жўнатилганлиги диққатга сазовордир. Амир томонидан кулли күшбеги, девонбеги ва ўша масалаларга даҳлдор шахсларга фармонлар билан мурожаат этилгани тўғрисидаги хужжатлар ҳам анчагина. Шу билан бирга, 1896—1917 йиллар давомида чигирткага қарши кураш, чорва моллари ўртасида тарқалган эпидемиялар ҳақидаги маълумотлар, аризалар, ҳисботлар, бу оғатларга қарши кўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги материалилар ҳам диққатга сазовордир.

Саккизинчи боб, Бухоро амирлигиде маданият ва турмуш тарзи билан боғлиқ масалалар хусусидаги 5696 та хужжатлардан иборат бўлиб, 135 та иш (дело)да жамланган. Жумладан, Темурийлар тарихига оид номи аниқланмаган қўлёзманинг бир неча варафи, бунда Алишер Навоийни "аморати девон" мансабига тайинлаш ҳақидаги маълумот; Бухоро амири Абдулаҳадхонни таҳтга ўтқазиш маросими билан боғлиқ маълумот берилган.

1889—1914 йиллар давомида Бухорога келиб кетган тарихчи олим ва шоирлардан: Санкт-Петербург академиясидан Бухорога ташриф буюрган Заки Валидий ва бухоролик шоир Мирзо Исомиддин мироҳўрнинг илғор фикрли уламолар билан ёзишмалари; шоир Қози Комил шеърларидан намуналар ва унинг бевақт ўлими ҳақидаги маълумотнома; шоир Хўжа Ислам ижодидан парчалар, эронлик шоирлардан Осим Забистоний ва Мирзо Иброҳим Субҳий қўлёзмаларидан парчалар келтирилган. Археологияга доир маълумотларда Абу Лайс мавзесидан топилган бир хум кумуштангалар ва 1883—1884 йилларда Россиядан келган генерал ва зобитларга Бухоро амири Абдулаҳадхон томонидан берилган тортиқлар рўйхати келтирилган.

Шунингдек, бу бобдаги ҳужжатларнинг асосий қисмida Бухоро худудида XIX—XX аср бошларида ўтказилган Наврӯз ва Гулисурх байрамлари, Рўза ва Курбон ҳайитлари ҳамда Бухоро амирларига жойлардан юборилган турли-туман номдаги тортиқлар ҳақидаги маълумотномалар жамланган.

Тўққизинчи боб маориф ва динга доир 4692 ҳужжатдан иборат бўлиб, улар 87 иш (дело)га жамланган. Бундаги маълумотларда асосан, мадрасаларга, мактабдорлар, мутавallилар, умуман уламолар иши билан боғлиқ мансаблар; мадраса, мақбара, масжид, хонақоҳ, мактаблар билан боғлиқ муаммолар ечими; дин аҳлига маош бериш; янги ой чиқиши билан боғлиқ Рамазон ва Курбон ҳайитларини аниқлаш; машхур диний арбоблар хотирасига "хатми Қуръон" қилиш; ҳатто айрим пешволарни жазолаш каби масалалар хусусидаги материаллар жамланган. Шунингдек, яхудийлар ва ҳиндилар томонидан ислом динини қабул қилган шахслар рўйхати; Бухоронинг Қоракўл туманидаги Фарибия мадрасасига мударрис тайинлаш ва шу мадрасага тегишли вақфларни солиқдан озод қилиш; Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд

шажараси ва 1865 йилда унинг қабри устига "түф" ўрнатиш маросими; 1902 йилда Ҳусайн Сайфиддин Қодирий қабрини таъмирлаш ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

Ўнинчи боб "Турли" (Разное) ҳужжатлар деб номланиб, бизнингча, кейинги йилларда 745 та ҳужжат тўпланиб, улар 72 та иш (дело)га жамланган. Бу бобдаги ҳужжатлар ўзидан олдинги ҳамма боблардаги маълумотларни қайтаради ва ўзига хос томонлари ҳам мавжуд. Масалан, Бухоро амири Насруллохон томонидан 1844 йилда Афғонистондан келган шахсларга ер майдони бериш ҳақидаги фармони; 1892 йилда тузилган Бухоро шаҳрининг карта-плани; Истанбул (Туркия)да чоп этилган Осиё картаси; Мангит амирлари шажараси; Бухоро шаҳридаги ҳаммомлар ва улардаги хизматчилар рўйхати; Фузор вилоятида 1915 йилда топилган қадимий тангалар хусусида маълумот, Эрон ҳаритаси ва Хурросон тарихига оид парчалар, яъни бошқа бобларда учрамайдиган маълумотлардан иборат. Шунингдек, амирлик ҳудудида ва Туркистон вилояти шаҳарларида XIX асрнинг охиригичораги ва XX аср бошларида чоп этилган журнал, рисола, рўзномаларнинг айрим сонлари; чет эл, яъни Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида чоп этилган журнал ва газеталарнинг айрим нусхалари ҳақидаги маълумотлар ҳам кенг ўрин олган.

Охирги, ўн биринчи бобдаги маълумотлар "Дафтар ва журнallар" деб номланади ва унда 60 та иш (дело)да 3252 та ҳужжатлар жамланган. Бу маълумотномаларда 15 дан ортиқ масалалар ёритилиб, улар 1871—1919 йилларни қамраб олади. Булар асосан хат-хабарлар, мақолалар, ёзишмалар ва ҳисоботлардан иборат. Шунингдек, кулли күшбеги маҳкамасидан, Бухоро амири девонхоналаридан жойларга жўнатилган сўровномаларга жавобномалар; солиқлар масаласига доир 500 дан ортиқ ҳисоботлар; давлат кишим-чиқимларию жойлардаги даромад ва буромадлар ҳақидаги арзномалар кенг ўрин олган. Адлия-суд маҳкамасига оид материаллар; Бухоро хукуматининг Россия сиёсий агентлиги маҳкамасига жўнатган жавобномалари ҳам талайгина. Ҳар бир вилоят ва туманлардан күшбеги ва девонбеки маҳкамаларига жўнатилган маълумотлар алоҳида-алоҳида дафтарларга жамланган.

Жумладан, 1871—1903 йиллар орасидаги бутун Бухоро давлатига доир кишим-чиқим ёзувлари; суд маҳкамасида кўрилган ишлар рўйхати; Бухоро хазинасига жойлардан жўнатилган

совға-саломлар ва тортиқлар рўйхати дафтарлари; Бухоро ҳукумати томонидан 1904 йилда Париж (Франция) кўргазмасига жўнатилган буюмлар ва уларнинг нархлари рўйхати; умуман Бухоро амирлигининг XIX—XX аср бошларидағи барча ҳисобкитоб ишларига доир масалалар жамлангандир. Бу рўйхатларда давлатнинг молия бошқарма усули, маъмурий идора тартиби, халқ хўжалигининг барча жабҳаларини қамраб олган ҳисоботлари, иш бошқарувчи системаси, солиқлар ҳақидаги тўлиқ фактлар ҳам шу бобда жамланган.

Шундай қилиб, Бухоро амирларига қарашли "Қушбеги маҳкамаси архиви" ўлкамиз тарихи ёзма манбаларининг қимматли бир бўлаги ҳисобланиб, Бухоро амирлигининг XIX—XX аср бошларидағи тарихнавислик ва манбашунослик муаммоларига оид муҳим маълумотларга эгадир. Бу "Архив"да манғитлар сулоласининг ҳокимият тепасига келишидан бошлаб, улар олиб борган сиёсий, ҳарбий, дипломатик, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маърифий ишлари ҳақидаги маълумотлар жамланган.

Умуман, бу "Архив"даги ҳужжатларни кенг ўрганиш, тадқиқ этиш ва илмий муомалага жалб қилиш тарихчи шарқшуносларимизнинг долзарб вазифаларидан биридир.

ҲУЖЖАТЛАР — ТАРИХ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Берунийномидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида ўн мингдан ортиқ асл нусха ва нусхалар (копия, черновики), мунщий ва мирзалар учун дастур ҳужжатлар тўпланган. Улар асосан форс-тожик, эски ўзбек, араб ва бошқа туркий тилларда битилган бўлиб, Ўрта Осиё ва қўшни Шарқ мамлакатлари халқларининг расмий, маъмурий-идора иш услублари тарихини ўзида акс эттиради. Шу худудда яшаётган халқларнинг ўтмиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, давлатчилик тарихи ва маданиятини ёритишда асосий манба бўлиб хизмат қиласди. Айниқса, ер-сув муносабатлари, ер эгалари, солиқлар тизими, хуқуқий нормалар, тарихий ёдгорликлар, элчилик муносабатлари, савдо, хунармандчилик, таълим ва тарбияга оид масалалар каби турли муаммоларни ўрганиш ва тадқиқ этишда улар бебаҳо манба ҳисобланади. Бинобарин,

мазкур хужжатларни илмий жамоатчиликка ва кенг ўкувчилар оммасига етказиш ўтган 60 йил ичида институт илмий фаолиятидаги устувор йўналишлардан бирини ташкил этиб келди.

Хужжатларни қисқа тавсифлаш, рўйхатга олиш ишлари ҳали ушбу ёзма манбалар Давлат кутубхонасида сақланаётган даврдаёқ, яъни 1936 йилда Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш бўйича билимдон хаттот ва саҳроф Ибодулла Одилов (1872—1944) томонидан уларни ўрганиш бошланган бўлсада, уларни батадриж тартибга келтириш ва манбашунослик тадқиқотларини изчил давом эттириш институт ташкил этилганидан сўнг йўлга қўйилди.

Бу масъулиятли вазифа 1943—1944 йиллар давомида машхур библиофил Ибодулла Одилов томонидан давом эттирилиб, Шарқ хужжатларининг биринчи "Инвентар китоби" тайёрланиб, унга 1473 та Ўрта Осиё ҳонликлари тарихига оид хужжатларнинг қисқа тавсифи киритилди. Бу ишни таникли шарқшунос олим О.Д. Чехович бошчилигидаги кичик бир гурӯҳ мутахассислар амалга ошириб, институт қўлёзмалар жамғармасидаги "Васиқа", "Чеклар", "Шажара", "Эълон ва хитобномалар"дан иборат 1200 га яқин хужжатлар қисқа тавсифидан иборат тўртта қўшимча дафтар тузилди.

Жамланган, Шарқ хужжатлари илмий тавсифини тайёрлаш учун 1960 йилда "Шарқ хужжатлари феҳристини тузиш ва нашр этиш" бўлими очилди. Академик М.И. Йўлдошев раҳбарлигида 13 та кичик илмий ходимлар ва лаборантлардан иборат гурӯҳ: А. Жувонмардиев, Б. Иброҳимов, Т. Файзиев, О. Жалилов, Ф. Мухитдинова, А. Шайхова, М. Юнусхўжаева, Г. Остонова, И. Усмонов, Л. Йўлдошева, У. Мирисмоилова, Ф. Жўраева, М. Каримовалар иш олиб бордилар. Бу бўлим 1982 йилгача фаолиятини давом эттириб, шу давр ичида 1500 га яқин Шарқ хужжатлари тавсифидан иборат икки томлик "хужжатлар каталоги" хомаки нусхасини тайёрлади. Икки жилдли бу тўпламларда хазинадаги хужжатлар тартиб рақамида эмас, балки тўплаб олиш усулида тавсифланган эди.

1952—1962 йиллар давомида институт дирекцияси ва Илмий кенгаши томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ

"Республика аҳолиси қўлида мавжуд қўлёзмаларни излаб топиш ва харид қилиш" бўйича маҳсус илмий экспедиция тузилди ва республика вилоят, туман ҳамда шаҳарларига бир неча марта илмий сафарлар уюштирилди. Натижада шу давр ичida бир қанча қўлёзма асарлар қаторида 870 та тарихий ҳужжатлар ҳам сотиб олиниб, ҳазина янги топилмалар билан бойитилди. Булар Ўрта Осиёдаги уч хонлик (Бухоро амирлиги, Хива ва Кўқон хонликлари) ка тегишли бўлиб, улар 1962—1965 йиллар давомида зикр қилинган бўлимнинг кичик илмий ходими Л. Йўлдошева томонидан рўйхатга олинган. Уч мингдан зиёд бу ҳужжатлар асл нусхалардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўрам ёки вараклар шаклида сақланади.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда тарихий манбашуносликнинг умумий қўлами кенгайди, тарихий манбашунослик шакл ва мазмун жиҳатдан анча такомиллашди. Ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихга холисона ёндашиш каби кун тартибига қўйилган долзарб масалалар бевосита ёзма манбалар таркибий қисмини ташкил этган тарихий ҳужжатларга мурожаат қилишни янада кенг тақозо этарди. Шу талаблардан келиб чиқиб институт дирекцияси 1992 йилда Япониянинг Киото университети профессори Тору Хоконаванинг Тошкентга қилган сафарларидан бирида хивалик Алия Алиакбаровадан сотиб олган 1713 та Хива қозилик ҳужжатлари асл нусхасининг институтга тақдимотини ташкил этади. Бу, ўз навбатида, ҳазинадаги асл ҳужжатлар жамғарасининг янада бойишига олиб келди. Шундай қилиб, ҳазинадаги ҳар бири алоҳида шаклга эга асл ҳужжатлар сони беш мингга етиб қолди.

Институт қўлёзмалар жамғарасида тўпланган асл нусха ҳужжатлар олти гуруҳга ажратилиб, улар қўйидаги тартибда сақланади: 1) вақфномалар, 2) ёрлиқлар, 3) аризалар, 4) чеклар, 5) шажаралар ва 6) эълон ва хитобномалар.

Вақфномалар Ўрта Осиёда феодал мулкчиликнинг кенг тарқалган формаларидан бири бўлиб, вақф ер эгалиги тарихини аниқлаш, ўрганиш ва татбиқ этишда асосий манба вазифасини ўтади. Бунда мулкдор шахс ижтимоий-иктисодий мақсадларни кўзлаб, ўз мол-мулкидан бир диний

ёки хайрия муассасасига инъом қилган, чунки вақф қилинган мулк дахлсизлиги ва таъсисчининг кўйган шартлари ундан келадиган даромадни мусодара қилинишдан сақлар эди. Шу билан бирга, вақфга ажратилган мол-мулк таъсис этган муассаса томонидан сотиб юборилмаслиги, совға сифатида тортиқ қилинмаслиги, мерос қилиб қолдирилмаслиги ёки бирон-бир йўл билан ўзлаштириб олинмаслиги шартлари билан ўтказади.

Шу сабабли вақфлар феодал ер эгалигининг шартли формаси сифатида олиб қаралган. "Вақфнома"лар кўп тарқалган ёзма манбалардан биридир. Энг қадимий "Вақфнома" Исмоил Сомонийнинг ўз авлодларига вақф қилиб қолдирган Бухоро вилояти атрофидаги қишлоқлар ҳақидаги хужжат бўлиб, унда Исмоил Сомоний вақф қилган жой номлари батафсил келтирилади. Хужжатда Сомонийлар шажараси хусусидаги маълумотлар анча кенг келтирилган. Бундай шажара ҳали фанга маълум манбаларда учрамайди. Унда учрайдиган атамаларда Бухоронинг ўша даврдаги ижтимоий-иктисодий ҳаёти, солиқ тизими, хунармандчилик, ўша даврдаги маъмурий бошқарув усули, саройдаги урф-одатлар ва бошқа масалала-рига доир маълумотлар ўз аксини топган.

Институт қўлёзмалар хазинасида XV—XX аср бошларига оид Бухоро, Хива ва Кўқон хонликлари қозихоналарида битилган бир неча ўнлаб вақфномалар ўша давр тарихини ёритишида асосий манба бўлиб хизмат қиласиди. Масалан, В.Л. Вяткин томонидан Улугбек расадхонасининг жойини аниқлашда "Вақфнома" хизмати бекиёсдир. Айниқса, сунъий сугориш услублари, оқава сувлар оқизиладиган қуритиш каналлари, яъни захкашлар, ҳаммомлар қурилиши ва ундан фойдаланиш, бу иншоотларни қуриш учун ажратилган маблағлар, сув айирғич иншоотлари ҳақидаги маълумотлар, савдо-сотикقا доир, хунармандчилик дўконлари, бозор ва тимлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам катта илмий аҳамиятга эга.

Институт қўлёзмалар хазинасида Хива хонлигига оид 650 та хужжатнинг асл нусхаси ва "Хива қози дафтарлари" деб номланган тўрт жилдан иборат қўлёзмалар 40 мингга яқин хужжатнинг кўчирма нусхаси сақланмоқда. Бу дафтарларда 1000 га яқин вақфга оид хужжатларнинг кўчирма

ва 50 та асл нусхалари мавжуд. Бу вақфномаларда Хива хонлигига вақф ерларининг бошқарилиши ва ижтимоий-иктисодий масалалар ўрин олган.

Институт хазинасидаги вақфлар хусусидаги ҳужжатларнинг каттароқлари қофоз ўрамлар кўринишида бўлса, қисқароқлари алоҳида қофоз варакларда битилган. Айрим вақфномалар эса қўлёзма — китоб шаклида ёзилган. Масалан, Навоий ва Шайбонийхон вақфномалари ҳужжатлари шаклида (қ.№ 5905) тайёрланган.

Энг қадимги вақфномалар IX—X асрларда, кейингила-ри 1483 ва охиргиси 1923 йилга қадар бўлган даврда тузилган. Хазинадаги айрим вақфномалар XVI—XVIII асрларда Жўйбор шайхлари номидан таъсис этилган бўлиб, уларда Миёнқол вилояти Кармана туманидаги қишлоқларни, Шофиркон, Коми Абу Муслим, Руди Шахри Бухоро, Хутфар, Харқопруд каби туманларда ерлар ва қишлоқлар Бухоронинг Жўйбор мавзесидаги хонақоҳга ва унинг авлодла-рига вақф қилинганлиги кўрсатилган.

XVII асрга оид Аштархоний Абдулазизхон (1645—1680), Имомқулихон томонидан Нодир девонбеги мадрасасига, XVIII асрнинг биринчи ярмида Самарқандни Шердор ва Тиллакори мадрасаларига таъсис этилган вақфномалар, XIX асрда Абдул-аҳад (1885—1910) Муқаддас Макка учун қилган вақфномаси ўша давр тарихини ёритишда асосий ашёвий далил вазифаси-ни ўтайди. Умуман, "Вақфномалар" Ўрта Осиё ҳалқларининг ижтимоий, иктиносий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ қатор масалалар ечимини топишга имкон беради.

Иккинчи гурӯҳ — "Ёрлиқлар" эса бекиёс қадр-қийматга эга. Юзга яқин бундай ҳужжатлар XV—XX аср бошлари оралиғидаги даврни ўз ичига олади. Ёрлиқлар давлатлар олий маъмурий идорасида битилган бўлиб, улар асосан ҳукм, фармон, ёрлиқ, нишон, иноятнома ва ҳ.к. шаклида олий ҳукмдор томонидан берилади. Бу гурӯҳ ҳужжатлар асосан Ўрта Осиё ҳонликларида давлатчилик тизими, давлатни бошқариш усууллари тарихини ўрганишда энг муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Масалан, бизгача келган "Ёрлиқлар" ичida энг нодир ҳужжат — 1378 йилда Амир Темур томонидан Хоразмдаги Дархонота мавзесида истиқомат қилувчи Абу Муслим авлодларига берилган имтиёзлар ҳақидаги "Иноятнома — Ёрлиғи" дир. Туркийда битилган бу ҳужжатда ўша

авлодга берилган имтиёзлар ҳақида фармон битилган. Бунда Амир Темурнинг сиёсат бобида ўта серқирра дипломат эканлиги намоён бўлади. Унда Соҳибқироннинг давлатчилик сиёсатини куч ва Куръонга асосланган ҳолда ҳар икки омилдан фоят усталик билан фойдаланиб, давлат сиёсатини амалга оширганинг гувоҳи бўламиз. Демакки, XIV асрнинг охирги чорагида юртимизда қарор топган сиёсий воқеалар, умуман, ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳайтиниң кўпгина қираларини ечишда "Ёрлик" тарихий ҳужжат сифатида мутахассислар учун фоят муҳим аҳамиятга эгадир.

"Ёрликлар" тўпламини ўрганиш ва илмий муомалага киритиш ҳозирги давр талаби бўлиб, у давлатчилигимиз тарихини тўғри ва ҳаққоний ёритишда асосий манба сифатида хизмат қиласди, чунки улардан XX аср биринчи чорагигача мавжуд бўлган барча унвон ва мансаблар тарихини ёритишда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Ҳужжатлар гуруҳидаги "Аризалар" тўпламида бир неча юз ҳужжатлар жамланган. Улар асосан XVIII аср охири — XX аср бошларига оид даврни қамраб олади. Бу ҳужжатлар туркуми асосан хукуматнинг олий девонхоналари ва вилоят ҳамда туманлардаги куйи амалдор ва мансабдорлар ўргасидаги ёзишмалар, аризалар, ахборотнома, маълумотномалар, ҳисобот, рўйхат, пойгир ва ҳ.к. лардан иборат масалаларни қамраб олган. Бундай турдаги ҳужжатларнинг Ватан тарихига оид барча масалаларини ўрганишда хизмати бекиёсдир.

Тўртинчи гуруҳдаги ҳужжатлар мажмуи "Чеклар", "Васиқалар" номи билан аталган. Бу турдаги ҳужжатлар хазинадаги энг катта гуруҳни ташкил этиб, 30 дан ортиқ номга эга. Бунда 2000га яқин ҳужжатлар жамланган бўлиб, асосан юрис-пруденцияга оид масалаларни қамраб олган. Бу ҳужжатларда ҳақ-хукуқ, урф-одат, шариат қонун-қоидалари, ижтимоий-иқтисодий масалалар, ўқиш-ўқитишига оид материаллар ўз ифодасини топган. Бу гуруҳдаги ҳужжатлар орасида "ривоятлар" тури ҳам анчагина бўлиб, турмушда ўз ечимини топмаган масалаларни бирор-бир йўл билан бартараф этиш муаммоларини ҳал этишда муфти, аълам, охундларнинг шайхулислом иштирокида фикҳга доир қўлланмаларга асосланган ҳолда фатво ёзишлари ўз аксини топган.

Хазинадаги бешинчи гуруҳ хужжатлар "Шажаралар" номи остида жамланган. Бунда Бухоро хони Абулфайзхон хона-донига тегишли, Шайх Зайниддинота, Чўпонота ва шунга ўхшаш шахсларнинг шажаралари тўплланган. Худди шу гуруҳда ҳар хил тумор ва дуолар ҳам хужжат шаклида сақланмоқда. Ундан ташқари, турли даврларга доир муҳрлар нусхалари ҳам ўрин олган.

Олтинчى гуруҳдаги хужжатлар "Эълонлар ва хитобномалар" номи остида жамланган. Улар, асосан XX аср бошларига тегишли бўлиб, ўша даврда чоп этилган эълон ва хитобномалар, варақалар шаклида бўлиб, босма хатлардан иборат. Улар 1913—1915 йиллар орасидаги воқеалар ривожини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб, ўша бўхронлар тўфонини ёритишида тарихчилар учун дастур вазифасини ўтайди.

Институт қўлёзмалар жамғармасида тўпламлар шаклидаги асл нусха хужжатлар ҳам мавжуд. Улар расмий хужжатлар ва ёзишмалардан иборат 130дан ортиқ хужжат мақомидаги кўчирма ёзишмалар, руқнлар, расмий мактубларни ўз ичига жамлаб, улар ҳам жуда қимматли ҳисобланади. Жумладан, улуғ мутафаккир, адаб ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг ўз ижодий ҳамкори, яқин дўсти машҳур шоир Абдураҳмон Жомий ва бошқа таниқли шахслар билан адабий ва ҳаётий масалалар бўйича кенг ёзишмаларидан иборат "Муракқаи Алишер" ("Алишер альбоми")дир.

А. Ўринбоевнинг ёзишича: "Унда XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросон нақшбандия тасаввуф намояндаларидан ўз даврида машҳур бўлган 16 шахснинг 594 дона дастхат руқъала-ри жамланган. Улардан 337 таси Абдураҳмон Жомий қала-мига мансуб, 128 таси Хожа Убайдуллоҳ Валий, қолганла-ри унинг ўғиллари, яқин муридлари ҳамда Хуросон тасав-вуф аҳллари томонидан ёзилган". Бу хатларда иқтисодий-ижтимоий масалалар, солиқлар — мол (хирож), закот, ушрлардан ташқари, яна бир қанча фавқулоддаги солиқ ва йи-финилар — аваризот, ихрожот, ҳаволот каби жорий қилинган турли солиқлар ҳақида маълумот беради. Умуман, тўпламдаги хужжатлар Жомий ва Навоий яшаган даврдаги Хуро-сон ва Мовароуннаҳр халқларининг иқтисодий, савдо ва маданий ҳаётини ёритишида тарихий манба хизматини ўтай-ди.

"Мураққаъ"даги 128 та мактуб Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга тегишли бўлиб, бу хужжатларнинг ҳар бирига "ал-фақир Убайдуллоҳ" деган имзо чекилган. Бу хатларда Хожа Аҳрор шариат қонун-қоидаларини мустаҳкамлаш ва бу орқали мамлакатда адолат ўрнатиш, Ҳуросон ҳудудида хўжалик ва савдо-сотиқ ишлари, улар билан боғлиқ солиқ — йийимлар масаласи, умуман мамлакатда тинчликни барқарорлаштириш, адолатсизлик ва жабр-зулмни раият бошидан даф этиш каби хайрли ишлар билан боғлиқ ёзишмалардан иборат.

Иккинчи асл нусха хужжатлар тўпламида XVI—XIX асрларда Фарғонадаги феодал ер эгалиги билан боғлиқ бўлган 146 та хужжат жамланган бўлиб, улар асосан "Ёрлиқлар тўплами" номи билан сақланади. Тўпламдаги барча хужжатлар А. Жувонмардиев томонидан таржима қилиниб, чоп этилган.

Учинчи асл нусха хужжатлар тўплами XIX аср манғит амирларидан Музаффархоннинг (1860—1885) ўз маҳрами — Сайд Мирак ясовулбошиси билан ёзишмаларидан иборат. Бу тўпламдаги 2028 та хужжат 1860—1867 йиллар давомида Бухоро амирининг шимолдан келаётган катта хавфга қарши ҳарбий тайёргарлик, вилоятлардаги ҳокимларни, туман бошлиқларини алмаштириш, мамлакат чегара қўргонларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари, ер-сув эгалиги ва ундан фойдаланиш, солиқлар тизими ва раиятнинг ижтимоий-иктисодий муаммолари билан боғлиқ масалалар, сугориш системаси билан боғлиқ муаммолар, навкарликка доир ишлар, нарх-наво ва бозорлардаги савдо-сотиқ каби мамлакат барча ҳаёти билан боғлиқ ёзишмалиридан иборат.

Бу тўпламга Амир Насруллоҳ (1826—1860) нинг бир нечта "муборакнома"лари ҳам киритилган. Бу тўпламнинг (в. 1*—45*) вараглари "муборакномалар"дан иборат ва улар муҳрлар билан тасдиқланган. Иккинчи қисми (в. 56*—205*)да 1500 га яқин "аризалар" (в. 46*—55*)да 30 дан ортиқ "ривоятлар" ва 300 га яқин турли хилдаги ёзишмалар ўрин олган.

Учинчи асл нусха хужжатлар тўплами XIX аср иккинчи ярмида Амир Музаффарнинг қози Муҳиддинга ёзган 415 та расмий мактубларидан иборат бўлиб, улар Бухоро қозиси номига Бухоро амирлигидаги ҳукуқий муносабатлар, чекка

туманлардаги қозилар иш фаолияті, мамлакатдаги маъмурый бошқарув масалаларини, яъни 1864—1880 йиллар давомида вужудга келган ҳуқуқ-тартибот, ижтимоий, иқтисодий, маъмурый муаммоларни бартараф этиш каби масалаларни қамраб олган.

Институтдаги қўлёзмалар жамғармасида 130 га яқин кўчирилган ҳужжатлар нусхаси тўпламлари сақланмоқда. Бу тўплам ёрлиқлар, хатлар, васиқалар, ёзишмалар, чет давлатлар билан ўзаро мактублар ва ҳ.к.ни ташкил этиб, XVI—XX аср бошлари оралиғидаги даврни ўз ичига олади. Уларда турли давр ва сулолаларга оид муншийлар томонидан асл нусхалардан кўчириб ёзилган турли масалаларга доир ҳужжатлар жамланган. Бу тўпламлардан фақат 5 таси шу институт илмий ходимлари томонидан тавсифланган.

Институт хазинасидаги ҳужжатларни илмий муомалага киритиш 1990 йилдан кейин кенг кўламда олиб борилмоқда. Чунки мустақиллик туфайли тарихни ҳаққоний ёритиш учун кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, хазинадаги асл нусха — алоҳида шаклга эга бўлган ҳужжатларнинг 2 жилдлик қисқа регистаси устида А.Б. Вильданова бошчилигидаги кичик бир груп: мархум А. Ўринбоев, Г. Остонова, Ф. Жўраевлар иш бошладилар. Улар уч мингдан ортиқ ҳужжатларнинг биринчи рақамдан охиригача бўлган олти групга доир ҳамма турларини жамладилар. Натижада, икки жилдан иборат "Қисқа каталог регистаси"ни қоралама ҳарзидан тайёрладилар. Кейинги 3—4 йил ичидаги шу "Каталоглар"ни нашрга тайёрлаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Хозирги вақтда республикамиз жаҳон миқёсига чиқаётган бир пайтда хорижий Шарқ мамлакатлари — Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар ўртасидаги элчилик ва маданий муносабатлар тарихига оид мактубларни таржима қилиш, уларни илмий муомалага киритиш орқали ҳозирги даврдаги алоқаларимиз ўзининг узоқ ўтмишга эга эканлигини, улар бугунги шароитда ана шу қадимий муносабатларимизнинг мантиқий давоми сифатида майдонга чиқаётганлигини исботловчи ҳужжатларни таҳлил қилиб, шулар асосида ўтмиш ва бугунги алоқалар силсиласини яратиш каби бир қатор долзарб илмий муаммолар ўз аксини топган.

Институтда ушбу йўналиш бўйича бир фан доктори ва икки фан номзоди ишламоқда. Қўйилган режаларни амалга ошириш учун малакали ёш кадрларни тайёрлаш ва хужжатлар устида ишлашга жалб этиш ҳозирги кун талабига айланниб бормоқда. Чунки мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий манбашуносликка, унинг маҳсус тармоқлари бўлмиш дипломатика, сфергастика, палеография фанларига эътиборнинг ортганлиги тарихимизни ўрганишда Шарқ халқлари ёзма меросининг барча турларини янада кенгроқ ва чукурроқ ўрганишга олиб келади.

Учинчи бўлим
АҲМАД ДОНИШ МАЁГИДАН
ЁШ БУХОРОЛИКЛАР ИСЛОҲОТЛАРИГАЧА

ҲИСОБ БЎЙИЧА НОЁБ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистоннинг истиқоли ҳалқимизнинг миллий ўзлигини англаш ва унтилаётган қадриятларимиз тикдана бориши, авлодларимизнинг ўтмиш тарихини чуқур ўрганилиши қаторида шарқона ўлчов бирликлари ҳақидаги манбаларни излаш, топиш, тадқиқ этиш, илмий муомалага киритиш ҳам барча тарихий воқеалар каби муҳимдир. Жумладан, Бухоро амирлигига XIX—XX аср бошларида амалда бўлган газ, олчин, таноб каби шарқона ўлчов бирликлари ҳақидаги маълумотларни топиб, уларни метр, саржин ва десятина га нисбатан муқоясасини ўша давр ҳужжатлари асосида аниқлаб, илмий муомалага киритиш тарихий тадқиқотлар сирасида муҳим ишлардан бири, десак янгилишмаган бўламиз.

Бу ҳақда қўлёзма асарларда маълумотлар кўплаб мавжуд бўлиб, аммо уларни муқоясаси деярли учрамайди. XIX аср гача ва ундан кейинги тарихий асарларда бу ўлчов бирликлари фақат изоҳ тариқасида берилади, аммо улар ҳақида тўлиқ маълумотномада ўлчови, муқоясаси келтирилмайди.

Ўлчов бирликлари ҳақида маҳсус изланиш олиб борган немис олими В. Хинц ва тангашунос олим Е.А. Давидовичларнинг асарлари бу борада муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга А. Фитрат ва Б.С. Сергеевларнинг "XVI аср қози ҳужжатлари", П.П. Ивановнинг "Жўйбор шайхлари архивига доир ҳужжатлар" асари, Россия ва Европада чоп этилган тарихий тадқиқотлар ва илмий-оммабоп журналларда ҳам ўлчов бирликларига доир маълумотлар эълон қилинган. Шунга қарамай, бу ўлчов бирликлари ҳали илмий асосда ўз ечимини тўла топмаган. Бу ҳақда Е.А. Давидович шундай ёзади: "...биз феодализмнинг охирги босқичига оид икки юзга яқин ҳужжатларни қараб чиқдик ва метр системасига айлантирилган

бештагина ҳужжатда маълумот учратишга муваффақ бўлдик, у ҳам бўлса оғирлик ўлчов бирлигига доир маълумотлардир. Бу жуда қимматли шарқ бирликлари ҳақидаги маълумотнома бўлса-да, аммо Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларга кам ёрдам беради, чунки унда Ўрта Осиё ўлчов бирликлари ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот йўқ".

Шу сабабли тадқиқотчилар аграр муносабатларни таҳлил қиласар эканлар, улар ҳар бир ҳудудга доир ўлчов бирликлари бўйича чалкашликларга дуч келадилар. Жумладан, қадимшунос олим М.Е. Массон ҳам бу ҳақда шундай ёзган эди: "...газ узунлик ўлчови бўлиб, тахминан кўлни елка баробар ёнга чўзган ҳолатдаги бармоқ учидан ўмров ўртасигача ёки елка-сигача бўлган узунликка баробар. Газ ўлчовидаги ноаниқлик сабаби унинг бирор андозаси мавжуд бўлмаган".

Бинобарин, Ўрта Осиёning ижтимоий-иқтисодий тарихини ёритишида олимларимиз кўпинча ўлчов бирликларини замонавий ўлчов бирлигига айлантиrmай қолдиришга мажбур бўлиб келдилар. Сабаби, аниқ манбага асосланган, давлат томонидан қабул қилинган ўлчов бирлиги тўғрисидаги ишончли ҳужжат топилмаганлигидир.

Тарихдан маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда катта сиёсий ўзгаришлар юз берди. Ўлканинг бир қисми Россия таркибига киритилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинди. Жумладан, Бухоро амирлиги ҳам ана шу ўзгаришлар туфайли ўзининг энг унумдор, суфориладиган беш вилоятидан ажралиб қолиб, вассал давлатга айлантирилди. 1885 йилда эса Бухоро шаҳрида "Россия императорлигининг сиёсий агентлиги" (элчихонаси) таъсис этилди. Туркистон ўлкасига, жумладан, Бухоро амирлигига кўплаб рус сармоядорлари ҳам кела бошлади. Улар жойлардан ер-сувларни харид қилиб ёки катта ер майдонларини узоқ муддатли ижарага олиб, бу ерларни пахта плантацияларига айлантиридилар. Айниқса, қорақўлчиликни ривожлантириш мақсадида кўплаб суфорилмайдиган, лалмикор ерларни рус элчихонаси орқали кўлларига кирита бошладилар.

Шу жараён асносида Туркистон генерал-губернаторлиги қарашли ҳудудда бир талай сиёсий-ижтимоий муаммолар қаторида аграр масалалар соҳасида ҳам бир қанча масалалар ўз ечимини кутарди. Жумладан, ўлкадаги экин майдонлари-

ни аниқлаш, экин турлари, чорва майдонлари, сугориладиган ва лалми ерлар, солиқ йифиш масаласида ер сатҳи ўлчамлари ва маҳаллий ўлчов бирликларини ўша даврда Россиядаги мавжуд ўлчов бирликлари билан солиштирма муқоясаси каби ҳаётий вазифалар ҳам рус амалдорлари диққатини жалб этади. Шусабабли Бухоро амирлиги ҳудудида катта-катта ер майдонларини ижарага олган корчалонлар ва бу ерда корхоналар қураётган фирма бошлиқлари маҳаллий ўлчов бирликлари билан рус ўлчови фарқи ва миқдорини аниқлаб бериши Бухородаги ўз сиёсий агентликлари орқали сўрай бошланлар. Шундан сўнг Россиянинг Бухородаги элчихонаси бошлиғи амирликнинг бош вазири Мирзо Насрулло бий кулли қўшбегига мурожаат этади. Айниқса, ер масаласи билан шуфулланувчи рус амалдорлари биринчи навбатда газ, олчин ва таноб бирликлари, уларнинг аниқ ҳисоби ва рус ўлчов бирликларига солиштирма вариантини чиқариб, элчихонага юборилишини сўраб бир неча марта мурожаат этганлар.

Шундан сўнг Россия императорлигига қарашли сиёсий агентлик бошқарувчиси М. Гипс 1913 йилнинг 5 сентябрда Бухоро бош вазири номига мактуб йўллаб, саккизта саволга жавоб тайёрлаб юборишини сўрайди. Бу сўровноманинг саккизинчи пунктида ернинг таноб ўлчовини (меъёр) рус ўлчов бирлигига айлантирилган муқоясасини юборишини илтимос қилган.

Биз 1970 йилда Россия сиёсий агентлигининг 1913 йилдаги сўровномасига Бухоро бош вазири томонидан амирликнинг жойлардаги ҳоким ва амлокдорларга хат тайёрлаб, одам тайинлаб, элчихонанинг жами саккиз саволига, жумладан, жойлардаги ўлчов бирликлари тўғрисидаги жавобларни ёзма тайёрлаб, рус тилига таржима қилиб, барча рўйхатларни жамлаб жўнатилгани ҳақидаги хужжатни ва Бухоро кулли қушбегиси буйруғи асосида 1915 йил 22 декабрда тайёрланган жавобномани топишга муваффақ бўлдик. Бу хужжатнинг бир қисмини 1973 йилда матбуотда эълон қилдик.

Шундай қилиб, бу хужжатда XIX ва XX аср бошларида Бухоро амирлигига давлат томонидан муомаладаги ер ўлчов бирликларида — газ, олчин ва танобнинг миқдори ва унинг рус метрологиясига айлантирилган аршин, саржин ва десятина ўлчов бирликларига айлантирилган ҳажми тўғрисидаги маъ-

лумотнома бўлиб ҳисобланади. Ҳужжатнинг қимматли томони шундаки, бу аниқ фактлар Бухоро амирлигига маҳаллий ер майдони ўлчовлари маълум даражада тартибга солинганидан далолат беради. Бу маълумотлар мазкур ўлчов бирликларини ўрганиш ишига бирмунча аниқлик киритиши мумкин.

Иккинчидан, маҳаллий ўлчов бирликларини: газ, олчин ва таноб ҳисобини рус ўлчов бирликларида: аршин, метр, саржин ва десятина га нисбатан аниқ тенгламалари ҳам ҳисоблаб берилгани бу метрология соҳасидаги ҳозиргача фанда ноаниқ ҳисобларга аниқлик киритади, деб умид қиласиз.

Учинчидан, давлат девонхонасида тайёрланган бу жавобномада нафақат газ, олчин ва таноб, шу билан бирга уларнинг ҳар бирини тутамга нисбатан арпа ва от ёлига қадар жуда кичик рақамларининг ҳисоб-ўлчов бирликлари ва уларнинг ўлчамлари келтирилгани бизнингча, Бухоро давлат молия девонхоналаридаги ҳисоб-китоб жуда яхши йўлга қўйилганидан далолат беради.

Тўртинчидан, Бухоро амирлигига ягона ер сатҳи ўлчов бирликлари мавжуд бўлмаган, деган турли дъяворларнинг жуда ҳам тўғри эмаслигини кўрсатади. Тўғри, ҳар бир вилоят ва жойларнинг ўз ўлчов бирликлари мавжуд бўлган. Шунинг билан бирга, давлат томонидан жойларга жўнатилган танобкашлар давлат ўлчов бирлиги ҳақидаги маҳсус қўлланма асосида иш юритган бўлсалар керак. Бундай ҳоллар, айниқса, солиқлар йифими олдидан бўлган маҳаллий молия хизматчилари билан ер эгалари ўртасида келиб чиққан жанжаллар вақтида, давлат танобкашларининг аралашувини тақозо этган ва лозим пайтларда улар давлат ўлчов бирликларидан фойдаланган бўлиши мумкин.

Демак, илм аҳли ҳукмига ҳавола қилинаётган ҳужжат ва унда келтирилган маълумотлар илмий жамоатчилик диққатини ўзига жалб этиши ва ўлчов бирликларини ўрганишда аниқлик киритиши мумкин деб ўйлаймиз.

ХАТТОТ ХИЗМАТИ – ТАРИХ ТИЛСИМИ

Аждодларимиз томонидан турли даврларда ёзиб қолдирилган қўлёзмалар халқимизнинг ўтмиш маданияти, тарихи ва турмуш тарзини ўрганишда қимматли маълумотлар берувчи ишончли манба, ҳужжатdir.

Маълумки, ўз даврида Кўқон ва Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлиги хазиналарида сақланган ноёб қўлёзмалар, хужжатлар, тарихий китоблар 1870—1900 йиллардаги урушлар даврида турли томонларга тарқалиб кетди. Мазкур китоб ва қўлёзма асарларнинг энг қимматлилари Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия, Эрон, Россия каби мамлакатлардаги нуфузли музейларнинг китоб жавонларида сақланмоқда. Ноёб қўлёзма асарлар ва китобларнинг бир қисми ўз юртимизда — олимлар, маърифатпарварлар ва йирик савдо гарларнинг шахсий кутубхоналарида, шунингдек, мадраса ва масжидларда сақланган. Булардан ташқари, шундай қўлёзма асарлар ва китоблар билан савдо қилувчилар қўлида ҳам анча манбалар тўпланган. Фикримизнинг далили сифатида бир нечта мисоллар келтирайлик: 1873 йили Хива хони саройида мусодара қилинган қўлёзмалар сони тўғрисида шарқшунос Александр Кун қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдирган: "Хивага юриш вақтида мен қуйидаги илмий материалларни тўпладим: хон саройини мусодара қилиш вақтида шарқ қўлёзмаларидан иборат 300 китоб тўпланди, шулардан 129 таси сарлавҳалик 140 жилдан иборат тарихий қўлёзмалар, 30 жилдан иборат шарқ шоирларининг девонлари, 50 жилдан иборат 40 та хуқуқий ва диний асарлардир. Бундан ташқари, 18 та "Қуръон" ва 50 та дарс китоблари ҳам тўпланди. Менинг қўлимда Хива хонларининг тўлиқ тарихи, шарқ қўлёзмалари, қадим замонлардан тортиб то 1873 йилга қадар бўлган воқеаларни баён қилган қўлёзмалар бор".

"Вақт" газетасининг 1907 йил март сонида босилган хабарда Тошкент ўқитувчилар семинариясининг ўқитувчиси Беляев Ўрта ва Шарқий Осиё тарихини ўрганиш комитетининг топшириғи билан Бухорога келиб, китоб савдоси билан шуғулланувчилар орқали масжид, мадраса муддарислари билан учрашиб, уларга тегишли бўлган қимматбаҳо ва ноёб қўлёзма асарлар ҳамда китобларни кўздан кечириб, айримларини олиб кетади. Беляев Бухорога қилган сафарида XV—XVII асрларга доир 28 та ёрлиқни кўлга киритади. Бу ёрлиқлар ичida Амир Темур замонидан қолган "Сулҳ" номли хужжат ҳам бор эди.

Яна бир қўлёзмада Чингизхондан Амир Темургача бўлган давр тарихи баён этилган. Шунингдек, бу шарқшунос олим "Тарихи Муқимхон", "Тарихи Роҳим", Фирдавсийнинг "Шоҳнома" каби ноёб асарларини ва 200 тагача турли расмлар, нақш солинган 30 та эшикни ҳам олиб кетган.

Петербургдан 1914 йили Бухоро амирлигига сафар қилган шарқшунос Закий Валидий (А. Валидов) Бухоро, Қарши, Шахрисабз, Китоб, Бойсун, Гузор, Денов, Сарисиё ва Сўрхон воҳасининг бошқа шаҳарларида бўлиб, ерли аҳоли қўлида сақланган илмий жиҳатдан қимматли бўлган Ўрта Осиё тарихига доир қўлёзма асарларни тўплайди.

А. Валидов Кўқонда бўлиб, кейин Фарғона музофотида Ўрта Осиё тарихи ва адабиётига оид бир қанча қўлёзмаларни кўздан кечириб чиқади ва тўплайди. 1900—1902 йилларда мусодара қилинган Дукчи Эшон кутубхонасидан 750 та қўлёзма асарлар ва нодир китоблар топилган. Улар орасида Фиёсиддин Алининг "Темурнинг Хиндистонга юришлари кундалиги" ва "Чингизнома" сингари қўлёзмалари бўлган. Ҳарбий тарихчи М. Терентьевнинг ёзишича, Дукчи Эшон кутубхонасидаги китоблар орасида шарқ шоирларининг асарлари, ҳадислар, фикҳ адабиёти, Куръон оятлари чоп этилган ислом тарихига доир китоблар, турли қўлёзмалар бўлган.

Асрлар давомида яратилган ва тўпланган бой тарихий, маданий-илмий мероснинг бизнинг даврғача етиб келгандари — қўлёзма асарлар ва ноёб китоблар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг "Нодир нашрлар ва қўлёзмалар" бўлимида, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий кутубхонасида, Ислом университетида, шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Хива, Кўқон, Тошкент шаҳар музей ва кутубхоналари фондларида эҳтиёткорлик билан сақланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзмалари фонди бу ерда сақланаётган асарларнинг илмий қиймати жиҳатидан улкан маънавият хазинаси ҳисобланади.

Ҳозир бу фондда 80 мингдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланмоқда. Улар араб, форс, туркий ва бошқа шарқ тилларида ёзилган.

ТАРИХНАВИС АҲМАД ДОНИШ

Бухоро қадимги давлардан Марказий Осиёning йирик сиёсий-маданий, илм-фан, меъморчилик, хунармандчилик ва савдо маркази сифатида шуҳрат қозониб келган. Ўтган XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Бухордан кўплаб ўқимишли кишилар, маърифатпарварлар, машҳур хаттот ва таржимонлар, шоирлар, тарихчи ва ўлкашунослар етишиб чиққан ва самарали ижод қилиб, келажак авлодга бой маданий ва илмий мерос қолдирғанлар.

Мана шу зиёлилар орасида Бухоро тарихнавислик мактабининг йирик вакилларидан бири Аҳмад Дониш ҳам самарали ижод қилган эди.

Аҳмад Дониш 1827 йили Бухоро шаҳрида имом оиласида таваллуд топган. Унинг ота-онаси ўз даврининг ўқимишли кишиларидан бўлган. Аҳмад Донишнинг отаси Носир Бухоро мадрасаларидан бирида дарс берган. Аҳмад Дониш дастлабки саводини онасидан олган. Кейин мактабда, мадрасада таҳсил олган. Ёшлигидан илм олишга қизиқиб, мадрасада ўқиган йилларида адабиёт, тарих, фалсафа, математика, геометрия, астрономия илмларини мустақил ўрганди. Наққошлиқ, хаттотлик, рассомчилик, мұхандислик, мусиқа сингари бир неча соҳадан яхши хабардор олим бўлиб етишди ва ҳалқ орасида шуҳрат қозонди. Аҳмад Дониш ўзидан олдин ўтган буюк алломалар, мутафаккир олимлар — Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Жомий, Бедил асарларини ўрганди.

Ҳар соҳани мукаммал билган Аҳмад Донишни Бухоро амирлари Насрулло ва Музаффар 1857—1869 ҳамда 1873 йилларда Бухоро амири элчиларнинг мирзоси қилиб Петербургга жўнатган. Аҳмад Дониш Петербург сафари давомида кўп ўзгаришлар ва янгиликларни кўрди. У янги тараққиёт босқичига кирган илфор мамлакат билан Бухоро жамиятини таққослаб, амрликлар тубдан ислоҳот ўтказиш лозим, деган холосага келади. "Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола" асарини 1870—

1873 йилларда яратади ва уни амир Музаффарга тақдим этади. Аҳмад Дониш ўз рисоласида Бухоро давлатининг ижтимоий-сиёсий тузумини қонунийлик ва инсонпарварлик асосида ислоҳ қилиш гоясини дадил илгари суради. Аҳмад Дониш 1874 йилдан бошлаб саройдан четлатилади ва Фузорга қози этиб тайинланади. 1885 йили яна Бухорога қайтиб, мадрасаларда дарс беради. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Аҳмад Дониш Петербург таассуротлари асосида "Нодир воқеалар" ва "Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари" каби асарлар ёзган. Мутафаккир Аҳмад Донишнинг "Нодир воқеалар" номли тарихий асарида фан, техника янгиликлари, табиат ҳодисалари, инсоннинг узоқ умр кўриши, коинотнинг келиб чиқиши, ой ва қуёш тутилиши, зилзила ҳақида фикр юритган, Европа илм-фанини ўрганишга даъват этган.

Аҳмад Донишнинг "Амир Дониёлдан то амир Абдулаҳад-гача бўлган Бухоро шариф амирларининг таржимаи ҳоллари" асарида манғитлар сулоласининг 100 йиллик хукмронлиги таҳдил ва тадқиқ қилинган. Унинг адабий-илмий меросида бу асар асосий ўрин эгаллайди. Хулоса қилиб айтганда, бу асарларда муаллифнинг сиёсий-тарихий ва фалсафий қарашлари ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Аҳмад Дониш асарлари олимларимиз томонидан ўрганилган, таржима этилиб, китоб бўлиб чиққан. Маърифатпарвар олим Аҳмад Дониш 1897 йили Бухорода 70 ёшида вафот этган. Аҳмад Дониш ўз даврининг таникли хаттоти, рассоми ва наққоши ҳам эди. Унинг ижод намуналаридан айримлари — "Мактаб", "Шоир ва дарвеш", "Мажнун сахрода" номли миниатюралари, "Бангининг ҳажвий расми" (кўхна Шарқ қўлёзмаларидан кўчирмалар асосида безалган), "Кун чиқиши ва ботиш соатлари жадвали", "От йилининг календари", "Шоҳ ва дарвеш" ва бошқа 20 га яқин асари маданий мерос сифатида ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

Қадимий Бухоро — илм-фан, маданият, меъморчилик, хунармандчилик ва савдо маркази тарзида бой тарихи билан тилларда достон бўлган юрт. Абдураҳмон Тамкин Бухорий, Абдулазим Шаръий, Мирза Салимбек, Садр Зиё, Мирзо Абдулазим Сомий, Мирсиддиқ Ҳашмат, Насриддин Тўра, Мусожон Сайджонов каби тарихчилар эса XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Бухорода келажак авлод-

ларга сабоқ бўларли илмий мерос қолдириган ижодкорларданdir. Кейинчалик Бухоро тарихнавислик мактабининг йирик намояндадаридан бирига айланган Аҳмад Дониш ҳам уларнинг сафида эди.

Аҳмад Дониш ўзидан олдин ўтган буюк алломалар, мутафаккир олимлар асарларини пухта ўрганди.

Диний ва дунёвий илмлар билимдони Аҳмад Дониш 1850-йилларда Бухоро амири Насрулло (1826—1860) саройда хаттот ва меъмор вазифаларида самарали ишлади. У кейинчалик бош меъмор даражасигача кўтарилиб, Бухоро шаҳридаги олий даражадаги бинолар, саройлар, кошоналар қурилишига бош-қош бўлди. Аҳмад Дониш XIX асрнинг ўрталарида Бухоро шаҳри ва унинг атрофларидаги худудларнинг топографик харитасини аниқ чизиб ифодалади. Харитадаги топографик жойлар номи ва ҳошиядаги матнлар тожик тилида бўлиб, араб алифбосида ёзилган. Харитада Бухоро ҳамда унинг атрофидаги қишлоқлар ва экин майдонлари, шаҳарнинг ён томонидан умумий кўриниши тасвиrlанган.

Бухоро хаританинг марказига туширилган бўлиб, унинг атрофларида бинолар, майдонлар, боғлар, ариқ-ҳовуз, чашмалар яккама-якка аниқ тасвиrlаб берилган. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Аҳмад Дониш тайёрлаган шаҳарнинг топографик харитасида шаҳар Арки, девори, меъморий, тарихий обидалари, Мир Араб, Кўкалдош, Девонбеги ва бошқа мадрасалар, Чашмаи Аюб, Катта Минора масжиди, Лабиҳовуз, И smoил Сомоний мақбаралари, савдо иншоотлари, шаҳар мудофаа деворининг 11 дарвозаси, 12та йирик маҳаллалар, шунингдек, 79 та ҳовуз, 29 та мозор, 11 та кўл, ботқоқликлар махсус белгилар билан кўrsатилган.

Жумладан, шаҳар майдони қизил, уни турли томондан кесиб ўтган кўчалар эса оқ рангда кўrsатилган. Шаҳар атрофини ўраган девор ва унинг бурчаклари жигаррангда бўлиб, доира ва ярим доиралардан иборат кунгурадор шаклда тасвиrlанган. Хонликнинг давлат маҳкамаси ва Бухоро амирлигининг даргоҳи ҳисобланган Арк шаҳар режасининг шимолий қисми марказидан ўрин олган. Унинг майдони оқ, иморатлари эса қизил рангда. Харитада сув иншооти бўлган бош канал шаҳарни уч жо-

йидан кўндалангига кесиб ўтган. Шаҳар атрофидаги экин майдони тўқ яшил тўғри чизиқлар билан, қишлоқлар эса қизил чизиқли тўғри тўрт бурчаклар билан ифодаланган. Харитада шаҳарнинг бальзи жойлар билан оралиқ масофаси, шаҳар қалъасининг айланаси, масжидлар сони 390 та, унинг ичи ва ташқарисидаги барча ҳовузларнинг сони эса 350 та эканлиги кўрсатилган. Бухорода 250 та мадраса бўлиб, уларнинг ҳар бирида 300 дан то 500 тагача хужра борлиги, шунингдек, бозор майдонлари, савдо расталари ва дўконлари ҳам харитадан ўз ўрнини топган.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Дониш томонидан тузилган ушбу харитада Бухоронинг XIX асрдаги муҳим географик-топографик ҳолати тасвиirlаб берилган. Кейинги йилларда Бухоро шаҳри ва унинг атрофларидағи муҳим тарихий жойлари туширилган харитани тайёрлашда Аҳмад Дониш тузган харитадан бевосита фойдаланилган.

Афсуски, бу ноёб тарихий-географик, илмий аҳамиятга молик топографик харита 1858 йили Россиядан Бухорога юборилган элчилар билан бирга келган шарқшунос Петр Иванович Лерх томонидан Санкт-Петербургга олиб кетилган эди. Шунингдек, Лерх яна 30 та ноёб шарқ кўлёзма асарларини ҳам ўзи билан олиб кетган. Аҳмад Дониш томонидан тайёрланган Бухоронинг XIX аср харитаси ҳозирги кунда Россия Фанлар академияси Осиё халқлари институтининг Санкт-Петербург бўлими фондида сақланмоқда. Бу қимматли нодир тарихий меъморий обидаларни ўз ичига олган мазкур географик ва топографик харитани Санкт-Петербург илмий муассасаларидан излаб топиб, уни XX асрнинг 60-йилларида илмий асосда ўрганиб, бу ҳақда "Фан ва турмуш" ва "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журналида илмий мақола чиқарган таниқли қадимшунос олим, тарих фанлари доктори, академик Абдулаҳад Муҳаммаджоновнинг хизматлари айниқса каттадир. Бу харита Марказий Осиё халқларининг топографик меросини ўрганаётган географ, элшунос ва меъморшунос олимлар учун ҳам, шунингдек, Бухоронинг XIX аср тарихи, меъморий обидалари, сугориш иншоотлари, шаҳар мудофаа девори ва дарвозалари, маҳаллалари, бозор майдонлари, савдо рас-

талари, карвонсаройлари ва бошқа томонларини ўрганувчилар учун ҳам муҳим маълумотлар бериши мумкин бўлган нодир илмий меросдир. Халқимизнинг мазкур бойлиги ўз Ватанига — Ўзбекистонга қайтиши керак.

"ЁШ БУХОРОЛИКЛАР" ҚЎМИТАСИННИГ "ИСЛОҲОТ ЛОЙИҲАСИ" ҲАҚИДА

Маълумки, жадидчилик ҳаракати яқин ўтмишимизда юртимиз сиёсий ҳаётида сезиларли из қолдирган тарихий воқеликлардан биридир. Шўролар даврида уни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш имкони йўқ эди. Бу ҳаракатга фақат бирёқлама баҳо берилиб, унга салбий муҳр босилган эди. Ваҳоланки, унинг қатор қирралари хорижий мутахассислар тарафидан тадқиқ этилди, кўплаб катта-кичик асарларда унинг Туркистон халқлари мустақиллиги ҳаракатида катта аҳамият касб этганлиги таъкидланди. Мустақиллик туфайли бой тарихимизнинг илгари "унутилган" ёки атайлаб бузиб талқин этилган саҳифаларини тиклаш имкони туғилди. Шулар қаторида Ўрта Осиёда жадидчилик ҳаракати тарихини ҳаққоний баҳолаш, жумладан, Бухорода "Ёш бухороликлар" ҳаракати мавзууда объектив асарлар яратишга шароит яратилди.

Биз бу ерда ана шу ҳаракатнинг Ўрта Осиёда ташкилий жиҳатдан энг уюшган ва сиёсий-ижтимоий ҳаётимиз тарихида чуқур из қолдирган "Ёш бухороликлар" ҳаракатига оид бир ҳужжат устида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу ҳужжат "Бухоро ислоҳот лойиҳаси" бўлиб, у дастлаб ўз фаолият доирасини маърифат тарқатишдан иборат деб билган ва аста-секин халқ фаровонлиги ва юрт ободлиги фақат ўрта аср қонун-қоидаларига таянган, амир мутлоқ ҳокимияти ўрнатилган ижтимоий-сиёсий бошқарув тизимини тубдан ислоҳот қилиш орқалигина таъминланиши мумкин, деган холосага келган жадидларнинг сиёсий дастуридир.

Ушбу "Лойиҳа" ўз даврида "Ёш бухороликлар" қўмитаси томонидан кўпайтирилиб ва шу ҳаракатнинг энг илфор қисми орасида тарқатилган дастур бўлиб, ҳозирги кунда библиографик ноёб нусхага айланган. Оқибатда мутахассисларнинг,

айниқса, Ўзбекистонда бевосита ана шу манбага асосланған тадқиқотлар олиб бориш имкони чекланиб қолғанди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, диёримиз ва халқимизнинг кўп минг йиллик тарихига, миллий ўтмишига ва интеллектуал ҳаётига ёндашув тамойилларида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Ватанимизнинг ўтмиш тарихини ҳаққоний яратиш, жумладан, миллий уйғонишига катта ҳисса қўшган жадидчilik ҳаракатини дастлабки ишончли ёзма манбалар асосида ўрганиш учун имкон яратилди. Бундай манбалардан бири "Бухоро ислоҳот лойиҳаси" деб номланади.

Тарихдан маълумки, 1917 йил Россияда бўлиб ўтган февраль тўнтаришидан сўнг Бухорода жадидларнинг сўл қаноти ёшлари ташаббуси билан янги марказ тузилиб, уларнинг инқилобий партияси ташкил топади ва унинг марказий кўмитаси сайланади. Марказий кўмита раислиги лавозимига Абдурауф Фитрат, хазинадорликка Усмонхўжаев тайинланади. Бу кўмитага Файзулла Хўжаев ва яна беш киши аъзо қилиб сайланади. Энди ташкил топган "Ёш бухороликлар" партияси Россиянинг янги тузилган муваққат ҳукуматига табрик телеграммаси ва ўзгарган шароитда Россия — Бухоро ўртасида ўрнатилиши кутилган янги муносабатлардан келиб чиқиб, Бухоро амири Сайд Олимхонни мамлакат ривожига доир ислоҳотлар қабул қилишга мажбур этишни сўраб "Мурожатнома" қабул қилган эди. Ёш бухороликларнинг ушбу чақириғига биноан, амир мамлакатни "шаръи шариф" билан бошқариши, солиқларни тартибга солиши, фойдали илм ва фанларни ривожлантириши ҳамда мамлакатда бир қатор ислоҳотлар ўтказиши лозимлиги каби қатор масалалар кўтарилиган эди.

Ана шундай бир алфозда "Ёш бухороликлар" ҳаракатининг мақсад ва вазифалари, уларнинг мавжуд ижтимоий-сиёсий воқеликлар, давлат тизими ҳақидаги қарашларини ўзида аниқ акс эттирган расмий хужжат — дастурга эҳтиёж туғилади. Ушбу масала улар учун ҳаётий заруратга айланади. Натижада эслатилган "Ислоҳот лойиҳаси" вужудга келади.

Файзулла Хўжаев ёзганидек, "Ёш бухороликлар"нинг ушбу "Ислоҳот лойиҳаси" жуда машаққатли ва оғир йўлни

босиб ўтди. "Жадидлар ташкилоти аъзоларининг қарашлари ижтимоий ва идеологик жиҳатдан турли-туманлиги туфайли улар ўртасида ҳар хил масалаларда бир-биридан тубдан фарқ қиласиган нуқтаи назарлар ҳам кўп ташкилотнинг қолган қатламдагилари дастурида акс этар эди. Шу туфайли "Ўнг қанот ва уларга эргашувчилар" ташкилотининг қолган қатламлари дастурида олға сурилган талабларига ҳам турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, бундай вазиятда бир хилликни таъминлаш мушкул эди.

Юқоридаги талаб ва фикрларнинг хилма-хиллигидан келиб чиқиб, кўплаб тортишув ва мунозаралардан сўнг "Ёш бухороликлар ташкилоти" ўзининг марказкоми зиммасига "Ислоҳотлар лойиҳаси"ни ишлаб чиқиш вазифасини юклайди. "Ёш бухороликлар" кўмитаси "Бухорода ислоҳот лойиҳаси"ни ёзишни шу қўмита саркотиби, "Ёш бухороликлар" ҳаракати намояндаларидан бири Абдурауф Фитрат (1886—1938)га топширади. Фитрат икки ой мобайнида иш олиб бориб, 1918 йилнинг бошида "Лойиҳа"нинг тайёр бўлганлигини билдиради ва уни марказий қўмитага тақдим этади. Озгина тузатишлар билан бугунги кунда тарихий ҳужжатга айланган ушбу лойиҳа қабул қилинади ва тошбосмада чоп эттирилиб, "Ёш бухороликлар" кўмитасининг энг илғор қисми орасида "Лойиҳа" "оқчасиз" тарқатилади. Унинг адади қанча бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, бизнинг вазифа ва мақсадимиз "Ёш бухороликлар" ҳаракати фаолияти ҳақида фикр юритиш ҳамда уни тадқиқ этиш эмас, балки расмий тарзда у эълон қилган сиёсий дастур — "Бухорода ислоҳот лойиҳаси"ни манба сифатида ўқувчиларга тақдим этишдир. Сабаби, Бухорода XX аср бошларида жадидчилик ва ёш бухороликлар ҳаракати воқеалари баёни ҳақида кўплаб илмий асарлар ва тадқиқотлар яратилганига қарамай, уларда ушбу ҳужжат тўла равишида ўз ифодасини топмаган.

1926 йилда Файзулла Хўжаев ҳужжатлар, шахсий эсадликлари ва замондошлари берган маълумотларга таяниб, жадидчилик ва "Ёш бухороликлар" ҳаракатини чукур ва ҳар томонлама тадқиқ этиб, ўзининг "К истории революции в

Бухаре" номли асарини, бир қатор илмий мақолаларини чоп эттирганди. Бу асарда муаллиф Туркистандаги жадидлар ва "Ёш бухороликлар" ҳаракати тарихида ғоят катта аҳамият касб этган "Бухорода ислоҳот лойиҳаси" таҳлилига алоҳида эътибор берганди.

Аммо Файзулла Хўжаев ушбу асари ва мақолаларида жадидчилик ва "Ёш бухороликлар" ҳаракатига коммунистик ғоя нуқтаи назаридан ёндашганлиги туфайли, асосий эътибор "Дастур"нинг синфий жиҳатдан чекланганлиги, унда олға сурилган ислоҳотларнинг ноқислигига қаратилган эди. Шунга қарамасдан, Файзулла Хўжаевнинг ушбу китоби ва мақолалари тарихчи И.Г. Галузо томонидан қаттиқ танқид остига олинади. Кейинроқ, у Г. Туркестанский тахаллуси билан такризлар ёзиб, жадидчилик ҳаракатининг 1917 йил воқеаларидан кейинги даврини қатъий суръатда "антисоветчилик ҳаракати" — деб баҳолайди ва Файзулла Хўжаевни жадидларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва таркибий қисмига берган баҳосига кескин қарши чиқади ҳамда уни "жадидлар ҳаракатини идеаллаштириш" да айблайди.

Бу айлов ўша пайтдаги сиёсий ҳаётда давлат арбоби учун ўлим билан баробар эди. Шу сабабли унинг ҳаёти таҳлика, яъни қил устида қолиб, бу ҳол Файзулла Хўжаевни жадидчилик ҳаракатига нисбатан ўз қараашларидан чекинишга мажбур қиласди. Дастрлаб у 1927 йилда партия съездидан минбаридан туриб ўзига қарши кўйилган "жадидчилик ҳаракатини идеаллаштирган миллатчи" каби айловлардан тавба қилиб, ўз "хатоларини тан олиб" сўзга чиқади. Шундан сўнг у ўз китобини жадал суръатда қайта ишлаб, иккинчи марта нашр этиради. Унда жадидлар ва "Ёш бухороликлар"нинг ҳаракатига берилган ижобий баҳолар ўрнига, асосий эътибор бу ҳаракатда олға сурилган "ислоҳотлар ноқислиги"га қаратилади ҳамда Бухородаги жадидчилик ҳаракати фаолияти маданий-оқартув ишлари билан боғлиқлиги таъкидланиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва давлатчилик тўғрисидаги ислоҳот дастурлари у қадар эътиборга молик бўлмаган воқелик сифатида баҳоланади ва фақат танқидий нуқтаи назардан тадқиқ этилади.

Шундан сўнг маълум сиёсий репрессиялар бошланиб, ҳатто, ана шу алфозда қайта нашр этилган бу асар ҳам мафкура жиҳатдан заарли ҳисобланниб, ундан фойдаланиш тақиқланади. Шунга қарамай, Файзулла Хўжаевнинг ушбу асари ва қатор мақолалари жадидчилик ҳаракати ҳақида ўз вақтида биринчи марта дунё юзини кўрган тадқиқотлар сифатида тарихда қолган. Сўнгги пайтларда жадидчилик ҳаракатига эътибор кучайиши муносабати билан бир қанча китоб ва мақолалар эълон қилинди. Жумладан, таниқли тарихчи Д. Алимова томонидан жадидларнинг давлатчилик масалаларидаги қарашлари таҳлилига бағишланган қатор мақолалар чоп этилди.

Олима ўз мақолаларида Файзулла Хўжаевнинг юқорида зикр қилинган асарига таянган ҳолда лойиҳадаги фикр-мулоҳазаларни яна бир бор илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди. Аммо шу пайтгача "Ёш бухороликлар" нинг "Бухорода ислоҳот лойиҳаси" мустақил тарихий хужжат сифатида бевосита илмий таҳлил қилинганича йўқ. Ўз вақтида чоп этилган ушбу ҳужжат ҳали-ҳануз тарихчилар ихтиёрида эмас эди. Бир вақтлар тақиқланган бу тарихий ҳужжатнинг қайтадан топилиши тарих фанимиз учун маълум тарздаги кашфиёт бўлди.

"Ёш бухороликлар"нинг "Бухорода ислоҳот лойиҳаси" кенг кўламли бўлиб, ўша даврдаги Бухоро давлатининг ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги барча жабҳаларни ўзида ойнадек акс эттирган.

Бу ҳужжатда Бухоро амирлигига чекланган (конституциявий) монархия шароитида бошқариш тизимини тубдан ўзгартириш масаласи кўндаланг қўйилган. У мамлакат ҳаётида ўша пайтгача амалда бўлмаган янгиликларни жорий этишга мўлжалланган.

Лойиҳада кўтарилиган ҳар бир масала унинг муаллифлари томонидан чукур ва атрофлича ўрганилганлиги кўзга ташланади. Унда ислоҳ қилиниши лозим кўрилган соҳалардаги ҳар бир мавжуд ҳолат танқид қилиниб, унинг заарли оқибатлари кўрсатилиши билан бирга ана шу масалани қандай ислоҳ қилиш ва ундан кутилган ижобий натижалар нималардан иборат бўлиши ҳақида аниқ ва равшан фикр юритишга ҳара-

кат қилинади. Айрим ҳолларда қўтарилиган масалаларнинг фойда-зарарини ҳаётий мисоллар билан исботлашга эътибор берилади.

Бухоро амирлиги аграп мамлакат бўлганлиги учун лойиҳанинг бош қисмида ер-мулк эгалиги турлари ва уларни бошқаришдаги ислоҳотларга катта ўрин ажратилган. Бунда мавжуд олиқ-солиқ тизимини ўзгартириш, сувдан фойдаланиш ва сугориш билан бевосита боғлиқ масалалар, қишлоқ хўжалигига замонавий техника воситаларини жалб этиш каби кўплаб муаммолар юзасидан ажойиб мулоҳазалар майдонга ташланган. Лойиҳа ана шу масалага оид киришдан кейин "Вақф ерлари", "Аскарлик", "Молия ишлари", "Дохилий ишлар", "Хорижий ишлар", "Маориф ишлари", "Вазирлик мажлиси", "Баладия (شاҳар бошқармалари) мажлислари", "Тергов этмак ишлари", — деб аталган қисмларга бўлинган. Бу сарлавҳачалар остида баён этилган фикр-мулоҳазалар ҳажм жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, "Хорижий ишлар" ёки "Баладия мажлислари" бўлимлари фақат бир неча сатрдан иборат, холос. Шунга қарамасдан, айтиш мумкинки, ўша давр Бухоро амирлигидаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг асосий муаммолари лойиҳада у ёки бу тарзда ўз аксини топган. Лойиҳа "Тамом. 1336" — деган ёзув билан тугалланган. Бундан унинг 1917—1918 йиллар арафасида эълон қилинганлиги маълум бўлади. Унинг муқовасида "Бухорода ислоҳот лойиҳаси". Ношири "Ёш бухороликлар қўмитаси" деган сўзлар остига "ҳар кимга оқчасиз бериладир" деган сўзлар ёзилганидан у "Ёш бухороликлар" орасида текинга тарқатилганлиги англашилди.

"Ёш бухороликлар"нинг ушбу ислоҳот лойиҳаси, Файзулла Хўжаевнинг таъкидлашича, бу вақтга келиб ўзининг бадиий асарлари билан нафақат Туркистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган, жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган раҳнамоларидан бири Абдурауф Фитрат қаламига мансуб бўлса-да, умуман олганда, у маълум тарзда жадид раҳбариятининг давлат ва жамият масалаларидаги умумий нуқтаи назари маҳсули сифатида ҳам на-моён бўлган эди.

"Ёш бухороликлар" бу хужжатда чекланмаган ҳукмдор-амирни бевосита танқид қилмаганлар. Хонликдаги мавжуд бошқарув тартибининг ҳаёт талабларига жавоб бермай қолганлиги, мамлакат ҳалқининг оғир иқтисодий ва маънавий қолоқлигига сабаб бўлаётганлиги кўрсатилиб, шу орқали мутлақ монархиянинг яроқсиз сиёсий бошқарув тизими эканлигига ишора қилинган. Улар лойиҳада тавсия этган барча ислоҳотлар эса бир асосий мақсадга, гарчи бу ҳақда очик айтилмаган бўлса-да, яъни амир ҳукмронлигини чегаралаш, Бухородаги абсолют монархия ўрнига Европадаги айрим мамлакатларда ҳукм суроётган чекланган монархияга ўхшаш давлат тизимини барпо этишга қаратилган эди.

Ислоҳотга мувофиқ мамлакатдаги ички ва ташқи сиёсатни 10 вазирдан иборат "вазирлар кенгаши" бошқариши лозим эди. Вазирлар эса бош вазир тавсиясига кўра амирдан олинган ёрлиқ асосида тайинланиши керак эди. Аммо амир томонидан тайинланадиган ана шу вазирларга ҳам унчалик кенг ҳуқуқ ва имконият берилмаган. Шу билан бирга Бухорода қатъий маъмурий бўлинишларни амалга ошириш, давлат томонидан маош билан таъминланадиган маҳаллий (бошланғич) ҳокимият тизимини барпо этиш, уларга бошчилик қилиши лозим бўлган оқсоқоллар ҳалқ томонидан сайланиши лозимлиги каби масалалар ҳам олға сурилганди. Шунингдек, дастурда Бухорода ўша пайтда мавжуд ҳарбий тизимни тубдан ўзгартириш кераклиги кўрсатилиб, бу соҳада диққатга сазовор аниқ таклифлар майдонга ташланган.

Фиқҳга (қонунчиликка) оид масалалар шариатга асосланган бўлиши ва юстиция вазири айни вақтда қозикалон вазифасини ҳам ўташи лозим эди.

Дастурда, юқорида таъкидланганидек, мамлакат иқтисодий асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этганлиги боис, асосий диққат хонликдаги ер-сув муносабатларига қаратилган. Барча ҳайдаладиган ер майдонлари уч тоифага: вақф, мулк ва давлат ерларига бўлинган. Айни вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўдайтириш, экин майдонларини кенгайтириш ва ерни ишлашда замонавий агротехник талабларга риоя этиш каби жуда долзарб масалалар кўтарилиганд. Айниқса, сугориш ва сув тақсимотига бағишли-

ган сатрлар диққатга сазовордир. Дәхқонлар ўртасида сув тақсимотига түфри, ҳаққоний ёндашиш ва бу соҳада кучли назорат ўрнатиш лозимлиги күрсатилған. "Ёш бухороликлар" бу масалада дадил таклифларни ҳам майдонга ташланғанлар. Улар сув танқислигини бартараф этиш учун Амударё сувидан хонликдаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда фойдаланиш масаласини кўтариб чиққанлар. Янги суғориладиган ерларни эса нотўғри сиёsat оқибатида ўз ерларидан жудо бўлган дәхқонлар ўртасида тақсимлаш масаласини кўтарғанлар. Айни вақтда лойиҳада маҳсус қишлоқ хўжалик банки ташкил қилиниши ва у орқали дәхқонларга маълум даражада молиявий ёрдам кўрсатиб бориш ҳам таклиф қилингандар. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш масаласига ҳам эътибор берилган.

Жадидлар томонидан амирликда солиқ тизимини тартибга солиш ислоҳотларини таклиф этилиши ҳам диққатга сазовор, чунки асрлар мобайнида давом этиб келаётган бу соҳадаги ўрта аср тартиблари эндиликда ўз моҳиятини йўқотган эди. Бошқа масалалар сингари солиқ соҳасидаги мавжуд тартиб-қоидалар давлатга наф келтирмас, чунки жамланған солиқлардан олингандар даромаднинг асосий қисми, лойиҳада таъкидланганидек, айрим шахсларнинг "кенг ва тубсиз" чўнтакларига тушар эди.

Дастурда таълим соҳасидаги ислоҳотга маҳсус эътибор қаратилған. "Ёш бухороликлар" мачитлар қошидаги эскича усулдаги мактаблар ўрнига янги усулдаги, яъни Европа типидаги мактабларга диққатни жалб этадилар. Шу мақсадда улар фанлар ривожи ва янги усул мактаблари барпо этиш учун вақфлардаги иқтисодий омиллардан кенг фойдаланиш фикрини илгари сурадилар. Шунинг учун вақф институтларини қайта куриш ва улардан кенг фойдаланишнинг турли имкониятларини таклиф этадилар. Дастурда, шунингдек, ўша даврдаги Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш йўлидаги яна бошқа бир қатор муҳим масалаларга ҳам кенг тўхтаб ўтилган.

"Ёш бухороликлар" эълон қилған ушбу ислоҳотлар лойиҳаси ўзбек тилида битилған бўлиб, улар бу билан барча

муҳим сиёсий ҳужжатлар давлат тилида бўлиши масаласида ҳам катта қадам ташладилар. Ваҳоланки, шунгача Бухоро амирлигидаги асосий расмий қофозлар (масалан, қозихоналар ҳужжатлари) ўрта асрлардан қолган удумга мувофиқ фақат тор доирадаги (мадраса кўрган) кишилар тушуниши мумкин бўлган форс тилида бажариб келинарди. Шу жиҳатдан қараганда, бу ҳужжат жадидчилик ҳаракатининг улкан ижобий воқеалик эканлигини кўрсатувчи яна бир муҳим далил сифатида ҳам эъзозлидир.

"Бухорода ислоҳот лойиҳаси", табиийки, ўз-ўзидан ва фақат шу ерда вужудга келган сиёсий ҳужжат эмас, албатта. "Ёш бухороликлар" ҳаракати ва уларнинг ислоҳот дастури ўша даврдаги чет эл шарқидаги кўтарилишлар билан чамбарчас боғлиқ равишда ривожланди. Маълумки "Ёш бухороликлар" ҳаракати ўз фаолиятининг бошиданоқ "Ёш турклар" йўлидан борди. Унинг раҳбарлари "Ёш афғонлар" ҳаракати намояндалари, Эрон ва Ҳиндистон инқилобий ҳаракатлари бошлиқлари билан яқин алоқада бўлганлар. Шунинг учун ҳам лойиҳа мазмунида ўша йиллари кўтарилиган инқилобий ҳаракатлар жўш урган Шарқ мамлакатлари, айниқса, Туркиядаги "Ёш турклар ҳаракати" таъсири маълум тарзда ўз аксни топган. Демак, у Шарқ мамлакатлари халқларнинг эрк ва озодлик учун курашда узвий алоқада бўлганликлари, эзгулик сари интилишда бир-бирлари билан ҳамдамлашганликларига гувоҳлик берувчи муждадир.

Барча камчиликларига қарамай, ушбу дастур, аввало, ўзининг сиёсий талаблари билан нафақат ўша давр Бухоро амирлигига, балки Ўрта Осиёning бошқа қисмларига ҳам хос бўлган ҳаётий, энг асосий муаммоларни ўзида акс эттириди ва бутун жаҳонга баралла эълон қилди. Айни вақтда ана шу муаммолар ечими сари ҳам дадил фикр-таклифларини майдонга ташлади. Шунинг учун ишонч билан айтиш мумкинки, бу дастур умуминсоний қадриятлар томон ташланган мўҳим қадам эди. "Ёш бухороликлар" жуда оғир шароитда бундай сиёсий ҳужжатни тайёрлай олдилар ва уни халққа етказдилар.

Тўғри, бу ҳужжатдаги ислоҳотлар ўз вақтида амалга оширилмади. У эълон қилингандан кейин Бухорода рўй берган қонли воқеалар бунга монелик қилди. "Ёш бухороликлар"

ҳаракати маълум сабабларга кўра ўз сиёсий йўналишини ўзгартириди. Натижада ушбу ҳужжат ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилмасдан, тарих қатларида қолиб кетди. Аммо у нафақат жадидчилик ҳаракатининг яқин тарихимиздаги улкан аҳамиятини кўрсатувчи далил сифатида эмас, балки кўп минг йиллик давлатчилик тарихимизнинг навбатдаги тараққиёт босқичи ҳақидаги муҳим қарашларни ўзида мужассамлаштирувчи ҳужжат сифатида бизгача етиб келди. Уни ҳар томонлама ўрганиш тарихчиларимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Биз Бухорода ислоҳот лойиҳасининг тўла матнини босмага тайёрладик ва зарурий изоҳлар билан таъминладик. Ўйлаймизки, бу тарихий ҳужжатнинг чоп этилиши нафақат "Ёш бухороликлар", балки умуман XX аср бошларида қўпгина Шарқ давлатларида кенг қулоч ёзган инқилобий ҳаракатни ўрганишда ҳам муҳим қадам бўлади.

"Бухоро ислоҳот лойиҳаси"

Бухородаги бутун экин ерлар уч турли бўлсун:

1. Вақф ерлари.
2. Мулки хур ерлари.
3. Мулки хирож ерлари.

Амлек мулки хирож ерларининг барчаси "Хирож ерлари" бўлсун. Бухорода мулки хур ерлар қанча бўлса, ўз ҳолинда қолсун. Вақф ерлари учун ойри бир идора очилсун. Мулки хирож бўлғон ерларининг сони дафтарға ўткорилсун. Ҳар таноби учун икки ё уч сўм солиг солинсун. Ҳар вилоят беш-үн оқсоқолликға ойрилиб, ҳар оқсоқолликға инсофли, онгли бир оқсоқол сачилсун. Ҳар оқсоқол ўз кўл // остиндаги ерларнинг сонини соқлоғучи дафттар соқлюсун. Йил бошинда солуғларни шу дафттар юзиндан беклиға яна дафттар юзинин тобшурсин. Беклар яна дафттар юзинини ўз ҳисобларини ҳукумат ҳазинасиға ўткорсунлар. Солуғ бермак учун экингон ва экинмоғон ерларнинг фарқи қолмасун. Масалан, бир кишининг тўрт таноб ери бор. Шу киши тўрт таноб ери учун йилда икки сўмдан саккиз, ё уч сўмдан ўн икки сўм берсун. Ерни экса ҳам берсун, экмаса ҳам берсун. Ҳозирда экинмагон ердан ҳеч нарса олинмайдур. Лекин бу иш заарлидур. Кўп кишилар солуғдан

Кутулмоқ ичун ерларни экмайлар, күп ерлар маййита бўлуб қоладур, лекин иш // биз ойтгондек бўлса, солуғ бергон кишилар солуғ бергандан кейин ерларимизни нечун экмой қўёлук, деб бутун ерларини экорлар.

Аммо "лалми" ерлар бу қонундан ташқарисидур. Лалми ерларида экилган чоҳда солуғ олиниб, экилмагонда олинмас, ва ҳам унларнинг солуғлари танобдан ўлмойуб, масалан, бир ботмон тухум экилатурғон ердан белгулук бир оқча олинур ва ҳам унларнинг солуғлари мулки хирож солуғларидан оз ва енгилроқ бўлур.

Чўп-моли ускуна-пули денилган солуғлар бутун кўторулсан.

Экинларимиз кифсон, от-еми ва бунго ўхшаш турлутурлу толонлардан қутулсунлар.

"Сув" ишлари ҳам яхши ва тўғри бир йўлга кирсун. Мироблар сувни ҳар кимга сота олмасунлар. // Ҳар кимнинг // сув ҳақи белгулук бўлсан. Ҳар ким ўз улушини олсан.

Ҳашар тўғрисида "кўтара боқий" таомили битирулсан. Подшоҳлик ерлар, боғлар, иморатлар хидмати учун ҳашарчи чақиролмасун, балки ёлғуз сув ишлари учун чақириулсан. Ҳашар устиндаги маъмурларнинг харжи хукуматдан бўлсан. Ҳашарчилардан "харожат-пули" деб оқча олинмасун ва "кўтара боқий" манъ қилинсан. Ҳашарда келмогон кишилардан, келмогон учун жазойи нақди олинсан.

Сўнгра Бухорода сув озлиги масъаласи бордур. Мунго бир чора орамоқ керак. Билғулукдирки, Бухоро хонлигининг суви Самарқанддан келадур. Илгари замонларда Самарқанд сувининг учдан икки улуши Бухороға келар экан. Самарқанд вилояти Русия хукуматига киргоч, мамлакат тараққий қилди, обод бўлди // экин ерлари кўпайди. Сўнг учдан бири Самарқандға озлик қилди. Ёрмини соқладилар. Ёрмини ҳам куч билон бизга бердилар. Бу кунларда ёрмиси ҳам азлиқ қилди. Уни ҳам бермадилар. Бухоро хукумати кўп оқчалар сарф қилиб, куч билон Самарқанд сувининг юздин йигирмасини ола билди. Бухоро сувининг озлиқиға биринчи сабаб шудир. Лекин бу ҳам мундой қолмас. Самарқанд вилояти кундан-кун обод бўлур, экин ерлари кўпаюр, иҳтимолки, яна сувлари озлик қилур. Ул вақт юздан йигирма-

сими ҳам бизга бермослар. Ул чоғда ишимиз күчлошур. Экин ерларимиз сувсиз қолур. Бунинг йўлларини охтормак хукуматга фарзdir.

Бунинг чораси Зарафшондан бошқа бирон дарёдан сув келтирмақдир. Ҳазинадан оқча берилсун. Ому дарёдан Бухороға сув йўли очилсун. Бухоро сувсизлик балосидан кутқарулсун. // Экин ишлари учун керак бўлғон хидматлар мундан бошқа ҳам кўпдир. Мамлакатимиздаги фойдахўрлик одати манҳусаси деҳқонларимизнинг хароб қилдири барчасига билғулукдир. Экинчиларимизни шу балодан ҳам кутқармоқ керакдир. Экинчиларимизни судхўрлар балосидан кутқармоқ судхўрларни ёлғузгина манъ этмоқ билон бўлmas. Экинчиларимизға керак бўлатурғон оқчани топиб бермоқ керакдур. Андин сўнг судхўрликни манъ этмақ мумкиндири. Бунинг учун Бухорода бир зироат бонки очилсун. Вилоятларнинг ҳар биринда шул зироат бонкининг бир шўйбаси бир кўли бўлсун. Йилда икки-уч сўм ижара билон ҳар деҳқонға экин ишлари учун керак бўлатурғон ақчани бера бошласун. Деҳқонларимиз керак бўлғон ақчани шундан ола берсун. Мана андин сўнг ҳиндулар // ва судхўрлар мусулмонларнинг фойдахўрликлари манъ қилинсун. Бунлардан бошқа яна иш кўпдир.

Биламизки, ош пишурмак, юқ тортмоқ, йўл юрмак, кийим тикмак ичун мошиналар чиқди. Шул мошиналар билон ул ишлар кўп қулой ва енгил бўлиб қолди. Шунинг каби ерлар ҳойдомак, уруғ сепмак, хирман ёнчмак каби экин ишлари ичун ҳам мошиналар чиқғон, шул ишларини қулойлошдирғондир. Шул мошиналардан Бухороға келтурулсун, деҳқонларимизга пойлоб берулсун. Ва бу мошинларни ишлотолмағон экинчиларимизға ишлатғу йўлларин ўргатилсун. Ҳокимлар, амлакдорлар, фойдахўрлар жафосидан ериндан, уйиндан ойрилиб ўромларда, кўчаларда тушуб қолғон ерсиз, уйсиз деҳқонларимиз кўпдир. Зулм шумлиғи билон // майїта бўлуб, эгосиз қолғон ерларимиз ҳам кўпдур.

Яна Ому дарёдан Бухороға сув келтурғонда, сув йўлининг икки ёниндан кўп ерлар қобили зироат бўлур. Мана шул ерларни хукуматимиз ерсиз фуқаросига берсун, экин ишларини кўтарувға керак бўлғон оқчани фойдасиз берсун. Бунлар у ерларни эксунлар, қолдиқлари ҳосилдан бир бўла-

гини хукуматдан олдиқлари буржга берсунлар, бошқасини ўзлари ичун соқлосунлар. Бурж биткондан кейин, ер ўзлариники бўлсун, хукуматга кўп қатори солуғ берсунлар.

Мамлакатимизнинг ҳар яқинда экинчилик мактаблари очилсун. Халқга экинчилик илмлари ўрготилсун. Мамлакатимизни бу хароблиқлардан қутқармоқ йўли шудир. Мунча ишни ёлғузгина бир қушбеги бажаролмайдур. Бухоро хукумати шу ишлари ичун бир экинчилик вазирлиғи очилсун. Онгли, билимли бир киши экинчилик вазири бўлсун. Мана шул ишларни шу экинчилик вазири кўрсун.

Вақф ерлари

Юқорида вақф ерлари ичун ойри бир идора очилсун дегон эдук. Илм йўлинда таъин қилинғон вақф ерлари билан Бухоро ўлкаси бутун ўлколардан устундир. Вақфларимиз йўлинда қўюлиб, еринда сарф қилинғонда Бухоро ўлкаси илм ва маориф юзиндан Оврўпанинг буйук шаҳарларидан ортуқроқ тараққий қилур. Лекин эссеизки, ҳозирда бузғун, тузуксиз, исрофли ишларимизнинг котаси вақфлар ишларидир. Вақфларимиз мутаваллилар, ижородорлар қўлинда турадир. Орамизда билмогон йўқдирки, // ҳозир Бухорода ижородорликдан биょқроқ ва ўсифлироқ бир касб йўқдир. Очик ва қисқа қилиб дегонда вақфларимиздан йилида ёрмиси шул ижорадор ва мутаваллиларнинг қобчиқлариға кириб кетадур, мунинг ислоҳини ўйломак ҳар бир ҳаймийятли мусулмон ичун фарздир.

Бухорода вақфлар вазирлиғи очилсун. Онгли, билимли бир киши вақфлар вазири бўлсун, бутун вақф ишлари шунго тобширулсун. Бу кунго хукумат ҳазинасиға киргон мөъздалар, ботил бўлғон кутубхоналар, таҳоратхоналар, ошхоналарнинг вақфлари қойтарилсун. Вақфлар вазири шул вақфларни шариат юзиндин тартибга солиб шаърий ерларинда сарф қилсун. Вақфлар ҳазинаси очилсун. Бутун вақф оқчаларини ўзи териб олиб ҳазинасиға тўплосун. Шул оқчалар билон тижорат қилсун, // буюк ишлар очсун. қилғон пайдосиндан мактаб, мадраса, масжидларни таъмир этсун, янғидан мактаб, мадраса солсун, кутубхона, етимхона, факирлар ичун касалхона, ошхона очсун. Йилида бир йўла

хисобларини кўлиндаги дафтар юзасидан очиқ қилиб халқ-ға кўрсotсун. Жорий вақфлар ҳам шул вазирнинг назоратинда бўлсун. Вақфлар вазири бу вақфларни мутавалли ва ижорадорлар яғмосидан муҳофаза этсун, одилона бир суратда деҳқонларнинг ўзларига ижора билон тобшурсун. Жорий вақфлар елирини шарти вақиф бўйинча масрифиға сарф қилсун. Вақф ерларидан ҳам бошқа, вақф дўконлар, вақф уйлар шунга тобшурулсун.

Аскарлик

Эски Русия ҳукумати билон аромиздаги мушоҳадага кўра, Бухоро ҳукумати ўн икки минг аскар туторға эркли // эди. Аммо ҳозирда Бухоро аскари тўрт-беш мингдан ортиқ эмасдир. Бухоро ҳукумати шул мушоҳададан фойдаланиб бу кунгочча аскарини орттура била эди. Лекин иш бошинда турфувчиларимиз муни тушунмайдилар. Энди эса шул мушоҳададан фойдаланиб Бухоро ҳукумати ўз кўшинини ўн икки мингга чиқорсун. Лекин одамларни туҳмат билон, бўхтон билон аскарлиқға олмасун, балки аскарлик хизматини умумий қилсун. Шаҳзода ва таҳсили илм қилотурғонлардан бошқа бутун Бухоро хонлиғидаги кишилардан йигирма икки ёшиндагиларни аскарликға чоқурсун. Шундай қилғонда кўп киши йиғиладур. Дўқтиrlар тайин қилиб бунларни кўрсатсун. Касал ва маъюбларини қўйиб аролариндан териб олсун. Аскарлик муддатини икки йил қилсун. Олғон аскарини шул икки йилда машқ қилдурсун, илғорга // йиборсун, қаровул қўйсун. Икки йилдан кейин эски хизмат қилғонларни қўя берсун, ўз ишларига қойторсун, ерларинда юқорида ёздингимиз йўл билон ҳар йил яна керакли бўлғон аскарини чоқириб олсун. Бухорода ва бошқа шаҳарларда аскар ичун биюк бошли яхши гозормалар солсун, гозорма ёнида бир масжид, бир мактаб солсун. Масжид ва мактабларда имомлар, суфилар, муаллимлар таъйин этсун. Икки йил аскарлик муддатинда саводсиз аскарлар ўқуб хат ва савод чиқорсунлар, дин буйруғларини, ибодат йўлларини ўрганиб қолсунлар.

Аскарларга йилида икки йўла яхши кийимлар берулсун. Аскар устинда ўқуғон, аскарлик илмларини билғон юзбошилар қўйилсун. Мундай юзбошилар бизда албатта, йўқдир.

Мундай юзбошиларни русияли мусулмон афитсерлариндан келтурмак керакдир.// Андин кейин Бухорода бир аскарий мактаб очилсун. Муаллимлигини мусулмон афитсерларға берилсун. Бу мактабда бухоролилар болаларни киргизиб ўкута берсак оз вақтда ўкугон юзбошилар ўзимизда етишиб қолир. Аскар ичун дўқтурлар, касалхоналар, дорихоналар, қоравулиқ ерлар, қаровулхоналар керакдир.

Сувоний аскар ичун от емишлари даҳи ҳукумат тарафиндин берилсун. Аскарнинг эрта, кундуз, оқшом емакларини ҳукумат берсун. Мундан бошқа "чой пули" дебон ойда бир оз оқча дахи берилсун. Шунлар ва шунлар каби бутун қўшин ишларини кўриб турмак ичун бир қўшун вазирлиғи очилсун. Онгли, билимли бир киши қўшун вазири бўлсун.

Молия ишлари

Дунёда Бухоро хазинасидан бузуқ, тартибсиз // нарса йўқдир. Хазинада қойси ердан, қойси йўллар билон оқча келадур? Қойси йўллор билон чиқадир, кимлар ола? Нечун олалар? — Ҳеч ким билмайдир.

Хусусан, сўнг замонлара хазина ишлари кўп расво бўлуб қолди. Хазина ишларини бир низомға солмоқ керакдир. Бухорода бир "молия вазирлиғи" очилсун, бир молия вазири таъин бўлсун. Юқорида экин ерларидан олинатурғон солуғларни ёзғон эдук. Мана шунлар молия вазирининг қўлиға кирсун. Закот ишлари дахи молия вазириға тобшурулсун. Ҳар шаҳардаги закотчилар кўторулсун. Ёлғиз мамлакатнинг ҳудудинда закотчи қўйилсун. Савойим закоти дахи ислоҳ этилсун. Аминона, дохилда тижорат қилғучи бойларимиздан ҳар келтурғон моллариндан закот олинмасун, балки мамлакат ичинда тижорат қиладурғон тожирлардан бир йилда қанча тижорат қилмоқ//ларини тахмин қилиб, бир нарса закот олинсун, қўлларинда "закот хати" берилсун. Мундан бошқа бир "хазина (йи) хосса" мудири таъин бўлсун. Хазинайи хосса мудири амирга бўлатурғон харожатларни кўр(сат) сун, ҳисобини кўрсатиб молия вазиридан олаберсун. Молия вазири мамлакатдан келатурғон оқчаларни ҳисоблари билон соқлосун. Мамлакат харожатини тубонроқда ёзилатурғон йўллар билон қилиб, ҳисобини халқға билдирсун.

Дохилий ишлар

Мамлакатнинг дохилий ишларини идора этмак ичун бир "дохилия вазири" таъин бўлсун. Мамлакатни тартибли бир суратда тақсим этсун. Масалан: Бухоро хонлиги ўн қўрғонга бўлунсан. Ҳар қўрғонга бир қўрғонбеги қўюлсун. Ҳар қўрғонбегилик ўн элбегиликфа тақсим қилиниб, // ҳар биринда бир элбеги қўюлсун. Ҳар элбегилик ўн томонга тақсим этилиб, ҳар биринда бир тумонбеки қўюлсун. Ҳар тумонбекининг қўл остиндаги халқнинг ишини оқсоқоллар ва имомлар кўрсунлар. Кўрғонбекилар, элбегилар, тумонбекиларни дохилия вазири амирга арз айтиб, қўйдурсун. Кўрғон ва тумонларда пулис мудирларини, миршабларни ҳам дохилия вазири таъин этсун. Оқсоқолларни тумонбеки халқнинг сайлови билан қўйсунлар. Дохилия вазири қўрғонбеки, элбеги, тумонбекилардан биронтаси шаръий мурофаларга қотношмосунлар. Ёлғуз шаръий маҳкамалардан чиқғон ҳукмларни юрутмақ бунларни иши бўлсун, ҳукумат бўйруғларини дохилия нозири қўрғонбекиларга, унлар элбегиларга, унлар тумонбекиларга, унлар соқолларга ойтиб, халқга билдурсунлар. //

Шаръий маҳкамалар

Бухорода фақия — шаръий қонунларни билотурғон бир кимса вазир мақоми билан қози калон бўлсун. Қози калоннинг расмий оти "адлия вазири" бўлсун. Адлия вазири мурофаа сўрамасун. Бухоро шаҳрига икки ё уч қози бўлсун, мурофаа сўрмак шунларнинг иши бўлсун. Кўрғонлар, элбегилар, тумонларга қози таъин қилмоқ шул адлия вазирнинг иши бўлсун. Ҳар қозининг ёнида икки муфтидан иборат бир маҳкамайи шаръийя бўлсун. Халқнинг бутун даъво жанжаллари шул маҳкамада сўралсун. Шаръий маҳкаманинг устинда бир "истиноф" маҳкамаси очилсун. Мунинг аъзоси бир аълам ва бир муфти бўлсун. Муддаий ва мудаъий алийдан биронтаси шаръий маҳкаманинг ҳукминдан рози бўлмағонда шул истиноф маҳкамасига арза берсунлар //. Истиноф маҳкамаси унинг даъвосини қайто бошдан сўрсун.

Қозилар, адлия вазири хазинадан ойлуқ олсунлар. Хизматчиларға ойлик берсунлар. Қозилар йигирма-ўттиз мулозим сақламасунлар. Киши [ларни] маҳкамага чақирғонда мактуб билан, яъни "изҳор-хати" билан чақирсунлар. Васиқалардан, пушти мазҳардан ва бошқа қозихона хатларининг ҳар бири учун белгулик бир оз оқча олсунлар. Лекин бу оқчадан бир пул олмай, хиёнат қилмай ҳисоблари билан ҳукумат хазинасига топшурсунлар.

Забтия ишлари

Бухоронинг миршаби дахи вазирлиқ мартабасини олсун. Унвони "забтия" вазири бўлсун. Шаҳарга полислар чиқормоқ, тинчлиқни соқломоқ бунинг иши бўлсун.

Йўллар ва маъданлар

Йўлларни тузатмоқ, мамлакатнинг ҳар ёнига офтому бил // ва темур йўлларни очдирмоқ, мамлакатдаги темур, олтун, ер ёғи, тошкўмир ва бошқа маъданларни очдуруб ишлатмоқ учун бир йўллар ва маъданлар вазири бўлсун.

Хорижий ишлар

Русия давлати ва бошқа давлатлар билон бўлатурғон муносабот ва ишларимизни кўрмак ичун "хорижия" вазири бўлсун. Шул хорижия вазири бутун вазирларнинг биюки, раиси бўлсун.

Маориф ишлари

Халқни ўқитмак ичун мамлакатнинг ҳар еринда хазина оқчасидан ибтидоий, олий мақтаблар очмақ, мақтабларға муаллимлар қўймақ, мақтабларнинг прогромларини тафтиш этмак, холоса, бутун хазина тарафиндан очилатурғон мактаблар ишларини кўрмак ичун бир "маориф вазири" бўлсун. // Маориф, вақф вазирларини қўл остиналариндаги мактаблардан бошқа ҳар ким истаса мактаб оча билсун ва ҳеч ким манъ эта олмасун. Бу мактаб ва мадрасалардан "икмоли таҳ-

сил" этуб чиқотурғон зотларға маориф вазири ҳайъати таълимийя иштирокийла лаёқатларига кўра шаҳодатнома берсун. Масалан, имомлик, муаллимлиқ, мударрислик, муфтилик, қозиларға лойик эконлиқлари шул шаҳодатномадан билгулик бўлсун.

Вазирлик мажлиси

Сойдигимиз вазирлар ўн вазир бўлди: зироат вазири, вақфлар вазири, қўшин вазири, молия вазири, доҳилия вазири, адлия вазири, забтия вазири, йўллар ва маъданлар вазири, маориф вазири ва бош вазир бўлғон хорижия вазири. Шул вазирлардан ҳар бирининг ёниндан ўзимиздан мутахассис кишилар етишгунча ўқуғон ва маданий// мусулмонлардан бир кенгошли келтурулсин. Мана шу ўн вазирнинг барчасига бирдан "вазирлар тўдаси" деёлуқ. Шул вазирлар тўдаси кенгаши мажлисли тузуб ўз ишларини кенгашиб қарор бериб қилсунлар. Бирон вазир вазирлар тўдасининг қарор ва иттифоқдан тишқори иш қилмосун, вазирлар билон иттифоқ қилиб иш кўрсун. Иттифоқ этолмаса вазирликни тошлосун. Бош вазир унинг еринда бошқа бирисини кўрсатиб амирдан ярлигини олиб берсун.

Баладий мажлислари

Ҳар шаҳарнинг кўчалари, йўллари, нарх ва наволарини кўруб турмак ичун халқнинг сайлови билан сойлонғон вакиллардан иборат балади мажлислари очилсун.

Тергов этмак ишлари

Эмди бу ишларни ўз қўлларида олғон вазирларни тергов этиб//турмак керакдир. Бунларнинг хато йўллардан соқломоқ, хиёнатдан манъ этмак керакдир. Бу тергов ишлари ичун мамлакатда икки куч (куvvat) бўлсун: бириси хусусий, бириси умумий. Хусусий куч йигирма кишилик бир тергов мажлиси бўлсун. Бул йигирма кишидан ўнтасини иш билатурғон ҳукуқшунос русийя ва кафкосия мусулмонлариндан ерли жамъиятларнинг кўрсатишлари бўйича кел-

турсынлар. Қолғон ўн киши Бухоро ҳукумати Бухородаги зиёли, аҳволи замондан воқиф зотлардан таъин этсун. Ҳар бир вазир қўл остиндаги ишлар ичун олдойдаги йилда қонча харожат қиласа ва қилғон бўлса шу харожатни ерлари билон очуқ ёзсун. Вазирлар тўдаси мажлисига келиб кўрсotсун. Кенгошиб қарор бергондин кейин бош вазир билон шу ҳисобини кўрсotгон вазир шул ҳисобда қўл қўюб тергов мажлисига келтурсунлар. Тергов мажлиси музокара қилиб тас-ҳиҳ ё қабул этгондан сўнг амирга қўл қўйдуруб олсунлар. Сўнгра шул вазир ҳисобдаги оқчани молия вазириндан олиб, харожат қиласун.

Иккинчи куч, умумий кучдир. Бу — ҳалқ кучидир, матбуотдир, ғазеталардур. Бухорода ҳар ким истаса ғазета чиқора билсун, ҳар ким истаса китоблар ёзиб торқота билсун. Мана шул ғазета ва китоб чиқотурғонлар ҳукуматнинг, вазирларнинг яхши ишларини, ямон ишларини, тўғриларини, хатоларини, хиёнатларини ҳеч кимдан кўрқомсдан очиқ қилиб ёзиб турсунларки, ҳам ҳалқ ва ҳам тергов мажлиси вазирларнинг ишларини онглоб турсунлар. Тамом. 1336 ҳ. [1917—1918 милодий].

МУНДАРИЖА

Ўтмиш тарихимиз жонкуяри (<i>M. Сатторов</i>)	3
Биринчи қисм	
Биринчи бўлим. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳар ва тарихий обидалари	8
Иккинчи бўлим. Ҳунармандчilikning сержило қирралари	47
Учинчи бўлим. Тарихимиздаги улуг сиймолар ва илм-фан ривожи.....	68
Тўртинчи бўлим. Ёзма мерос — бебаҳо хазина	94
Бешинчи бўлим. Санъат ва удумлар тарихига бир назар	122

Иккинчи қисм

Биринчи бўлим. Исломий маърифат ва тарихий обидалар.....	138
Иккинчи бўлим. Бекликлар — амирлик тарихи кўзгуси.....	167
Учинчи бўлим. Аҳмад Дониш маёғидан ёш бухороликлар ислоҳотларигача	202

Тарихий-публицистик нашр

**Рашид Бойтуллаев,
Гулсара Остонова**

МОЗИЙ ДАФТАРИДАН САҲИФАЛАР

Ахборотлар, тадқиқотлар, мақолалар

Муҳаррир: З. Ҳакимова

Бадиий муҳаррир Ҳ. Мөҳмонав

Мусаввир: Ҳ. Кутлуқов

Техн. муҳаррир У. Ким

Мусаҳҳиҳлар: Г. Азизова, Н. Умарова

Компьютерда саҳифаловчи: Ф. Чанишева

Нашр. лиц. АI №158, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 20.07. 2010.

Бичими 84×108 1/₃₂, Times UZ гарнитураси. Офсет босма
усулида босилди. Шартли б.т. 12,18. Нашр табоби 12,56.

Адади 2000 нусха. Буюртма №10-228.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.